

ОЛИМЖОН ҲАЙИТ

АРОСАТЛАР ОРОЛИ

(Биографик роман)



Тошкент
2012



УДК: 821.512.133-3

ББК: 84 (5Ўзб)7 - Чуб. араб.
Х - 58

ҲАЙИТ Олимжон. Аросатлар ороли. /Биографик роман. – Т.: «Янги аср авлоди», 2012. – 312 б.

ISBN 998-9943-08-861-0

Инсон умри давомида синовларга маҳкум. Олаётган ҳар бир нафасимиз тақдир измида экан, бажараётган ишимиз, зришаётган ютуғу, мағлубиятимизни мұхокама қилишнинг ҳожати йўқ. Аммо... «Харакатда баракат» деган ҳикматли сўздаги ҳақиқат ҳар биримизни скергаклантириши лозим, назаримизда.

Асар қаҳрамони Қодиржоннинг бошидан кечирғанлари фақат тақдир ҳукми эмас, балки характер ва ҳаракат уйғунлигининг самараси ҳамdir.

Ижодкорнинг мазкур асари биографик романлиги билан ҳам азиз китобхонларимиз эътиборига тутишига умидвормиз.

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84 (5Ўзб)7

40557
10
2

ISBN 998-9943-08-861-0

Олимжон Ҳайит. «Аросатлар ороли». (Биографик роман).
Adishor Naxodi bil.

2012/105

A 12158

nomidagi

O'zbekiston MK

МУНДАРИЖА

Одам төмүрдан-да қаттиқ экан. Кечаги ҳақоратлар, Шарифаның шанғыллашлари, үз үйимдан шармандаларча ҳайдалишим, үйимда бегона әркакнинг керилеб үтириши-ю, менга масхараомуз назар ташлаши хийла унут бўлгандек эди. Айниқса, икки ёни бедазор, сўлим қишлоқни кўришим билан вуждумга ишиқлик югурди.

ТОПТАЛГАН ФУРУР 4

Мана, бугун яна бир марта алдандим. Аслида бу алданиши-ми, тақдирми, ёки қора қисматми, билмайман. Биламан, Наргизада заррача гуноҳ йўқ. Ҳойнаҳой, ҳасталигини билгани учун чимилдиқ кўришини орзулагандир. Ҳа, у мени яхши кўради. Бир ойдан бери жуда тотув яшадик. Бир-биримизга шунчалар ўрганиб, суюниб қолдикки, ҳар сонияда қалбимиз согинч, ҳижронни ҳис этиб туради. Лекин... Үнинг касали оғирлашди. Оҳ-войларига ҷидай олмаяпман. Гўёки ҳаммасига мен айбдордек ўзимни чавақлаб ташлагим келаяпти, бувижон! Илми-амал деганлари шунчалик ёвқурми? Нимага келиб-келиб бизнинг баҳтимизга рахна солади? Нима қилай? Жуфтимни бу чангальдан қандай қутқарай?..

ОМОНАТ БАХТ 150

Эрта тонгда үйгонгач, сўнгги нон бўлаклари билан чой ичдик. Иш йўқ. Иккаلامиз ҳам үйдамиз. Кайфиятимиз тушкун. • Кайфият бўлмагач, одамнинг сұхбати ҳам қовушмай қоларкан. Мен-ку, бўларим бўлиб аламимни синиқ курсидан олмоқда эдим. Нуқул курсини тақиллатар, шу йўл билан ўзимни чалгитишга уринардим. Сусаннанинг қаршисида шу қадар хижолат торта бошлиған эдимки, гарчи жуфтни ҳалолим эканини билсам-да, унга қўйл теккизишга, ширин сўзлашга ҳақсиздек үтирган еримдан кўз ташлаш билангина кифояланардим...

ҚАЙТАР ДУНЁ 237

ТОПТАЛГАН ФУРУР

Куз қелиши билан япроқларидан айрилиб, мен каби бошлари эгилган даражаларга боқарканман, вужудим титраб, аламларим баттар жунбишга кела бошларди. Ер билан битта бўлган сарғиш хазонлар етимлиқда ўтган умримни ёдга солиб, асабий лаб тишлардим. Автобуснинг беланчак каби бир маромда тебранишига ҳам эътибор бермасдим. Хаёлан ўгай отам Нурмат қоранинг совуқ нигоҳи, онам Жамила опанинг бир четда мунғайибгина туришини тасаввур этардим.

— Сира ишонгим келмайди, — ўйлардим ўзимча озғин гавдамни автобус суюнчиғига ташлаб. — Нега Нурмат қора дафъатан мени ўз ҳовлисида уйлантиришга рози бўлди? Шу кунгача мени кўришга кўзи, отишга ўқи бўлмаган одам нима учун бирдан бундай қарорга келди? Ким билсин, балки онам йифи-сири қиласверган бўлса, юмшагандир! Бувим, бобом-чи? Улар мени гўдаклигимдан катта қилишган. Ўқитишган, армияга кузатишган, кутиб олишган... Улар нега изн беришди?..

Эҳ, тогам Норматнинг аҳмоқлиги ҳаммасини чалкаштириб юборди-да!.. У мени ҳайдаб солмаганда, бувижонимнинг ниятлари бир дунё эди. Каттакон тўй қилиб ўзи уйлантирмоқчи, орзу-ҳавас кўрмоқчи эди.

Афсус... Болалагимда тирик етим бўлганим етмай, улрайтанимдан кейин ҳам бошимдан қийинчилик, азоб аримаяпти. Ҳеч қаерга сиғмайман. Қаерга бормай, турбат ҳукм суради... Шундай экан, нимага ўгай отам бундай қарорга келгани қизиқ. Уйланганимдаям, у бегона ҳовлида қандай яшайман? Бир умр Нурмат

қорага ёқмай келган бўлсам. Мени кўрди дегунча қовоғидан қор ёғиладиган одам тўйдан кейин мен билан қандай муносабат юритади?..

Уф-ф... Бошим ғовлаб кетяпти. Ўйлаб ўйимнинг охирiga етолмаяпман. Майли, пешонамга ёзилгани-да! Шу кунгача не кунларни кўрмадим. Буёғига нимадан кўрқай?!.

Тушга яқин автобусдан тушиб, йўловчи машина билан Хонбува маҳалласига — бувим Жаннат момо, бобом Шавкат оталар яшайдиган кўримсизгина кесак-деворли ҳовлигача етиб олдим.

Ана, тахта эшикли қадрдон ҳовли. Бир йил олдин шу уйдан тоғам Нормат тракторчи мени итдек қувиб солганди. Ҳовли бир йилда ҳам ўзгармабди. Ҳатто деворнинг кулаб тушган кесаклари ўрнини тўлдириб қўйишмабди. Демак, тоғам ҳануз ичкиликни ташламаган.

— Ярамас! — эшитилар-эшитилмас сўкиндим. — Тоға эмиш! Сен кўрсатган қора кунларни унтармидим?! Бувижоним, бобом бўлмаса, бу уйга қадам босармидим. Нима қиласай? Уларни соғинганман. Ҳар куни тушларимда кўраман...

Мен эҳтиёткорлик билан тахта эшиқдан ичкарига мўраладим. Хайрият, кеннойим, тоғам кўринмади. Бувим Жаннат хола астойдил пахта саварди.

Сал енгил тортгандек, ҳовлига қадам кўйдим.

* * *

— Вой, знанг ўргилсин, келдингми? — саксонни қоралаб қолаёзган бувижоним қўлидаги савағични ерга улоқтирди-да, базур ўрнидан қўзғалиб мени бағрига олди. Кўзларида шу заҳоти ёш филтиллади. — Қайларда юрибсан-а, болам!?. Ҳар куни йўлингга кўз тикаман. Бобонг ҳам қур-қур сўрайди... Соғ-омонмисан, ишқилиб?

— Эна, касал мендан кўрқади, — дедим кулиб. — Ишлаб, тирикчилигимни қилиб юрибман-да! Бошқа нимаям қила олардим?

— Тогангни анави яшшамагур кеннойинг йўлдан урди-да! — шивирлади бувим атрофга аланглаб. — Бўлмаса, иккаланг бирга катта бўлдиларинг. Шундай ёвлашиб қоласанлар деб ким ўйлабди?!

— Майли, кўяверинг, — бувимни юпатдим. — Худо бор-ку! Мен унтиб юборганман.

— Менга қара, болам, анчага келдингми? Вой, эсим қурсин, нималар деяпман ўзим? Онанг чақиртирганди-ку сени!.. Қарилик-да, болажоним, қарилик! Юр, сенга бир нарсалар кўрсатаман!

Бувим мени ичкарига етаклаб кирди-да, сандикдан бир нечта бўхчани олиб шолча устига ташлади.

— Мана шуларнинг ҳаммасини тўйингга деб йиққандим, — деди бувим. — Нима қиласай? Бобонг иккавимиз қариб қолдик. Кулоқсиз тогангга кучимиз етмайди. Худо ярлақасин, Нурматвой инсофга келиб онангнинг гапига рози бўлиби.

— Эна, униқида қандай яшайман? — дея сўрадим норози оҳангда. — Ахир, уни ёқтираслигимни биласиз-ку! Қандай қилиб ўша одамминан бир эшиқдан кириб-чиқаман?

— Онангга раҳминг келсин, болам! — уқтириди бувим. — Шўрлик Жамилам адойи тамом бўлди. Сени кўз олдида уйлантирмоқчи. «Шундай қилсан, эримнинг олдида тилим узун бўларди» деб ҳоли жонимга кўймади. Майли-да, барибир туққан онанг.

— Мен у ҳовлида яшай олмайман, — дедим қатъийлик билан. — Эсингиздами, болалигимда борсам, Нурмат қора нуқул менга ўқрайгани ўқрайган эди?

— Кўй, ўша гапларни каллангдан чиқар! — деди бувим елкамга қоқиб. — У замонлар ўтиб кетди. Ўгай стонгга инсоф кирган. Ҳаммаси яхши бўлади. Худо хоҳласа, тўйинг куни ўзим ўртага чиқиб дуо қиласман. Юр, аччиққина мастава қилиб кўйгандим. Икковлашиб ичайлик. Ҳали замон бобонг ҳам кеп қолади. Таъзияга кетганди.

Мен бувижонимнинг елкасидан қучганча ташқариға йўл олдим.

— Пешонагинанг қурсин, болам, — бувим оғир хұрсинганча чойни шопира-шопира, құлидаги пиёлани дастурхон устига қўйиб менга маъюс тикилди. — Отанг құрмажур бўлимли бўлса, шу кунлар бошингда йўғиди. Ана, отасидан қолган бор-роғларгача сотиб битирди. Энди ўзи кўчада қолди.

— Э, ўша одамни эслатманг, эна, — дедим зарда аралаш. — Болалигимда унинг келишини қанчалар орзиқиб кутардим. «Дадам менга у нарса опкелади, бу нарсани қўлимга тутқазади» деган орзулар билан кечалари ухламай чиқардим. У-чи? Бир дона хўроз-қанд тутқазишгаям ярамасди. Энажон, барибир сизни, бобомни яхши кўраман. Сизлар бўлмасангиз, қай кўчаларда тентираб умр кечирардим. Менга сизлардан бошқа ҳеч ким керак эмас.

— Ундей дема, — сўзимни бўлди бувим. — Бизни-ям бойлаб бергани йўқ. Қариб қолдик. Онангга суюнавер. Ахир, у сени дунёга келтирган. Майли, ўтай отангнинг гап-сўзларига чида! Онанг ҳурмати чида! Кам бўлмайсан.

— Хўп, — дедим бош эгиб. — Шу кунгача қандай қийинчилик бўлса, ҳаммасига бардош бердим-ку! Нурмат қоранинг гап-сўзлари нима бўпти... Яххиси, болалигимдаги қизиқ воқеалардан гапириб беринг, эна. Ўша пайтларни жуда соринаман.

— Ҳа, сени бобонгминан еру кўкка ишонмай катта қилдик. Беш яшарлигингда-чи, — бувим чарчади чоғи, ёстиққа ёнбошлиди-да, сўзида давом этди. — Бобонгнинг каттакон эшаги бўларди. Ўша эшакда кундузлари сигирларимизга чўлдан ўт юклаб келарди. Чўлга бормаган кунлари эшакни анави Маҳмуд биргаднинг даласи қирғоғига бойлаб келарди. Ҳар сафар кечқурун сен бобонгминан чиқиб кетардинг. Бобонг сени эркалатиб эшакка миндириб қўярди. Бир куни десанг, Мирзаёқуб қурғур ҳазиллашиб эшакни болтаминан туширибди. Эшак шаталоқ отганча югуриб кетибди.

Сен қўрқиб кетганингдан ерга сакрабсан... Роса йиғлагандинг ўшанда.

— Сиз Мирзәёкубни уришмадингизми ўшанда?

— Уришиш ҳам гап эканми? Мана шу ҳассамминан тўғри уйига кириб бордим. Тиллақўзи буванг сўрида чой ичиб ўтирган экан. Қидим тўполонни... Мирзаёкубнинг адабини Тиллақўзи буванг берди...

— Ҳа, у кунлар қайтиб келармиди, эна?!. — дедим оғир хўрсиниб. — Мана, улғайдим. Фақат... Сизлардан узоқдалигим алам қилаяпти. Чидолмай кетаяпман.

— Қўй, ундин дема, — елкамга қоқиб қўйди бувим.

— Бачқирмаҳалла қочиб кетганий ўқ. Ўзим сени тез-тез кўришга бориб тураман... Болам, овқатингни ичиб бўлдингми? Баракалла! Энди-чи, секи-ин Бачқирмаҳаллага боргин, ўғлим, — дея ўрнидан қўзғалди бувим.

— Жамила сенга кўзи тўрт бўлиб ўтиргандир. Ҳали замон бобонг келса, бизам ўтармиз. Бўла қол, тағин, тоғанг кеп қолмасин. Биласан-ку феълини!.. Ичиб келса, жанжал кўтаради...

Ҳаммасини англаб турардим. Одам кексайтагч, юраги заифлашиб, тўполон, бақир-чақирларни кўтара олмайдиган бўлиб қолади. Буни бувимнинг жавдираф аланглашларидан ҳам билиб олса бўларди.

Шоша-пиша оёғимга туфлимни илиб кўчага отилдим.

* * *

Катта йўлнинг шундоқ четидаги бу темир дарвозали уй менга уч яшарлигимдан бери таниш. Аммо сўнгги бор қайси йили келганим ёдимда йўқ. Бувимнинг айтишича, илк бор ҳовлига қадам қўйганимда, Нурмат қора менга ўқрайиб қараган-у, шундан кейин бу ҳовлидан қадамимни узган эканман.

Ўша ўқрайиш бир умр юрагимга муз каби қадалган эди. Онамни эслаганимда, дарров ўша кун ёдимга тушар, вужудим титраб, аъзойи баданимни совук тер босарди.

Ичкарига қадам қўярканман, четроқдаги томорқада Нурмат қоранинг астойдил ер чопаётганига кўзим тушди. Хўш, нима қилай? Югуриб бориб саломлашайми? Қандай қарши олади? Ўдағайлаб берса-чи? Нима бўпти? Ёш бола эмасман-ку энди! Муомаласига яраша жавоб қайтараман...

— Ҳа, келдингми? — Нурмат қора мени кўргач, қўлидаги кетмонни ерга ташлади-да, шошилмасдан мен томон юрди. — Келардинг яна бир-икки йил юриб!..

— Ассалому алайкум! — негадир овозим титраб чиқди. — О-онам уйдами?..

— Уйда бўлмай гўрда бўлармиди? — кутилганидек алик олиш ўрнига таҳдидли оҳангда жавоб қилди у. — Бор, қаққаймасдан сўрида ўтира тур. Келади онанг.

Жаҳлим чиқди. Ўгай отамнинг кўзларига совуқ тикилдим. Унинг қовоқлари уйилган, қорамтири юзи қизил тусга кириб, беўхшов мўйлови титрарди.

— Йўқ, — дердим хаёлан, — мен бунақа одам билан бир дастурхондан ош ея олмайман. Бу тахлит муносабатлари бир кунмас бир кун паймонамни тўлдиди. Барибир портгайман. Яхшиси, онамга жабр қилмай, вақт борида кета қолай!

Шундай ўйлар билан кўча томон юрдим. Дарвоза ҳатлаб ташқарига чиқиш асносида ортимга ўгирилдим.

Нурмат қора аллақачон томорқага қайтиб ер чопишига тушиб кетганди.

* * *

Бахтга қарши, ўн-ўн беш қадам юрмасимдан кўшни ҳовлилардан бирининг дарвозаси очилиб, онам чиқиб келди. Анча озиб, соchlари янада оқарибди. Хәёлимда жуссаси ҳам хийла эгилгандек туюлди.

Онам мени кўрди-ю, тақقا тўхтади. Бир муддат тикилиб тургач, тез-тез юриб келиб елкамдан олди.

— Келдингми, Қодиржон болам? — күзларидағи әшни енгига артиб бosh эгди онам. — Келмайсанми деб күркәндим... Нега уйга кирмадинг? Тинчликми?

— Кирдим, — жавоб қылдым совуққон оханғда. — Сиз йўқ экансиз. Энди маҳалламизга кетаётгандим.

— Йўқ, юр, энди ҳеч қаёққа кетмайсан! Ҳали отангминан маслаҳатлашадиган гапларимиз бор. Юрақол!

Шу тобда ғалати ҳолатда қолгандим. Қайтай десам, Нурмат қоранинг бояги муомаласи ёдимга тушиб, жиғибийрон бўлар, қайтмай десам, онамнинг кўз ёшлари тўхтай қолмасди. Нима қилай? Дунё бунчалар сирли ва мураккаб бўлмаса?.. Қай томонга эгилишни билмайсан. Қай ёниніта эгилма, жонинг оғрийверади...

Үй суришга, иккиланиб тураверишга тоқатим етмасди. Гарчи ҳаётда меҳрини туёлмаган бўлсам-да, барибир мени дунёга келтирган бу аёл онам эканини англаб турардим. Унинг хоҳишларига қарши боришга ўзимда куч топа олмасдим.

Қовоғимни уйганча ортидан эргашдим.

* * *

— Ҳа, қай гўрда санғиб юрибсан? — онам кирап кирмас ўдагайлай кетди Нурмат қора. — Қачондан бери кутаман.

— Анави... Сабриниса маслаҳатга чақирганакан, — жавоб қилди онам қўрқа-писа. — Индинга мушкул кушод ўқитмоқчийкан...

— Э, маслаҳатларингам ўлиб кетсин! — сўқинди Нурмат қора менга совуқ нигоҳ ташлаб. — Манавининг келганига бир соат бўлай деяпти.

— Хўп, отаси, ҳозир дастурхон ёзаман, — онам вазиятни юмшатиш ниятида ичкари хонага йўналди. — Овқат ҳам тайёр бўп қолгандир. Ота-бала еб оласизлар!..

— Келиннинг суратини опчик! — деди Нурмат қора.
— Кўрсин, бориб гаплашсин! Фақат айтиб қўяй, бо-

лангта тушунтири! Ўзбошимчалик қилиб юрмасин! Мана шу қизга уйланади дедимми, тамом!

— Нега энди сиз айтган қизга уйланишим керак экан? — дедим ўзимни босолмай. — Нима, мен сизга ўйинчоқмидим?.. Нега онамга ўдағайлайсиз?

— Овозингни ўчир, тирмизак! — оғзидан күпик сачратиб ўшқирди Нурмат қора. — Сенга ким қўйибди гап қайтаришни?

— Мен тирмизак эмасман! — бўш келмадим мен ҳам. — Армияни битириб келдим. Оғзингизга қараб гапиринг!

— Қўй, болам, сен пастроқ туш! — онам югуриб келиб мени четга тортди. — Отанг гапирганда хўп дегин-у, қўйгин!.. Юр, ичкарига кирайлик!..

Онам мени ичкари хонага етаклаб кириб эшикни тамбалади.

— Сен қайсарлик қилма! — шивирлади онам. — Отангни кўндиригунча бўларим бўлган. Ахир, мениям ўйлагин-да!..

— Нега у айтган қизга уйланарканман? — саволими ни такрорладим. — Қаёқдаги қаланги-қасанги қизни топиб устимдан кулмоқчими? Умуман, бир умр ёқтирилмай яшаган одам нега бирдан мени яхши кўриб қолди-ю, ўзи уйлантирадиган бўлди?..

— Уни мен тезлайвериб, ҳоли жонига қўймадим, болам, — гапни кесди онам. — Мениям орзу-ҳавасларим бор. Сенинг хотининг мана шу ҳовлида, кўз ўнгимда юрса, хизматимни қилса дейман. Мени десанг, онам куйикда ўлиб кетмасин десанг, уйланасан! Отанг топган қиз қаланги-қасанги эмас. Ҳозир суратини олиб чиқай, ўзинг кўрасан!..

— Унда мен айтган қизга уйлантирсин! — бўш келмадим мен. — Унга нима фарқи бор?..

— Қиз отангнинг яқин оғайнисига жиян бўларкан. Чойхонада ўтирганда, лафз қилиб қўйибди. Шунинг учун бир гапга ёпишволди. Болам, ишон, отангам сен-

га ёмонлик қылмоқчи эмас. Лафзида турмоқчи, уйимизга яхши келин туширмоқчи, холос...

— Билмадим, — дедим лаб тишлиб. — Барибир ишонгим келмаяпты.

— Күп қайсаңык қылаверма! — уришган бўлди онам. — Ундан кўра, суратни кўр!..

Индамадим. Тағин дардимни ичимга ютдим. Тўғриси, мени дунёга келтирган, озми-кўпми бешигимни қучоқлаб тунларни бедор ўтказган бу аёлнинг тинчини бузишини, кўзлари ёшга тўлишини хоҳламасдим.

— Барибир, — ўйлардим ўзимча дарвозахонада сигарет тутатиш асносида. — Менга деса чўлоқ, маймоқ бўлмайдими?! Нима фарқи бор? Онам шу билан хурсанд бўлса, билганларини қилишсин!..

* * *

Болалигимда унчалик эътибор қилмас эканман. Онам бу хонадонда бека эмас, гўё чўридек югуриб елар, ҳар қадами, сўзлаган сўзида таҳлика зоҳир экан.

Ёши элликка бориб қолаёзган онажонимнинг аҳволини четдан туриб алам билан кузатарканман, баривир ожиз эканимни ҳис этиб турдим. Билардим, агар бир оғиз қарши сўз айтсан, Нурмат қора тўнини тескари кияди. Онамни таъналар, ҳақоратларга кўмиб ташлайди. Демак, волидамнинг тинчи, ҳаловати бузилади. Сиқилади, қайтуради, хўрланади, куяди...

— Мана, Қодиржон, болам, келиннинг суратини кўр! — хаёлларимни бир нуқтага йириб улгурмай, онам ёнимга келиб қўлимга эскириброқ қолган суратни тутқазди. — Исми Шарифа. Қара, сулувгина қиз! Кўзларидан нур ёғиляпти, ўғлим. Отангниям диди чаккимас. Илойим барака топсин!

Онамнинг сўнгги гапи миямга гурзидек урилиб қўққисдан бошимни кўтардим.

— Нима деди? Нега алқади? — деган хаёллар билан онамга тик боқдим. — Ҳозиргина гап эшилди, сиқил-

ди. Нима учун яна эрини алқаяпти?.. Эссиз умр, эссиз ёшлик!.. Бу маъсума аёл бир умр шундай ўтадими?.. Ҳозир «Сизга шу Нурмат қорадан бошқаси қуриб кетганими?» дея сўрасам нима қиларкин? Қандай жавоб қайтараркин?.. Йўқ, хафа бўлади. Хафа қилиб қўйсам, ҳеч қачон ўзимни кечира олмайман. Яхшиси, тилимни тияман. Жимгина ўгай отанинг буйруқларини адо этаман. Майли, буёғини пешонамдан кураман. Фақат онамни хафа қилишмаса, у киши қувноқ юрса бас. Ҳаммасига чидайман. Барча аламларни ичимга ютаман. Ўлиб қолмайман-ку!..

Аммо... Суратдаги қиз мен ўйлаганчалик хунук ёки кўримсиз эмасди. Қош-кўзлари қоп-қора, қорамагиз юзида бир дунё жозиба зоҳир эди. Йўқ, адашибман... Хом сут эмган бандаман-да!.. Ўгай отамдан гумонсираб ўтирибман... Онам ҳақ. Ростдан ҳам Нурмат қоранинг диди чакки эмасга ўхшайди... Бу қиз жуда мулоийим, меҳрибон кўринади...

— Хўп, она, ҳозироқ шу қиз билан учрашиб гаплашаман, — дедим ер чизиб. — Менга қаерда учрашимни айтинг.

— Хурсаной холаваччангницида кўришасизлар, — уқтириди онам овозини хийла пасайтириб. — Хурсанойнинг қўшниси экан. Ўзи чопқиллаб чақириб чиқади. Айтганча... Келин бўлмишнинг исми Шарифа. Эслаб қол!

— Хўп, мен кетдим, — дедим гапни кесиб. — Жавобини бирров кириб айтарман.

— Бу ерга... Келмайсанми бугун? — хавотирли оҳангда сўради онам.

— Билмадим... — дедим елка қисиб. — Кўрарман... Барibir бу ерда қиладиган ишим йўқ-ку! Энажонимминан қолсам керак.

— Бўпти, билганингни қил! Худо йўлингни ойдин қилсин!

Нурмат қоранинг дарвозасини ҳатлаб ташқарига чиқдим-у, елкамдан тоғ ағдарилган каби енгил торт-

дим. Чуқур-чуқур нафас олдим-да, құшни қишлоққа равона бўлдим.

Йўл-йўлакай Шарифанинг суратига бокдим. У суратдан менга тикилганча маъюс жилмайиб туради. У қайсиdir танишимни эслатарди. Ўзимча бош қотириб, уни қаерда кўрганимни эслашга уриндим. Сира эслолмадим.

— Наҳотки шу қиз менинг умр йўлдошимга айланса? — дедим ўзимга ўзим. — Бу қизнинг меҳрига арзирмиканман? Мендек ташландик, омадсиз бир етими ни кўзга илармикан? Кўринишидан ўта жиддий, мулоҳазали, мағуррга ўхшайди. Менинг ўтмишимни эшитса, юзини терс бурмасмикан? Ахир, мендайлар кимга ҳам керак. Ким ҳам оғриқсиз бошига дард ортиради...

Шундай хаёллар оғушида ярим соат деганда холаваччам Хурсаной опанинг ҳовлисига етиб бордим.

Хурсаной опам мактабда муаллималик қиласи. Бу ҳовлига яқинда кўчиб ўтгани боис ҳали тузук-қуруқ дарвоза қуришга ҳам ултурмаган. Поччам Самад aka тахтадан кўрасифат эшик ясаб кўя қолган.

Холаваччам ташқарида кир ёяётган экан. Мени кўрди-ю, кулимсираганча пешвоз чиқди.

— Вой, укажоним, сениям кўрар кун бор экан-а?! — маҳкам қучиб сўрашди у. — Яхшиям баҳона топилибди. Бўлмаса қадам босмас экансан-да биз томонларга!

— Йўр-Э, — дедим хижолат тортиб, — ўзим ҳам келмоқчи бўлиб юргандим. Онам...

— Жуда яхши қипсан, — елкамга қоқиб ичкарига бошлади холаваччам. — Шарифа зўр қиз! Фабрикада тўқувчи бўлиб ишлайди. Қўли гул, ўзи келишган, барно қиз.

— Сиз айтганмидингиз? — сўрадим ҳайрон бўлиб. — Нурмат қора...

— Қўй, ўшанинг номини атама, — қўл силтади холаваччам. — Бети курсин ўгай отангнинг!.. Уф-ф... Пешонамиз қуриб кетсин, худоё! Ўша ярамасга куни миз қолиб ўтирибди-да, жияним! Нима қилайлик?..

— Қўяверинг, — холаваччамни тинчлантирган бўлдим мен, — онам курсанд бўлиб юрса бас. Ҳаммасига чидайман. Ҳар ҳолда менга зуғум ўтказа олмас. Ёш бола эмасман-ку!

— Ўтказиб кўрсинг! — дея қовоқ уйди холаваччам.
— Кунини кўрсатиб қўямиз. Бўпти, юр, осто на турмайлик! Ҳозироқ Шарифани чақираман.

* * *

Ичкари хонага кириб ўтирганданоқ юрагим беихтиёр дукиллаб, миям қизиб бораётганини ҳис эта бошладим. Бундай ҳолатга қаттиқ ҳаяжонга тушган онларимда дуч келардим.

— Бу қизнинг ота-онаси бор, — ўйлардим ўзимча.
— Менга ўхшаб момосининг қўлида ўсмаган. Мен каби аллакимларнинг турткисини еб, кимларнингдир ҳафтасига янги лайдиган ярқироқ кийимларига суқланиб яшамаган. Ҳамма нарсаси етарли. Хоҳласа ота-онасига эркаланади, хоҳласа жаҳл қиласди. Бундайлар мени писанд қиласмикан? Менинг ички дунёми ни ҳурматлай олмаса-чи? Ўтмишимни эшитиб кулса-чи?..

Мана шундай чалкаш хаёллар оғушида чамаси ўн дақиқача ўтириб қолдим. Шу пайт ташқари эшик фийкиллаб очилиб, кимдир оҳиста ичкарига кирди.

Аъзойи баданим титраб даст ўрнидан турдим.

Ҳа, ана, мен суратини кўрган қиз қаршимда ҳозир бўлди. У бошини хиёл эгиб олганча менга эшитилар эшитилмас салом берди.

Алик олиб, уни ўтиришга чорладим.

Шу кўйи бир неча дақиқа жим қолдик. Аммо бу аҳволда ўтиравериш одобдан эмасди. Биринчи бўлиб ўзим гап бошлишим керак.

Хўш, нима дейман? Нимани сўрайман? Аксига олгандек, лабларим ҳам титраб бораётгандек эди.

Йўқ, ўзимни қўлга олмасам, шарманда бўламан. Қиз бола билан гаплашганда сал дадилроқ бўлишим лозим. Йўқса...

— Яхшимисиз, Шарифахон? — эҳтиёткорлик билан сўрадим ундан.

Бўлгуси қаллиғимнинг қорамағиз юзи хиёл қизарив бошини кўтари.

— Раҳмат! Ўзингиз яхши келдингизми?

Жавоб бериш ўрнига Шарифага зимдан нигоҳ ташладим. Унинг узун киприклири безовта пирпирав, қалин қошлари чимирилиб, ҳаяжонини ошкор этиб қўярди.

— Вактингизни олиб бу ерга чақиртирганим учун кечиринг! — дедим ҳамон мақсадга ўтишдан чучиб.

— Аслида...

— Вактимни олмадингиз, — кулимсиради Шарифа.

— Яхиси, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг!

Бу айни муддао эди. Боядан бери нима дейишни, қаршимдаги қизнинг кўнглига қай йўл билан кириб боришни билмай ўтирганим ҳарқалай ортда қолди. Энди суҳбатимизга мазмун кириши аниқ бўлди.

Оғир хўрсиниб ҳаётим ҳақида Шарифага ҳикоя қила бошладим...

Бир маҳал Шарифанинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилаётганини пайқаб сўзлашдан тўхтадим. У ҳамон бошини эгган кўйи ўтирас, фақат дастрўмолчаси билан тез-тез кўз ёшларини артиб оларди.

— Сизни хафа қилдимми? — соддаларча сўрадим ундан. — Нега йиғлаяпсиз?.. Майли, гапирмаганим бўлсин, кечиринг...

— Йўқ, йўқ, — бошини кўтариб юзини терс бурди Шарифа. — Фақат... Кўнглим бузилиб кетди... Сиз мени кечиринг... Ярангизни янгиладим. Минг бор узр сўрайман...

— Шарифа, — дедим овозимни янада пастлатиб. — Мени... Ўзингизга муносиб кўра оласизми?..

Киз ялт этиб кўзларимга бокди.

— Бу нима деганингиз?.. — саволга савол билан жавоб қайтарди у. — Нега энди...

— Ахир... Менинг туриш-турмушим манавинақанги бўлса... Сиз эса... Уйли-жойлисиз. Ота-онангиз, қариндош-уругларингиз...

— Ундай деманг, илтимос! — йифи аралаш сўзимни кесди Шарифа. — Шундай дессангиз, қаттиқ хафа бўламан... Тақдирингиз учун сиз айбдор эмассиз. Ўша... Онангиз, отангиз айбдорлар! Агар улар ажрашмаганларида, тишни-тишга қўйиб яшаганларида, сиз бу кунларни кўрмасдингиз.

— Тўғри айтасиз, — дедим лаб тишлаб. — Улар ўйлашмаган. Ҳамма нарсага енгил қараган бўлишлари мумкин... Аммо энди ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди. Буёгини пешонамдан кўраман.

— Йўқ, пешонамидан... кўрамиз!.. — жилмайди Шарифа.

— Сиз... Розимисиз?.. — мен ҳовлиқиб ўрнимдан туриб кетдим.

Шарифа эса бир муддат ўйчан ер чизиб ўтирди-да, бирдан ўрнидан қўзгалиб ташқарига чиқиб кетди...

Шарифа мени тушунишига, менга ҳаётда ҳақиқий ҳамроҳ, дардкаш бўлишига имоним комил эди. Унинг дардли боқишлиари, оҳиста сўзлашлари, кулгилироқ гап айтсам, мийифида жилмайиб қўйишилари фикру хаёлимни ростакамига ўғирлаб қўйганди.

«Энди мен ҳам кимгадир суюна оламан, — қоронги кечаларда болишга юзимни бостанча ич-ичимдан суюнар, Шарифани кўз олдимга келтириб, орзулар уммонининг туб-тубида сузардим. Тоғамнинг қаршисида юзимни ёруғ, тилимни узун қиласди Шарифа. Ҳали биз ҳам ўзимиз уй қурамиз. Болаларимиз бўлади.

Ҳатто, мени кўришга кўзи йўқ Нурмат қора ҳам атрофимизда парвонадек айланиб яшайди. Фақат... Бунга қадар ўткинчи мушкулотларга бардош бера олсак бас. Бусиз бахтга эришиб бўлармиди...»

Шундай ўйлар ҳар кеча мени тинчлантирас, ҳар гал ёруғ келажак умидида уйқуга кетардим...

* * *

Мана, ниҳоят кутилган лаҳзалар жуда яқин қолди. Бугун Шарифа билан ФХДЁ бўлимига йўл оламиз. ФХДЁга поччам Нурсултон, бўлам Салим аканинг ярқираган «Жигули»си шай турибди. Фақат... Эгнимдаги кийимларга қараганим сайин кўнглимдаги ғашлик ортиб борарди. Бу кийимларни ҳам Нурмат қора танлади. Фик эта олмадим. Яна онамнинг бекитиқча имо-ишораларига бўйсунишга мажбур бўлдим.

— Ҳа, майли, — ўйлардим ўзимча ранг-баранг шарларга бурканган машинага яқин келарканман, кўлимдаги бир даста елим гулни кўксимга босиб. — Гап кийимда ҳам эмас-ку!.. Ҳали шундай кунлар келар, Нурмат қорага ўхшаганларга тобе бўлмасман.

— Қани, кетдик, кеч қолаяпмиз! — Ичкаридан юргурганча чиқсан синфдошларим Шавкат ва Шухратлар мени машинага ўтиришга ундашди ва дарвоза олдида биз томонга ҳиссиз тикилиб турган ўгай отамга юzlаниши. — Қани, бува, оқ фотиҳа беринг!

Нурмат қора соввуққина дуо ўқиди. Шундан сўнг ҳаммамиз машинага ўтириб қўшни қишлоққа — Шарифаларнинг ҳовлисига жўнадик...

* * *

Машиналар кетма-кет сигнал чалиб кўкимтири дарвоза яқинига келиб тўхтагач, вужудимни номаълум титроқ босди. Бу титроқ ёввойи ҳиссиётга ўхшар, дукилаши тобора тезлашиб бораётган юрагим қинидан чиқай дерди.

— Бўшашма, куёв бола! — қулиб биқинимга туртди ёнимда ўтирган Шавкат. — Келин болага ҳозир гулни берасан-у, қўлтиқлаб ташқарига олиб чиқасан! Тағин қовун тушириб қўймагин-а?..

Шу тобда Шавкатнинг қаҳ-қаҳ уриб қулиши ҳам қулогимга кирмасди. Қисқа-қисқа йўталиб, машинани ўраб олган ёш-яланг қиз-жувонлар орасидан базур сирғалиб ўтиб ҳовлига кирдим.

Шарифа аллақачон оқ либосда бир гуруҳ яқинлари қуршовида бизни кутаётган экан.

Мен оҳиста қадам ташлаб унга яқин бордим-да, қўлимдаги гулларни узатдим. Шу пайт... Кутимаган ҳодиса юз берди...

Шарифа гулга қаради-ю, беижтиёр қошлари чимирилиб менга совук бокди ва асабий лаб тишлаб юзини терс бурди.

— Нимага елим гул олибди, эна? — йиги аралаш бақирди Шарифа. — Менинг тенгим шу исқирт гулмиди?.. Нима учун бундай қилади? Нега устимдан кулади? Кетсин!.. Йўқолсин! Мен унга тегмайман! Тегмайман унга!..

Кутмагандим. Шарифанинг бундай қиёфага кириши етти ухлаб тушимга кирмаганди...

Аламим келиб кетди... Миям ғувиллаб, қулоқларим шанғимлай бошлади. Бўғзимга нимадир тикилиб, нафас олишим қийинлашгандек, ҳозир йиқилиб тушадигандек аста бориб ток остидаги сури тутқичига суюндим...

Ахир, туман марказини кезиб тирик гул топа олмаган бўлсам нима қилай?.. Бу гул ҳам яхши-ку!.. Эрталаб универмагдан сотиб олган бўлсам... Нега бундай қилди?.. Яқиндагина дардли ҳикоямни тинглаб йифлаган шу Шарифа эмасмиди?..

Бу муносабатдан сўнг ўзимни ғурури топталган каби ҳис этдим.

Тўсатдан қайсарагим тутди...

Пешонамда шундай кунлар ҳам бормиди? Мен бу тахлит жанжаллардан тўйганман-ку! Бақир-чақирлар-

ни эшитганимда, қалбим ларзага келади-ку! Бундан күра, ёруғ дунёдан воз кечиб, узоқ-узоқларга, кимсаз из чүл-биёбонларга бош олиб кетаман. Қай бирига чидайман? Қай бирига қалқон бўламан?..

Сал ўзимни босиб олгач, бир қарорга келгандек, зарда билан қўлимдаги гулдастани четга отдим-да, кўчага отилдим...

* * *

Важоҳатимни кўрган дўстларим дарҳол мени ўртага олишди.

— Кўй, ўзингни бос! — дея шивирларди Шуҳрат. — Шарманда бўлмайлик! Ахир...

— Керакмас менга! — жеркиб ташладим уни. — Нима, ердан чиқибманми? Нимага зарда қилади? Ҳалитдан шундай қилса, кейин нима бўлади?..

— Э, қизиқмисан? — орага тушди Шавкат. — Она-сининг олдида эркалик қилган-да! Қизлар ўзи шунаقا бўлишади? Қариндош-уруглари қаршисида ўзларини кўрсатишни яхши кўришади. Эътибор қилма! Уйинг-га борсин, қўйдай ювош бўлиб қолади.

— Ишонгим келмаяпти, — дедим сал паст тушиб. — Ҳали тўй ўтмасдан шундай бўлса...

— Кўй, одамлар қарайапти. Яхшиси, ичкарига ки-райлик! Ана, келинниям тинчлантиришибди чоги. Юрақолгин энди, жой оғайнин!..

— Бўпти, — дея ҳовлига алам аралаш боқиб дўстла-римга эргашдим. — Тағин ҳунар кўрсатсан!.. Ўзидан кўради...

Дўстларим айтганидек, Шарифа тинчланган, айвон устунига суюнганча опаларидан бирининг насиҳати-ни тингларди.

Кириб келганимни кўриб истамайгина пастга тушди ва чап тирсагимдан тутди...

У билан ёнма-ён юриб бора дим-у, боягина бўлиб ўтган ишлар таъсиридами, миямда яна шубҳа-гумон-лар галаси чарх ура бошлаганди...

Мен яқин орада ўзимни сир қулфатлар бўронига дуч келадигандек ҳис этардим. Кўнглимнинг бир че-тида қотиб қолган муз борлиғимни тобора қамраб ола-ётгандек эди...

Лекин қалбим онамнинг сўзларини такрорлаб мени тинчлантириди.

Нурмат қорага ҳаётимда илк бора қаттиқ ишонгим келиб, дўстларимга кулимсираганча машинага ўтири-дим.

* * *

Қишлоқ ғалати-да! Орзиқиб, тамшаниб, ёниб, тур-фа хаёллар, ёввойи ҳаяжонлар оғушида кутилган тўй дўмбирачи-ю, доирачининг икки соатлик тарақ-турugi билан ўтади-кетади. Лекин асосий «томоша» ана шундан кейин бошланади. Ҳасса таяниб-таянмаган кампирлар, қошидаги ўсмаси қуримаган жувонлар келин бўлмишни ўртага олиб сўнгги ирим-сириларга киришишади. Жўралар эса куёвни тезроқ чимили-дикқа киритиб, кўнгилни хотиржам этиш ҳаракати-да бўлишади.

Бизни ҳам янгалар Нурмат қоранинг ҳовли этагидаги ясатилган икки хонали уйига «қамашди»-да, гум бўлишди...

Мен мана шу лаҳзалар яқинлашишидангина умидвор эдим. Йигитчилик. Қанча вақтдан бери Шариғанинг келишган қомати, қорамагиз юzlари, эркаланнамо боқишлиарини согинаман! Чунки, кейинги вақтларда фикрим, тасаввурларим буткул ўзгарган, Шариғани ростакамига ёқтириб қолгандим. У ишончимни оқлашига, асов севгимни қадрлай олишига шубҳа қилмай борардим...

Қалбимда ҳаяжон ва вужудимда бир олам титроқ билан унга яқинлашдим. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берди. Боягина кўзимга беозор мусичадек кўринган Шариға бирданига ёввойи мушукдек ҳурпайиб, ўзини бурчакка тортиди. Унинг кўзларида бир лаҳза

ялт этган чексиз нафратдан вужудим сесканиб кетди. Ҳозир бир уйда, қўлимиз бир-биримизга етгулик ма-софада турган бўлсак-да, ўртамизда ер билан осмон-ча фарқ борлигини ва бир-биримизга мутлақо бего-налигимизни ҳис этгандек бўлдим. Лекин энди жуда кеч эди. Истайманми-йўқми у билан бир ёстиқقا бош қўйишга мужбурман. Шу боис бир оз ўзимни қўлга олиб, у томон яна икки қадам ташладим. Аммо бир-дан Шарифа чинқириб, ўзини орқага ташлади. Ранги докадек оқариб кетди. Оёқ-қўллари қалтираб, жусса-си букчайди. Ҳансирай-ҳансирай, телбанамо оҳангда алланималар дея алаҳлашга тушди сўнг.

Бундай бўлиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган-ди. Азбаройи қўрқиб кетганимдан жоним чиқиб ке-тай деди.

— Ҳой, ким бор? — бақирдим дераза тарафга қараб.
— Янга! Онажон! Қаердасизлар?!

Зум ўтмай, хонага Шарифанинг бизга янгаликка қолган опаси Маърифат чопиб кирди.

— Ҳа-а, нима бўлди?! — у жон ҳолатда келиб, синг-лисига ёпишди. — Шарифа, сенга нима бўлди? Кўзин-гни оч, Шарифа!

Шу аснода онам, кетидан қариндош-уруглар кириб келишди. Кўз очиб юмгунча, ичкарининг тўс-тўполо-ни чиқди-кетди.

* * *

Хотин-халаж зир югуриб исириқ тутатди, кимлар-дир Шарифани ўраб олиб сув ичирди, елпиди, қўл-оёқларини уқалади.

Мен эса даҳлиздаги ўчоқбошида тош қотиб турар, юрагим фарёд чекарди.

Бир маҳал хона эшиги очилиб, онам чиқиб келди. Кўзларида ёш филтиллар, нуқул бош чайқаб қўярди.

Умидвор нигоҳларимни онамга тикдим.

— Кимдир келинимга «илми-амал» қилибди. — деди онам ниятимни пайқагандек. — Худоё фолбинга бор-

ган оёқлари акашак бўлсин! Кимга нима ёмонлик қилиб эдик, болам!

— Фолбин? — онамга яқинроқ бориб алангладим.
— Н-нега? Ким бундай қилади?!

— Кимлигини билсам, шу ерда турармидим? —
Йифи аралаш шивирлади онам. — Ким шу ишни қил-
ган бўлса, ёруғлик кўрмасин, илоё!

— Она, — дедим сал ўзимни тутиб. — Энди нима
бўлади? М-мен нима қилай?

— Қайғурма! Шарифа анча яхши. Хозир отинбуви-
ни чақираман. «Дам» солиб қўяди. Ҳаммаси яхши бўла-
ди.

* * *

Орадан йигирма олти кун ўтди. Шарифа деярли ҳар
куни ўзини ёмон ҳис этар, қишлоқнинг отинбувиси
унга дуо ўқиб чарчамасди.

Илгари бундай ирим-сириларга сира дуч келма-
ган эканман. «Иссик-совуқ», «илми-амал» деган нарса
жуда ёмон бўларкан. Шунча кун ичидаги рафиқам анча
чўкиб, баттар маъюсланиб қолди.

Бу ҳам майли. Бошимда кулфатнинг каттаси тегир-
монтош каби айланарди. Мендан юз ўғирган висол
лаззати кўйида ўзимни қаерга кўйишни билмасдим.
«Уланиб ҳам рўшнолик кўрмайманми?!» дейман ич-
ичимдан ўртаниб. — Мана, яқин бир ой бўляптики,
даҳлизда ухлашга мажбурман. Юрак ютиб, хотиним-
нинг кўйнига кира олмайман. Қучдим дегунча маза-
си қочади. Яна отинбуви, исириқ тутатишлар, бақир-
чақирлар бошланади... Қайси ярамас менинг баҳтим-
га чанг солаяпти экан?! Нега ахир? Улар Нурмат қора-
нинг яқинлари эмасмикин ишқилиб? Ҳа-а, тўхта, ўша-
лар бўлишиям мумкин? Акаси Норматнинг қараашла-
ри беўхшов эди. Тўйгаям чиқмаганди. Қачон кўча-
кўйда кўрса ола қарайди. Ўша хотинига тайинлаган.
Укаси ўгай боласига тўй қилиб бергани алам қилган.
Нима қилсан бўлади?! Айтсан-чи, Нурмат қорага?!

Жонимга тегиб кетди-ку ҳаммаси. Йўқ, шартта олди-га кираман-да, сўрайман. Гумоним борлигини, бу кўнгилсизликларга ортиқ тоқат қилиб туролмаслигими-ни юзига айтаман-қўяман..!

Бир қарорга келиб бошимни кўтардим.

Кундуз аллақачон ой ва юлдузларга жой бўшатиб берибди.

Юрагим сиқилиб келинлик уйга назар ташладим. Боягина опаси исириқ тутатиб, Шарифанинг ёнига кириб кетганди. Энди эса унинг ҳар кунгидек ув тортиб йиғлагани қулогимга чалинди.

Оғир қадамлар ташлаб, Нурмат қоранинг тутундан қорайиб кетган ҳужраси томон юрдим.

* * *

Шу тобда келинлик уйнинг эшиги очилиб, онам ташқарига чиқди. Менга кўзи тушди-ю, қўли билан «кел» ишорасини қилди. Мен истар-истамас ортга қайтдим. Очифи, ҳозир онам билан ҳам гаплашишни хоҳламаётгандим. Нурмат қорага бўлган гапларимни айтиб, аламдан чиқмоқчи, сўнгра ҳеч нарсага қарамай, Хонбува маҳалламизга кетмоқчи эдим.

— Худога беадад шукр қил, болам! — деди онам кувончдан кўзлари порлаб. — Келиним тузалди. Илоҳим отинбуви эсон бўлсин! Ўқий-ўқий охири «илмиамал»ларни ечибди. Кир, хотининг сени кутаяпти, Кодиржон! Кўрган ёмон кунинг шу бўлсин худоё!

— Йўғ-э?! — дедим ишонқирамай. — Ҳалигина йиғлаб-сиқтаб хонани бошига кўтараётганди-ку! Дарров тузалиб қолдими?!

— Э, қўйсанг-чи, шунаقا гапларни! — норозиланди онам. — Отинбуви ўқиган пайтда ичидаги сеҳржоду кўз ёшлари билан чиқиб кетибди. Келиним шўрлик роса додлаб йиғлади ўзиям. Ана ўша додвойига қўшилиб ҳамма ёмонликлар ташқарига чиқди. Қўй, ҳадеб ижикилайверма! Ундан кўра хотининг нинг ёнига кир!

Бундай хабар мен учун олтиндан ҳам қимматли-роқ эди.

Оёғимни кўлга олиб, хонамизга отилдим. Аммо бу тун ҳам Шарифанинг висоли насиб этмади.

— Ҳали буткул тузалганим йўқ, — деди у менга юзини терс ўгириб.

Шарифанинг гапига ишондим, уни аядим...

* * *

Қиёмат-қойим ҳақида бобом ва бувимдан қўп бор эшитгандим. Бироқ ҳаётимда бўлаётган воқеалар қиёматдан беш баттарроқ эди назаримда.

Гоҳ ҳўрлигим келиб, гоҳ ғазабдан ўзимни зўрга бошиб, қаршимда беозоргина қузичоқдек бўлиб, ўзини оқлаётган Шарифани мажақлаб ташлагим келарди.

— Ишонинг, мен жума куни туғилганман, — дерди кўзларини жавдиратиб. — Бу кунда туғилганлар шунаقا бўлишади. Худонинг хоҳишига қарши бориб бўлмайди-ку. Нега индамайсиз?! Менга ишонмаяпсизми ё?! Агар шундай бўлса, майли, кетаман! Ўзимни анҳорга таштайман! Ҳа, бу кунимдан сувларга чўкиб ўлганим яхши...

Бирдан ҳушёр тортиб, ўрнимдан турдим. Шарифа жон ҳолатда керак-нокерак буюмларини бўғчага жойлай бошлиди.

— Ҳеч қаерга кетмайсиз! — қандайдир номаълум куч мени Шарифанинг билагидан ушлашга жазм эттириди. — Эшитяпсизми?! Ҳеч қаерга кетмайсиз. Гапларимга ишонди, деб ҳисоблайверинг! Йиғламанг факат.

Шарифа титтрашдан тўхтаб, кўзларимга тикилди.

— Ростдан ишондингизми?! Ҳеч қачон юзимга солмайсизми?!

— Нимани?

— Анави... Жума куни туғилганимни-да!

— Йўқ, — дедим қатъийлик билан. — Мен унақанги майдакашлардан эмасман. Тамом, бу гап шу хонада қолади. Маърифат опангизгаям ҳеч нарса деманг!

Ўша куни Шарифага ваъда берган бўлсам-да, аммо бу хўрликни унубиб бўлмасди, унунолмасдим. Ҳеч ўзимга кела олмайман. Азобимни Шарифага сездирмасам-да, ҳар сонияда ўзимни ўта баҳтсиз, омадсиз ва кераксиз одам каби ҳис этаман. Эркак бўлиб туғилганимга минг пушаймонлар ейман. Баъзан машина остида қолиб ўлгим ёки икки қишлоқ наридаги чукур ва тезоқар каналга чўкким келади...

Фақат мени бир куч тутиб туради. Жуда олисда, осмону фалакнинг туб-тубида менинг юлдузим яшириндек, ўша юлдуз бир кунмас бир кун албатта, юз кўрсатиб, йўлимни ёритадигандек туюлаверади. Ўша юлдузни кўриш орзуси мени оҳанрабодек ўзига чорлади. Барчасига тупуриб фақат олдинга интилишини маъқул кўраман.

Нурмат қорага бўлган нафратим кун сайин ортиб бораради. Уни кўрдим дегунча миям гувиллайдиган, разабим бўғзимдан отилгудек аҳволга тушадиган бўлдим. Қанийди, имконим бўлса-ю, бу маҳлуқни хумордан чиққунча дўппосласам. Минг афсус бунинг имкони йўқ. Негаки, онам шу аблажнинг қўлида. Нима бўлмасин, қай мағзавани устимга ағдармасин, онам хурмати чидашга, кўз юмиб ўтишга мажбурман...

Орадан яна бир ой ўтди. Қишил қилич қайраб келарди. Ҳаво анча совиган. Айниқса, тунда печка ёқмасдан ётиб бўлмайди. Деворнинг алебастр сувоги гўё ташқаридаги бор совуқни ичкарига тортаётгандек туюлади.

Бу ҳовлида ўзимча қарор чиқара олмаслигимни билсам-да, кундузи эҳтиёт шартдан эски печканинг ичларини тозалаб, олов ёқишига тайёрлаб қўйдим. Энди оғилхонадаги тогоралардан бирини ўтинга тўлдириб қўйсам кифоя. Шу ниятда ташқарига чиқиб, тогораларнинг кичикроғини олдим-да, тандирхона томон

юрдим. Печкага ёқиладиган ўтиналар ўша ерда. Яқинда ўзим катта-катта ғұлаларни майдалаб, тандирхонага тахлаб қўйганман.

Энди тогорага ўтин тўлдириб, кўтаришга чоғланган эдимки, қаердандир Нурмат қора пайдо бўлди. У ҳе йўқ, бе йўқ қўлимдаги тогорани тортиб олди-да, бир четга иргитди.

— Ҳа, печкада ўтиргилари кеп қолдими?! — бор овозда бақирди у.

Бақир-чақирни эшишиб, ҳовлида кир ёяётган Шарифа ҳам, ўчоқбошида куймаланиб ош дамлаётган онам ҳам биз тарафга ўгирилишди.

— Нима қипти? — бундай муомалани кутмаганим сабабли тепа сочим тикка бўлиб, ўгай отамга хезландим. — Печкада ўтирсам нима бўпти?

— Ҳой, итвачча, — титроқ аралаш менга мушт ўқталди Нурмат қора. — Бу уйга меҳнатинг сингганми? Сигиндига ўхшаб келиб ўтирибсан, майли. Онанг кўзининг сувини оқизаверганидан уйлантириб қўйдим, буям майли. Энди не азобда даладан ташиб келтирган ўтиналаримни ёқмоқчимисан?

— Оғзингизга қараб гапиринг! — мен ҳам алам аралаш бақирдим. — Нима қилган бўлсангиз, онамнинг ҳурматидан қилгансиз! Тўйга келсак, бопладинги-из! Ҳа-а, жуда боплаб ниятингизга етдингиз! Чув туширмоқчийдингиз! Томошамни кўрмоқчийдингиз! Бир умр куйиб, бошим эгилиб ўтишимни хоҳлагандингиз! Эришдингиз!..

— Нималар деяпсан, кўрнамак! — Нурмат қора менга яқинлашиб урмоқقا шайланди.

Биламан, бу одамни ҳозир шапатилаб юборсам кифоя. Ағдарилиб тушади. Сўнг баҳона топилади унга. Арз-дод қилиб мелисага ҳам боришдан топ тортмайди бу ярамас.

Шу орада онам чопиб келиб ўртага тушди.

— Бас қилинглар! — дея мени гавдаси билан тўсди онам. — Икковлашиб еб битирдиларинг-ку, мени!

Эшитганлар нима дейди? Аnavи келин нима деб ўйлайди? Бор Қодиржон, ўтин ёқиб уй иситмасанг, ўлиб қолмассан! Уйингта кир!

Мен онамнинг кўз ёшларига, илтижоли, дардли нигоҳларига ортиқ дош бера олмасдим.

Нурмат қорага совуқ қараб олдим-у, хонамга йўл олдим.

* * *

Хонага кириб сигарет тутатмоқчи бўлиб турганимда, эшик очилиб Шарифа кирди.

Унинг қовоқлари уйилган, киприклари асабий пирпиради.

Рўпарамга келиб бирпас жим қолди-да, атрофга аланг-жаланг қараб ниманидир қидира бошлади.

— Нима бўлди? — сўрадим совуққонлик билан. — Бирор нарсани йўқотдингизми?

— Ҳаммасини эшитдим, — деди Шарифа кўзимга тик боқиб. — Дардингиз барибир ичингизда қолган экан. Айтиб олдингиз. Енгил тортдингизми?

— Нима дебман? Сизни ёмонлабманми?

— Бу ёмонлашданам баттар! — деди Шарифа. — Энди умрим таъна эшишиб ўтаркан, шекилли...

— Ундай деманг! Мен сиз ҳақингизда гапирмадим.

Шарифа ортиқ гапирмади. Пиқиллаб йиғлаганча бурчакка ўтириб олди.

* * *

Кечки аёз тушиб, хона ичи тобора музлаб борарди. Бунга ичимдаги муз қўшилди ва этим увишиб, ўзимни лоҳас ҳис эта бошладим. Аксига олиб бугун Нурмат қора тағин тўнини тескари кийган. Шарифани ўз уйларига чақиртириб, алоҳида товоққа овқат солдирибди-да, укаларимдан менга киритиб юборибди.

Аламим келди. Тоқатим тобора тоқ бўлиб бораётганини ҳис этиб туардим.

Шу тобда бувижонимнинг бир вақтлар атрофимда гирдикапалак бўлганлари, олдимга бир неча хил овқатларни кўйиб, егин болам, дея ялинганлари, қайсарлик қиласверсам, оғзимга қошиқлаб овқат тутганлари ёдимга тушди.

Қизиқ, ўшанда гўё жаннатий маконда, ҳақиқий фаришталар қуршовида яшаган эканман. Шу онларнинг қадрига етмабман-а! Эркалиқ қилибман, қайсарлигим тутганда, инжиқданиб, бувижоним ва бо божонимни қийнабман. Кўчага қочиб чиқиб, уларнинг ортимдан югуришга, ҳарсилашга мажбур этибман. Ҳозир-чи? Ҳар куним хўрликда ўтаяпти. Ҳеч кимга сўзим ўтмайди, бирор мени одам ўрнида кўрмайди.

Шу пайт чироқ ўчиб қолди. Зимиstonда ўрнимдан тураман деб қалқиб кетдим. Тимирскилана-тимирскилана ташқарига чиқдим.

Не кўз билан кўрайки, Нурмат қора айвон чироги ёруғида электр узаткич эшикчасини очиб, ниманидир ковлаштираётганди.

Айвон устуни орқасига беркиниб ҳаракатларини кузатдим. У урина-урина эшикчани маҳкамлаб ёпди ва бизнинг хона томон ўғринча қараб қўйиб, ортга қайтди.

Ҳаммасини тушуниб етдим. Демак, чироқ бекорга ўчмаган. Ўгай отам шу оддий чироқни ҳам бизга раво кўрмаяпти экан-да.

Нурмат қора уйига кириб кетгач, аста бордим-да, узаткич эшигини очдим.

— Ҳой, нима қилаяпсан? — бу Нурмат қоранинг товуши эди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек, орқамга ўгирилдим.

— Нима қибман? — сўрадим хотиржамлик билан.

— Тегма узаткичга! — хириллаб қичқирди Нурмат қора. — Қоч, дедим сенга, ит!

— Унда чироқни ёқиб қўйинг! — дедим бўш келмай. — Нимага ўчирасиз?

Нурмат қора жадал юриб келди-да, мени итариб юборди.

— Итвачча, — сўкинди у эшикчани текшириб кўриш асносида. — Бутундан бошлиб соат кечки сак-киздан кейин чироқни ўчириб қўяман!

— Нега?

— Вей, — Нурмат қора менга жуда яқин келди-да, аламли шивирлади. — Чироқнинг пулини энанг тўлайдими-а? Туришинг манавинаңсанги бўлса! Менинг ўрнимга далага чиқ, яхобга қара десам, бурнингни жийирасан, текинтомоқ! Тағин гап бермайсан...

Бу орада онам чиқиб келди.

— Отаси, ёқиб бера қолинг чироқни! — ялина бошлади у синиқ товушда. — Бирпас ўтиришса, ўчириб қўйишар ўзлари!

— Сен аралашма! — жеркиб ташлади Нурмат қора.

— Минг марта айтаман-ку, аралашма деб! Ё қулогиňг том битганми? Бор уйга кир!

Онам шўрлик жавдираб қолди. Қайсиdir йўл билан мени ҳимоя этишга, орамиздаги муносабатларни яхшилашга уринди. Лекин кўркув устун келиб тилини тишилашга мажбур бўлди...

Ўзича нималардир дея ғудраниб Нурмат қоранинг буйругига буйсунди.

* * *

Шу кеча Шарифа иккимиз қалин кўрпага ўранган кўйи алламаҳалгача ўтириб чиқдик. Ҳар биримиз ўз хаёлларимиз билан банд эдик. Иккаламиз ҳам бир-бишимизга сўз айтишни хоҳламас, ўша керакли сўзнинг ўзи йўқдек эди...

Ха, сиғиндиликнинг юкини кўтариш заҳар ютишдан-да қийинроқ экан. Кимга юкинишни билмайман. Юкинмоқчи бўлғанларим мен каби ожизлигини кўриб кўл силташдан нарига ўта олмайман.

Бетиним давом этаётган таҳқирлар ҳеч қачон ниҳоя топмаслигига қаттиқроқ ишониб бормоқдаман. «Эр-

каклик ғуурум топталгани етиб ортарди. Устимдан кулишди, ҳақорат қилишди, ҳойнаҳой дардимни күчага олиб чиқиб дастурхон ҳам қилишгандир». Менга шуларнинг ўзи етмасмиди?.. Бўлиб ўтаётган ишларни бувимга ҳам, бобомга ҳам айта олмайман. Айтганимда нима ўзгарарди?! Улар кексайиб қолишган. Бекорга дардларига дард кўшилади.

Хўш, энди нима қиласман? Иссик уйда ўтиришга, ёргуликдан баҳра олишга, қарши сўз айтишга, ҳовлига эмин-эркин кириб-чиқишига ҳақим бўлмаса. Нега уйланишга рози бўлдим ўзи? Онамнинг раъйига қардимми? Хўш, раъийга қараганим нима наф берди? Ахир, Мажнундек севиб қолмагандим-ку! Шарифага бўлган ишончим, меҳрим саробга айланганига қандай бардош берай?.. Худо кўрсатмасин, Шарифанинг бокира чиқмаганидан кимдир, қачондир бир кун хабар топса-ю, кўзларимга «Э, ҳезалак» дегандек масхараомуз боқса, нима қиласман? Эл-юрт, тенгдошларим, қариндош-уруғлар олдида қандай бош кўтариб юраман?..

Бўғзимга қадар тиқилиб келган ички туғён баридар портлаши шарт эди.

Нафасимни бўғишга интилаётган ёввойи ҳисларими ни жиловлашга ҳаддим сифмай, даст ўрнимдан турдим-да, ташқарига отилдим.

— Ўлдирман! Сўяман! — дея Нурмат қоранинг уйин томон чопдим. — Мени билмас экансан, эшитяпсанми? Билмас экансан! Сендақаларнинг уйини бузаман!

Ҳайқириғимни эшитиб, биринчи галда ўгай отам, кетидан онам ва тўртта укам югуриб чиқишиди.

Нурмат қора қўлига дасткаллак ушлаб олганди.

— Кимни ўлдирасан? — хириллаганча менга ташланди у. — Қани, ўлдир, кўрнамак, ҳароми! Нега қараб турибсан? Ўлдирмайсанми?

— Ҳароми ўзингсан! — мен унинг ёқасидан бўғиб олдим. — Ҳали мени хўрламоқчи бўлдингми? Сен-а? Чучварани хом санабсан!

— Қўйвор, болам, қўйвор! — онам укаларимнинг чириллаб йифлаганига-да эътибор бермай орамизга тушди ва маҳкам билагимга ёпишди. — Жон болам, қўйвор! Худойим-ей, қандай кунларга қолдим-а?! Бас қилларинг энди, ба-ас!..

Онамнинг фарёд чекиб йифлаши мени сал ўзимга келтирдими, Нурмат қоранинг ёқасидан қўлларимни тортиб олдим.

Шу заҳоти Шарифа елкамга осилиб уй томон судради.

— Юринг, ичкарига кирайлик! Юра қолинг! Ўзингизни босинг!

Мен яна итоаткорона ортга қайтдим.

Ичкарига киракканман, Нурмат қоранинг қичқириғи ҳовлини тутди.

— Кетсин уйимдан! Йўқолсин! Иккаласиниям қорасини кўрмай!..

* * *

Ҳа, энди бу файзсиз ҳовлида қола олмаслигимизни Шарифа икковимиз ҳам яхши англаб турардик. Шунча гап-сўз, жанжал-тўполонлардан сўнг бу уй бизга янада бегона, ёқимсиз туюла бошлаганди.

— Керакли буюмларни йифиштиринг! — дедим Шарифага. — Эрталаб чиқиб кетамиз!

— Қаерга борамиз энди? — йифламсираб сўради Шарифа. — Борадиган уйимиз йўқ-ку!

— Бошимиз оқдан тарафга! — дедим совукқонлик билан. — Агар хоҳламасангиз, уйингизга кетаверишингиз мумкин.

— Бу нима деганингиз? Ўйлаб гапирайпсизми?

— Мени деб сарсон бўлишингизни хоҳламайман. Шундай қилсак, иккаламизгаям яхши бўлади. Мен...

Шу пайт ташқарида онамнинг пиқиллаб йифлагани қулогимга чалинди.

Аста бордим-да, зулфинни тушириб, эшикни очдим.

— Ҳа, тарин нима бўлди? — дея онамни ичкарига олиб кирдим-да, кўрпачага ўтқаздим. — Яна эрингиз йиғлатдими?..

Онам бир муддат йиғлашдан тўхтаб елкамга бош кўйди ва ҳазин оҳангда деди:

— У... сени болтамидан чопиб ташлайман деяпти. Кечаси ухламай, барибир ўлдириб ташлармиш...

— Ўлдиролмайди, — дедим қатъий оҳангда. — Ўшанинг гапига ишониб ўтирибсизми? Тинчланинг!

— Йўқ, мен отангни яхши биламан. Айтганини қилмай қўймайди. Болам, бу гапларни айтиш менга осонмас. Аммо мажбурман. Ўлиб кетишингдан кўрқаман, жон болам! Илтимос, кета қолгин! Қаерга бўлсаям майли. Фақат кетгин! Чивиндай жонинг омон бўлса бас... Сенга бир бало бўлса, мен куйиб адойи тамом бўламан!..

Волидамнинг бу сўзлари кўксимга ханжардек овир ботди. Йўқ, уни тушунишга уринардим. Фақат туқкан онанг «кет» деган сўзни кўзларингга тик бокиб айтса, алам қиларкан.

Танамга муз теккан каби сесканиб кетдим. Бироқ бу ҳолатимни сездирмадим.

Тўгри, ҳозир қаерга боришни, қай манзилда тунани билмасдим... Шунга қарамай, аллақачон қўлида буюмлар солинган сумка билан кетишга шай турган Шарифанинг қўлидан тутдим-да, таваккал ташқариға отилдим.

Ҳаво айниб, ёмғир томчилай бошлабди.

Катта йўл бўйига чиққач, жўнаб кетишдан аввал бир зум кўкка боқдим. Зулматли осмондан онда-сонда юзларим оша томчилаётган ёмғир қалбимнинг тубтубида йиғилиб бораётган аччиқ, кўз ёшларимга ўхшарди.

* * *

Биз олдинма-кетин кетиб борардик. Кетар чоримда онам ҳеч қурса кўнглим учун ортга қайтаришга

уринмагани алам қилиб сиқилаётганим етмагандек, Шарифанинг аҳён-аҳёнда пик-пик йиғлашидан асабим қўзирди.

Ҳаётдан шунчалик кўнглим совиб кетгандикি, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага қарамай бу ерлардан бош олиб кетгим келарди. Бир зумда лоқайд ва ҳафсаласиз одам қиёфасига кириб қолгандек эдим. Фақат... Оёқларим мени қайнонам Зарифа холанинг қишлоғи томон судраклаб бораётганини сезардим...

Ана, икки ёнбоши тутзордан иборат тор кўча. Яқиндагина шу кўчадан шарлар-у, ранг-баранг тасмаларга бурканган машиналарда, жўраларимнинг олқишлиари, сўнгсиз мақтovлари остида ўтгандим. Ўша куни кўча ёш-яланг қиз-жувонлар, қизиққон йигитларга тўла эди. Ҳаммалари бизга ҳавас билан бокишган, болакайлар машиналаримиз то кўздан йўқолгунча ортимииздан иргишлаб чопишганди...

Бугун эса кўчада зоф учмаяпти. Қишлоқнинг қопоғон итлари ҳам бизнинг иочор ҳолатда қолганимиздан бохабардек ин-инларига беркиниб олганга ўҳшайди. Фақат бароқ мушукларнинг узуқ-юлуқ миёвлашлари кур-кур қулоққа чалинади.

— Мен яна ўзимга битта лақаб орттираяпман, — дедим алам билан. — Илгари етимча дея ортимдан тош отган бўлишса, буёғига ичкуёв деган тамғани юзимга босадиган бўлиб туришибди. Эссиз умрим! Нега мен дайларни дунёга келтиришади? Таъналарини, алам-у, ташвишларини елкамга ортиб ўтиш учунми? Ёки масхаралаганда, хўрлаганда енгил тортишлари учунми?.. Нега?

— Ҳадеб хафа бўлаверманг, Қодир ака! — мени йиги аралаш юпатган бўлди Шарифа. — Ҳеч ким сизга таъна қилмайди, мана кўрасиз! Ўзингизни ўзингиз қийнайверсангиз, касал бўп қоласиз.

— Бу кунимдан оғир касалга чалиниб ўлиб кетганим яхшийди, — дедим оғир хўрсиниб. — Ўлганлар

хотиржам бўлишади. Ҳеч нарсани ўйлашмайди, ҳеч ким уларнинг тинчини бузмайди.

— Бас қилинг! — беихтиёр бақириб билагимни чимдим олди Шарифа. — Шундогам бўларим бўп турибди. Ўлмайсиз, тушунаяпсизми, сиз ўлмайсиз!.. Мени ёлғиз ташлаб кетишга ҳақингиз йўқ! Уйи бошида қолсин ўша ифлоснинг! Омон бўлсак, бизлар ҳам уйсиз қолмасмиз!

Индамадим. Кўлимдаги охирлаб қолган сигаретни бир четга иргитдим-да, тахтали дарвозани очиб ичкарига кирдим.

* * *

Ховлида қадам товушларимиз эшитилгани ҳамоно ичкари уй эшиги очилиб, басавлат, ёши олтмишдан ошган қайнонам Зарифа холанинг қораси кўринди.

— Шарифа! — айвондан туриб товуш берди қайнонам. — Ким у?.. Шарифамисан?

— Ҳа, эна, биз! — Шарифа таниш овозни эшитди-ю, дод солиб йиғлаганча бориб онасининг елкасига осилди. — Эна, знажо-он!..

— Секин, қизим, секин! — шивирлади қайнонам шу орада менинг елкамдан олиб кўришаркан. — Бас қил йиғлашни! Кўшнилар эшитади. Ичкарига киринглар! Қани, юринглар!

Биз Зарифа холанинг ортидан эргашиб, хонага кирдик.

— Болам, яхши юрибсизми? — кўнгил сўраган бўлди қайнонам. — Нега икковларинг ҳам тумшайиб қолибсизлар? Тинчликми?

— Бизни ҳайдаб юборди, — йиғламсираб жавоб қилди Шарифа менга ўғринча қараб олиб.

— Вой ўлиб қўя қолай! — қайнонам бу гапни эшишиб шоша-пиша ичига туфлади. — Ким ҳайдади? Нимага ҳайдайди?

— Анави... Қайнотам...

— Қайнотанг?.. Ие, нега ҳайдайди?.. Нима қасди боракан сизларда? Жамилахон-чи? Қайириб ташламадими эрини?

— Қаёқда? — күз ёшларини енгига арта-арта тескари ўгирилиб олди Шарифа. — Қайтанга қайнонамнинг ўзи тезлади... «Сени отанг ўлдириб қўярмиш! Кет!» деявериб ҳоли-жонимизга қўймади. Ярим кечаси бўлсаям чиқиб келавердик, эна!..

Зарифа хола менга маъюс қараб олди-да, қизини елкасидан тутиб ўзига қаратди.

— Болам, мабодо сен гап қайтариб қўймаганмидинг? Бекорга...

— Ўлибманни гап қайтариб? Зарил кептими?

— Унда нимага бекордан бекорга ҳайдайди?

— Куёвингизга қасма-қасд қилди бу ишни. «Далага чиқиб яхобга қара» дегани деган. Қодир акам мазаси бўлмай зўрға юрган бўлса... Бормаганига аччик қилиб чироқларимизгача ўчириб қўйди.

— Айтгандим-а, ўгай барибир эл бўлмайди деб! — тутоқиб кетди қайнонам. — Билгандим. Кўнглим қурғур сезганди шуни. Худоё бетидан бузиссин! Сизларни қишининг кунида кўчага қувган бўлса, рўшнолик кўрмасин! Болаларидан тортсин! Ўлсаям гўрида тик турсин, илойим! Дўзахгинага дўмбира бўлсин!..

Шарифа онасининг қарғишларидан сўнг ув тортиб йиғлай бошлади.

Буниси ортиқча эди. Негадир хотинимнинг йирлаши кўнглимни бузиб, ўзимни лоҳас ҳис эта бошладим. Аммо ёнимдагиларга бу ҳолатимни сездириб қўймаслик учун «Мен бирпас очиқ ҳавода ўтириб келай» дедим-у, ташқарига чиқиб кетдим...

Ҳали айвон бўсағасидан пастга ҳатлаб улгурмагандим. Қайнонамнинг шивир-шивири мени хушёр торттириб таққа тўхтадим.

— Қизим, энди... Куёв ҳам шу ерда турадими?..

— Вой, эна, нима бўпти?.. Нега сўрайapsиз?

— Ичкуёв... Бўлиб-а?..

— Тавба қилдим-ей, эна!.. Шу ердан бўлак қайга борами-из?..

— Тўғри-ку-я!.. Локигин... Жа ғалати бўлди-ку!.. Аканг Абдусалом, опаларинг, қўни-қўшнилар нима дейишаркин?.. Гап-сўз кўпайиб кетса-чи?.. Унда нима қиласми, қизим?..

— Гап-сўздан қўрқасизми, эна?.. Ё сизам бизни ҳайдаб солмоқчимисиз?

— Секинроқ гапир-э!.. Куёв эшитиб қолади! Ҳар ҳолда куёв халқи қайнонанинида юрса ғалати-да, болам! Сира тасаввуримга сифира олмаяпман!..

— Нега унақа дейсиз? Ахир, бегона эмас-ку!..

— Оббо, намунча бақирмасанг? Шунчаки айтдим-кўйдим-да! Шу гапниям қингирга йўяверасанми?..

Бу гапларни эшитиб, кўксимга ханжар санчилган-дек туюлди. Қўрқувданми, аламданми, тиззаларим даг-даг титраб, аъзойи баданимни совуқ тер босди.

— Қайнонам тўғри айтди, — ўйладим ўзимча. — Ичқуёвлик осон эмас. Эркак кишига ҳар қадамда қимтиниб, тортиниб юриш ўлимдан баттар. Яхиси, се-кингина ўзимни четта оламан.

* * *

Зимистон кечада. Осмон тўла юлдузлар жамолини кўз-кўз қилаётган сулувлар каби бир-бирларига навбат бермай ёғду сочишади. Ой эса уларнинг биронтасини писанд қилмайди. Ёй шаклига кириб, «Гўзаллик бундай бўлибди» дегандек кетимдан қолмайди...

Буғдой ниш урган пайкални ёқалаб пича йўл юрганимдан сўнг изғирин жонимдан ўта бошлаганини ҳис этдим. Аксига олиб қорним ҳам таталаб бораарди.

Эгнимдаги оҳори кетиброқ қолган костюм ёқасини кўтардим-да, қунишганча йўлимда давом этдим.

— Бекор қилаяпсан! — дерди шайтоний овоз. — Шу кетишда нимага эришмоқчисан? Нимани исбот-ломоқчисан? Адо бўласан-ку! Бир оз сабр қилсанг, олдингга овқат қўйишарди. Иссиққина ўринга ўра-

либ, хотинчангнинг қўйнида маза қилиб ухлардинг. Ҳар ҳолда сени ҳеч ким қувиб солмасди. Аҳмоқ экансан, бола!..

— Сен бўлар-бўлмас гапларга қулоқ тутаверма! — бу овозга жавобан қалбим инграб юборди. — Шайтоний ҳирсу ҳавасдан бўлак нарса эмас булар... Ёдингда бўлсин, бу дунёда меҳрли, оқибатли одамнинг ўзи қолмаган. Ҳеч ким сен бечорагинанинг дардига малҳам бўла олмайди. Мана кўрасан, ўлар ҳолатга тушиб қолганингда ҳам фақат Яратган жонингга оро бўлади. Одамзод эса ўзини ўйлашдан нарига ўтмайди. Шундай экан, фақат олга бос! Бир кунмас бир кун фариштангни, ҳақиқий қўриқчи фариштангни албатта топасан. Ўша сени тушкунлик ботқоғидан олиб чиқади...

* * *

Чалкаш хаёллар гирдобида узоқ йўл босгандек эдим. Йўл юриш асносида совуқни ҳам ҳис этмай қўйгандим. Пешонамдан маржон-маржон терлар кўйлагим ёқасигача оқиб туша бошлаганди.

— Ҳойнаҳой Шарифа мени қидираётган бўлса кепрак, — ўйладим қадамимни секинлатиб. — Мени кетиб қолади, деб сира ўйламагандир. Шунгаям қийин бўлди. Тинчгина, она уйида яйраб юрганди. Менга турмушга чиқди-ю, тинчи бузилди, хўрликларимга шерик бўлди, беҳуда кўз ёшлар тўкди, сиқилди, ўртанди...

Йўқ, уни ҳам шафқатсиз тақдиримга шерик қилиши ни сира хоҳламайман. Майли, йиғласин, елсин-югурсин. Мени тополмагач, бир кун кўникади. Ҳаммасини унутиб, ҳаётини бошқатдан бошлайди. Бекорга «бокира эмассан» деб дилига озор берибман! Аслида мен ҳеч нарсага арзимайдиган бир бандаман-ку! Нима ҳақим бор эди шундай дейишга? Кимман ўзим? Ҳеч ким!.. Кўчадаги дайди ит ҳам менчалик ташландиқ эмас!.. Нимамга олифтагарчилик қилдим? Ўзини мағ-

рур қилиб күрсатиши менга ким қўйиб эди?.. Афсус, чиқиб кетишимидан олдин ими-жимида узр сўрамабман. Агар шундай қилсанам, ҳозир бу қадар виждан азобида қолиб кетмасдим... Ишқилиб, Худонинг ўзи кечирсин!

* * *

Бир маҳал қандайдир таниш масканга келиб қолгандек юришдан тўхтадим.

Қаршимда қуриброқ қолган суви юзини бутана босган катта зовур намоён бўлди.

— Ие, бу ўзимнинг Хонбува маҳалламдаги зовурку! — дедим қирғоқча яқинроқ бориб. — Бу ерга қандай келиб қолдим? Шунча йўл босиб-а?.. Ўзи аслида қаерга кетаётгандим? Ҳа-я, менга барибир эди-ку қаерга бориш! Фақат маҳалламга келиб қолганим галаати. Худди бирор тайинлагандек, кимдир мени кутаётгандек маҳалламга келишим ақлга сиғмайди...

Хўш, энди нима қиласман? Қаерга бораман? Бувижонимникигами? Аслол! У уйга киришга ҳам ҳаққим йўқ! Умуман ҳеч қаерга бормайман. Тақдирнинг ўзи мени бу ерга етаклаб келди. Унга қарши боришим сира мумкин эмас. Мана шу зовур ёқасида ўтирганча жон бераман. Шундай қилсанам, ҳаммасидан биратўла кутуламан. Ҳеч кимга оғирлигим тушмайди, эртанги кун қайғуси билан яшаб азоб чекмайман, ҳеч кимдан бир кун келиб «Ҳезалак», «Сигинди», «Етимча», «Ичкуёв» деган таъналарни эшитмайман...

Худди муз одам каби ҳиссиз бир ҳолатда аста пастроқча тушдим. Ҳа, башарти ўлсан ҳам, жасадим шу ердан ҳов анави бўтanalар устига думалайди. Шунда аллакимларнинг «Ўлигиям бизларга юк бўлди-я!» дашномларини эшитиб, руҳим чирқилламайди...

Хўш, қандай ўладилар ўзи? Ўзимни осишга ҳеч вақо йўқ. Фидираклар остида қолиб мажақланай десам, бу ерлардан машина ҳам ўтмайди. Зонур бўлса, сувини ичга ютиб, мушикулимни оширибди...

Дарвоқе, қорним ўлгудай оч. Бир оз кутсам, балки очликдан шишиб ўларман... Йўқ, тезлатишм керак. Нафас олишдан чарчадим. Мана шу фақат зулмат-у, қора булутлардан иборат дунёга боқишдан тўйдим!..

Жонҳолатда чўнтағимдаги сигарет қутисини қўлим-га олдим. Кутида ўн донача сигарет қолибди.

Қачонлардир эшитгандим.

Оч қоринга бостириб-бостириб тамаки чекса, одам хушини йўқотаркан-да, қайтиб уйғонмас экан. Ҳатто, жон берәтганини сезмай, уйқуда боқий дунёга рихлат қиласкан.

Негадир қўлларим дир-дир титраб, сигарет тутатдим-у, чўзиб-чўзиб тортдим.

Афсуски, бу уринишим ҳам узоққа чўзилмади. Мендан тўрт-беш қадам нарида қора шарпа пайдо бўлди. Агар кўзлари ёнаётганини кўрмасам, бу шарпани инси-жинсга йўйишим тайин эди.

— Ит-ку, — кўнглимдан ўтказдим костюмга қаттиқроқ ўралиб. — Ҳой, итмисан? Ит бўлсанг, яқинроқ кел!..

Шарпа менга жуда яқин келиб тўхтади. Ўйлаганимдек, қоп-қора, бўйдор бир ит экан.

— Хўш, отинг нима? — сўрадим унинг юнгларини оҳиста силаб. — «Олапар мисан? «Бўрибосар мисан?.. Ким бўлсанг ҳам кел, сени қучиб исиниб олай! Совуқ жон-жонимдан ўтиб кетди, жўра!.. Қани, келақол энди! Тортинма!

Ит мени тушунгандек янада яқин келди-да, искаланана-искаланана кўзларимга жавдираб боқди.

— Ҳа-а, қорнинг очми дейман? Афсус, сени хурсанд қила олмайман. Ўзим очликдан силлам қуриб зўрга ўтирибман. Ишонасанми, охирги марта кеча икки-уч қошиқ овқат еганман, холос... Ҳой, қаёққа? Иситиб қўймайсанми? Ҳамқишлоқлик ҳурматим йўқми?..

Ит ёлворишларимга, бақир-чақирларимга эътибор қилмай, бошини қуи солганча қишлоқ ичкарисига югуриб кетди.

— Ҳа-а, — дедим аламимга чидай олмай. — Ночор бўлсанг, ит ҳам писанд қилмас экан. Овқат бера ол-маслигимга фаҳми етди!..

Мен зарда билан қўлимга қутини олиб, иккинчи сигаретни тутатишга тутиндим.

* * *

Олтинчи сигаретни чекиб бўлаёзганимда кўнглим айниб, ўқчий бошладим. Бошим айланиб, ҳолим қуриб бораётганини ҳис этдим. Шу лаҳзаларда тунги совукдан оёқларим увишиб, елкаларим қақшаб кетаётганини ҳам сезмасдим.

— Демак, томирларимдаги қон қота бошлади, — кўнглимдан ўтказдим еттинчи сигаретни лабимга қистириб. — Чидайман. Яна бир муддат бардош берсам, бас! Ниятимга етаман...

Бевафо ва шафқатсиз дунё! Эшитаяпсанми? Сени тарк этиш арафасидаман! Шундай кенг бағрингга мени сифдирмадинг! Нима қилай? Лаганбардорлик қилиш, сенга хушомадлар ўйлаб топиш қўлимдан келмас экан. Азоблайвердинг, мендан ўч олиб чарчамадинг. Мана, ниҳоят тўйдирдинг. Максадингга эришасан. Кошки эди, мени қувиб солгандан кейин кенгайиб қолсанг! Бундай бўлмайди. Сен торлигингча, бевафо ва ёлғонлигингча қолаверсан. Ҳали тағин мен каби ожизларнинг қанчасини қон қақшатаркансан. Фақат билиб қўй, агар онажоними ни куйдирсанг, уни ўтларга ташласанг, сени кечирмайман! У дунёдан қайтиб бўлсаям сендан ўч оламан!

Бошим тобора тезроқ айлана бошлади. Қусгим келяяпти-ю, иложи бўлмаяпти. Йўқ, мен болалигимдан шундайман. Кўнглим айнийди-ю, ичимдагини чиқара олмайман...

Майли, шундай бўлгани яхши. Мендан из қолишини хоҳламайман. Ҳеч ким билмасин! Ҳеч ким ҳатто жасадимни ҳам кўрмасин. Шуниси маъқул...

Охирги сигаретни чекиб тугатишга улгурмадим. Аввалига бошимда қаттиқ оғриқ турди. Аъзойи баданим ёниб, қора терга тушдим. Сал ўтиб танам музлай бошлади. Сүнгра осмон бир айланди-ю, ҳушимдан кетдим...

* * *

Ана, тепамда кимлардир йирлаяпти. Ҳойнаҳой, Шарифа бўлса керак. Кимнингдир қичқиргани қулоғимга чалинаяпти. Қизиқ, мени қандай топиши экан? Зовур ёқасида эдим. Ёки ит бориб яқинларимга хабар бердимикан? Унингтили йўқ-ку! Қандай айтади? Мени танимаса...

Бунча жасадимни тортқилашмаса?! Қаерга олиб кетишаепти ўзи? Қабристонгами? Наҳотки, ҳозир ер остига кирсам? Кейин нима бўлади? Йўқ, мен кирмайман. Жасадимни қўйишади қабрга. Мен осмону фалакда парвоз қиласман. Бувижонимни, онамни, Шарифани соғинсан, пастга тушаман-да, уларнинг орасида айланиб учаман. Шунда барчалари келганимни сезиб, мен билан тиллаша бошлашади. Бу лаҳзалар руҳлар учун тотли кечади. Мен қадрдон овозларига, чеҳраларига тўйгач, яна ортга қайтаман.

— Қодир ака, кўзингизни очинг! — бу Шарифанинг товуши эди. Хотиним жасадимни тортқилаб, ҳазини оҳангда ёлворарди. — Жон Қодир ака, уйғона қолинг! Мен кўрқиб кетяпман, эшитяпсизми?..

Эҳ, Шарифа, қанийди уйғона олсан! Қорамагиз юзларингдан тўйиб-тўйиб бўсалар олмасмидим!? Сен ўзингни беҳуда қийнайверма! Ўлганлар қайтиб келмасликларини яхши биласан-ку! Нега куйиб-пишасан? Буёғига кучли бўл! Ҳали олдинда сени минглаб, миллионлаб яхши, ёқимли кунлар кутяпти. Ўша кунларни қарши олишга бел боғла! Мени қўявер! Ҳозир жоним роҳатда. Бирор кўнглимга озор бермайди. Ҳар сонияда таҳликаларга кўмилиб яшамайман. Қайғур-

ма! Сендан албатта хабар олиб тураман. Мени соғи-
ниб ташвиш чекишингга йўл қўймайман!..

— Опажон, — кимдир жасадимни кўтариб олди-
да, номаълум тарафга кета бошлади. — Уни ўша жой-
га олиб бормасак бўлмайди. Шошилишимиз керак!..

— Балки дўхтирга олиб борармиз? — адашмасам,
бу қайнонамнинг овози эди. — Ҳар ҳолда...

— Йўқ, шарт эмас. — деди мени кўтариб бораётган
кимса. — Ўша жой маъқул. Кетдик!..

У жасадимни ё машинага, ё аравага ортди. Шун-
дан сўнг атрофимда яна йифи овозлари эшитила бош-
лади.

Ҳа, мени мачитта олиб кетишяпти, шекилли. Ундан
кейин қабристонга жўнасак керак...

Шарифа!.. Йиғламасдан ўтира олмайсанми?.. Бир-
пас жим бўлсанг-чи! Ҳализамон жанозам ўқилади. Мен
ҳам дуоларни тинглаб куч олайн-да! Сен дод-вой
қиласверсанг, дуоларнинг ҳаммаси ҳавога учади-ку,
нодон!..

Майли, нима бўлса бўлар. Энди кейинги ҳаётим
ҳақида ўйлашим лозим.

Алвидо, ўзимнинг бенаво ва ёлғончи дунём!..

* * *

Мени қандайдир нимқоронги хонага олиб кириш-
ди. Лекин ҳеч ким йифи-сиги, дод-вой қилмасди. Та-
ниш-нотаниш овозда аллакимларнинг шивир-шиви-
ри қулогимга чалинарди.

— Шу ерда қолдириб кетасизлар! — деди бегона
товуш.

Билдимки, бу аёл кишининг овози. Бироқ ким бу?
Врачмикан? Э, мени ҳар ҳолда ўликхонага олиб ке-
лишмагандир. Агар шундай бўлганда, Шарифа дод
соларди, атрофимда айланиб йиғларди. Йўқ, ҳойна-
жой врачга олиб келишибди, шекилли. Нега? Врач нима
қилади ўликни? Жасадимни пичоги билан ёриб таш-
ласа-я?!

Ха, майли, қулоқ тутай-чи, нима қарорга келишар-кан?!

— Унда менам қоламан! — бу Шарифамнинг товуши эди. У йиғламсираганча сўзларди. — Қодир акамнинг ёнидан бир қадам ҳам жилмайман! Нима десангиз деяверинг!

— Йўқ, — деди бошқа аёл унга. — Агар ҳаммаси яхши бўлсин десангиз, уйингизга боринг! Уни шу ерда қолдиринг! Мен бегоналарнинг олдида ишлай олмайман!..

— «Бу отинбувими дейман? — ҳайрон бўлдим. — Аслида оламдан ўтган эркакнинг жанозасини эркак домла ўқимасмиди? Нега отинбувини чақиришди? Онам қани? Нега онамнинг товуши эшитилмаяпти? Ё ҳали хабар беришмадими? Нима учун? Туқдан онам тепамда ўтириши, ҳақимга дуолар ўқиши керак эмасми? Наҳотки, Нурмат қора жўнатмаган бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкинмас. Фарзанди оламдан ўтади-ю, онажоним унга қулоқ тутиб ўтирамиди... Ундей десам, бувижоним, бобом ҳам бу ерда йўққа ўхшаяпти. Улар нега келишмади экан?..

— Бўпти, — шивир-шивирлардан чалғиб, яна қулоғимни динг қилдим... Қизиқ... Одам дунёдан ўтгани билан ҳамма гап-сўзларни, товушларни эшитиб тураркан. Демак, руҳ ўлмас экан. Ҳозир танам тошдек қотганча тўшакка михланиб ётибди-ю, аммо руҳим ҳаммасини англаш, билиб турибди. Фақат.. Қаердалигими ни фаҳмлай олмаяпман, холос. Кейинчалик биларманда!.. — Майли, опажон, тушундим, — деди Шарифа. — Сиз айтгандек қиласман ҳаммасини. Уйимга бораман. Ҳаммамиз кетамиз. Фақат...

— Ўзим хабар қиласман, — деди бегона овоз соҳибаси. — Сира хавотир олманг! Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади...

Шундан сўнг қадам товушлари узоқлашиб, мен ётган хонага сукут чўкди.

Ёлғиз қолганимдан фойдаланиб ўзимча қаерим оғриган-оғримаётганини ҳис этишга уриндим. Йўқ, ҳеч

қаеримда оғриқ сезилмаяпты. Демак, мен ҳақиқатан ўлганман. Акс ҳолда бирор ерим оғиши, ҳеч бўлмаганда, кўнглим безовта бўлиши лозим эди. Кўнгим хотиржам. Ҳатто, танам тўшакнинг қаттиқ-юмшоқдигини ҳам сезмаяпти. Худди ҳавода муаллақ турган-декман.

— Қандай яхши! — ўйладим ўзимча. — Яқиндагина юрагим ғаш ва ўзим бахтсиз бир нотовон банда эдим. Энди эса буткул бошқача. Ҳаёлимни фақат яхшилик, сокиналик қамраб олди. Бунинг нимаси ёмон? Буёғига ҳеч кимга ҳисоб бермайман, ҳеч кимдан најот кутмайман, умрим таҳлика остида ўтмайди. Асосийси, қалбим азобда қолмайди.

* * *

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман. Ичкарига ким-нингдир кирганини ҳис этдим. Қора шарпа тепамга келди-да, менга маълум бўлмаган дуоларни пичирлаб ўқий бошлади.

— Ҳа, бу ўша отинбуви, — ўйладим ўзимча. — Дуо ўқий бошлади чамамда. Қизиқ... Дуо ўқигани сайин танам совиб боряпти. Ана, негадир бошим айланди... Н-нега қоп-қора, тор йўлакка кирдим?.. Энди эса у ердан чиқдим... Ҳаммаёқ ёришиб кетгандек туюлди... Йўқ, қоронги хонадаман... Фақат... Энди ҳаммасини кўриб турибман... Тепамда эса...

Бу ким? Фариштамикан? Айтишарди-ку, инсон боқий дунёга рихлат қилгач, руҳи кўриқчи фариштаси билан учрашаркан. Ўша фаришта унга ҳаётлиги-даги йўл қўйган гуноҳлари учун бўладиган савол-жавоблар пайтида ҳамроҳлик қиласкан...

Ҳа, бу менинг фариштам! Қанчалар гўзал экан у! Юзларидан нур ёғиляпти. Эҳ, у фариштадан оддий инсонга айланиб, ҳаёт эканимда йўлимдан чиқса бўлмасмиди. Менинг ҳам шундай хушрўй аёл билан яшашга, унинг ойдек ҳуснидан завқ олишга ҳақим бор эди-ку!..

— М-мен қаердаман? — эхтиёткорлик билан сўрадим ундан.

— Сизми?.. Сиз менинг ҳузуримдасиз, — жавоб қилди фариштам маъюс жилмайиб. — Энди доимо мен билан бирга бўласиз.

— Мен ўл-ланманми?..

— Ҳа,— фариштам дарҳол қовоқ уйиб олди. — Фақат... Энди бундай саволлар берманг!..

— Нега?.. Мумкин эмасми?

— Мен... Хижолатда қоламан. Агар савол бераверсангиз, ишлай олмайман.

— Охирги марта сўраб олай! Илтимос, менинг ўликтариликимни аниқ айтинг! Бўлди, шуни айтсангиз, савол бериб ортиқ сизнинг вақтингизни олмайман.

Фариштам қовоқ уйган кўйи бир оз ўйланиб турди-да, бошим узра эгилди. Ундан шу қадар ёқимли ис тарапидики, бошим янада қаттиқроқ айланиб кетди.

Бу ҳолатимдан жуда қўрқиб кетдим... Ахир, мен ўлганман! Фариштамнинг ишларига нега халал беришм керак? Ана, дарров жаҳли чиқди. Бошимни шундай тез айлантириб юбораверса, жаҳаннамга тушиб қоламан-ку!..

— Тушундим, — дедим кўзларимни қайтадан юмиб.

— Сизни ранжитганим учун узр сўрайман, фариштам!..

У менга жавобан юзини юзимга босди.

Қайноқ ва момикдек юз аъзойи баданимни қиздирив, лабларим қуруқшагандек бўлди.

— Энди жим ётинг! — шивирлади фариштам. — Менга халал берманг!.. Ҳозир дуо ўқийман. Ўқиш давомида нималарни кўраётганингизни айтинг! Фақат... Кўзларингизни қаттиқ юмиб олинг! Акс ҳолда ҳеч нарсани кўра олмайсиз!

— Хўп, — дедим фариштамга ўтли боқиб. — Сиз нима десангиз шуни қиласман! Фақат мени ташлаб кетмасангиз бас!

— Энди аста ўрнингиздан туринг! — буюрди фариштам мулойимлик билан.

Мен буйруқни сўзсиз адо этдим ва фариштамнинг қоп-қора, мунчоқдек кўзларига, нафис юзлари-ю, гунча янглиф лабларига сўқ билан боқдим.

У менинг меҳр билан боқаётганимни сезиб турарди. Шунинг учунми, ярим очиқ сийналарига кафтини босиб беркитган бўлди.

— Сиз асло ортиқча юмушларга чалғимаслигингиз зарур, — уқтириди фариштам. — Ҳозирги ҳолатингизда менинг сўзларимгагина қулоқ тутиб, нима десам, шуни бажарасиз.

— Айтинг, — ялинганинамо оҳангда сўз қотдим унга.
— Мен ҳеч нарсани тушуна олмаяпман. Нималар бўляпти ўзи? Биз қаердамиз?

— Тушунмайсиз ҳам, — жавоб қилди фариштам.
— Чунки сиз менинг ҳузуримдасиз. Умуман айтадиган бўлсам, сиз ўлгансиз. Мени танидингиз-ку! Фариштангиз эканимни тан олдингиз-ку! Нимага тағин бехуда саволлар бериб мени чалғитасиз?

— Ўтмишими-чи?.. Ўтмишим нима бўлди? Қаерда қолди?

— Ўтмишингиз ўтмишда қолди. Буёғига иккаламиз бирга бўламиз.

— Нима учун унда мен ўрнимда тик турибман. Учиб юришим лозим эмасмиди?

— Ҳали унишингизгаям вақт топилади. Тик турган эса, сиз, яъни, руҳ! Жасадингиз, ана, орқангизда ётибди.

Бу гапни эшлитиб шоша-пиша ортимга ўгирилдим. Не кўэ билан кўрайки, жасадим ҳақиқатан, икки қават кўрпача устида хотиржам ётибди. Негадир юрагимни қўрқун ҳисси қоплаб ортга чекиндим. Ҳавотирим ошиб бораётганини кўрган фариштам эса дарҳол кўлтиғимдан олди.

— Биламан, сиз илгари бу тахлит ҳолатларга рўбарў келмагансиз. Кўрқишингиз тайин. Юринг, нариги хо-

нага ўта қолайлик! Жасадингизнинг тинчини бузмай-
лик! Қани, асалим, юра қолинг!

* * *

— Бунчалар тили ширин фариштамнинг! — ўйлар-
дим нариги хонага ўтарканман. — Ёруғ дунёда эка-
нимда бундай ширин сўзларни жуда кам эшигтан-
дим. Фақатгина бувижоним гоҳида эркаларди. Худ-
ди фариштам каби турли ёқимли сўзларни айтиб
кўнглимни кўтарарди. Ана энди абадий эркалаш-
лар оғушида яшайдиган бўлдим. Бизни ҳеч ким айи-
ра олмайди. Ҳамиша фариштам билан бирга бўла-
ман...

Бу хона ҳам нимқоронғи эди. Мени духоба кўрпа-
ча устига ўтқазди-да, фариштам рўпарамга чўқди.

Бир муддат бошини эгганча дуо ўқиди. Тағин та-
нам қизиб, бошим айланди. Бу гал кўнглим ҳам бир-
икки беҳузур бўлди.

— Тавба, — ўйлардим ичимда. — Боқий дунёда ҳам
кўнгил беҳузур бўлиши мумкин экан-да!. Бироқ тез
ўтиб кетаркан. Ҳозир фақат кўзларим тиниб, худди
сархуш кимсалар каби уйқу злитяпти. Ҳануз ҳеч
қаеримда оғриқ сезмадим.

— Кўзларимга тик боқинг, жоним! — деди фариш-
там овозини сал баландроқ пардага кўтариб. — Энди
бирпас киприк қоқманг! Иложи бўлса, икки-уч сония
нафас олишдан тўхтанг! Худди шундай! Бас, кўзла-
рингизни юминг! Қани, кўнгил кўзингиз билан нима-
ни кўраяпсиз?

— Поёнсиз бедазордаман, — дедим хириллаб. —
Беда роса чиройли гуллабди. Ҳов анави ёқда сариқ,
яшил, пушти рангли қандайдир кушлар парвоз қиласи-
ти.

— Тўппа-тўғри, — деди фариштам. — Улар жаннат
кушлари, асалим! Қушлар иккимизни олқишилаб, жав-
лон уришяпти. Яхшироқ қаранг, бедазор тепасида
оппоқ соқолли мўйсафид ҳам кўриниши лозим.

— Күрдим, күрдим! — дедим ҳовлиқиб. — Ҳа, оппоқ соқолли мўйсафид! У дуога қўл очиб турибди, фариштам!

— Қани, энди-чи, бир қадам орқага сурининг. Шундай!.. Иккала қўлингизни олдинга чўзинг! Сиз олдинга чайқаляпсиз! Орқангизга қараб кета бошлидингиз! Бўлди, чайқалишдан тўхтанг! Кўрдингизми, ана ўша қария бизларга никоҳ ўқиб қўйди! Энди биз бегона эмасмиз! Тушунаяпсизми? Биз эр-хотинмиз!

— Ие, — кўзларимни оғиб фариштамга ҳайрат аралаш боқдим. — Сиз, ахир... Фариштамсиз-ку! Қ-қанакасига...

— Нима қипти? — кулимсираб икки юзимни кафтлари орасига олди фариштам. — Бизга никоҳ ўқиб бўлинди. Шундай экан, иккимизнинг юлдузимиз юлдузимизга мос келган. Ё... Хурсанд эмасмисиз?...

— Кечирасиз-у, — дедим елка қисиб. — Сиз ҳали менинг ўтмишимни билмайсиз. Агар хабар топсангиз, бу ишингиз учун афсусланишингиз аниқ.

— Йўқ, адашяпсиз, — сўзимни кесди фариштам. — Ҳаммасидан хабарим бор. Сиз ҳаёт эканингизда ҳазилакам балоларга кўндаланг бўлмадингиз. Ҳатто, уйланиб ҳам рўшнолик кўрмадингиз. Бокира бир қиз тенгингиз эди. Жувонни рўпара қилишди. Уйжойли бўлишга ҳақди эдингиз. Қаерга борсангиз ҳайдаб солишди. Шунинг учун ҳам Яратгандан сизни ўзим сўраб олдим. Ортиқ бардош бера олмадим. Қийналганларингизни шунчаки томоша қилиб тура олмадим.

— Шунақами?.. — Бошим бир оз карахтланди, қулоқларим шангиллагандек бўлди-ю, бир зумда яна тинчландим. Тағин қалбимни сокинлик эгаллаб, енгил тортдим. — Кечиринг, сиз буларнинг ҳеч биридан хабардор эмассиз деб ўйларканман... Айтганча, сиз, ахир... Фариштасиз... Қандай баҳт!..

— Мени қучинг! — буюрди фариштам. — Қаттиқроқ қучинг! Шунда енгил тортасиз!..

Буйруққа бўйсуниб, унинг нозик белидан қаттиқ қучдим.

Оҳ!.. Фаришта деганича бор экан бу сулув!.. Сал қурса бақириб юбораётдим... Нима бўларди? Баридир ҳеч ким эшитмайди. Руҳлар бақирсалар ҳам, катта кўчада эрта-ю кеч сайд қилиб юрсалар ҳам ҳеч ким сизмайди...

Йўқ, бақирсан, гул каби нозик фариштамни чўчишиб юборишдан қўрқдим...

Фариштам анча вақт елкамга бошини қўйганча туриб қолди. Мен унинг майин ва қоп-қора, узун сочларини тўйиб силадим. Ёноқларидан қайта-қайта бўсалар олдим...

Бир маҳал у илкис бошини кўтарди-да, икки елкамдан тутиб аста кўрпачага ўтқазди.

— Шу ерда қимирамай ўтиринг! — деди жиддий оҳангда. — Сизга жаннат гулобидан ичиришни унутаёзибман. Агар ўша гулобни ичсангиз, хавотир ва кўркувлардан буткул ҳоли бўласиз.

— Кейин-чи? — сўрадим елка қисиб. — Кейин нима бўлади? Уча бошлайманми?

— Учишингизга ҳали анча бор. Кечгача истироҳат қиласиз. Атрофга тун чўккач, бошқа бир масканга борамиз. Ўша ерда ширин сұхбатлар қурамиз... Хуллас, биз вақтимизни хуш кечирамиз. Ахир, энди эрхотинмиз-ку, тўғрими?!.

— Ҳ-ҳа, — дедим қизариб-бўзариб. — Шундай...

— Бўпти, Мен ҳозир... Гулобни олиб чиқай!..

* * *

Фариштам олиб чиққан пиёладаги гулоб сал таҳирроқ экан. Ичганимдан сўнг орадан бир неча дақиқа вақт ўтиб ҳаяжонланиш, қўрқув ва хавотир менга бегона бўлди. Айниқса, фариштамга бўлган меҳрим, муҳаббатим ортиши ёқимли эди. Уни тинимсиз эркалар, ширин сўзлар айтиб чарчамасдим.

Шу күйи биз кунни кеч қылдик. Вақт хуфтонга яқынлаб, узоқ-яқында итлар ҳура бошлагач, фариштам эгнимга қалин чопон кийдирди. Бу ишига ҳайрон бўлмадим. Ташқаридаги қаттол совуқ рух ва фаришталар учун ҳам ёқимсиз кечиши мумкинлиги хаёлимдан ўтди-ю, ортиқча саволлар беришдан ўзимни тийдим.

— Биз менинг бир умрлик маконимга равона бўламиз, — деди фариштам кулимсираб. — Вақтимизни ўша ерда чоғ қила бошлаймиз. Ўзим сизга мазали таомлар пишириб бераман! Умуман, афсусланмайсиз.

— Сиз ёнимда бўласиз-у, афсусланармидим, — пи-чирладим қувониб. — Сизни зўрға топдим, жаннатим! Сиз билан ўтган ҳар дақиқам мазмунли ва тотли кепчапти.

— Энди абадулабад шундай бўлади, — деди ишонч билан фариштам. — Сиз фақат ўзимнинг ёнимда бўласиз...

Биз бир-биrimизни суйиб-эркалаганча ташқарига йўл олдик.

* * *

Тун ярмидан оғди. Биз тотли жаннат таомлари-ю, меваларидан тановул қылдик. Вақтимизни кўнгилда-гидек хушладик.

Ха, фариштам ҳақ эди. Мен уйланиб ҳам бунчалар ором олмаганман. Ҳақиқий аёл бошқача бўларкан. У вужудингни куйдиргудек тамшаниб эркаланади, кулоқларинг остида боқий дунёнинг энг ёқимли сўзларини шивирлайди, қалбингни китиқлайди...

Йўқ, бунақаси фақат менинг боқий дунёмда содир бўлиши муқаррар. Шу ергагина оламни таний бошладим. Борлиқнинг қадрига ета бошладим...

Ўтира-ўтира фариштам томон нигоҳ ташладим. Суюклигим маст уйқуда эди. Узун киприклари уйқуда ҳам пирпираб қўяр, ҳар нафас олганда олмадек сийналари сезилар-сезилмас кўтарилиб тушарди.

Уни пича ҳавас аралаш томоша қылдим-у, аста ташқарига чиқдим.

Қизиқ, бокий дунёнинг осмони ҳам митти юлдузларга тўла. Ҳатто ташқарида қор учқунлаяпти...

— Эсим қурсин, — кўнглимдан ўтказдим мен кулимсираб. — Ҳали еттинчи осмонга жўнаб кетмадикку! Фариштам алдамаётган бўлса, қиладиган баъзи ишларимиз бор. Шуларни битиргандан кейин учиб кетамиз...

Шу пайт вужудим жунбишга келиб қўча томон юрдим. Ҳайрон эдим. Қаерга отландим ўзи? Нимага қўчага қараб юра бошладим?

— Сен Шарифангнинг холидан хабар олиб келмайсанми? — ҳайқирди қалбим. — Ё унинг қай аҳволдаги энди қизиқтирмайдими?

— Тўғри айтасан, — дея олдинга босдим. — Унинг не гуноҳи бор?! Балки руҳим ташриф буюрганини сезса кўнгли бир оз тинчланар? Эртанги маъракамни кутиб ич-этини емас...

Тахминан ўн-ўн беш дақиқа йўл босгач, ариқ ёқасида чўнқайиб ўтирган қора итга кўзим тушди.

Ҳа, у ўша ит. Беришга овқатим йўқлигини пайқа-гач, терс ўгирилиб кетиб қолганди.

Ит шарпамни пайқади дегуича даст ўрнидан турди-да, нари кета бошлади.

— Ҳа, ярамас, — дея кенг далани бошимга кўтариб қичқирдим. — Қаёққа жўнадинг? Арвоҳдан кўрқишиңг рост экан-да-а?.. Тўхта!

Ит ҳайқириғимни эшлитиб, жонҳолатда дала ўртасига қараб чопди.

— Ўл-а, — қаттикроқ бақирдим. — Шунақа бўлади! Арвоҳни кўрсанг, оёғингни қўлга олиб чопасанлар! Лекин руҳлар зиён етказмаслигини билмайсанлар!..

Йўл-йўлакай ит воқеаси кулгимни қистатиб, ниҳоят манзилга етдим.

Хов катта анҳор кўпригидан ўтсам, Шарифаларнинг томорқасига чиқаман.

Тор сўқмоқ бўйлаб тўғри ҳовлига кираман-у, секинин мўралайман...

Умуман, шартта бостириб кириб борсам нима қиласди? Барibir мени кўришмайди, эшишишмайди. Ўғрига ўхшаб пойлаб ўтиришимдан нима наф?..

* * *

Ажаб!.. Шу маҳалда Шарифаларнинг чироги ўчмабди. Кимдир қоронғиликда пиқ-пиқ ийғламоқда.

Бу... Шарифанинг ўзи-ку!. Наҳотки, мижжа қоқмай менинг кўйимда куйиб ёнаётган бўлса?.. Нега?.. Ахир, аза биз руҳларни безовта қилишини, чирқиллатишини биларди-ку! Нима сабабдан марҳум эрининг тинчини бузишга қарор қилдийкин? Бунинг ўрнига ҳованави ўтинхонага биттагина шам ёқиб қўймайдими? Мен ўша шам тепасига бориб айланмайманми!?

— Ҳа-а, — ўйладим юрагим сиқилиб. — Шунинг учун қалбим безовта бўлган, мени шу ёққа етаклаган экан-да!.. Гап буёқда экан. Безовталик мажбур этибди мени...

— Шарифа! — овоз бердим оҳиста.

Хотиним беихтиёр ийғлашдан тўхтади-да, ўрнидан туриб атрофга аланглади.

— Ким у?.. Ким деяпман?..

— Эшиздими овозимни? — сўрадим ўзимдан ўзим.

— Ё яқин инсонлар руҳларни ҳам эшишилари мумкинми?

— Мен Қодирман! — дедим баландроқ товуцида. — Эшистаяпсанми мени?..

Шарифа овоз келган тарафга чопди...

Индамай туравердим.

Билардим, барibir у мени кўрмайди. Майли, товушимни пайқагандир, аммо қиёфамни ҳеч қачон кўра олмайди. Чунки жасадим бегона уйда ётибди...

— Сиз?.. Қодир ака, ўзингизми?..

Афсуски, хотиним мени кўра олди. Ҳа, у хўрсина-хўрсина келиб бўйнимга осилди.

— Ахир... Мен ўлганман-ку! — дея олдим аранг. — Эшитяпсанми, сен қучиб турган рухим, холос.

— Нималар деяпсиз?.. Сиз ўлган эмассиз! Ҳаёлингиз жойидами?.. Менга қаранг, тузалиб қолдингизми? Ҳеч қаерингиз оғримаяптими?.. Нега жимсиз? Гапирсангиз-чи, Қодир aka!..

— Күйвор мени! — Шарифанинг кўлларини бўйнимдан олиб ташладим-да, ортга тисландим. — Сен хато қиляпсан! Мен ўлганман, эшитяпсанми, ўлганман! Ахир, ўз кўлларингминан ювич аёлникига олиб бординг-ку!.. Мен... Орқага қайтишим керак... Фариштам кутаяпти мени!.. Агар ёнида йўқлигимни билса, ранжиди. Энди сен... Сабрли бўл! Ҳадеб куяверма! Ҳали ўзингга мос йигитни топасан.

— Йў-ўқ!.. — бақирди Шарифа қайтадан мени қучиб.

Унинг ҳайқиригини эшитиб қайнонам оёқ яланг чопиб чиқди.

— Қодиржон!.. Вой Худойимга шукр-ей!.. Илойим Фарзиниса омон бўлсин!.. Опош бўлдингизми, болам?..

— Эна, куёвингиз ақдан озиб қопти! — баттарроқ қичқириди Шарифа. — Нуқул ўлганман, арвоҳман деб мени қўрқитяпти!

— Кўйинг, болам, ундей қилманг! Юринг, иссиқ хотнага кирамиз!.. Қайноқ чой дамлаб бераман! Юра қолинг!..

Шу тобда хәёлларим чалкашиб кетганди...

Бўғзимга нимадир тиқилган каби энгашиб олдим. Ўқчий бошладим.

Кўз ўнгимни қоронғилик босиб, бошим гир-гир айланаетганини ҳис этдим.

Шарифа орқамдан келиб бошимни маҳкам босиб тураг ва йиги аралаш шивирларди:

— Қусинг, Қодир aka, қусаверинг!.. Қўрқманг!..

Нимадир бошимга қаттиқ урилгандек бўлди. Миям гувиллаб, қайдайдир беўхшов товушлар қулоқларим остида шанғиллади ва ҳушимдан кетдим.

* * *

Кўзимни очганимда тепамда Шарифа мунғайганча ўтиради. Бир-икки чукур-чуқур нафас олишга уриндим. Кўксимда оғир тош турган каби бунинг удасидан чиқа олмадим.

Сал ўтмай қорнимда қаттиқ оғриқ туриб ингралай бошладим.

— Сизга нима бўлди? — пешонамга кафтини босди Шарифа. — Қаерингиз оғрияпти?

— Қ-қорним... — дея олдим зўрга. — Кўнглим айнияпти...

— Худойим-эй! — Шарифа даст ўрнидан турди-да тогорача келтирди. — Мана, шунинг ичига қусаверинг! Мен... Мен дўхтири чақираман!..

Билмадим... Қандай дардга йўлиқдим-у, олдинда мени қай балолар кутяпти экан...

Шу тунни оғир дард исканжасида ўтказдим. Врачлар келиб ошқозонимни ювишгач, оғриқ алламаҳалгача пасанда бўлмади. Тонгга яқингина алаҳлай-алаҳлай кўзим илинибди.

* * *

Эртаси куни аллакимларнинг баралма сұхбатидан уйғониб кетдим. Хона нимқоронги эди.

Ташқарига қулоқ тутдим. Таниш овозлар...

— Биз Қодиржон билан эр-хотинмиз, — дерди бир аёл. — Унинг сизда кўнгли йўқ, билдингизми?!.. Чакириб беринг эримни!..

Бирпасга бошим фувиллаб кетгандек, юрагим бир кўтарилиб тушгандек бўлди...

— Фариштам! — дея телбаларча ташқари эшикни очиб айвонга чиқдим. — Ўзимнинг фариштам!..

— Ана, кўрдингизми?.. — Юзларини ажин босган, ҳарир дуррани бошига танғиб бойлаб олган ўрта яшар аёл мен томон талпинди. Лекин Шарифа ва қайнонам уни юқорига чиқаришмади...

Тўхта! Бу аёлни қаерда кўрганман ўзи?.. Нега мени тап тортмай эрим деяпти? Ким ўзи? Қаерда кўришганман?..

— Қодир ака, — менга юзланди Шарифа. — Мана-ви нусхани танийсизми?..

— Б-бilmадим... — дедим ҳафсалам пир бўлиб. — У...

— Вой, кечагина «фариштам» дея бағрингиздан бўшатмай ўтиргандингиз-ку! — бақирди менга аёл. — Энди нега тоняпсиз?..

— Шарифа, — хотинимга юзландим мен. — Бу ким ўзи?..

— Буми? — энди қайнонам олдинга чиқди. — Шу ярамас Фарзиниса фолбин бўлади... Мазангиз қочиб, ўзингизни билмай ётганингизда шуникига дам солиб қўяр деган умидда олиб боргандик... Ҳа-а, бекорга бу йигитни ташлаб кетинглар демаган экан-дал Ораларингда бир нима бор экан-да-а?.. Галиринг, куёв!..

Бу гаплардан сўнг нималарнидир эслагандек, ал-ламбалоларни фаҳмлагандек бўлдим...

Кўз ўнгимда яқин ўтмиш гавдаланди.

— Шарифа, — дедим титраб. — Бу аёл мени ўлгансан, мен фариштангман деганди... Эс-эс биламан, ҳушим ўлда-жўлда ётганимда дуолар ўқиди. Кейин... Мен ўзимга келдим... Каракт эканман чоғи... Ўзим ҳам аллақачон ўлганман деб хаёл қилдим... Ҳа, жасадим-ниям кўрдим!.. Кейин... Эслолмайман...

— Ана, эна, кўрдингизми?!.. — Шарифа жон ҳолатда бориб аёлнинг ёқасидан олди. — Мана шу эримга илми-амал қилган, эна!.. «Амал» ичирган унга!.. Дўхтирилар айтди-ку, ёмон нарса ичиб қўйган деб!.. Ҳозир буни...

Шарифанинг жаҳдидан азбаройи қўрқиб кетган аёл нуқул унинг қўлларини ёқасидан олиб ташлашга ҳаракат қилас, лекин кучи етмасди.

— Қўй, қизим, — қайнонам оҳиста юриб борди-да, Шарифани айириб олди. — Қўшниларнинг олдида

шарманда бўлмайлик! Худога солгин-у, қўйгин! Бундайларнинг жазосини Худо берсин! Энди-чи, Фарзиниса, обрўйинг борида жўнаб қол! Ўғлим кеп қолса борми, нақ бўғизлаб қўя қолади... Ҳе, бетингдан бузилгур, жодугар!..

Аёл бир муддат нимадир демоқчидек каловланиб тургач, ранги пахтадек оқарганча ҳовлидан чиқиб кетди...

Шарифа эса қўлтиғимга кириб мени ичқари уйга етаклади...

Мен энди-энди ҳаммасини тушуниб ета бошлагандим.

Демак, ўлмаган эканман. Жоду таъсирида алаҳлабман... Жасад, хотиржамликлар... Ҳаммасига ўша қарахтилик, замонавий тилда айтганда, гипноз таъсири сабаб бўлибди.

Шу жодугар аёл кўзларимга фариштадек кўринибди. Уни суйиб эркалабман... Қандай қилиб?..

Наҳотки, яна балога йўлиқдан бўлсам?.. Шарифага хиёнат қилдимми ҳали? Ёши қирққа яқинлаган аёл билан-а?.. Қандай юз билан унинг кўзларига қарайман?..

Қалбим уйғонгандек, минг пушаймонлар билан хотинимга зидан назар солдим.

Йўқ, Шарифанинг кўзларида нафрат чўгини кўрмадим. У ҳамон менга дардли нигоҳлар ила боқарди.

Бу ҳолат кўзларимни мошдек очиб, юрагим оғриди, алам ва надоматлар оловида куйиб жуфти ҳалолимнинг тиззаларини қучдим-у, бор овозда додлаб юбордим:

— Мени кечир, Шарифа!!!

* * *

Орадан бир ой ўтиб, ўзимга кела бошладим. Вужудимни дастлабки кунлардаги беҳоллик бутунлай тарк этган, иштаҳам яхши, бошим ҳам айланмаётганди.

Шарифа ҳар куни атрофимда айланиб-үргилар, «уни енг, буни енг» деявериб ҳоли-жонимга қўймасди. Энди чинакам оиласий баҳтга эришаётгандек эдим. Аммо барибир енгил нафас ололмасдим. Чунки ичкуёвлигим қалбимни зазарди.

Бу уйга бегоналигим ва табиатан одамовилигим мени буткул ёвойига айлантириб қўйганди.

Хотинимнинг уйига келганимга ҳам бир ойдан ошди. Лекин ҳалигача ҳовлига чиқиб сайр қилишгада юрагим дов бермайди. Ташқарига чиқсам, худди бу уйдагилар менга ола қарайдигандек, орқаваротдан пичир-пичир қила бошлийдигандек туюларди.

Ҳовлига чиқсам-у, Шарифанинг акаси менга бақира бошлиаса-чи, – дея ўйлардим ўзимча. Ёки опаси очиқ-часига лаб буриб, масхараомуз тиржайиб қўйса-ю, бу ҳолатига қўзим тушиб қолса, қандай аҳволга тушаман? Адойи тамом бўламан-ку! Бундан кўра ер ёрилса, ерга кириб кетганим яхши эмасми? Худойим, яшаш, эркин нафас олиш бунча мушкул бўлмаса?! Қачон шундай кун келарканки, ҳеч нарсани ўйламай, ҳеч кимдан ҳадиксирамай, ўйнаб-кулиб яшарканман?! Шундай ҳаёт ке-чиришга наҳотки ҳақим бўлмаса? Ахир бегона шаҳарга бориб кўчаларда тентириб юрган чоғларимда ҳам бу қадар тушкун кайфиятга асир бўлмагандим! Ёнимда Шарифа эркаланиб ўтиради-ю, унинг соchlарини силашга, эмин-эркин бағримга олишга қўрқаман. Гўёки ҳозир уйдагилардан бири кириб қолиб мени шарманда қиладигандек, таъна тошларини ота бошлийдигандек безовтаман. Қанийди, хароба бўлсаям кичик бир кулбанинг эгаси бўлсам! Ҳеч кимга бўйин эгмасдим, ҳеч нарсадан ҳайиқмасдим. Майли, тошдек қаттиқ бўлсада, бир бурда нонимни ўзим топиб ердим. Қачон келади ўша кунлар? Ё бир умр сигиндилик азобини тортамми? Ундан кўра ўлиб кетсам яхши эмасми?

Шу пайт хона эшиги фийқиллаб очилиб, хонага Шарифа кирди. Унинг чеҳраси очиқ, юзларидан мамнунлик балқиб турарди.

Хотиним жилмайганча келди-да, ёнимга ўтириб бошини елкамга қўйди.

— Зерикмадингизми? — мулоимлик билан сўради сунг. — Негадир ғамгинсиз? Ё тағин бирор ерингиз оғрияптими?

— Кўзларингизга қаравашга ботина олмаяпман, — дедим ўзимни терс буриб. — Хиёнатим учун ўзимни ўзим кечира олишим қийин.

— Кўйсангиз-чи, бунга сиз айбдор эмассиз. Ёмонлар бизни айирмоқчи бўлишди. Мен сизни кечиргандман. Агар ҳушёр бўлсангиз, ҳушиңгиз ўзингизда бўлса, бу ишга қўл урмасдингиз. Тушунаман-ку.

Мен бош иргиб, Шарифанинг сўзини маъқулладим.

— Кўрдингизми, — давом этди Шарифа. — Ҳаётда шунақангি ифлос аёллар ҳам бор экан. Бироннинг эрини тап тортмай ўзиники қилиб олишдан уялишмайди ҳам.

— Бас! — дедим қўрқа-писа Шарифанинг лаблари-га кафтимни босиб. — Ҳадеб эслатаверманг! Шундогам бўларим бўлиб турибди.

— Ҳовлига чиқсангиз бўларди, — деди Шарифа ташқарига ишора қилиб. — Энам иккаламиз мазали манти пиширдик. Биргалашиб ердик.

— Чиқмайман, — дедим қатъий оҳангда. — Ташқаридан бегона аёларнинг овози келаяпти. Шарманда бўлишни хоҳламайман.

— Вой, нега шарманда бўларкансиз? Қўшнимиз Ойниса хола чиққан, холос. Нима қипти? Сиз айб иш қилмадингиз-ку!

— Шарифа! — мен хотинимни икки елкасидан тутиб ўзимга қаратдим. — Ичкуёвлик осон эмас экан. Одамларнинг кўзига кўринишга уялиб кетаяпман. Тушунсангиз-чи! Сира кўника олмаяпман!

— Хўп, хўп, — Шарифа кўксимга бошини қўйдида, оғир хўрсинди. — Унда мени эркаланг! Ёнгил торасиз. Чиқмайман десангиз, мантини шу ерга олиб келаман. Икковлашиб мантихўрлик қиласиз. Ё ким кўп манти сийшга мусобақа ўйнаймизми?

Сезиб турибман. Хотиним кўнглимни кўтаришга, ўртадаги дилхираликларни унуттиришга жон-жаҳди билан уриняпти. Ҳа, унга ҳам осон эмас. Бир ёқда мен, иккинчи тарафда онаси, яқинлари... Ҳаммамиз-нинг қош-қовоғимизга қарashi, «Ишқилиб аразламасин, жаҳл қилмасин, тушкунликка тушмасин, ёмон кайфиятда бўлмасин» деган ўйлар миясини кемириши аниқ. Бундай оғир юкни кўтаришнинг ўзи бўлмайди...

* * *

Шу тобда хона эшиги тарақдаб очилди-да, озғин жуссали, ёши энди ўн олтига яқинлашган кичик қайн-синглим Диљоза кириб қолди.

Жуда ғалати бўларкан. Мисоли оғир гуноҳ қилиб қўйган одам каби Шарифани қўйиб юбордим-да, бе-ихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Хотинимнинг ўзи ҳам нокулай вазиятда қолганини қизарган юзларидан се-зид турардим.

— Диљоза, эшикни тақиллатиб кирсанг бўлмасми-ди? — шоша-пиша сочларини тўғриларкан, синглиси-ни жеркиб берди Шарифа. — Уйда поччанг билан ўтирган бўлсак, мундоқ ўйламайсанми?..

Диљоза бир муддат тек қотиб турди-да, лаблари-ни бурди.

— Нима, ўзимнинг уйимгаям тақиллатиб кирайми? — деди гезарид. — Жа ғалати экансиз-ку, опа!..

— Керак бўлгандан кейин тақиллатасан! — бўш келмади Шарифа. — Тақиллатмай кўргин-чи!..

— Э, боринг-э! Хўжайинлик қиласиган даврингиз ўтган! Бориб қайнсингилчаларингизга хўжайинлик қилинг!

Қизалоқнинг бу гаплари суяқ-суягимдан ўтиб кетди. Нима демоқчи бу тирмизак? Шу уйда ўтирганини юзимга солмоқчими? Балки «Опа, қанақа эр топгансиз ўзи? Уй-жойи бор, тайинлироғини топсангиз

Индамадим. Бошимни деворга тираганча ўтириб қолдим.

Тағин бувижонимнинг ширин сўзларини кўмсадим. Хафа бўлганимда тиззасига бош кўйиб овунган чоғларимни соғина бошладим.

«Бувижон», дея ҳайқиради қалбим йиғлаб. «Шундок кўшини қишлоқда яшаяпман. Сизгача бир ҳатлаб етгулик йўлдаман. Афсуски, юрак ютиб ёнингизга бора олмаяпман. Тоғамнинг разабли нигоҳларидан чўчимасам-да, кексайган пайтингизда сизларнинг тинчингизни бузгим келмайди. Биламан, агар борсам, тоғам албатта, яна жанжал кўтаради. Мен ҳам бўши келмайман. Ҳўш, унда нима бўлади? Катта муштлашув бўлади. Сизлар ўртага тушасиз. Кейин-чи? Маст ҳолда бобом иккингизга кўл кўтарса қўйса, чидай олмайман. У ярамасни ўлдириб кўйишдан қўрқаман. Унда сиз ҳам, бобом ҳам тамом бўласиз. Йўқ, бормайман, бувижон, бора олмайман! Эшитяпсизми, таъналар, қарғишилар гирдобидан кутула олмаётган бўлсан, ўзим айборман. Такдирни айблашга ҳақим йўқ.

Ичкуёвликнинг илк қунлариданоқ мен татиб кўрмаган аламлар қолмади. Фақат Шарифа қолди иочорлигимни юзимга солмаган. Агар ундан ҳам шу сўзларни эшитадиган бўлсан чидай олмасам керак. Катта, серқатнов кўчаларни макон тутсам керак, бувижон! Вокзаллардаги уйсиз, қариндош-уругсиз пиёниста дайдиларга ҳамроҳ бўлсан керак...

Беихтиёр кўзларим намланди. Ўпкам тўлиб, бўғзимга нимадир тикилгандек бўлди. Нафас олишим қийинлашиб, ҳансирай бошладим. Телбаларча ўрнимдан сакраб турдим-да, кийим-кечакларимни йиғиб елим халтага жойлай бошладим. Бу ишим худди эри уйдан ҳайдаб солган хотиннинг ҳаракатларига ўхшарди.

«Йўқ», дедим яна ўзимга ўзим елим халтани бир четга иргитарканман. «Бу ишим аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Яхшиси, бўш кўл билан чиқиб кетаман. Қачон уй топганимда бу хонадонга қайтаман. Шунда ҳам

бўлмасмиди» демоқчи бўлаётгандир. Шу кичкинаги на қиз таъна қилишга жазм этган бўлса, қолганларидан нима кутай?

Икки оғиз гап мени адойи тамом қилаёзганди. Шарифанинг юпатишлари ҳам қулогимга кирмади. Ҳиссиз бир кимсадек бурчакдаги ёстиқни қучоқдаганча юзтубан ётиб олдим.

* * *

Қанча ётганим ёдимда йўқ. Вакт шомга яқинлашибди чоги айвон чирофини ёқиб қўйишибди.

Ташқариди Шарифанинг кимгадир қаттиқ-қаттиқ гапиргани қулогимга чалиниб, бошимни кўтардим. Қоп-қора парда ортидан ҳеч кимни кўриб бўлмасди.

Бир маҳал қайнонам Зарифа холанинг аллакимга гапираётганини эшишиб қодим.

— Куёв жуда ёввойи, ландовурроқмикан-ей! — дерди зардали оҳангда. — Ташқаригаям чиқмайди. Уззукун уйга қамалиб ётгани-ётган. Овқатиниям қизим шўрлик олдига опкириб бераяпти-да, Унсиной!..

— Вой, шунақасиям бўларканми? Эс-хуши жойидамикан, ишқилиб?

— Қайдам. Қизимнинг пешонаси қурсин! Келиб келиб етимча, одамови, қайсар эрга дуч келадими. Минг марта айтдим, шошмайлик, у ёқ-бу ёқдан суриштириб кўрайлик деб. Қулоқ солмади. Ўлсам ўламанки, шунга тегаман, деб туриб олди.

— Тақдир-да, эгачи, — деди сухбатдоши. — Қўяверинг, яхши бўп кетар.

— Яхши бўлмай ҳам қуриб кетсин! Майли, уйимда эркак йўқ. Ўғлим Норматвой ҳали ёш, куёв бўлсаям ўғиллик қиласа, оғиримни енгил қиласар деб ўйлагандим. Мен аҳмок ўлар ҳолатда ётса, жоним чиққудай бўлиб зир югурибман, йиглабман, қизимни уришибман. Адашибман, ўргилай, адашибман. Битта нонхўр келиб қўшилишини билмаган эканман.

хотинимни олиб кетиш учун. Үнгача юравераман. Балки ўзимга муносиб иш топилиб қолар. Ахир, дунё кенг-кул Наҳотки, бизга аталган қулба қаердадир бўлмаса? Бор ўша қулба. Фақат излашим, жонимни жабборга бериб қидиришим керак.

Бир маҳал ичкарига Шарифа қоноғини уйганча кирди-да, уф тортиб рӯпарамга ўтириди.

Бир менга, бир бурчакда думалаб ётган халтачага боқди.

— Анави халтачадагилар нима? — сўради сўнг лаб буриб. — Тинчликми ўзи?

— Уми? Сизга омонат қолдириб кетяпман.

— Омонат?! Қ-қанақа омонат?

— Мен кетаяпман, Шарифа. Буткул кетаяпман.

— Қаерга?! Момонгизникигами? Нимага кетасиз?..

— Худди ҳеч нарсадан бехабар одамдек сўрайсиз-а?! — дедим асабим кўзиб. — Эшиздим энангизнинг гапларини. Дарди ичида экан. Айтиб-айтиб олди. Шунча гап-сўзлардан кейин бу уйда қололмайман...

Шарифа бир муддат нимадир демоқчидек тараддулланди. Қошлирини чимириб, деразадан ташқарига бир-икки марта қараб олди.

Сўнгра ёнимга қайтиб, кўзларимга боқди.

— Энамни ёмонламанг! — деди у лаблари титраб. — Сизга нима ёмонлик қилди? Нима, гапира олмайдими? Ким бўлибсизки, ҳаммамиз қаршингизда тилимизни тишласак-а?

— Нима?! — бу гапдан жоним чиқиб кетаёзди. Ўзим сезмаган ҳолда муштларим тугилиб, хотинимга хезландим. — Ҳали сенинг бунақа гапларинг ҳам борми?!

— Сенламанг мени! — овозини бир парда кўтарди Шарифа. — Агар бўлимли, киришимли бўлганингизда, шу гапларни эшифтасдингиз. Сизнинг ўрнингизда бошқаси бўлса-чи, манавинақанги уй ичига қамалиб ётавермасдан, келган куниёқ уйимдаги юмушларни бажарган бўларди. Сиз-чи? Ястаниб ётавердингиз. Уялмадингиз ҳам. Тўғри-да, энам қачонгача чидасин?

Пенсионер бўлса, ўзини ўзи зўрга боқиб ўтирган бўлса.
Сизниам қўшиб боқолмайди-ку!

— Валдираиверма! Сенга уйланганим учун дўппингни осмонга отмайсанми? Ё эслатиб қўяйми ўтмишингни?

— Ҳали шунақами?! — асабий шивирлади Шарифа. — Ўша кунни тағин юзимга соляпсанми? Бопладим, нима дейсан? Боплаб юрвоздим сенга теккунча! Бўлдими? Кўнглинг тўлдими энди?

Шарифа бир муддат гезариде турди-да, ув тортиб йиглай бошлади. Ва йиги аралаш саннашда давом этди.

— Шунинг учун ўгай отангиз сифдирмаган-да! Ўша ердаям битта чўпни у ердан бу ерга олай демадингиз. Қўлингизни совуқ сувга ургингиз келмади. Ҳеч қурса менинг хурматим учун уй юмушларига ёрдам берсангиз бўларди-ку! Менгаям осонми?! Буёқда сиз, уёқда знам, акам, яқинларим... Қай бирларингнинг қошқовогингизга қараб мўлтирай?!..

Ҳа, хотинимнинг сўнгги сўзларидан сўнг тушунा бошлагандим. Ношудлигимни, одамовилигимни янада чуқурроқ англаб борардим...

Шарифа тўғри айтяпти. Ҳозирги замонда ширин сўз, хушчакчақ, киришимли, шинаванда, меҳнаткаш бўлмасанг, туққанинггаям ёқмайсан. Бир кун келиб туққанинг ҳам портлайди. Қара, шу аёлнинг ақли етган нарсаларга менинг ақдим етмабди-я! Нега қайнонамнинг ўтидан кириб, сувидан чиқмадим? Қандайдир қизиқ-қизиқ гапларни ўйлаб топиб, кўнглини олмадим? Қайнонам индамаса ҳам ўзим эркак қиладиган ишларни бажариб қойиллатмадим? Нима халал берди менга? Шу хонадондагиларнинг қаршиисига чиқсам, улар мени еб қўйишмасди-ку!..

Қанчалар нотавон банда эканман-а! Хўш, энди-чи? Нима қилай? Қандай йўл тутай? Барибир кеч. Хатоимни тўғрилашга кеч қолдим.

— Мени кечир, — дедим эҳтиёткорлик билан Шарифанинг билагидан тутиб. -- Бу тарафларини ўйла-

маган эканман. Майли, яхшиси, кета қолай. Қачон уй топсам, ўшанда қайтаман олдингга. Сенлаганим учун яна кечиргин! Ҳар ҳолда хотинимсан-ку! Яқын олғанимдан, сени яхши күрганимдан сенлаяпман...

— Уй топмасангиз келмайсизми?

— Йўқ, келмайман.

— Мендан осонгина воз кечиб кетаверасизми?

— Мени қийнама. Сендан воз кечиб кетиш осон эканми?! Дунёни ағдар-тўнтар қисам қиласманки, аммо иккаламиз учун уй топаман. Мана кўрасан, ҳали ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман ҳаммага.

— Сизга ишонмайман. Ҳозир кетсангиз, қайтмайсиз.

Мен жавоб бериш ўрнига кийимлар жойланган елим халтани қўлимга олдим-да, эшикни очиб ҳовлига чиқдим.

Ташқарида ҳеч ким кўринмасди. Илдам қадамлар билан дарвозахонага етдим...

Шунда Шарифанинг ичкари хонадан туриб бор овозда қичқирганини эшийтдим.

— Йўқолиб кет, мараз! Кетсанг ундан нарига ўтиб кет! Кечдим сендай лапашангдан, кечдим! Қайтиб қорангни кўрмай!..

Анчадан бери кўчага чиқмаганим шу лаҳзаларда аён бўлди. Осмонни тўлдириб ёғду сочаётган юлдузлар кўзни қамаштирас, туннинг муздек шабадаси юзимни сийпалashi, аллақаерлардан элас-элас қулоққа чалинаётган қурбақаларнинг қуриллаши баҳор яқинлашиб қолганидан дарак берарди.

— Мана, энди ҳақиқий дайдига айландим, — дедим овоз чиқариб. Ёнимда бир мири йўқ, бунинг устига қорним ҳам оч. Тунашга жойим йўқ. Бироқ ўтган галги хатомни такрорлаш ниятим йўқ. Тўғри-да, ўлиб кетсан ким ҳам куярди?! Ҳеч ким. Ҳатто Шарифа ҳам

парвойига келтирмаса керак. Ким билсин боя алами-
га чидай олмай жаврадими балки. Ҳозир балки ортим-
дан одам жүннатар, қайтинг, дея оёғимга ётиб ялинар...

Йўқ, нима бўлганда ҳам энди у уйга қайтмайман.
Ичкуёв бўлиб, заҳар-заққум ютгандан кўра тиланчи-
лик қилиб кўча-кўйда ўтирганим маъқулроқ. Шунда
бировдан дакки эшитмайман. Хоҳласа, беш-тўрт сўм
садақа қилади, хоҳламаса, терс ўгирилади-ю жўнаб
кетаверади...

Шундай хаёллар билан ярим соат деганда туман
марказига етиб олдим. Кўчада ҳеч зор учмасди. Қатор-
қатор дўконларнинг қоровуллари ҳам уйчаларига
қамалиб олишибди. Аҳён-аҳёнда ўткинчи машиналар-
нинг узук-юлуқ сигналларигина атрофдаги сукунат-
ни бузарди, холос.

Қарорим қатъий. Катта шаҳарга бораман. Машина
тўхтатганим билан пулим бўлмагандан кейин нима
фойда. Яхиси, пиёда етиб оламан. Барibir, тонгга-
ча ҳали анча бор. Аста-аста юриб кетаверсам, бора-
ман-да ўша шаҳарга! Қочиб кетмаган-ку!

* * *

Шу кўйи икки соатча йўл босдим. Болалигимдан
очликка бардош қила олмаслигим яна панд бера бош-
лади. Ошқозоним тортишиб оғрий бошлади. Оёқла-
рим ҳолсизланиб, тиззаларим букилиб-букилиб кета-
ётганди.

Қанийди, йўлдан қотган нон бўлсаям топиб олсам,
дедим юрагим орзиқиб. Ҳарқалай очликни енгардим.
Буёғи ҳеч қанча йўл қолмади. Агар шу аҳволда кета-
версам, йиқилиб қоламан. Ўтган-кетганинг олдида
шарманда бўламан...

Худо асрари мени! Йўлда кетаётуб сувсиз ариқча
иҷида икки-учта қофоз пул ётганини кўриб қолдим.
Пуллар кўзимга худди ёруғ юлдуз каби шу қадар чи-
ройли кўриниб кетдики, ютурганча бориб териб олдим.

Ха, бу пулларга тандирда ёпилган иккита нон беради. Худога беадад шукр! Раҳмимини еди! Очликдан силлам қуришини хоҳламади. Энди нонвойхона топишм керак. Яқин орада учрай қолсайди. Акс ҳолда катта шаҳаргача ета олмайман...

Йўқ, ҳолдан тоймадим. Гарчи нонвойхона топа олмаган бўлсан-да, дадил юриб боравердим. Чўнтағимдаги пул менга куч бағишилаётганди гўё.

Шаҳарга яқинлашдим. Кўп қаватли уйлар, рангбаранг бўёқлардаги дўконлар...

Катта кўчада ҳам машиналар гавжумлашиб қолди. Тезроқ бозорни топганимда, дарров нон сотиб олардим. У ёғига Худо пошшо! Қорнимни тўйдирганимдан кейин бамайлахотир иш қидираверсам бўлади.

Шу пайт каттакон, ҳашаматли дўконлардан бирининг ёнида турган қора кепка, худди шундай рангли куртка кийган йигитга кўзим тушиб таққа тўхтадим. Негадир у жуда таниш кўринди. Қаерда кўрганман? Пойтахтдалигимдами? Йўқ, бўлиши мумкинмас. Ҳайратим ошиб яқинроқ бордим.

Ие, ахир бу Ҳонбувадаги қўшнимизнинг ўғли Ҳайдар ўғри-ку! Ўсмирлигига отаси билан жанжаллашиб қолиб, уйдан чиқиб кетган-у, қайтмаган. Айтишларича, у катта ўғри бўлиб кетган экан. Эслайман, болалигимда қишлоққа бир-икки марта барваста, билакларига игна билан ёзувлар туширилган ўртоқларини етаклаб келганди. Ўшанда ҳаммамиз уларнинг ортидан қолмагандик. Ўртоқларидан бири гитара чалиб кўшиқ ҳам куйлаб берганди.

Ҳайдар ўғри то ёнига боргунимча индамай катта йўлга қараганча тураверди...

— Танимади, — ўйладим ўзимча. — Нима қилсам экан? Отини атаб кўл чўзсан ҳам танимаса-чи? Шарманда бўлмасмиканман? Эҳ, шу иккиланишларим қолмади қолмади-да! Ҳеч бир ишга таваккал қўл ура олмайман. Шу туфайли манавинаңги аҳволга тушиб юрибман.

— Ҳайдар ака, — дедим бир-икки йўталиб олгач. — Ассалому алайкум!..

Ҳайдар ўғри менга хавотирли нигоҳ ташлаб олдида, бирдан жўшиб кетди.

— Қодирмисан? Асқар тракторчининг жияни! Топдимми?

— Топдингиз, — дедим қувончимни яшира олмай.

— Худди ўшаман, ака!

— Оббо сен-ей! — елкамга қоқиб нари бошлади Ҳайдар ўғри. — Шу маҳалда шаҳарда нима қилиб юрибсан, хумпар? Уйлангансан деб эшитгандим. Келин болани ёлғиз ташлаб келдингми? Нима бўлди ўзи? Тинчликми, ука?

Ҳайдар ўғрининг масхарали кулиши ғашимни келтирса-да, тишимни тишимга қўйишга мажбур эдим.

Лаб тишлаб жавоб беришга чорландим.

— Тинчлик эмас-да! — дедим зўрға. — Иш қидириб юрибман. Иложи бўлса, ётоги бор иш топсам дейман...

— Шунақами?.. Менга қара, бир гап эшитиб қолдим. Шу ростми?

— Қанақа гап?

— Нима десам экан? Ҳафа бўлмагин-у, тешик қулоқ эшитаркан-да!

— Сўрайверинг, — дедим қовоғимни уйиб. — Ҳафа бўлишдан кейин туғилганман, ака!

— Келин бола қиз чиқмаганмишми?! Ё адашдими?

Ялат этиб Ҳайдар ўғрига боқдим.

— Сизга ким айтди?

— Айтишди-да қишлоқдан келганлар! Лекин шу рост бўлса, фирт абллаҳ экан ўша қиз. Сендай йигитни алдаган бўлса...

— Бўлмаган гап, — дедим сир бой бермай. — Ўша айтганлар сизга ёлғон гапиришибди. Мен аҳмоқ эмасман-ку унақасига уйланиб! Ҳаммаси жойида бўлган.

— Шунақами? — ишонқирамай совуқ тиржайди Ҳайдар ўғри. — Ундей бўлса яхши бўпти. Майли, хи-

жолат бўлма! Ундан кўра, ўзингдан гапир! Қишлоқда нима гаплар?

Мен сал ўзимни босиб олгач, бўлиб ўтган ишларни бирма-бир гапириб бердим...

Ҳайдар ўғри мунгли ҳикоямни тоқат билан жим туриб тинглади. Сўзимни тутатганимдан кейин ҳам анчагача муштларини туга-туга бир неча марта уф тортиб олди...

— Сенга қандай ёрдам берсам экан? — бош қашиб олиб тилга кирди сўнг. — Мардикорчиликка ярамайсан. Бу аниқ. Бир ҳафта ишласанг, чўзилиб қоласан. Бунинг устига мардикорларга доимий жой ҳам беришмайди. Кунлик ишларда ишлаганингдаям сарсон бўлиб қолишинг ҳеч гапмас. Менинг ишимни умуман эплай олмайсан. Сени бу йўлга умуман яқинлаштира олмайман.

— Нега? — сўрадим тушунмай. — Наҳотки қийин бўлса?

— Буни шаҳар деб қўйибди, ука, — деди Ҳайдар ўғри. — Шундай одамлар борки, минг азобда топиб келган пулингни кўз очиб юмишга улгурмасингдан «шумо» қип қўйишади.

— Унда заводгами, фабрикагами ишга кирсам-чи?

— «Праписканг» қишлоқда-ку! Бусиз ўёқларга яқинлаша олмайсан.

— Демак, сира иложи йўқ экан-да! — Бошимни эгиб аста орта тисландим.

— Битта зўр иш бор, — кутилмаганда жонланиб елкамдан тутди ҳамқишлоғим. — Агар рози бўлсанг, ётоғингам бўлади, чўнтағингдан пул ҳам узилмайди.

— Бўлди, розиман! Кўчада қолмасам бўлди.

— Кейин пушаймон бўлмайсанми? Мендан хафа бўлмайсанми?

— Йўқ. Иш, яшашга жой бўлса бас. Қандай иш ўзи, ака?

— Ҳм-м... Нима десам экан? Мени қийнаб қўядиган бўлдинг-ку сен бола!

— Сизни уялтириб қўймайман, Ҳайдар ака! — дедим тоқатим тоқ бўлиб. — Иш топиб берсангиз бўлди. Уддалайман.

— Яхши, ўша ишни сенга топшираман, — деди Ҳайдар ўғри бош қашиб. — Агар уддаласанг, ошиғим олчи деявер!

— Бўпти, нима иш ўзи?

— Шаҳарда катта автовокзал бор. Ўша автовокзал-нинг бурчагида ўтириб тиланчилик қиласан.

— Нима?! Тиланчилик?! Йўғ-э!

— Нима, ор қиласанми? Сенга ўҳшаб тиланчилик қиладиганлар шаҳарда тиқилиб ётибди. Бу иш қанақа сердаромадлигини биласанми?

— Тўғри-ку-я, — дедим тутилиб. — Лекин қандай бўларкан?..

— Ўзинг биласан. Яхшилаб ўйлаб кўр. Сенга бундан ортиқ ёрдам бера олмайман.

Бирпас сукутга толдим. Ўзимча олдимга рўмол ёки дўппи қўйиб ўтиришни, ўтган-кетгандан садақа сўрашни тасаввур қилиб кўрдим...

Тўхта, кечагина тиланчилик ҳақида ўйлагандим. Тиланчи бўлишга-да рози эдим. Ҳозир нега ўйга толдим? Наҳотки, Ҳайдар ўғрининг сўzlари ҳақиқат бўлса? Ростдан ҳам ор қилаяпманми? Кимман ўзим? Шунчалик фурурим баландми? Ё асилизодаларданманми? Ҳозирги туришимда бир пуллик қиммати йўқ бир бечораман-ку! Яхшики, шу ўғрини учратдим. Бўлмаса нима қилардим? Қай деворга бош ураддим. Қора терга тушиб бетон қуярмидим ёки фишт таширмидим? Шуни ҳам топа олмаганимда-чи? Кечкурунлари вокзallардаги ўриндикларда ўтириб чиқишлиар-чи? Бундай азобларга чидай олармидим? Албатта йўқ.

Нима бўлса тақдиримдагини кўрганим бўлсин. Мен Нурмат қораникаги хўрликларни, йигитлик номуусим топталганини, ичкуёвлик мушкулотларини унутмаслигим керак. Бунга ҳақим йўқ. Хўш, тиланчи бўлсам нима ўзгаради? Ҳеч нарса. Шаҳарда бирор

мени таниб ўтирибдими. Ер чизганча ўзим билган ду-
оларни ўқиб тиланавераман. Ҳар ҳолда ҳамқишлоғим
менга ёмонликни раво күрмас...

— Розиман, — дедим Ҳайдар ўғрига. — Тиланчи-
лик бўлса бўлибди-да, aka! Пул тушиб турса бўлди.

— Мана бу бошқа гап, ўғил бола! — деди Ҳайдар
ўғри чеҳраси очилиб. — Унда сенминан соат роппа-
роса кундузги ўн бирларда автовокзалда учрашамиз.

— Хўп бўлади.

— Ҳозирча шаҳар айлан, томоша қил! Айтганча, бир
гапни айтиб кўяй. Ҳеч қачон аёл кишига сифинма! Улар
дўст бўлишмайди.

Шундай деди-да, Ҳайдар ўғри соатига бир қараб
олиб, тор кўчалардан бири томон кета бошлади.

Мен бўлсам уни тўхтатгим келди. Пича пул сўра-
моқчи бўлдим. Афсуски, ҳаддим сигмади.

Бошимни эгганча таваккал шаҳар ичкарисига йўл
олдим.

* * *

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, бирдан ҳаво айниб,
ёмғир қуя бошлади. Автовокзалга деярли етай деб қол-
гандим. Серсавлат чинорларни оралаб юришга маж-
бур бўлдим.

Очиғи, туни билан йўл юриб, роса ҳолдан тойган-
дим. Чарчоқ ўз кучини кўрсатиб, кўзларим юмулиб
борар, силлам қуриб, тиззаларим букилиб-букилиб
кетарди.

Бир амаллаб автовокзалга етиб олдим-у, бўш ўрин-
диқлардан бирига чўкиб, кўзларимни юмдим.

Қалбим бўм-бўш эди. Ҳеч нарсани идрок этмасдим.

Қорним очлигидан аъзойи баданим қалтиради.

Шу тобда арава тўла нон олиб ўтиб кетаётган бола-
кайга кўзим тушиб, беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим.

— Ҳой, бола, тўхта! — бақириб юбордим тўсатдан.

— Кетиб қолма!

Шоша-пиша чўнтағимни ковлаб, қоғоз пулларни чиқардим-да, менга ҳайрон бўлиб қараб қолган болага узатдим.

— Бу пулингизга иккита нон келади, — деди бола совуққонлик билан. — Танлаб олаверинг, ака!

— Яшавор, ука! — дедим хурсанд бўлиб, бўрсилдоқ нонларнинг иккитасини қўйнимга урарканман. — Яхшиям, кеп қолдинг! Сен келмасанг, ҳолим хароб бўларди...

Нон сотувчи бола гапларимга тушунмади, шекили, бир менга, бир йўлнинг нариги четидаги дўконларга боқди-да, елкасини қистганча йўлига равона бўлди.

* * *

Дунёда нондан тўйимли озуқа бўлмаса керак. Оби ноннинг биттасини тамшана-тамшана еб битиргач, дарров кўзларим очилиб, ёруғ дунёга бошқача нигоҳ билан қарай бошладим.

Автовокзалнинг бир бурчагида қўлида исириқ тутатилган идиш билан у ёқдан бу ёққа бориб келаётган ўрта яшар эркакка кўзим тушди. Азбаройи очлигимдан боя кўрмаган эканман. Ҳайратланиб унга яқин бордим. Зимдан ҳаракатларини кузатдим. Ҳар қалай, яқин орада ўзим ҳам шу эркак каби бировларга мўлтираб боқсанча, пул ишлаб топиш пайида бўламан. Факат менинг қўлимда исириқ тутатилган идиш бўлмайди...

Эркак автовокзалга кириб чиқаётганларнинг ҳеч бирини кўздан қочирмас, тап тортмай уларга яқинлашиб, барчаларига тутун пуфлаб дуо ўқирди.

— Исириқ минг дардга даво! Исириқ-исириқ, Усмон исириқ! Худо умрингизни зиёда қилсин, азизлар! Бало-қазолардан чивиндек жонингизни асрасин!..

Тикилиб қолганимни кўриб, исириқчи ўзини сал четга олган бўлди.

— Сизгаям исириқ тутатиб қўяйми? — сўради сўнг мулойимлик билан. — Кўринишингиздан мазангиз йўққа ўхшайди.

— Менинг пуллим йўқ-да!.. Мен...

Ҳали сўзимни тугатиб улгурмай, исириқчи шоша-пиша қўлидаги пулларни чўнтақка урди-да, кетишга чоғланди.

— Майли, биродар, яхши қолинг! «Катта» келяпти!..

Ҳайрон бўлиб, ортимга ўгириладим. Йигирма-ўттиз қадамча нарида Ҳайдар ўғри биз томон юриб ке-ларди.

«Наҳотки шу ҳам Ҳайдар ўғрининг одами бўлса? — ўйладим сал курса чопқиллаб қоча бошлаган исириқ-чининг орқасидан боқиб. — Унда нега қочяпти? Ҳайдар ўғри шунчалик қўрқинчлимикин?»

Бу орада ҳамқишлоғим ёнимга келди-да, елкамга қоқди.

— Хўш, яхшимисан энди? — сўради у тобора узок-лашиб бораётган исириқчига зимдан назар солиб. — Кутдириб кўйдим-а сени?

— Йў-йўқ, ака, кўп кутмадим, — жавоб қилдим сал тутилиб. — Шу атрофда айланиб...

— Хўп, юр, бизникига борамиз! — деди Ҳайдар ўғри бирдан қовоқ уйиб. — Ё ҳозироқ иш бошлайверасанми?

— Шундай қилсам, яхши бўларди. Ҳар ҳолда...

— Яхши, унда кетимдан юр-чи!

Ҳамқишлоғим мени автовокзалнинг орқа тарафи-га олиб ўтди. Бу ердан ўткинчиларнинг кети узилмасди. Ҳамма қаёққадир шошилар, шошилмаганлари писта чаққанча хотиржам кетиб борарди.

— Мана шу бурчак сенинг «точка»нг бўлади, — уқтириди Ҳайдар ўғри. — Сен кўрқма, бирор мушугингни пишт деёлмайди. Башарти, бирор-ярим келиб пўписа қилса, мени айтавер!

— Хўп, ака, — дедим бўшашиб. — Кейин-чи?

— Тўғри асфальтнинг устига ўтиравер! Ундан ке-йин-чи... — Ҳайдар ўғри сумкачасини очиб, қоп-қора

кўзойнак чиқарди-да, менга узатди. — Манавини та-
қиб ол! Ўзингни сўқир қиёфасига соласан-да, билган
дуоларингни ўқиб тиланаверасан! Зинҳор кўзинг очиқ-
лигини сездирма!

— Нима бўлади? — сўрадим соддаларча. — Калтак
еийшим мумкинми?

— Қанақа калтак? — совуқ жилмайди ҳамқишло-
ғим. — Пул яхши тушмай қўяди. Даромад яхши бўли-
ши учун-чи, ука, одамларнинг раҳмини келтира оли-
шинг керак. Энди тушундингми?

— Тушундим, — дедим қатъий оҳангда. — Бошлай-
верайми?

Ҳайдар ўғри яна сумкаласини очиб, эски бир чит
рўмолни қўлимга берди.

— Бу рўмолни олдингга ёйволасан. Мен шом маҳа-
ли келаман. Фақат ишончимни оқдагин! Акс ҳолда,
хафа бўламан.

— Менга ишонаверинг, ака. Ҳаммасини сиз айтган-
дек бажараман.

— Бўпти, омадингни берсин! Айтганча, бояги иси-
риқчини ёнингга яқинлаштирма! Униям ўз «точка»си
бор.

Ҳайдар ўғри мендан узоқлашиши билан қўрсатил-
ган ерга чўкдим-да, эски рўмолни олдимга ёйиб, қора
кўзойнакни тақдим.

* * *

Тиланишнинг йўл-йўриқлари ҳақида йўл-йўлакай
ўйлаб олгандим. Аллақачон ёдлаб олган тўрт қатор
шеърни ҳазин товушда айта бошладим:

Биродарлар, ёргудунё жамалин кўрмоқча зордирман,
Ёмонлар оёқ остинда кузги бир хас каби хордирман.
Муруватни дариг тутманг, Яратган сизни ҳам
сийлайдур,

Нетай, зулматидан куйдим, ушал зулматга мен
ёрдирман...

Сездим. Олдинига ўткинчилар ҳайрон бўлишди. Кимдир елка қисиб оди, яна кимдир бош чайқаганча йўлида давом этди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўткинчилар қаршимда энгашиб, эски рўмол устига қофоз пулларни ташлай бошлишди. Ҳатто улардан баъзилари: «Ўкинма, укам, Худо сенга сабр берсин!» дея юпатиб ҳам кетди.

Орадан икки соатча вақт ўтгач, рўмол пулга тўлди. Одам кўринмай қолган маҳални пойладим-да, жон ҳолатда пулларни чўнтакка уриб, яна шеър ўқишида давом этдим.

* * *

Тушга яқин тепамда озғиндан келган, тахминан мендан икки-уч ёш кичик, елкасини қисиброқ турадиган бир йигит пайдо бўлди. У аввал рўмол устида йифилиб қолган пулларни тахлаб, қўлимга тутқаздида, чор-атрофни обдан кузатиб олгач, қулобимга шивирлади:

— Мени Ҳайдар акам жўнатди. Агар «ташқари»га чиқиб келмоқчи бўлсангиз, мен ёрдамлашарканман. Фақат одамларга кўр эмаслигингизни сездириб кўйманг! Пайпасланиб-пайпасланиб, аста елкамдан тутинг-да, менга эргашинг!

— Шунақами? — дедим мамнун бўлиб. — Ўзим ҳам қандай йўл тутишни билмай тургандим. Бунинг устига, қорним очди.

— Хавотир олманг, мен иккита перашка опкелганман. Кейин еб оласиз...

Мен эҳтиёт шарт ўткинчиларга разм солиб олгач, йигит айтганидек, сўқирларча пайдар-пай ҳаракатлар билан унинг билагидан тутиб, ўрнимдан турдим.

* * *

Одам бошига не кун тушса, барчасига осонгина кўникаркан. Мен ҳам бир куннинг ўзида тиланчиликни касб қилиб олгандек эдим. Эрталабки тортиниш,

безовталиклардан асар ҳам қолмаганди. Ўзимни жуда эркин тутар, баъзан мижозларнинг раҳмини қўзғатиш учун ёлғондакам йиғлаб ҳам олардим...

Шомга яқин Ҳайдар ўғрининг ўзи олдимга келди. Қўлида қандайдир тугун, аммо негадир безовта эди. Қўлидаги сигаретни чўзиб-чўзиб тортганча қаршимга энгашиб, икки елкамдан тутди.

— Маладес! — деди у елим халтачадаги пулларни қўлига оларкан. — Вей, артистлар ҳам сенчалик роль ўйнай олмайди. Ҳали бунақасини кўрмагандим.

— Нима қилай? — бош эгдим беихтиёр юрагим сиқилиб. — Шу кунлар пешонамга ёзилган экан-да, ака. Яхшиямки, сизни учратиб қолдим. Бўлмаса, ҳозирги ўтиришлар қаёқда эди? Раҳмат сизга!

— Бўлди, раҳматни кейин айтасан. Ҳозир ўрнингдан тур-да, мен билан юр! Бизнигига борамиз!

— Сизнинг уйингизгами? — сўрадим ишонқирамай. — Қандай бўларкин?

— Қанддай бўлади, ука. қанддай! — елкамга қоқди Ҳайдар ўғри. — Сен шунча пул топасан-у, кўчада қолдирсан, ноқулай. Юрақол!

— Айтганча... — иккиланиб ҳамқишлоғимнинг кўзларига умидвор термилдим. — Кўзойнакни...

— Э, еч бу матоҳни! Қара, атрофда ит ҳам қолмабди. Тез бўл!

Мен шоша-пиша кўзойнакни ечиб, кийимлар жойланган халтачага солдим-да. Ҳайдар ўғрига эргашдим.

* * *

Ҳамқишлоғим автовокзалдан чамаси уч юз-тўрт юз метрча нарида яшар экан.

Кўп қаватли уйнинг энг юқори қаватига лифтда кўтариларканман, Ҳайдар ўғрига зимдан кўз ташладим. Шу лаҳзаларда унга жуда-жуда ҳавасим келди. «Қара, — дедим ичимда ўз-ўзимга. — Мана шу ўғри мендан нари борса, етти-саккиз ёш катта. Буниям уйидагилари сиғдирмаган. Мана, Йўлинням, уйиниям

топибди. Ихтиёрида менга ўшаганларнинг ўн-ўн бештаси бўлса керак. Ҳаммамиз қўлига кечгача ишлаб топган пулларимизни тутқазамиз. Қандай баҳтли одам-а! Куни билан нима қилса қилиб юради-да, кечкүрун чўнтагини қаппайтирганча қадрдан уйига кириб келади. Ҳеч нарсанинг ташвишини чекмайди. Мен-чи? Қачон Ҳайдар ўғри даражасига етаман? Қачон шунақангидан ажойиб уйларни сотиб олиб, хотиржам яшайман? Менга бошқалар қачон ҳавас билан боқадиган бўлади?»

— Сен шу ерда тура тур! — Ҳайдар ўғри лифтдан чиқиб, яшил рангга бўялган темир эшик қаршисида тўхтади-да, аста шивирлади. — Кенойинг уйда. Ичкарига кириб, уни огоҳлантирай. Кейин ўзим сени чақираман.

Ҳали хаёлларимни бир жойга жамлаб улгурмай, ичкаридаги бақир-чақир қулоғимга чалинди.

— Йўқ! — деди бегона аёл баланд овозда. — Каёқдаги қаланги-қасангиларни уйимга киритмайман!

— Ахир у ҳамқишлоғим, — бу Ҳайдар ўғрининг таҳдидли товуши эди. — Бизга бир дунё пул ишлаб беради. Мана кўрасан!

— Э, пулинг бошингда қолсин! Шундоғам уйим ҳаром пумарга тўлиб кетди. Йўқот унингни!

— Сенлама мени! — бақирди Ҳайдар ўғри. — Ҳозир...

— Нима ҳозир? Нима қиласан? Урасанми, келгинди? Ҳали отам олиб берган уйга кириб олганинг етмай, менга қўл ҳам кўтармоқчимисан?

— Секин, эшитиб қолади! Ҳазиллашдим, ҳазиллашдим...

— Ҳазилингни бориб энангга қиласан, билдингми?

— Хўп, ўзингни бос! Шарманда қилма!

Шу заҳоти ташқари эшик очилиб, қаршимда Ҳайдар ўғри ҳозир бўлди.

Унинг кўзлари ғазабдан чақнаб, қовоғидан қор ёғарди.

— Ўхшамади, — деди ҳамқишлоғим қўл силтаб. — Кеннойинг жа шаллақи, хафа бўлмайсан, ука! Юр, сени ўзимизнинг йигитларга қўшиб қўяман! Ишон, у ерда хор бўлмайсан. Ҳамма нарса етарли.

Мен ҳеч нарсага тушунмай, Ҳайдар ўғрининг кетидан юрдим.

Орадан икки ой вақт ўтди. Мен шаҳарнинг дала-ларга туташган ери — кўп қаватли уйларнинг бирида-ги ертўлада деярли ўзим тенги йигитлар билан бирга яшай бошлагандим. Уларнинг аксарияти ўгрилик билан шуғулланар, барчалари етимхонада тарбия топган болалар экан.

Ҳаётим бир оз изга тушгандек эди. Ҳамма қатори овқатланар, ертўла зах бўлса-да, ҳеч ким безовта қиласди.

Фақат Ҳайдар ўғрининг кунлик берадиган ҳақидан кўнглим тўлмасди. То қоронғи кечга қадар тер тўкиб тиланчилик қисам-да, у иккита, нари борса, учта нонга етадиган пул тўларди. Нима қилай? Тилим қисиқ. Шу одам менга жой берди, ишга жойлади. Қарши сўз айтишга ожизман. Худо кўрсатмасин, жаҳлини чиқарсам, мени кўчага ҳайдаб солиши аниқ.

Бунинг устига, Шарифанинг мени қидирмаётгани алам қиласди. Шунчалар бекадрлигимдан қаттиқ ўксирдим.

Мана, икки ойдан бери бегона шаҳардаман. Ҳар куним соғинч азобида ўтади. Кир, етмиш ямоқ ёстиқча бош қўйишим билан Шарифа ёдимга тушади. Бирга кечирган тунларни, лаззатли лаҳзаларни кўмсайман. Унинг эса парвойи фалак. Неча марталаб кўчада милиционерларни кузатдим. «Шулар балки мени қидираётгандир?» деган ўйда кўп бор уларнинг ёнидан ўтиб кетдим. Эътибор беришмади. Агар кимдир қидирувга берса, улар мени дарров пайқашарди. Тўхтатиб кимлигимни, шаҳарда нима қилиб юрганимни суриштиришарди.

Афсус, ҳаётда яна омадим юришмади. Яримта бўлса-да, не азобда топган баҳтим ҳам мендан осонгина юз ўгирди.

Шундай кунларнинг бирида Сардор деган ҳамтовоқ йигит ярамга туз сепди.

У озгин бўлишига қарамай, жуда чайир йигит. Тиқилинч автобусларга чиқиб, чўнтақ кесади. Пул ўғирлаётганда, неча мартараб қўлга тушган, оломон орасида қолиб, тепкилар еган. Барибир, қайтмайди. Биринки кун ертўлада дам олган бўлади-ю, тагин чўнтақка тушаверади. Ишқилиб, тегирмонга тушса, тирик чиқадиганлар хилидан.

— Анчадан бери кузатяпман, — деди у тиланиб ўтирганимда, секин ёнимга келиб. — Яхшигина соққа қилајапсан-у, aka ёлчитиб ҳақ бермаяпти сенга. Нимага индамайсан?

Бу саводдан сўнг юрагимни муз қоплагандек бир муддат тош қотдим.

— Биламан, — дедим бўшашиб. — Ўзим ҳам нима қилишни билмай юрибман.

— Сен сал пишикроқ бўл!

— Қанақасига?

— Топган пулингнинг бир қисмини ими-жимида чўнтақка ур!

— Ҳайдар aka билиб қолса-чи?

— Қаердан биларди? Куни билан ёнингда ўтирмайди-ку! Бир баҳона топасан-да!

— Тўғри, — дедим жонланиб. — Ҳаёлимга келмаганини қара-я, Сардор. Менга қара, сизлар ҳам олиб қоласизларми пулдан?

— Албатта, олиб қоламиз-да. Жинни эмасмиз-ку, берганига сабр қиласидиган. Бу ерни шаҳар деб қўйибди, ошна.

Ҳамтогимнинг бу сўzlари кўзимни мошдек очди. Ҳа, бугундан эътиборан тушган пулдан чегириб қоламан. Шундай қилмасам бўлмайдиганга ўхшайди!..

Бугун менга омад кулиб бокқандек эди. Нолаларимга фаришталар омин дедими, кечгача анча-мунча пул ишлаб олдим. Ҳеч қачон бугунчалик күп пул тушманди.

Шомга яқинлашганды, бир сиқим пулни яхшилаб тахладим-да, чүнтакка жойладим. Қолганларини эса Ҳайдар ўғри учун асраб күйдим.

Одатига кўра, ҳамқишлоғим ўз вақтида қаршимда ҳозир бўлди. Оддинига ҳол-аҳвол сўради. Мен атайнин қовоғимни уйиб, норозиландим.

— Бугун ишнинг мазаси бўлмади, — дедим олдини олиб. — Садақа берадиганлар кам бўлди.

— Йўғ-э. — деди Ҳайдар ўғри шошилмасдан мен берган пулларни санаркан. — Ҳар куни тушган пул бугун камайибдими? Бўлиши мумкинмас, ука!

— Нима қилай? Ҳаммасини қўлингизга бердим.

— Қани, кўзойнакни ечиб, олдимга туш! — буюрди Ҳайдар ўғри жиддийлашиб. — Тезроқ бўл!

Буйруққа бўйсундим. Иккаламиз олдинма-кетин катта кўприк остига бордик.

Бу ер одамлардан буткул холи эди. Ҳайдар ўғри шунда ҳам эҳтиёт шарт чор атрофни кўздан кечириб олди-да, менга ўқрайди.

— Чўнтағингдагиларни чиқар! — ўдағайлади у. — Нега аммамнинг бузогига ўхшаб бақрайиб қолдинг? Чиқар чўнтақдагиларни!

Адойи тамом бўлаёзгандим. Ҳозир мени нималар кутиши элас-элас хаёлимдан ўтар, пулларни чиқариб унга тутқазарканман, дағ-дағ титрай бошлагандим.

— Кўрнамак экансан, Қодир! — қўлини бигиз қилиб, кўзларимга ўқталди Ҳайдар ўғри. — Қара, кўчада қолганингни кўриб, раҳмим келганди. Шундай ишни ишониб топшириб кўйдим. Сен-чи?

— Унда сизам инсоғ қилинг-да, — дедим бўш келмай. — Пулларнинг ҳаммасини олиб қўяверсангиз...

— Хоҳлаганимда, бир тийинсиз ишлатардим, — деди у иягимни сиқиб. — Бу менинг «точка»м, билдинг-

ми? Ўзинг кимсан-а? Туришингга бир қара, сўтак. Туршагинг чиқиб ётибди-ку.

— Туришимга тил теккизманг...

— Ҳа-а, шунинг учун ўгай отанг ҳам қувиб солибди-да сени. Худоям кўрнамаклигинги билиб, сенга юриб кўйган хотинни дуч қиласан.

— Сиз ким бўпсиз менга баҳо берадиган? — беихтиёр бақириб юбордим мен. — Нима ҳақингиз бор?

— Вей, тирранча! — деди Ҳайдар ўғри иягимни қаттикроқ сиқиб. — Яхшиям, ҳамқишлоғимсан. Бўлмаса, абжагингни чиқаардим. Йўқол! Кўзимга кўринма, ифлос!

— Кетсам кетавераман, — дея зарда билан унинг чангалидан халос бўлишга уриндим. — Кўйворинг!

Ҳайдар ўғри иягимдан қўлинни тортиб олди-да, автовокзал томонга ишора қилди.

— Агар шу атрофда юрганингни кўриб қолсам, мендан хафа бўлмагин. Йигитларга айтиб, дабдалангни чиқартираман. Бор энди, даф бўл!

* * *

Катта йўл бўйига етганимда, истар-истамас қўкка боқдим. Осмон қоп-қоронғи, чамаси, ёмғир ёғиши арафасида эди. Куюқ булатлар баттар дардимни оширди.

«Қизиқ, — ўйладим ўзимча. — Бошимга бир ташвиш тушиб дегунча ёмғир ёғадиган бўлибди. Наҳотки Худонинг қарфишига учраган бўлсан? Қайси айбим учун? Ҳақимни талаб қиласаним учунми? Ё беватанлигим сабабми?»

Шундай хаёллар исканжасида поезд вокзалига етиб олдим. Бу ерга Ҳайдар ўғри қадам босмаслиги аниқ. Вокзалдан туну кун одам аримайди.

Ана, ичкарида мен каби дайдилар кўп экан. Аслида, улар дайди эмас. Мардикорчилик қилиб, тунни шу ерда кечирадиганлар. Фақат уларнинг мендан бир фарқли жиҳати бор. Уларнинг зерикканда, ҳориганда, бетоб бўлганда борадиган манзиллари тайин. Уйсиэлик

муаммоси юракларини эзмайди. Ишлаб-ишлаб, чүнтаклари қаппайгач, уй-уйларига тарқалишади.

Хали вокзал эшигига яқын бориб улгурмагандим. Кимнингдир «Қодир! Ҳой, Қодир!» деган ҳайқиригини эшитиб орқага ўгирилдим.

Анча наридан шу шаҳарда яшайдиган синфдошим Тўлқин чопиб келарди.

Севиниб кетдим. Синфдошимни қучоқ очиб қарши оддим.

— Бормисан, ошна? — дедим Тўлқинни бағримга босиб. — Сени кўраман деб сира ўйламовдим.

Тўлқин сўзларимга эътибор қилмай, икки билатимдан маҳкам тутди.

— Шаҳарда нима қилиб юрибсан, хумпар? — сўради у куйиниб. — Қишлоқда ишларинг расво бўлиб ётибди экан-ку.

— Нима бўлибди? Тинчликмикан?

— Тинчлик эмас-да, ўртоқ! — юзини терс бурди Тўлқин. — Боя укам келганди. Гап орасида айтиб қолди.

— Э, чўзмасдан тезроқ гапирсанг-чи! — силтадим уни. — Бирор ўлибдими?

— Йўқ, ўлмаган. Лекин хотининг турмушга чиқаётганга ўхшайди.

— Нима? — бу гапни эшитганим ҳамоно юрагим шув этиб кетди. — Жинни бўлдингми, Тўлқин? Хотиним нимага турмушга чиқади?

— Мен қайдан билай? — елка қисди Тўлқин. — Айтдим-ку, укам гап топиб келди деб. Ўша қишлоққа борган экан, қатор-қатор машиналар турганини кўрибди. Ҳа, карнай-сурнай ҳам чалинганиш. Ўтиб кетаётган болакайлардан сўраса, «Шарифа опамларникига эртага куёв келади», дебди.

— Шунақа дегин... — мен бўйм-бўш қоп каби шалвираб, ўзим сезмаган ҳолда бетон тўсиқ устига ўтириб қолдим. — Наҳотки Шарифа мендан воз кечган бўлса?

— Вей, бўшашиб ўтиравермай, йўлга туш! — бақирди Тўлқин ўткинчиларнинг ҳайрон бўлиб қараётганига ҳам эътибор қилмай. — Бориб бил! Шаҳарда пишириб кўйибдими сенга ҳозир?

Мен даст ўрнимдан турдим.

— Тўғри айтасан, — дедим муштларимни туғиб. — Бекорга чиқиб келаётганимда, «Йўқолиб кет! Сендан кечдим!» демаган экан. Демак, нияти бузилган. Мендан яхширогини топган.

— Қодир, сенга маслаҳатим, тезда қишлоқقا жўна! Масалани ҳал қил!

— Илтимос, менга пича қарз бериб тур! — дедим дадил. — Тез кунда қайтараман. Тўғриси, ҳозир ёнимда бир мириям йўқ.

— Гап йўқ, — деди Тўлқин чўнтағига кўл солиб. — Мана, шунча пул етадими?

— Етади. Бўпти, кўришамиз. Раҳмат!

Бу хунук хабар мени адойи тамом қилаёзганди. Жон ҳолатда эндинга ўрнидан қўзгалган такси ортидан чопдим.

* * *

«Эркак учун бундан ортиқ шармандалик бўладими? — ич-этимни ердим ҳамон. — Хотининг никоҳингда бўла туриб, бошқасига турмушга чиқиши ақлга сирмайди-ку! Наҳотки бир чақалик қадрим бўлмаса? Йўқ, энасини учқўрғондан кўрсатмасам, отимни бошқа қўяман! Агар шу гап рост бўлса, ҳамманинг олдидаги шарманда қиласман! Тўйини бузаман! Мени энди ҳеч ким қайтара олмайди».

Туман марказига етиб борганимда, вақт хуфтонга яқинлашиб қолганди. Биламан, қишлоқдаги тўйлар бу маҳалда тугамайди. Нари борса, энди куёвнавкарлар кириб келган бўлади. Ҳозир икки юз грамм ароқ ичаман-у, ана ундан кейин таксига ўтириб, Шарифаникига жўнайман.

Очи қоринга ичилган ароқ аъзойи баданимни қиздириб юборди. Сархушилигим сабаблими, миям янада

тезроқ ишлаб кетгандек эди. Бошдан кечирган азоб-ларим йигилиб келиб, бўғзимга тиқилар, шу тобда ҳай-қиришдан базур ўзимни тийиб туардим.

Такси кўз очиб юмгунча ўзим учун таниш маҳалла-га олиб борди. Шарифаларнинг уйи олдида машина-лар ҳам, одамлар ҳам кўринмасди. Бир-иккита ўсмир болалар ариқ ёқасида берилиб копток тепишарди, холос. Фақат дарвозадан сал нарироққа қўйилган қозон ва темир ўчоқлар, ҳақиқатан ҳам, тўй бўлганлигини англашиб туарди.

«Кечикибман, шекилли, — ўйладим ўзимча. — Лекин фарқи йўқ. Ҳозир кириб олай, кўрсатаман хўрлашни уларга!»

Ўсмир йигитларнинг саломи ҳам қулогумга кирмади. Дарвозадан ичкарига ҳатладим-у, бор овозда қичқирдим:

— Шарифа! Қаердасан, ярамас? Агар янги эрингникига кетган бўлсанг ҳам, мендан қочиб қутула олмайсан! Ким бор? Чиқларинг ифлос, уятсиз, ҳаромилар! Чиқ!..

Шу маҳал уй эшиги очилиб, олдин Шарифа, кетидан қайнонам, қайнингилларим чопиб чиқшиди.

— Ҳа-а, нега бақирасиз? Тинчликми? — Шарифа бир муддат мени кузатиб турган бўлди-да, алам аралаш қичқирди. — Бирор ерга ўт тушибдими?

Жавоб бериш ўрнига унга яқин бордим-да, бошдан оёқ қараб чиқдим.

— Янги атласлар кийиб олибсан, тинчликми? — сўрадим шубҳаларимни яшира олмай. — Ростданам тўйинг бўлаяпти экан-да, а?..

— Тўй? — Шарифа негадир ҳайрон бўлиб, менга қаттиқроқ тикилди. — Қанақа тўй?

— Эрга тегаётган эмишсан-ку! — дедим тутилиб. — Шу ростми?..

Бу гапимдан сўнг Шарифа беихтиёр титраб кетди.

— Эсингиз жойидами? — деди орқасида турган яқинларига бир назар ташлаб оларкан. — Ким эрга тегади?

— Қизим, эрингнинг эси кирди-чиқди бўлиб қолган кўринади, — луқма ташлади қайнонам лаб буриб.
— Икки ойдан бери, Ҳудо билади, қайларда санғиган экан. Ажина чалса чалгандир-да!

Онасининг гапидан қайнсингилларим пиқ-пиқ кулишди.

Мен эса нима дейишни билмас, хижолатдан тилим лол бўлиб қолганди. Нималар қилиб қўйганимни, кимларнинг галига ишониб тўполон кўтарганимни англаганим сари юзим шувут бўлиб борар, ҳозир ортта қайтишни ҳам, Шарифа билан кўришишни ҳам била олмай гаранг эдим.

Бу гал ҳам хотиним мени қутқарди. Оғзимдан келётган ароқ ҳидини пайқадими, бир сесканиб, афтини бужмайтирди-да, маъюс жилмайганча келиб елкамга бошини қўйди ва ҳеч кимга эшиттирмай пицирлади:

— Ўзимнинг жиннивойим! Қайси аҳмоқ хотин бир эр билан яшаб туриб, иккинчисига тегаркан? Қайнсинглизни турмушга бераяпмиз, Қодир aka...

* * *

Ойлар ўтиб, яна қилич яланғочлаганча қиши келди. Ташқарида қор гупиллаб ёгарди. Аччиқ изғирин нақ бурнингни узиб олгудек пишқиради. Аммо менинг қалбимда ёз байрам қиляпти. Теримга сифмас дараҷада мамнунман.

Бугун Ганиобод деган чўл ҳудуддан ўзим учун уй топдим. Мўмин деган дўстим топиб берди. У ёқларга ҳар ким ҳам юрак ютиб боравермас экан. Уйлар бўмбўш эмиш. Ростдан яшайман, чўлда далага чиқиб жавлон ураман деган мард бемалол келиб хоҳлаган уйга кириб олиши мумкин экан.

Яқин дўстим Мўминнинг айтишича, ярим тунлари дала тарафдан чиябўриларнинг ув тортиши аниқтиниқ қулоққа чалинаркан.

— Агар ўша бўрилардан қўрқмай яшайман, дала-даги оғир меҳнатга чидайман десанг, — деди Мўмин.
— Биринг икки бўлади, ошина. Шоли экасан, пахта ишида ишлаб озми-кўпми пул топасан. Буёқда келин ҳам қимиirlаб турса, қора қозон қайнамай қолмайди...

Шуларни ўйларканман, секин ёнимда жим кетиб бораётган Шарифага разм солдим. Унинг қовоқлари уйилган, ҳомиладорлиги сабабми, юзлари бўғриққан. Бошини эгтан кўйи сукут сақларди.

— Ҳа, — ўйладим ўзимча. — Шарифага жуда оғир бўлди. Ҳомиладорлигига бу каби дилхираликлар, асаббузарликлар кетма-кет келди. Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да!.. Қизиқ, ҳозир уйимизга кириб борсак, Шарифа нима деркин? Унга уй ёқиб тушармикан? Албатта ёқади. Менга маъқул келди-ку, унгаям ёқади-да!.. Учта ҳайҳотдай хона, балкони кенг, дераза, эшиклари мустаҳкам бўлса. Фақат... Печка масаласи қийин экан. Буниям йўлинни топарман. Битта печканинг тадбирини кўра олмасам, нима қилиб юрибман!?

Кўч-кўрон ортилган машина биз яшашимиз керак бўлган кўп қаватли уй томон бурилиб тўхтагач, ҳаяжоним ортиб сакраб пастга тушдим-у, Шарифага қўл узатдим...

* * *

— Вой, Худойим, қай гўрга кеп қолдик ўзи? — хотиним мен учун қадрли бўлган уй эшигидан ўтибок таққа тўхтади. — Қодир ака, бу ер нима? Омборми? Ҳали мени алдаб омборхоналарга опкелиб юрибсизми?

Мен қўлимдаги кўрпа-тўшакни бир четга иргитдимда, Шарифанинг кўзларига бокдим.

— Бу нима деганинг? — совуққонлик билан сўз қотдим. — Худди ҳеч нарсани кўрмаётган, илғамаётгандай гапирасан-а!.. Қанақа омбор?

— Нима бўлмаса? Шуни уй деб мени бошлаб келдингизми? Қаранг, ташқарида биронта чироқ йўқ. Ҳаммаёқ зимиston. Кимсасиз жойлар экан.

— Нима бўпти? Қоронғи бўлгани сабабли ҳеч ким кўринмагандир. Ана, кўрмаяпсанми, ҳов анави ёқда уй чироқлари ёниб турибди.

— Илоё пешонам қурсин! — Шарифа менинг бор умидларимни пучга чиқариб бир бойлам кўрпа устига ўтириб олди-да, саннашда давом этди. — Энамнинг иссиқ сандалида тинчгина ўтиргандим-а! Келиб-келиб шу ношуд эрнинг сўзигаям кираманми? Бу эр қачон бир ишни уддалаб қойиллатганди. Топган уйини қаранглар! Гўр ҳам бу уйдан иссиқ бўлса керак...

— Оғзингга қараб гапир! — ўшқирдим ғазаб билан. — Бу уй мен учун азиз, билдингми?! Қачонгача энангнинг хонадонида қисиниб яшайман? Мана, энди ўзимнинг beminnat уйим бор. Насиб бўлса, эртага далага чиқиб яхобга қарашаман. Бир ой амалласам, маош беришади.

— Яхобга қарашасизми, ундан нарига ўтиб кетасизми, мени қизиқтиrmайди. Болам бунақанги омборсифат уйларда туғилишини хоҳдамайман.

— Демак, яшамоқчи эмассан, шундайми?

Шарифа жон ҳолатда ичига туфлади-да, юзини терс бурди.

— Худо асрасин бу уйда яшашдан!

* * *

Тонгга қадар мижжа қоқмадим. Шарифа қур-қур ўрнидан туриб, хонанинг ўёғидан бўёғига асабий бориб келар, нуқул эшитилар-эшитилмас қарғанарди.

У хийла тонг ёришиб, аллақаерларда хўроздар қичқириб, қўй-қўзиларнинг маъраши қулоққа чалинганда, уйку тўла кўзларини ишқалай-ишқалай, ўрнидан турди-да, кийимларини йигиштира бошлади. Ора-сирада чанг босган дераза токчаларига, шифтга ёпиш-

ган қалин исларга алам билан қараб олишни ҳам унұтмади.

— Қаерға отландингиз? — сүрадім ундан тепасига келиб. — Ҳозир анави шкафни тозалайман. Кийимларни ўша ерга жойлай қоламиз.

— Мен уйға кетяпман, — деди Шарифа киноя аралаш. — Шкафингизам, мана шу омборингизам ўзингизга сийлов.

— Ҳазиллашыпсизми? Ўзи кечагина күчиб келған бўлсак. Келар-келмасдан кетишиңгиз нимаси?

— Оддин мени опкелиб кўрсатиш керак эди. Менам одамман, ўзимга яраша дидим, орзу-ҳавасларим бор. Мана шу чангалзорларда уйимдагиларни соғиниб ўлиб кетишини хоҳламайман.

— Уйингиз қочиб кетмаган-ку! Боргингиз келғанда, катта йўлга чиқамиз, мингта машина бўлса, ўтирамиз-у, ярим соатда қишлоғингизга кириб бора-миз.

— Бошимни қотирманг! — мени жеркиб кийимлар солинган елим халтани кўлига олди Шарифа. — Энам мени чўлда яшасин деб туғмаган. У кишининг тор қорнига сиққан, кенг уйигаям сиғавераман.

— Шунақами? — лаб тишлиб ортга тисландим. — Демак, бошидан яшашиб ниятингиз бўлмаган экан-да!.. Аёл агар эри билан ҳақиқатан яшамоқчи бўлса, қийинчиликларга кўз юмиши керак эмасми?

— Тўйдим! Тушунаяпсизми, тўйдим! Сизга текканимга яқинда бир йил бўлади. Қачон яйраб келинлик гаштини сурибман-а? Шунча умрим гирдобларда ўтди-ку! Тағин ақдлилик қиласиз. Ундан кўра...

— Бас қил! — беихтиёр Шарифага хезландим. — Овозингни чиқарма! Кетсанг кетавер! Мен шу ерда қоламан, тамом!

Шарифа нимадир демоқчидек бирпас иккиланиб турди-да, йиғлаганча ташқарига ўзини урди.

* * *

Мен унинг ортидан чиқмадим. Ҳеч нарса бўлмагандек, уёқ-буёқни тозалаб, қайтадан ўринга чўзилдим.

— Эҳ, онажон, — кўз ўнгимда яқин ўтмишда кўрган-кечирганларим гавдаланиб, юрагим сиқилди.
— Қай кунларга солиб қўйдингиз? Катта шаҳарда тинчина умр кечираётгандим. Бирор мушугимни пишт демасди. Ишим, ётар-туарим тайин эди. Катта қозонда эл қатори қайнаб яшардим. Нега ҳаётимни чил-парчин қилдингиз? Мана, етти-саккиз ой ичида бошимга не кунлар тушмади. Бирор марта хабарлашай, ҳол сўрай демадингиз. Ўзим тутадим, ўзим ёндим, яна ўзим ўчдим. Нега ундан қилдингиз? Менда ўчингиз бормиди? Кўринг, тагин ёлғизман. Суюкли келинингиз сумкадаги пуларгача сугуриб олибди. Энди нима қиласман? Бу чўлларда кимнинг эшигини тақиллатиб бир бурда нон сўрайман? Йўқ, сўрамайман, ялинмайман. Ҳеч кимни кўришга кўзим йўқ! Лекин армонсизман. Чунки яхими-ёмонми, энди ўз уйим бор. Бу уйдан бир қадам ҳам жилмайман. Шарифа эса... Ҳали кўрамиз, уйида менсиз қандай чида бўтиаркан. Барабири қайтиб келади...

Бу ўйлар охири мени оёққа турғазди. Ҳа, тирик инсон ҳаракатда бўлиши лозимлигини тушуниб етмоқда эдим. Қолаверса, энди ўз уйимдаман. Ҳеч кимга боқиманда эмасман. Бирор менга бир сўм пул ҳам бермайди. Ўзим югуришим, тер тўкиб ҳалол кун кеширишим шарт....

Эртанги кун ҳақида қайфуришим зарур. Бригадирни топиб иш сўрайман. Шундай ишлайки, бор аламларим, танамдаги фуборлар чиқиб кетсин!

* * *

Бу манзил ҳар қандай одамнинг баҳри дилини очмай қолмасди. Бепоён далалар оппоқ қор остида уйқуга кетган. Яхоб берилган пайкаллар эса қарға, лайлак ва шу каби катта-кичик қушлар чуфур-чуфурига

тұлған. Ақён-ақёнда катта йўлдан трактор ёки юк машинаси үтиб қолади.

Мен чамаси ўн гектар келадиган дала ўртасида қўлида кетмөн тутганча ҳали у ён, ҳали бу ёнга ўгирилиб, шудгорга яхоб берәётган дәхқонни кузата бошлидим.

Адашмасам. Бу одамнинг ёши элликдан ошган. Офтобда тобланган жуссаси чайир. Худди пружинага ўхшайди. Ҳали ўнгга, ҳали чапга буралиб, ўз ишини қойиллатяпти.

Бир муддат дәхқоннинг ҳаракатларини ҳавас билан кузатиб турғач, дала шийпонига кирдим.

Айвондаги сўрида Мўмин айтган паст бўйли, тақа мўйлов бригадир Сувонқул aka ўтирган экан.

Мен билан ўтирган ерида совуққина сўрашди.

— Мен... Фаниободга кечагина кўчиб келгандим, — гап бошладим негадир ҳаяжонланиб. — Шунга...

— Шунақа дегин, жиян? — кулимсиради бригадир.

— Бу ерларда яшаиш оғирлигини билармидинг? Ҳали ёш экансан... Ўзинг нима дейсан?

— Эшилдим, — дедим хийла тетикланиб. — Бир кеча тунадим ҳам. Чидайман, aka.

— Хўш, касбинг нима? — сўради бригадир. — Тракторчимисан, ё сувчимисан? Қўлингдан нима келади?

— Очиги... — бу савол мени довдиратиб қўйганди... Ахир менинг касбим йўқ... Умримда далага чиқиб яхоб бермаганман. Ҳеч қачон трактор рулига ўтирганман...

— Касбим йўқ, — жавоб қилдим қовоғим уйилиб.

— Лекин... Буюрган ишингизни қилиб кетавераман.

— Ука, — деди бригадир бир сакраб сўридан пастга тушаркан. — Ҳозир қиши бўлса, қара, далаларни қор босган. Сувчиларимиз етарли. Локигин, тракторчидан қийналиб турибмиз. Ҳа энди... Ёрдамчилик ишлари баҳорга ярашади-да, ука!

— Унда мен нима қилай? — соддаларча сўрадим Сувонқул акага умидвор боқиб. — Наҳотки менбоп иш бўлмаса?..

— Баҳорда кел, ука, баҳорда, — гапни кесди бригадир. — Кўчиб келиб тўғри қилибсан. Ҳали баҳор келса, иш қайнайди бизда. Ҳозир эса... Тўғри, хафа бўляпсан. Бироқ мениям тушунишга ҳаракат қил. Қишида фақат сувчиминан тракторчига иш кўпаяди. Сенга ҳов анати сувчиларнинг ишини бўлиб бера олмайман-ку! Уларниям бола-чақаси бор. Кўй, мени қийнамагин, яхшиси бошқа бир иш топиб ишлаб тургин. Баҳорда, марҳамат, хоҳлаганингча иш топиб бераман, акаси...

* * *

Тарвузим қўлтиғимдан тушган каби йўл-йўлакай кенг шудгорларга тикилдим. Жонини жабборга бергудек куйиб ишлаётган сувчининг ҳаракатларини кузатдим.

Ана, кетмонни бу сувчи жуда усталик билан чопяпти. Кетмониям ҳойнаҳой беш-үн кило бордир-ов!.. Йўқ, бундай оғир ишларга мен дош бера олмасам керак. Чунки бувижоним мени ҳеч қачон оғир юмушга солмаган. Ҳатто бир чеълак сув кўтарсам, югуриб бориб кўлимдан тортиб оларди.

— Кўй, кўй, оғир кўтарма! — дерди бувим. — Ўзинг озфингина бўлсанг, тағин бел-мелинг мертилиб қолмасин, болам! Мен келинни нимага олганман? Ана, Норгул кўтараверади қанча сув бўлса!..

Ҳа, мен ана шундай эркалашлар қуршовида катта бўлганман. Анави сувчининг оғир кетмони тугул кўлимга оддий ўроқ ҳам ушламаганман...

Хўш, унда нега чўлу биёбонларга келдим? Ўзимча аламдан чиққунча ишламоқчи, қоп-қоп пул топмоқчи бўлдим?.. Пахта тўла зилдай оғир чойшабларни орқалаб чопишини, шудгор кечиб кетмон чопишини, баҳор ойларида трактор кетидан заҳарли дори ҳидини ҳидлаб пайкал кезишни ўзимга эп кўрмасам, чўлда нима бор эди менга? Тўғри, уйсизлик мени шу ёқларга бошлади. Буни тан оламан. Негаки, бирорларнинг ҳовлисида сифинди бўлиб яшаш жонимга текканди...

Демак, буёғига пешонадагини кўришга мажбурман.
Чидайман-да! Ўлиб қолмасман...

Фақат... Шарифанинг кетиб қолгани ёмон бўлди.
Пумаригача олиб кетди-я ярамас!

Биламан, «хотин керак бўлса, орқамдан боради» деб
ўйлаган ўзича. Унга қолса, ичкуёв бўлиб она уйида
юраверсам. Юриб бўпман! Очдан ўлсам ўламанки, ўз
уйимда яшайман. Мени бу йўлдан ҳеч ким қайтара
олмайди.

* * *

Ўзимнинг қадрдон уйим рўпарасига етиб келдим-
да, кимсасиз хувиллаб ётган квартиralарга кўз сол-
дим. Ҳайҳотдай уйда мен билан қўшиб ҳисоблаганд
тўрт ё беш оила яшар экан. Қолган квартиralарнинг
эшиклари ланг очиқ қолиб кетган. Ҳатто, деразалари-
гача кимлардир суфуриб кетибди... Эссиз умр, эссиз
меҳнатлар...

Шу пайт қўшни йўлакдан хушрўйгина ўрта яшар
бир аёл қўлида иккита челак кўтариб ташқарига чиқ-
ди.

У қўлидаги челакларни ерга қўйди-да, мен томон
бир қараб олиб яна ортга қайтди.

Негадир қалбимда номаълум умид уйғониб, аёлнинг
қайтиб чиқишини кутдим.

Худойим, кошкийди ҳеч курса шу аёлнинг менбоп
енгилоқ иши бўлса! Ўша ишини битириб бериб нон
пули олсан ва дўконга чопқиллаб кечқурунга егулик
харид қылсан! Қўшни-ку, ахир! Қуруқ қўймасди!

Афсуски, бундай бўлмади. Аёл ютурганча қайтиб
чиқди-да, қўлига чelагини илиб, катта йўл тарафга
юрди.

— «Камбағални түяning устида ҳам ит қопади» —
деганлари шу-да, — ўйладим алам билан квартирам
эшигидан ўтарканман. — Ҳеч бўлмагандага ўша икки
челак сувини келтириб беришга қодир эдим. Битта нон
берса етарди. Шуниям Худо менга кўп кўрди...

Йўқ, ҳеч нарсани ўйламайман, қайғурмайман. Ўлиб кетсин ҳаммаси! Ҳар ҳолда ҳозир ҳеч ким менга ола қарамайди-ку! Хоҳласам, у хонага, хоҳласам бу хона-га кириб чўзиламан. Ҳеч ким халал бермайди, безовта қилмайди. Шунисигаям шукр!..

* * *

Шу ётганимча асрга яқин уйғондим. Ёдимдан кўта-рилиб, ташқари эшик қия очиқ қолган экан. Хона ичи музлаб кетибди.

Ўрнимдан сакраб турдим-у, бир вақтлар бувам ҳадя қилган эски чопонга ўралдим.

Танам исиши учун беш-үн дақиқа турган жойимда сакраб кўрдим. Фойдаси бўлмади. Корним очиб, кай-фиятим баттар ёмонлаша борарди.

— Нима бўлса бўлар, бувижонимниги бораман.
— дедим овоз чиқариб. — Анчадан бери уларни кўрмадим. Ҳарқалай, кўксимдан итариб ҳайдамас тоғам. Нари борса, унинг кўзига кўринмайман-кўяман...

Асрга яқин йўлга чиқдим. Катта йўл бўм-бўш эди. Фира-шира қоронгиликда таваккал йўлга тушдим. Тахминан биламан. Агар биз машинада бир соат йўл юрган бўлсак, пиёда икки-уч соат деганда Хонбувага бемалол етиб оламан. Балки бирор йўловчи машина ўтиб қолар...

Адашмабман. Юз метрча юриб-юрмай, узокдан юк машинаси келайтганини қўриб таққа тўхтадим ва астайдил қўл силтай бошладим.

Машина рўпарамга келиб тормоз берди.

Не кўз билан кўрайки, ҳамқишлоғимиз Ёқуб aka экан. У кишини мана шу тарафларда ишлайди деб эшитардим...

Хурсанд бўлиб кабинага чиқиб ўтирдим.

— Ие, Қодирвоймисан? — сўрашиш учун қўл узатди Ёқуб aka. — Чўлда нима қилиб юрибсан, ука?

— Шу ерга кўчиб келдим, — дедим фуур билин. — Насиб бўлса, шу ерларда яшамоқчиман.

— Шунақами? Жуда тўғри қилибсан-да, Қодирвой. Фаниобод етти хазинанинг бири дейищади. Агар қўл-оёғинг чаққон бўлиб, гектар-гектар шоли эка олсанг, ишим беш деявер. Хўш, йўл бўлсин кеч тушганда?

— Бувимминан бобомнинг ҳолидан хабар олиб келай дегандим. Анчадан бери кўрмадим уларни.

— Ў, бу ишинг зўр бўпти. Улар қариб қолишиди. Тез-тез хабардор бўлиб дуосини олгин!

— Тўғри айтасиз. Икковлариям ғанимат. Шунга...

Ёқуб aka ортиқ ҳеч нарса демади. Радиосининг овоздини баландлатиб, ёқимли қўшиққа жўр бўла кетди.

* * *

Хонбувага етиб келганимда вақт шомдан огиб қолганди. Қор аччиқ шабада аралаш гупиллаб ёғарди.

Кесак девор оша аста ичкарига мўраладим. Бувим ва бобом яшайдиган хона чирори ёниқ. Тоғамлар тарап эса зим-зиё эди.

— Хайрият, — кўнглимдан ўтказдим негадир тахта эшикдан ўтишга иккиланиб. — Тоғам йўққа ўхшайди. Балки хотин-бала-чақасини олиб қайнотасиникига кетгандир. Ишқилиб, шундай бўлсин!

Ҳа, гарчи бир умр яшаб, шу ерда улғайган бўлсамда, кўнглим безовта, юрагим ғаш эди. Шу тобда бувимнинг ҳовлиси менга буткул бегонадек туюлар, ҳозир кимдир келиб қолади-ю, «Ҳой, кимсан? Бу ерда нима қиляпсан?» дэя ёқамдан оладигандек нуқул атрофга аланглардим.

— Дадил бўлишим керак, — таваккал ичкарига кирдим. — Шайтоний ўйларни калламдан чиқариб ташламасам бўлмайди. Бу, ахир, қадрдонларимнинг хонадони-ку!..

Барibir эҳтиёткорликни қўлдан бермай, секин бориб деразадан ичкарига мўраладим. Бобом сандалда ўтирганча астойдил тасбеҳ ўгирад, бувижоним эса оппоқ пахталарни ситиш билан банд эди.

Уларни кўргач, юрагим алланечук бўлиб кетди. Ўпкам тўлиб, кўзларим ёшланди.

Лаб тишлаган кўйи эшикни очиб ичкарига ўзимни урдим.

— Бувижон! Бобожон!.. Ассалому алайкум!..

— Вой, Қодиржонмисан? Ўзим ўргилиб қўя қолай! Бормисан, болам?..

Мен букчайиброқ қолган гавдасини аранг кўтариб менга пешвоз чиқсан бувимнинг елкасига бош қўйганча бирпас жим туриб қолдим. У ҳам бир сўз демас, пик-пиқ йиғларди.

— Йиғламанг, — шивирладим бувимни юпатиш асносида. — Сизларни соғиниб кетдим. Шунинг учун келавердим.

Бобом ҳам ёши саксондан ошганига қарамай, аллақачон ўрнидан туриб улгурган экан.

Биз қучоқлашиб кўришдик.

— Қани, сандалга ўтири, чирофум! — бувим дарров тахмондан баҳмал кўрпача олди-да, алоҳида ўрин тўшади. — Кел, совуқда келгандирсан! Исин, ўғлим!

— Ишқилиб, тоғам йўқмиди уйда? — сўрадим бобом дастурхонга фотиҳа ўқиб бўлгач. — Тағин...

— Э, юргандир-да санғиб, — қўл силтаб қўйди бобом. — Куни кеча хотини болаларини олиб уйига кетиб қолган.

— Жанжал қилдими?

— Ҳа, ичиб келиб иккаласи жиқиллашиб қолганми, келиннинг йиғлаб чиқиб кетаётганини кўрдим. Индамадим.

— Тўғри қилибсиз, — дедим бобомга. — Қачонгача аралашасизлар?! Эр-хотин ўзаро келишиб олаверишади.

Бувим бу орада бир коса қайноқ, кулчатой келтириб олдимга қўйди.

— Ол, қара, кулчатойга сут ҳам қуйиб юборганман. Қорнинг очдир, ахир! Тўймасанг, қозонда овқат кўп, олақол!

Косадаги буғи чиқиб турған овқатта, бўрсилоқ нон бўлакларига тамшаниб боқарканман, бир қувондим, бир хўрлигим келди...

Эҳ, меҳрибонларим-а!.. Яхшики, сизлар бошимдан даҳшатли лаҳзалар кечаетганини билмайсизлар! Бу овқатта қанчалар зор қолганимни, ҳозирги ҳолим ахлат титиб кун кечирадиган дайдиникидан-да баттарлигини билсангиз, не кўйга тушардингиз? Чидолмасдингиз. «Ўғлимиз катта бўлди, уйланди, бир кунини кўра олади» деб хаёл қиласяпсиз-у, хотиржамсиз. Минг афсус. Ўғлингиз ҳануз қоқилишлардан мосуво эмас. Ҳар қадамда дуч келаётган тўсиқлар, аламли онлар унинг тинкасини қуритган ҳисоб...

Кўнглімдан не аламлар кечмасин, бу икки кексага сездирмай, иложи борича хотиржам, жимгина овқатланишга уриндим.

Иккинчи косадаги овқатни ҳам паққос туширганимдан сўнг ичим қизиб, ўзимни анча тетик ҳис этдим. Бу орада бобом тасбеҳ ўгиришдан тўхтади-да, деразадан ташқарига бир қараб олиб, ўрнидан қўзғалиди.

— Сизлар ўтира туринглар! — деди бобом ҳассасини қўлга олиб. — Мен мачитда хуфтон ўқиб келаман. Қодиржон, тағин кетиб қолмагин!

— Хўп бўлади!

Бобом чиқиб кетгач, болалигим тутиб секин бордимда, бувижонимнинг тиззасига бош қўйдим ва пахтадек оппоқ соchlаридан кўз узмай пичирладим:

— Буви, чарчадим! Жуда чарчадим!

* * *

Орадан чамаси ўн беш дақиқача вақт ўтди. Ташқарида шамол турдими, тўсатдан уй эшиги шарақлаб очилиб кетди. Шу заҳоти ичкари қиши совуғига тўлди.

Бу орада ҳовлида оёқ товушлари, кетидан тогамнинг кимницир бақириб-бақириб койиётгани қулоғимга чалинди.

Бувим шоша-пиша ўрнидан туриб ташқари эшикни ёпди. Унинг ранглари оқариб, вужуди титрай бошлаганди.

— Тоганг келди! — деди бувим титраб. — Сен индамагин, жон болам! Феълини биласан-ку!

Бувим сўзини тугатиб улгурмай, тогам чайқалганча кириб келди. У пича менга, бувимга боқиб, хона ичларини кўздан кечирган бўлди-да, ўдагайлай бошлади.

— Ҳа-а, нимага келдинг яна? — ўшқирди тогам. — Пишириб қўйганми? Ё бўлмағурлигингни қайнонангам билиб қолдими?

— Кўй, болам, жиянингни уришмагин! — орага тушди бувим. — Ҳозир келди ўзи.

— Сиз аралашманг, эна! — бақириб берди тогам. — Айтганман-ку ёнини олманг деб!

— Сенга ёмонлик қилмади-ку Қодиржон! — бўш келмади бувим. — Болаликдан бирга ўсансанлар. Укангдай бўп қолган. Ҳадеб сиқувга олаверасанми, болам?

— Хотинимни бўралаб сўkkанини эшитгандингиза? Тили бир қарич бунинг, ҳа, бир қарич!

— Ҳечам ундеймас. Жиянинг ювош-мўмин. Гап экан деб гапиравераркансан-да сенам!

— Вей, итдан тарқаган, — кутилмаганда тогам ёқамдан олди. — Бор, кет! Қорангниям кўрмай бу уйда, тушунаяпсанми, кўрмай! Ўша пиёниста отангнигиба бор. Йўқол тез!

«Курбақани боссанг ҳам вақиллайди» деган гап бор. Мен бу ҳақоратларга чидаб тура олмасдим. Зарб билан тогамнинг қўлларини ёқамдан олиб ташладим.

— Кетмасам, нима қиласан? Қўлингдан нима келади? Урасанми?

— Ие, — тогамнинг кайфдан қизарган кўзлари каттароқ очилди. — Ҳали мени сенладингми? Сен-а?..

У лабларини қаттиқ тишлаб менга мушт туширишга тутинди. Лекин уддалай олмади. Тағин қўлини қа-

йириб ташладим. Бу ҳаракатимдан азбаройи алами келиб жон ҳолатда бўйнимдан сиқиб олди-да, ташқа-рига судраклай бошлади.

— Вой шўрим! Эшигнлар нима дейди? — бувим ўртамизга тушиб тоғамни мендан ажратиб олмоқчи бўларди. — Ҳой, болам, қўйгин энди! Жиянингда гуноҳ йў-ўқ...

Тоғам беихтиёр мени қўйиб юборди-да, билагидан тортқилаётган бувимга хезланди.

— Эна, қоч дедим! Ҳозир абжағингни чиқараман!

— Майли, урсанг мени урақол! Лекин Қодиржонга тегма, жон болам! Қанча урсанг ҳам мени ур!

— Қўйвор қўлимни! — бақирди у бувимга. — Қўйвор дедим!

— Йўқ, ичкарига кир! Ўзингни босиб ол!

— Э, қўйвор!..

Тоғам бувижонимни куч билан бурчакка итариб юборди. Шўрлик бувим учиб бориб боши билан де-ворга урилди ва чалқанчасига йиқилди.

— Нима қип қўйдинг, ифлос! — қичқирдим тоғамга ва куч билан юzlари аралаш мушт туширдим.

Аммо у менинг зарбамга жавоб қайтармади. Ортимдан бувимнинг тепасига борди-да, турта бошлади.

— Эна, қўзингизни очинг, эна! Сизга нима бўлди? Қўзингизни очсангиз-чи!..

Мен бувимнинг бошидан қон сизиб чиқаётганини кўрдим. Нимадир ёдимга тушгандек, титраб-қақшаб юрагига қулоқ тутдим. Сўнгра томир уришини текширдим. Юрак ҳам, томирлар ҳам қилт этмасди.

— Нималар қилиб қўйдинг? — дея тоғамнинг ёқасидан олдим. — Бувимни ўлдириб қўйдинг, эшиятсанми, ўлдириб қўйдинг!

Тоғам нималар бўлаётганини англамаган каби бир муддат каловланиб турди. Кейин эса гўёки телба қиёфасига қирди. Бувимни маҳкам қучоқлаб силтай бошлади.

— Эна, туриң! Мени құрқитманг, тура қолинг!..

Жасад қимирламагач, даст үрнидан туриб күзлари чакнаган күйи уй ичини айланы бошлади.

— Ылдириб қўйдим!.. Энамни үлдириб қўйдим!.. Қотилман, қотил! Мен одам үлдирдим!..

Шундай талмовсирашлар оралиғида юргурганча бориб ташқари эшикни ичкаридан тамбалаб келди ва икки қўлимни сикди.

— Менга қара, қутқар!.. — хириллаб ёлворарди тоғам. — Жўжабирдай жонман! Болаларим етим бўлиб қолади! Мен үлдирдим дегин, жон Қодиржон!

Ха, бувим кучли зарбани кўтара олмай жон берганди. Буни ўз кўзларим билан кўриб турардим. Аммо қалбим бу фожиага сира ишонмасди. Бувижонимнинг ўлганини ҳечам тан олгим келмасди...

Кўзларим-чи? Дув-дув ёш тўкарди. Худди иситмаси кўтарилиб кетган бемор каби аъзойи баданим олов каби ёнарди. Шунга қарамай, ҳамма нарсани идрок этиб турардим.

— Илтимос, Қодирвой, — ялинишдан тўхтамасди тоғам. — Мени қутқар! Бир укалик қил, Қодирвой! Қамалиб кетмай! Болаларим...

— Сенам одаммидинг? — дедим алам аралаш унга тикилиб. — Ҳайвондан баттар экансан, билдингми? Ўз түққан онангни үлдирдинг-а, үлдирдинг!..

Бу гапларимдан сўнг тоғам бирдан жим бўлди. Бирпас кўзларимга жавдираф қараб турди-да, қўрқа-писа қонига беланиб ётган жасадга нигоҳ ташлади.

— Қутқармайсанми. Қодирвой — сўради у синиқ товушда. — Менга раҳминг келмайдими?.. Ахир... сен ҳали ўшсан! Менинг болаларим бор... Жувонмарг бўлман қамоқда!..

— Қўрқма! — дедим йиглаб. — Сен аглаҳ бўлсанг, мен сенинг аксингман! Лекин билиб қўй, бир умр икки қўлим ёқангда бўлади! Ҳеч қачон кечирмайман!..

— Хўп, хўп, — тоғам ҳовлиқиб қўлимдан тутди-да, қаршимда тиз чўқди. — Бир умр хизматингни қила-

ман, жон жиян! Шарманда бўлмасам бас!.. Отамнинг қарғишига қолмасам бўлди... Н-нима десанг де! Фақат мени қутқар!

Йўқ, мен болаликдан бирга катта бўлган тогамнинг бу илтижоларига кўз юмиб кета олмасдим. Биламан... У билмай қолди... Онасига қўл кўтарди... Эртами-кечми, барибир бу қўлмиши учун арзири жазо олади. Бироқ... Айни лаҳзаларда унга қийин. Уни қутқармасам, жонига оро кирмасам виждан азобида қолиб кетаман...

— Бор, «Тез ёрдам»га қўнгироқ қил! — дедим бувимнинг жасадини маҳкам қучоқлаб. — Милисами-нан келсин! Мени тезроқ олиб кетишси-ин!

Тогам мурдага яқинлашмоққа шайланди-ю, негадир ҳадди сифмай, менинг талабимни бажо этиш илинжика ташқарига чопди.

* * *

Кўз очиб юмгунча уй ичи тўс-тўполон бўлиб кетди. Мен даҳшатга тушиб қолгандим. Бувижонимнинг энди йўқлиги, ҳеч қачон тирилмаслигини кўз олдимга келтирганим сайин адойи тамом бўла бошладим.

Хайрият, янгишган эканман. Дўхтирлар юрагини уқалай-уқалай ўзига келтириши. Фақат... Бувим ҳушига кела қолмасди. Боши деворга жуда қаттиқ урилган экан...

У кишини касалхонага олиб кетишгач, бир оз кўнглим тинчланиб милиция машинасига ўтиредим.

Мени бир зумда бўлимга олиб бориши.

Милиционерлар бу ишни мен қилганимга ишонишганди. Узун бўйли лейтенант бўлимга кириб келишимиз билан менга еб қўйгудек ўқрайганча бирпас жим туриб қолди. Сўнгра қўлидаги сигаретини кулдонга эзиз жойига ўтиреди.

Мен ҳануз икки қўлимни орқага қилган кўйи унинг буйругини кутардим.

Ниҳоят у бошини кўтариб менга ғазабли нигоҳ ташлади.

— Ифлос, — деди хиёл ўрнидан қўзғалиб. — Кекса кампирда нима қасдинг бор эди?

Шу лаҳзаларда қўрқоқдигим тутиб қовун тушириб қўймасам эди. Ахир, яхшими-ёмонми, тоғамга сўз берганман!. Қандай бўлмасин, ўзимни тутишим, турли ёлғонлар ўйлаб топиб, манавиларни ишонтиришим керак. Кейин нима бўлса пешонамдан кўраман.

— Пул сўрасам бермади, — дедим кўзимни лўқ қилиб. — Шунга...

— Кучинг кампирга етдими? — лейтенант менинг тап тортмай жавоб қилаётганимни эшиштагач, тепамга келиб икки елкамдан маҳкам сиқди. — Мана, бизларга қўл кўтар! Нега қараб турибсан?

Бўш келмадим. Бир силтаниб милиционернинг кўлларини елкамдан олиб ташладим-да, ўрнимдан турдим.

— Менга ундей муомала қилманг! — дедим хириллаб. — Ҳақингиз йўқ. Қамайсизми, марҳамат, қаманг!

— Шунақами? — бундай кескин муносабатни кутмаган лейтенант сал паст тушгандек бўлди. — Қамаймиз ҳам... Сен нима деб ўйловдинг? Кўрасан ялло қилишни.

— Кўрамиз. Мен ҳам сиз ўйлаганчалик бўшанг эмасман...

Шу пайт эшик очилиб, паст бўйли, тиртиқ юз сержант кирди.

— Ҳа, Ориф, нима гап? — сўради лейтенат ундан.

— Ака, кампир ўзига келибди. Аҳволи анча яхши эмиш. Манави нусхани сўраётганмиш.

— Ким айтди сенга?

— Прокуратура терговчиси қўнғироқ қилди. Тез етказиб келларинг деди.

— Уф-ф, қўймас экан-да, — лейтенант афтини бужмайтирганча чўнтагидан сигарет чиқариб тутатди. — Нега бизнинг ишга тиқилаверади, тушунмайман.

— Ака, биласиз-ку!. Барibir айтганларини қилидиришади.

— Бўпти, олиб бор!

Мен лейтенантнинг ишораси билан ўрнимдан турдим-да, яна қўлларимни орқага қилиб сержантнинг олдига тушдим.

* * *

Бувижонимнинг аҳволи яхшиланганини эшишиб, худди онадан қайта туғилгандек ўзимни енгил ҳис этардим. Шу сабабли ёнимда кетиб бораётган милиционернинг совуқ боқишиларига ҳам, аҳён-аҳёнда пўписа қилишиларига ҳам кўз юмдим. Ягона орзум тезроқ, касалхонага етиб бувижонимнинг қадрдон овонини эшитиш...

Палатага қадам қўярканман, каравотнинг бир чтида қунишибгина ўтирган Шарифани кўриб тош қотдим.

У қаердан эшита қолди? Қачон келди? Нега менинг олдимга бормади? Нега бу ерга келди?

Шундай саволлар бир неча сонияда миямни нақ кемириб ўтди. Бироқ сир бой бермадим. Каравотда чалқанча ётганча Шарифага меҳр билан тикилиб қолган бувижонимга яқин бордим.

— Тўхта! — дераза олдида фуқаро кийимидағи ўрта яшар эркак турганини пайқамабман. Ҳойнаҳой, терговчи шекилли, чаққон юриб келиб олдимни тўсди. — Каравотга яқинлашма! Манави курсига ўтир-да, саволларимга жавоб бер!

— Хўп, — дедим бувимга маъноли қараб олиб. — Ўтирганим бўлсин!

— Хўш, нега ўз бувингга қўл кўтардинг? — сўрашни бошлади терговчи. — Кекса кампир сенга нима ёмонлик қилганди?

Мен жавоб беришга оғиз жуфтлаб улгурмай, бувим синиқ товушда сўз қотди.

— Бола-ам, Қодиржонимнинг айби йў-ўқ... Уни уришманглар!..

— Холажон, — бувимга яқин бориб деди терговчи.
— Биламан, сиз неварангизни ҳимоя қилаяпсиз. Аммо ҳақиқат исботланди-ку! Баданингизда мана шу йигитнинг бармоқ излари бор.

— Э, уйимга ўғри тушди, — мени оқлашда давом этди бувим. — Ана, ўғлим ҳам бор эди ўша ерда. Пуллимни ўғирлаб, ўзимни итариб юборди. Кейин... Қочиб кетди, болам.

— Унда неварангизнинг бармоқ излари қаердан пайдо бўлди?

— Бармоқ изларими?.. — бувим бир-икки томоқ қириб олган бўлди-да, давом этди. — Ўша ярамас ўғри келишидан сал олдин Қодиржонимни бағримга босиб эркалагандим. Анчадан бери кўрмагандим-да! Шунаقا, бир-икки **кун** кўрмасам соғиниб қоламан. Эркалайман болажонимни!

— Демак... Унда ўғлингиз шу ишни қилган.

— Э, қанақа ўғлим?.. Уям Қодиржонминан бир вақтда кириб келди. Ўғри кетиб бўлганди. Икковлашиб мени уйга олиб киришди... Яхшиям шулар бор экан. Йўқса, ўлиб қолардим... Жон болам, майли, нима бўлса бўлар. Ўғрисигаям даъвойим йўқ. Жоним омон қолди-ку! Илтимос, мана шу неварамни қўйиб юборинг! Жуда нимжон Қодиржоним. Касал бўп қолади.

Терговчи ҳайрон бўлиб елка қисди-да, қўлидаги қоғозларни титкилай-титкилай, сумкасига жойлаб бошини чангallади.

— Жуда ғалати кампир экансиз, — деди терговчи совуққонлик билан. — Сал қолса ўлдириб қўйишашёзиди-ю, сиз бўлсангиз даъвойим йўқ дейсиз. Йўқ, бунақаси кетмайди. Биз то ўғрини топмагунча Қодиржонингизни қўйиб юбора олмаймиз.

Бу гапни эшлитиб бувим секин бошини кўтарди.

— Сизниям онангиз борми, болам? — сўради терговчидан. — Айтинг, туқсан онангиз борми?

— Албатта бор.

— Худо кўрсатмасин, сиз Қодиржонимнинг ўрнида бўлиб қолсангиз, онангиз нима қиласарди?

Терговчи бу саволга жавоб бермади. Секин тескари ўгирилди.

— Ҳа-а, онангизам менга ўхшаб ялинарди. Чунки она-да! Фарзанди қамалиб қолади-ю, кўл қовуштириб ўтирамиди. Дунёни остин-устун қилиб юборарди, ҳа!.. Қаранг, мана бу аёл келиним бўлади. Ҳадемай қўзи ёради. Жон болам, Қодиржонимни қўйиб юбора қолинг! У дунёни бу дунё қўлим дуои жонингизда бўлади.

— Ҳа майли, кўндиридингиз, — деди терговчи кулимсираб. — Шундогам бу йигитни ушлаб туришга қўлимизда етарли далил йўқ эди. Лекин айтиб қўяй, бир гап бўлса ўзингиз жавоб берасиз, хола!

— Бўпти, бўпти, — ётган ерида кўл силтади бувим.
— Болаларим учун нима жавоб бўлса, беравераман.

— Майли, унда манави ерга кўл қўйиб юборинг!

Бувим беихтиёр бир менга, бир Шарифага жавдиради.

— Вой, мен ёзишни билмайман. Ана, неварам қўя колсин!

— Йўқ, ўзингиз қўясиз. Бирорнинг қўли ўтмайди. Мана, шу ерга чизиб қўйинг! Баракалла! Бўларкан-ку, хола! Бўпти, энди мен борай. Тезроқ тузалиб кетинг!

— Мен тузукман, — деди бувим бўш келмай. — Бoshим сал оғриди, холос. Ҳозир отрайман...

* * *

Терговчи чиқиб кетгач, кўнглим янада ёришди. Чунки ҳаммаси ҳал бўлди. Мени олиб келган милиционер ҳам прокуратура терговчисининг буйруғига қарши сўз айта олмади. Қовогини уйганча чиқиб кетди. Демак, энди мен озодман. Бувим ҳам тирик қолди...

Бироқ қалбимда номаълум ғалаён ҳукмрон эди. Бувимнинг бу қадар куюнчаклиги, қайноқ меҳри вужд-вужудимни куйдира бошлаганди.

— Эҳ, бувижон, — ҳайқиради қалбим. — Нега бундай қилдингиз? Ахир, ўз фарзандингиз сизни шу кўйга солди. Нима учун кўз юмдингиз? Менга-чи? Бор йўғи неварангизман. Мени ҳам қутқариб қолдингиз-а, бувижон! Нимага туқсан онам сизчалик меҳр бера олмайди? Нега у ҳам сиз каби мени эркалаб бағрига босмайди? Бунинг ўрнига уйидан ҳайдаб солади, бир марта бўлсин ҳол сўрашга ярамайди? Нега? Бу жумбоқларни қандай ечай? Дунёнинг синоатлари шу қадар кўпми?

— Болам, Шарифа сени бой қилиб юбораман деяпти, — бувимнинг кутилмаган товуши мени хушёр тортириди ва шоша-пиша бошимни кўтардим.

Бувим Шарифани бағрига босганча қалин соchlарини меҳр билан силарди.

— Эшийтдингми? — қайта сўради бувим. — Келиним жуда яхши экан. Сени бой қилиб юбораман деяпти-я, болам!..

Мен зимдан хотинимга разм солдим. У гўё бўлиб ўтган ишларни унугандек хотиржам ўтирас, бувимнинг гапларига кулимсираб кўярди.

— Ҳа, бувижон, — тилга кирди Шарифа. — Мана кўрасиз, мен ўғлингизни албатта бойитаман. Биз катта шаҳарга кўчиб кетамиз. Ўша ерда бозор-ўчар қилиб кўп пул топаман. Қодир акамга янги машина сотиб оламиз.

— Нима? — унинг сўзини кесдим мен. — Қаерга кўчиб кетамиз? Катта шаҳарга? Мендан сўрадингизми?

— Қўй, Қодиржон, — мени тинчлантирган бўлди бувим. — Келиним тўғри айтаяпти. Чўлу-биёбонда сарфайиб юргандан катта шаҳарга боргандаринг дуруст. Ҳарқалай у ёқларда барака кўп-да!

— Йўқ, бувижон, бунинг нима деётганини биласизми?.. Тағин...

— Бас, — дея сўзимни бўлди бувим. — Агар мени десанг, келинимни хафа қилмайсан. Ундан кўра, бор, ташқарига чиқиб, гаплашиб олинглар!

Ортиқ қаршилик қилишга ожиз здим. Истар-истамас Шарифанинг ортидан эргашиб йўлакка чиқдим.

* * *

Ўша куни Шарифадан қаттиқ ранжигандим. Буни ҳозир ҳам ичимда сақлаб тура олмадим.

— Бир нарсани тушунмадим, — дедим киноя билан. — Сиз аразлаб кеттандингиз, шекилли? Нега бу ерга келиб юрибсиз?

Шарифа лаб бурганча юзини терс бурди.

— Келсам нима қипти? Бувимни кўришга келдим.

— Хўш, мени бу ерга олиб чиқиб нима демоқчи эдингиз?

— Менми? — хотиним бир оз иккиланиб турди-да, мақсадга кўчди. — Биласизми, кеча Етиммаҳаллада турадиган дугонамни кўриб қолгандим. Эри билан катта шаҳарга кўчиб кетишган экан. Бозорда зўр савдо қилса бўлади, деяпти. Кейин... Уйлар ҳам арzon эмиш...

— Шунақами? — дедим фижиним келиб, — Ундай бўлса, кетаверинг!

— Бир ўзим-а?.. Ҳечам-да!

— Чўлдан ҳам бир ўзингиз кетдингиз-ку! Нима бўларди? Бориб бозорингизни қилаверасиз.

— Устимдан куляпсизми, Қодир ака? Сизсиз ҳеч қаерга бормайман.

— Нега?

— Чунки... Эримсиз...

— Ҳа, шундайми? — киноямга янада эрк бердим.

— Ўйловдимки...

— Қодир ака, — сўзимни кесди Шарифа. — Ўзингиз бир умр олий маълумотли бўлишни орзу қилганиман, дегандингиз. Келинг, катта шаҳарга борайлик. Сиз ўқишига кирасиз, мен бўлсам бозорда савдо қилиб сизни ўқитаман.

— Ў, иштаҳа зўр-ку! — дедим совуқ кулимсираб. — Мени ўқитиб, тағин бошимни миннат тошлари билан ёаркансиз-да! Олдингилари каммиди?

— Кўйсангиз-чи, шунақа гапларни! Ҳеч ким сизга миннат қилган эмас. Ўзингиз қаёқдаги хаёлларни каллангизда айлантириб ҳаммасини чалкаштириб юборгансиз. Ё ёлғонми?

— Бўпти, бўпти, — гапни калта қилишга уриндим.
— Бўладиган ишдан гаплашайлик!

— Хуллас, божангиз Ҳикмат поччам куни кеча машинасини сотди. Агар мен бориб илтимос қилсам, қарз бериб туради. Биз ўша пулга катта шаҳардан уй сотиб олардик. Нима дейсиз?

— Э, қайси аҳмоқ шунча пулни кўлингизга тутқазиб юборарди? Ўйламай гапиравераркансиз-да!

— Один мен билан поччамникига боринг, кейин биласиз! Ё... Бормайсизми?..

Ҳайрон бўлиб қолдим. Нафси замрани айтганда, шу тобда қандай йўл тувишни билмай гаранг эдим. Миямда ҳануз милиция, камера, тергов куюн каби айланар, бир тарафдан тоғамга бўлган нафратим қалбимни эзар, бувимнинг келгуси тақдири ҳақида ўйлаганим сайин хавотирим ошарди. Нима қилсам бўлади? Уззукун касалхонада қолиб кета олмайман-ку! Ўз оёғи билан бош эгиб келган хотинимни яна ёлғиз жўнатсам, нима бўлади? Буткул воз кечиб кетса-чи? Ҳолим не кечади? Бунга нима? Поччасидан бир амаллаб пул ундиrsa, укаси ни ёнига олиб ҳам катта шаҳарга жўнаб кетиши мумкин. Уй сотиб олиб, бозор-ӯчарини қилади, бойийди. Маза қилиб яшайди. Мен-чи? Ёруғ дунёнинг азоблари га кўксимни тутганча қолиб кетавераманми? Ким менга меҳр кўрсатади? Онамми? Қариндош-уругларми? Йўқ, сўзларига қараганда, Шарифа бир яхшиликдан хабар топган кўринади. Акс ҳолда ҳамма аразларни унутиб бувимни кўришга келмасди. Бораман. Кетидан қолмайман. Буёғига Худо поишшо!

— Кетдик, — дедим Шарифани қўлтиғидан олиб. — Қани, ўша божаникига борайлик-чи!

— Раҳмат, Қодир ака! — менга ўтли бокди Шарифа. — Кўрасиз, сизни албатта бойитиб юбораман...

* * *

Хикмат божамни илк күрганимдаёқ инжиқ ва тор феъмли одам эканини аялагандим.

Ичкарига кириб ўтиришимиз билан худди пул сўраб келганимизни сезгандек бирдан қовоғини уйиб олди.

Аммо Шарифа ҳам бўш келмоқчи эмасди. Ташқаридиа опаси Зарина билан пичирлашиб олганми, бир кўз қисиб қўйди-да, эҳтиёткорлик билан гап бошлиди.

— Почча, яхши юрибсизми? — сўради жилмайиб.
— Тўйларгаям бориб турибсизми?

— Раҳмат, синглим, ҳаммаси яхши, — жавоб қилди божам истамайгина.

— Почча, бир илтимос билан келувдик.

Хикмат божам кескин бошини кўтарди. Чамаси, бирор тўй ёки тадбирга таклиф қилмоқчи, деб ўйлади. Ҳозиргина қовоғидан ёғилган қорлар эригандек кулимсиради:

— Айтаверинг, Шарифахон! Нима илтимос?

— Яқинда машина сотибсиз, деб эшийтдик. Ростми?
Божам бу гапдан сўнг яна қовоғини уйиб олди.

— Ха, сотдим... Нимайди? — сўради совуққонлик билан.

— Ўзи-чи, — энди артистликка ўтди Шарифа. —
Поччаларни ичиди фақат сиз ҳотамтойсиз. Шунинг учун нима камим бўлса, ҳаддим сиғиб келавераман!

Божам бу гал бир елка силкитиб олди. Адашмасам, хотинимнинг бу хушомади унга ёқиброқ тушди.

— Жа айёрсиз-а, Шарифахон? — деди у хийла очи-либ. — Ҳа энди... Гапни чўзмай пул сўраб келдим дея-веринг-да!

— Ичимсиз-да, почча, ичимсиз! — кулди Шарифа. — Нима демоқчилигимни оғзимдан чиқмай туриб билиб қўясиз-а! Менга қаранг, почча, мабодо опамга уйланмай туриб психологикка ўқимаганмисиз?..

Бу гап божамга ростакамига наъша қилди. Беихтиёр хохолаб кулиб курсаткич бармогини бигиз қилганча хотинимга ёлғондакам пўписа қилган бўлди.

Шарифа бир муддат ер чизган бўлиб овозини пасайтириброқ сўз қотди.

— Почча, биз катта шаҳарга кўчиб кетмоқчимиз. Шунга... Биласизми, у ерда зўр бозор қилиш мумкин экан. Дугоналарим қизиқтириб қўйишиди. Биласиз-ку, мен бозор-ўчарни боплайман!

— Хўш, мен нима қилиб берай? — сўради божам жиддий оҳангда. — Кузатиб қўяйми?

— Уй сотиб олишимизга ўша... Машинангизнинг пулинини бериб турсангиз девдим...

— Ие, қизиқ бўлди-ку, — бошини терс бурди божам. — Нега энди бутун бошли машинамнинг пулинини сизга бериб юборарканман? Ўзим-чи? Ўзим нима қиласман?

— Узоги билан олти ойда қайтараман, — деди Шарифа. — Мана, туғишган опам гувоҳ.

— Дадаси, барибир ҳозир бизга пул унчалик зарур эмас-ку! — ўртага тушди Зарина қайнопам. — Икковлари жуда қийналиб кетишиди. Бир савоб иш қилсак қилибмиз-да! Ҳар ҳолда бегона эмаслар-ку!

— Тўғри, — божамнинг овози сал титраб чиқди. — Локигин шунча пулни қўшқўллаб бериб юборсан...

— Берсангиз менинг синглимга берасиз, — дея ўрнидан туриб кетди Зарина. — Ё менинг ҳурматим йўқми?..

Ҳикмат божам бу гапга қандай жавоб қайтаришни билмай каловланиб қолди. Хотинига қўзларини лўқ қилганча бир неча сония чақчайиб тургач, бош чайқади.

— Хотин... — деди сўнг у эшитилар эшитилмас. — Одамни қон қилиб юборасан-да! Ким ҳурматинг йўқ деяпти?

— Унда яхши ният қилиб пул бериб туринг! Ҳали қараб турасиз, синглим бойвучча хотин бўлади...

— Айтганинг келсин! — божам хоҳламайгина ўрнидан қўзғалди-да, пул олиб чиқиши учун нариги хонага кириб кетди.

Зарина эса бизга айёrona кўз қисган бўлиб, Шарифанинг елкасига қоқиб қўйди.

* * *

Пул қўлга теккач, Шарифа иккимиз гапни бир жойга қўйдик. Аввал шаҳарга мен бориб вазиятни ўрганадиган, уй танлайдиган бўлдим.

Харқалай илгари катта шаҳарда озми-қўпми яшаганим Шарифада умид уйғотди шекилли, қўлимга етарлича пул бериб кузатиб қўйди.

Эрта тонгда йўловчи таксининг орқа ўриндиғида ўтиарканман, гўё еттинчи осмондан-да юксакроқда парвоз қиласардим.

Ҳа, мана энди росманасига елкамга офтоб тегадиган бўлди. Бунга шубҳам йўқ. Болаликдан орзу қилган даргоҳда билим оламан, Шарифа бозор-ўчарни бўйнига олади. Демак, аллакимларнинг қош-қовоғига қараб азобланмайман. Яна эртанги кун ташвишидан ҳам йироқ бўламан. Тинчлик бўлса бир неча йилдан сўнг аканг қарағай олий маълумотли мутахассисга айланади. Ўшанда қишлоқдагиларнинг манаман деганлари ҳам оғзимга тикилиб мендан сўнгги сўзни кутишади. Ҳадеганда камситиб, ғуруримни лойга булғайверишмайди...

— Балосан, Шарифа, — ўйлардим ўзимча, — Шундай хасис поччангни эрита олдинг-а! Толеим кулган одам эканман. Шундай уддабурон, оёқ-қўли чаққон, тилли-жагли хотинга йўлиқдим. Бундан ортиқ баҳт бормиди...

Тўрт соат деганда катта шаҳарга кириб келдик. Машинадан тушгач, вақт ўтказиш учун шаҳар айландим. Уй бозорига бориб квартиralарнинг нархи билан қизиқдим. Ўзим тенги бир йигит айтган нарх маъқул келиб квартирасини бориб кўрдим. Жуда шинам,

маҳалла ҳам осойишта экан. Уй эгаси билан шартлашиб бўлганимдан кейин бир вақтлар ўзим ижарада турган Иван бобо исмли пиёниста чолнинг уйини мўлжал қилиб йўлга тушдим...

Кеч тушиб қолганлиги сабабли йўлак ним қоронфи эди. Учинчи қаватга чиқдим-да, бўёқлари ўчиб кетган қия очиқ эшикни тақиллатдим.

Ичкаридан аллакимларнинг фўнғир-фўнғир овози қуллоққа чалинарди.

Эшикни тинимсиз тақиллатаверганимдан сўнг овозлар тиниб ичкаридан Иван бобо гандираклаганча чиқиб келди.

Бирпас менга танимагандек тикилиб тургач, кутилмаганда кулоchlарини ёйди.

— Э, Қодир, сенмидинг? — мени бағрига босди Иван бобо. — Тўғри кириб келаверсанг бўлмайдими, хумпар? Юр, ичкарига! Анчага келдингми?

Мен ошхонага ўтиб қўлимдаги сумкани стол устига қўйдим-у, одатимга кўра Иван бобога пул узатдим. Биламан, у ижара ҳақини олдиндан олиб қўйишни хуш кўради.

— Бир кечага, — дедим қулимсираб. — Хонам бўшми?

— Албатта, — деди Иван бобо жонланиб. — Бемалол дамингни олавер! Фақат... Айтиб қўяй, у хонада бир болакай ухляпти... Э, улфатлардан бирининг боласи. Уйғотиб юборма!

— Хўп, бобо, уйғотмайман.

Хурсанд бўлиб хонамга кирдим-да, эҳтиёт шарт эшикни ичкаридан тамбаладим.

* * *

Алмисоқдан қолган темир каравотда беш ёшлар чамасидаги кийимлари юз ямоқ, соchlари чангга ботган бир болакай пиншиллаб ухларди. Эшикнинг тақиллаган товушини эшитдими, сакраб ўрнидан тур-

ди-да, кўзларини ишқалай-ишқалай менга ҳайрат аралаш қараб қолди.

— Ҳа, кўрқиб кетдингми? — сўрадим унинг ёнига чўкиб. — Ие, нега юзларинг кўкарибди? Ким хафа қилди сени?

Бола йигламсираганча жавдираб эшикни кўрсатди-да:

— Ойим, — деди бурнини тортиб. — Ҳар куни калтаклайди.

— Тўхта, отинг нима?

— Миша.

— Нимага калтаклайди ойинг? Бирор айб қилиб мидинг?

— Йў-ўқ, маст бўлди дегунча мени олдига чақириб уришга тушади.

— Ие, нима ҳақи бор экан сени уришга? Туқсан боласимисан ўзи?

— Ҳа. Лекин дўконга чиқиб кел деганда чиқмасам, уради.

— Ҳа-а, гап буёқда дегин? Ўзингдаям бор экан-да айб! Ойинг буюрган ишни қилишинг керак-да!

— Амаки, — дея баттарроқ йиглашга тушди бола.

— Ойим ароқхўр бўлишини хоҳламайман. Ўртоқларим ҳар куни пиёнистанинг боласи деб масхаралашади.

— Галинг тўғри, — дедим бўشاшиб. — Ақлли йигит экансан... Ойинг анчадан бери ичадими?

— Билмайман. Ҳар куни ичади... Жон амаки, мени бу ердан олиб кетинг! — у беихтиёр ялиниб тиззалиримни кучоқлаб олди. — Кўрқиб кетяпман. Мени олиб кетинг!

— Сени қаергаям олиб борардим, укам, — дедим лаб тишлиб. — Онанг ёнингда бўлса... Қолаверса...

— Йўқ, мен ойим билан яшашни истамайман. Олиб кетинг! Айттан ишингизни қиласман. Сира куйдирмайман сизни. Ақлли бола бўламан.

Бу боланинг ёлноришилари юрак-юрагимни эза бошлаганди. Унинг сиймосида яқин ўтмишимни кўрган-

дек эдим. Ўгай отамнинг хўрлашлари, тоғамнинг, тук-қан онамнинг қилмишлари кўз ўнгимда гавдаланиб, адойи тамом бўлаёзгандим.

Ахир... Нима қилай? Бу шўрликни қандай овутай? Унинг гуноҳи йўқ-ку! Онаси пиёниста бўлса нима қилсин? Баданидаги калтак излари-чи? Бунга қандай чидаб туриш мумкин? Нима қилсан экан-а? Олиб кетсаммикан? Кейин-чи? Етаклаб борсам, Шарифа нима дейди? Йўқ, бирорвнинг боласини олиб кетиб бўлмайди. Яхшиси, кўчага олиб чиқиб музқаймоқ олиб бераман. Зора унутса. Овунса...

— Кани, Мишабой, кетдик! — дея уни ташқарига бошладим. — Ўзим сенга музқаймоқ олиб бераман.

— Олиб кетмайсизми уйингизга? — дея йиғламсиради Миша. — Мени яна ойимнинг олдига олиб кела-сизми?

— Сен юравер-чи, бир гап бўлар!. Иккаламиз маза қилиб шаҳар айланамиз, каруселларда учамиз. Хоҳлайсанми каруселда учишни?

Миша истар-истамас бош иргади ва ортимдан эргашди.

* * *

Қоронғилик қаърида номаълум тарафга кетиб борарканмиз, кўнглим ҳайитдагидек шод эди. Чунки бир савоб ишга қўл урдим. Мурғак болани калтаклардан, хўрликлардан бирпастга бўлса-да, асраб қоляпман. У яйрайди, қувнайди, ҳаётдан завқ олади. Бундан ҳам каттароқ баҳт бормиди бу болакайга!..

Шу пайт қаердандир икки нафар барнаста йигит пайдо бўлди ва олдимизни тўсди.

Икковларидан ҳам ароқ ҳиди анқирди.

— Қаерликсан? — менга ўдағайлари улардан бири.

— Нега қотиб қолдинг? Ё соқовмисан?

— Водийданман, — дедим совуқёнлик билан. — Нимайди?

— Ў, жа шашти баланд-ку бунинг! — иккинчи безори шеригини туртди-да. Мишага ўгирилди. — Ие, оғани, манавини қара, бу нариги домда турадиган Наташканинг боласи-ку!..

— Ҳа, ўша, — унинг сўзини тасдиқлади шериги. — Вей, Миша, бу одам сенга ким бўлади? Қаерга кетаяпсизлар?

— Биз амакимникига кетяпмиз, — дадил жавоб қилди Миша. — Энди иккаламиз бирга яшаймиз.

— Ў, шунақами? Зўрсизлар-ку!.. Кейин-чи?..

— Гапни чўзмайлик, — дея тоқатсизланди иккинчи безори. — Менга қара, водийлик, юр, сал четроққа ўтайлик, гап бор! Ё кўрқяпсанми?

— Сенларданми? — мен ҳам бўш келмай саволга савол билан жавоб қайтардим. — Ўлган эканман-да!..

— Хўп, юр унда! Нега қоққан қозиқдай туриб қолдинг?..

Афсус, бу гал ҳам омадим юришмаганди. Безорилар мендан кўра бақувватроқ. Боплаб «пўстагим»ни қоқишиди.

Каршилик кўрсатишга ҳарчанд уринмай, кучим етмади. Қорним, оёқларим аралаш кетма-кет тушган тепкилар мени ерга ағанатди.

Безорилар эса чўнтағимдаги пулларни тийин-тийинигача тортиб олишди-ю. жуфтакни ростлаб қолишиди...

Оқсоқлаганча Мишани ойиси ўтирган уйда қолдириш илинжида кетиб борардим...

Аламимдан дод солгим келарди...

Майли, калтакланганим, пулларимдан айрилиб, боши берк кўчада қолганим алам қилмасди. Жароҳатларим тузалар, пулни ҳам бир амаллаб топишим мумкиннор...

Мишанинг ўксиниб қолиши бағримни эзарди. Мен унга ваъда қилганимдек музқаймоқ олиб беролмадим, болакай каруселда яйраб уча олмади...

Орадан бир йил ўтди. Ҳикмат божамнинг шарофати билан катта шаҳарга жойлашиб ҳам олдик. Бу орада ўғлим Собиржон туғилди. Мен олий даргоҳга ўқишга кирдим. Шарифа эса айтганини қилиб бозорга ўрнашди.

Уддабурон экан. Бир йил деганда қарзимизни узди, уйимизни кенгайтирди.

Афсуски, ичимга чироқ ёқса ёришмасди. Ўрганмаган эканман. Хотинимнинг эртадан кечга қадар бозорда олди-сотди қилиши, жарақ-жарақ пулларни олиб келиб сандиққа жойлаши алам қиласди. Баригир, аёлларнинг миннатчи бўлишини ўйлаганим сайнин юрагим сикилар, еяётган овқатим ҳам, ётиш-туришим ҳам татимасди. Айниқса, орамиздаги илиқ муносабатларга путур ета бошлаганини чуқур ҳис этардим. Шарифа ҳар куни ярим тунда келиб ўринга чўзилади-ю, қотиб ухлайди, эрта тонгда эса яна бозорга чопади...

Йўқ, ички бир туғён қалбимни ларзага сола бошлаганди. Бу ҳайвоний нафс таъқибидан қутулишнинг, унга чап беришнинг иложини топа олмас даражада ёввойилашиб бораардим. Ё Худо! Кимга дардимни айтай? Мени ким тушунади? Кеч киришини ўйласам гоҳ умид алангасида куядиган, гоҳ совуқ нафрат туфайли тош қотадиган бўлиб қолгандим. Менга энди муҳаббат, меҳр етишмасди. Шарифанинг парвойи фалак. Бир-икки марта шу туйғудан оғиз очгандим, бобиллаб берди. Унинг бақир-чақирларини илгари ҳам эшитганим бор. Лекин бу галгиси қалбимни парчалаб ташлагандек бўлди. У тагин гапни бозорга, пул топишга бурди. Мени ўқитаётганидан гап очди. Ўшанда қалбим гурбатга тўлиб, ўғлимни бағримга босганча ўзими ни овтишдан нарига ўта олмадим.

Ё алҳазар! Кимга айланиб қолдим ўзи? Нега бошқа эркаклар каби сўзларим кескир эмас? Нима учун ёстиқдошим мен гапириш учун оғиз жуфтлаганимда,

сүнгти қароримни кутиб титрамайды? Нима сабабдан мен хотиним сұзлаганда, тергашта ҳадди сиққан лаҳ-заларда бөш эгишдан бүлак чора топа олмайман?

Бу жумбоқнинг ечимини қайлардан қидирай? Ўзим эмасмидим елим гулни олишдан бөш тортганда зарда билан мағурона уйини тарк этган? Ёки яқин ўтмишни ёдга олай. Чүлу биёбондан топган уйимни назарга илмай кетиб қолганида ҳам ортидан чопмагандим-ку! Бугун нега жиловланган жонивор каби итоаткор бүлиб қолдим? Ёки пуллари менинг оромимни ўғираганми? Пулларнинг қаердалиги ҳам менга маълум эмас-ку! Аввалги фуур қаерда қолди?..

Кунларнинг бирида шундай хаёллар билан катта бозор дарвозасига етиб келдим. Бозор шу қадар сершовқин, тирбанд эдики, йўл топиб юришга қийналади одам.

Амал-тақал Шарифа савдо қиласиган тарафга ўтиб олдим. Бу ерда одам сийрак, савдогарлар тўп-тўп бўлиб ўтирганча лақимлашарди.

Бир гуруҳ аёллар орасида Шарифани кўрдим-у, ўша томонга юрдим.

Савдогар аёллардан бири менинг Шарифага тикилиб бораётганимни кўриб, секин биқинига туртди.

Шарифа менга кўзи тушиши билан негадир ранги-кути ўчди на зарда билан ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, нега келдингиз бу ерга? — рўпарамага келдида, жеркиш аралаш сўз қотди хотиним. — Пишириб кўйганмиди?

— Бу нима деганинг? — дедим жаҳлим чиқиб. — Нима, келиш мумкинмасми? Нега?

— Туришингизни қаранг, скелетга ўхшайсиз! Шу туришингизни кўз-кўз қилиб мени шерикларим олдидиа шарманда қилмоқчимисиз?

— Оғзингга қараб гапир! Туришимга нима қипти? Ундан кўра ўзингга бир разм сол!

— Бас қилинг! — қулоқларим остида пичирлаб билгимдан чимдиidi Шарифа. — Кетинг тез! Уйга боринг!

— Ҳали шунақами? Бўпти... Кетаман... Аммо билиб қўй, сенминан ҳозирги муюмаланг учун кечқурун уйда гаплашаман.

— Бугун уйга бормайман, — деди Шарифа лаб буриб. — Кечаси юк олишга нариги туманга кетамиз...

Мен лом-мим демадим. Деёлмадим.

Азбаройи аламим келиб муштларимни тутганча ортга қайтдим.

* * *

Шу кўйи анча маҳалгача бозорда тентираб юрдим. Ўзимни чалғитиш учун бозордаги расталарнинг биронтасини қолдирмай томоша қилдим.

Савдогарларнинг кўли-кўлига тегмас, бақир-чақир қилиб, бир-бирига ўшқириб, талашиб-тортишиб бўлсада, ўз молини сотишга интиларди.

Айниқса аёл сотувчиларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлай дердим. Шу қадар шанғимлашардики, уларни кўриб қиёмат бошланармикан, деб ўйлайсиз. Ҳеч нарсадан қайтишмас, тап тортишмас экан.

— Наҳотки, Шарифа ҳам шуларга ўхшаб кетган бўлса? — ўйладим азбаройи чарчаб кетганимдан бозорнинг бир бурчагидаги ўриндиқлардан бирига чўкиб. — Қара, булар нақ аждаҳога ўхашади. Анави қанд-қурс сатаётган хўппа семиз аёл-чи? Молини ёмонлагани учун қари кампирни сал қурса еб қўяёэди-я!.. Буларнинг эрлари ҳам мен каби тил тишлаб яшашармикан? Агар ҳаёт шундай кетаверса, охири нима бўлади? Шундай ён бериб умрим ўтиб кетадими? Бора-бора қўни-қўшни, қариндош-уруғлар олдида бугунгидек беҳурмат қилса-чи? Унда нима қиласман? Одамлар олдида қандай бош кўтариб юраман?.. Шарифага нима бўляпти? Пул ҳовлиқтириб қўйдими? Қачонгача?.. Билмадим... Билмадим...

Айланиб юриб бозор ташқарисидаги чинор соясида үтирган ўрта яшар лўли аёлга қўзим тушди.

Ўҳам астойдил қараб қолганимни пайқаб қўл силтаганча ёнига чорлай бошлади.

— Ҳой бачам, кел буёнга! Фолочиб қўяман санга! — дерди нукул лўли аёл. — Вой, кела қолсанг-чи, ҳай!..

Қизиқишим ортиб унга яқин бордим.

— Вой-бў, ичинг қурумга тўлиб кетибди-ку, бачам! — бош чайкади у рўпарасига үтиришим билан. — Мингта сўм бер, ичингдагини айтай!

Ажабланиб чўнтағимдаги пулларни чамаладим. Ҳар ҳолда минг сўм берсам камайиб қолмас экан.

— Оддин айтинг, — дедим қайсарагим тутиб. — Ундан кейин оласиз пулни.

— Сан бачам, хасис бўлма! Пулни қўлимга тутқаз! Шунда қўлингнинг ҳовури манга ҳаммасини айтади. Бўл тез!

— Қўймадингиз-қўймадингиз-да! Мана, олинг! Энди айтинг!

Лўли аёл қўзларини бир юмиб очди-да, кафтидан тутиб ўзича башорат қила кетди.

— Сан амал ичгансан! Бир ямон душманинг бор. Ўша сани пойингни қирқмоқчи, бачам! Хиёнаткор хотинга йўлиқибсанми, йўлинг қоп-қоронги!

— Бугун нима кутяпти, бугун? — сўрадим бетоқатланиб. — Бунака гапларни илгариям эшигтанман.

— Вой, бачам, берганинг мингта сўм-ку! — деди лўли аёл лаб буриб. — Бугунни билгинг келса, яна мингта сўм ташлайсан.

— Уф-ф, қайданам келдим ўзи? — норозиланиб чўнтағимга қўл солдим. — Мана-е, бўлинг энди, опа!

Лўли аёл пулни олиб халтасига жойлади-да, тағин бир қўз юмиб олди.

— Найранглар қуршовида қолибсан, — деди бошини сарак-сарак қилиб. — Бугун кечаси бир ямон иш бўлади. Эҳтиёт бўл, қон кўринопти қўзимга! Сан

қоронғиликда юрибсан, бачам. Харсанғтошларни у ёндан буёнга ирғитопсан... Чүлларда яшаб келасан.

— Бас! — даст ўрнимдан турдим-у, кетишга чөфландым. — Тополмадингиз. Ўша сиз айтган чўлдан келганимга кўп бўлмади ҳали.

— Сан, бачам, қайсар бўлма! — ортимдан қичқирди лўли аёл. — Ман ҳақиқатни айтдим!

Ҳафсалам пир бўлиб қандай автобус бекатига борганимни сезмай қолибман.

Таниш рақамли автобусни кўрганимдагина факультетга ўтиб келишим кераклиги ёдимга тушди ва салонга кириб бўш ўриндиқлардан бирига ўтирдим.

Автобус ҳали ўрнидан жилмаганди. Ойнадан ташқарига ўйчан тикилиб ўтириб жуда-жуда таниш чехрага кўзим тушди.

Уни кўрдим-у, юрагим дукиллаб кетди. Қувончдан теримга сиғмай даст ўрнимдан турдим-да, пастига тушдим...

Ҳа, у Маъсуда! Биринчи муҳаббатим. Армонга айланган севгим. Бир пайтлар қалбимни йиғлатиб қўйган ишқим тумори...

У сира ўзгармабди. Ўша-ўша мовий кўзлар, узун қайрилма киприклар. Оқ-сариқ соchlарини ҳам бўямабди... Фақат тўлин юзлари маъюслашибди. Нима бўлдийкин? Турмуши бузилдимикан? Шаҳарда нима қилиб юрибди? Ё шу ерга кўчиб келганмикан?

— Маъсуда! — таваккал қичқирдим ортидан. — Тўхтанг!

У кескин орқасига ўгирилди-ю, мени кўрди. Бир муддат тўхтаб, мени бошдан оёқ қузатган бўлди. Бунгача мен Маъсудага яқин бориб улгургандим.

— Сиз?.. — жилмайиб, кўзларини катта-катта очди Маъсуда. — Ростдан Қодир акамисиз?

— Ҳа, ўшаман, — дедим сўрашиш учун қўл узатиб. — Очиги, сизни шаҳарда кўраман деб ўйламовдим... Юринг, вақтингиз бўлса, ҳов анави ерга бориб ўтирамиз!

— М-майли, — деди тортиниб Маъсуда. — Ўша ер тинчроққа ўхшайди.

Биз ҳануз кўзларимизга ишонқирамай, бир-бири-мизга сирли термулганча бозор четидаги қаҳвахонага кирдик.

Ичкарида одам сийрак эди. Бўш столлардан бири-ни танлаб ўтиришимиз билан мен Маъсудага ўтли қараб қолдим.

Шу тобда бир оғиз сўз айтишни хоҳламасдим. Унинг гўзал жамолини томоша қилгим, шу баҳонада ширин хотиралар уммонига ғарқ бўлгим келарди.

— Ҳаммасини эшилдим, — хаёлимни бўлди Маъсу-да. — Бошингиздан кўп ишлар ўтибди.

— Сиз қаердан эшилдингиз?

— Эшилмай бўларканми, — деди Маъсуда маъюс тортиб. — Одамлардан сиз ҳақингиздаги хабарларни эшилганимда, юракларим эзилиб кетди.

— Ҳозир ҳаммаси яхши, — дедим хотиржам оҳан-гда. — Ўқишига кирдим. Ўқияпман. Фарзандим ҳам бор. Хуллас, қийинчиликлар ортда қолди. Ўзингиз-чи?

— Менми?.. Ўшанда сизни роса кутдим. Совчилар эшигимизни тақиллатиб келишса, сизданмикан деб юрагим ҳаприқарди. Афсуски, келишмади.

— Кимга турмушга чиқдингиз? Мен танийманми?

— Ҳа, уйдагилар қўшнимиз Муталибга узатиб юбо-ришди.

— Шунақами? — бу гапни эшилгач, юрагим шиф этди. Нимадир ичимни тирмалаб ўтгандек, иситмам кўтарила бошлагандек безовталаниб қолдим.

— Ўшанда... — юзимни терс бурганча сўз бошла-дим. — Мактабдалигимизда ўзингиз «Мен сизга муносиб эмасман. Бизнинг оиласиз бадавлат оила, ўзин-гизга муносибини топинг» дегандингиз-ку!

— Ахир, унда ёш эдик, Қодир aka! Ўша гап баҳона бўлдими?..

— Майли, бўлар иш бўлган. Энди тақдирни орқага

қайтариб бўлмайди. Ундан кўра, айтинг, биз ҳар куни
хат алмашган дараҳт ҳалиям борми?

Маъсуда қулиб қўйди.

— Ҳа, турибди. Яқинда жиянимни мактабдан олиш-
га борувдим... Фақат ярми қуриб қолибди.

— Биздан хафа бўлгандир-да! Ахир, дараҳтларда-
ям жон бор, ҳамма нарсани сезади дейишади-ку!..

— Қайдам, бўлса бордир...

Маъсуда билан уч соатдан ортиқроқ гаглашиб ўтири-
дик. Иккаламиз ҳам хайрлашишни хоҳламасдик. Га-
пиришга гап қолмаган лаҳзаларда бир-бири мизга
мехр билан боқиб, қалбларимиз тубида қолиб кетган
гапларни нигоҳлар кўмагида айтгандек бўлардик.

— Вой, кеч тушиб қолибди-ку, — кутилмаганда даст
ўрнидан турди Маъсуда. — Гап билан бўлиб сезмай
қолибман.

— Илтимос, менга манзилингизни, телефон рақа-
мингизни беринг! — дедим биринчи муҳаббатимга
умидвор термулиб. — Ҳарқалай битта шаҳарда яшар-
канмиз.

Маъсуда шоша-пиша сумкасидан қоғоз-қалам
олди-да, айтгандаримни ёзиб қўлимга тутқазди.

— Албатта қўнфироқ қилинг, — тайинлади у. — Йўқ
бўлиб кетманг!

Биз мамнун хайрлашдик.

Автобус бекати томон тез-тез кетиб бораётган Маъ-
суданинг ортидан боқарканман, юрагимнинг қайси-
дир томири узилгандек бўлди, вужудим титрай бош-
лаганини ҳис этдим.

* * *

Анча маҳалгача маҳаллаларни айланиб юрдим.
Маъсуда билан бўлган тасодифий учрашув таъсири-
дан сира чиқа олмасдим. Хаёлларим буткул чалкашиб
кетганди. Ўтмиш хотираларига қўмилган кўйи кечки
соат тўққиздан ошганда қадрдан уйимга яқинлаш-
дим.

Ховлида янги, ярқираган машина савлат түкиб тұради. Болалигимдан техникага ўчлигим мени машина рўпарасида тўхташга мажбур этди.

Қандай баҳтли одамлар бор! Машинани бугун олишган кўринади. Ҳали бирор ерига гард ҳам юқмабди. Қанийди, менга ҳам шундай машина насиб қилас! Дўст-душманлар олдидан бойваччалар каби керилганча машина ҳайдаб ўтсан!..

Шу пайт юқори қаватдан Шарифа, кетидан бу йил мактабни битирган қайним Шарофиддин тушиб келишди.

Хотиним ҳеч нарса демай секин келиб машинани кучди.

— Зўр-а? — сўради мендан айёrona жилмайиш қилиб. — Нега тошдай қотиб қолдингиз? Машинангиз қандай экан, деб сўрадим.

— Нима?.. Машинам?.. Йўғ-э! Ҳазиллашаяпсизми?

— Ҳа, бу машинани сиз учун сотиб олдим, дадаси, — деди Шарифа. — Буюрсин!

Азбаройи қувонганимдан тиззаларимгача титраб кетди. Титроқ тўла қўлларим билан қўрқа-писа машина эшигини очдим ва ҳануз иккиланиб, ўриндиққа ўтирдим. Лекин баривир бу мен учун олинган машина эканига ишонгим келмасди.

— Ярашди, — Шарифа айланиб ўтиб ёнимдаги ўриндиқдан жой олди. — Фақат айтиб қўяй, мана шу жойда фақат мен ўтиришим керак. Агар бегона аёлни кўрсам...

— Қизиқчимисиз? — дедим қўл силтаб. — Қанақа бегона аёл?..

— Қўрдим, кундузи биттасиминаян қаҳвахонада лақиллашаётган экансиз. Бирпас қараб туриб кетъордим... Шунга...

— У мактабдошим эди!

Шундай деяпман-у, Шарифа қандай бизни кўриб қолганига ҳайрон бўлардим. Наҳотки, мени пойлаб юрган бўлса? Қачондан бери кузатадиган бўлди?..

Майли, жанжал күтартмади-ку! Айб ўзимдаям бор. Шундоқ хотинимнинг биқинида гаплашдим Маъсуда билан. Ундай қилмаслигим керак эди...

Тарин Шарифа хаёлимни бўлди.

— Хоҳласангиз, ҳозироқ машинада қишлоқقا жўнашингиз мумкин. Баҳонада Шарофиддин ҳам уйга етволади.

— Ҳозир-а?.. — сўрадим ишонқирамай. — Вей, ҳалиям кўзларимга ишонгим келмаяпти, Шарифа. — Ростдан шу машина меникими?..

— Сизники, сизники! — бу гал хотиним зардалироқ оҳангда сўз қотди. — Бундан буён бозорга бориб аса-бимга тегавермайсиз. Кира қилиб пул топасиз.

— Хўп, хўп, албатта кира қиласман. Янги машинада зўр пул топса бўлади.

— Қишлоқقا борганингиздан кейин биринчи бўлиб Нурмат қоранинг эшиги рўпарасида тўхтанг! Кўриб қўйсин!.. Онангизгаям кўз-кўз қилишни унутманг!

— Гапингиз тўғри, — дедим маъюсланиб. — У кунларни унутиб бўлармиди... Худо хоҳласа, қайтиб-қайтиб ўтаман уйи ёнидан...

— Бўпти, мен бозорга кетдим. Вақтни ўтказмай жўнай қолинглар!..

Шу тобда умрим бўйи ҳеч қачон ҳис этиб кўрмаган туйғулар қалбимда ғужғон ўйнарди.

Ҳа, Худога шукр, ҳайдовчилик гувоҳномам чўнтақда. Яхшики, бир вақтлар ҳайдовчиликка ўқиб қўйган эканман... Тўхта, айёр Шарифа тунов куни бекорга мени нотариусга судрамаган экан-да!.. Мен анқовга ўхшаб мундоқ суриштирмабман ҳам... Қоғознинг ярмисини беркитиб, «манви ерга имзо қўйинг» деса, индамай айтганини бажараверибман... Демак, менинг нимага қўл қўяётганимни беркитганига қараганда, «сюрприз» қилмоқчи бўлган. Умуман, ўшандা суриштирмай яхши қилибман... Оббо айёр-ей!.. Зап уддабурон хотиним бор-да!..

Машинани учирганча серқатнов йўлдан кетиб борардим-у, хурсандлигимдан гўё ўзимни мана-мана ҳозир қўкларга учиб кетиб қоладигандай сезар, хаёлан қайта-қайта Шарифани алқардим.

* * *

Омади чопиб, баҳти кулган одамга куз фасли ҳам ўзгача шаффоф, чиройли қўринади. Мен дарахтларнинг ҳазонга айланган сап-сариқ япроқларини ҳам шу тобда олtingа қиёслардим. Ҳатто, қарғаларнинг қағиллаши ҳам жонимга ҳузур баҳш этар, шаррос қуяётган ёмғирда ивиб, кимсасиз лой қўчаларда тўйгунимча югургим келарди.

Нурмат қора ва онамнинг машинам ортидан мулзам қараб қолишлари, бувижонимнинг дуо қилиб йиғлаганларини эслаганимда юрагим кувончдан ёрилайдерди.

Катта шаҳарга олиб борадиган кенг йўл бўйлаб қоронгилик қаърида кетиб борардим. Ҳаёлимда фарзандимнинг туғилган куни гавдалангани сайин тезроқ уйга етиб олишга, уни суйиб-суйиб бағримга босишига ошиқардим.

— Ҳозир ҳойнаҳоӣ Шарифа тайёргарликни жойига кўйиб мени кутаётгандир, — ўйлардим ўзимча. — Барибир машинанг бўлгани яхши экан-да! Физ-ғиз ўёқдан-буёқса бориб келиб анча-мунча пул ишладим. Эркатойимга арзирли совға ҳам сотиб олдим. Ҳайрият, менам одам қаторига қўшилдим. Энди бироннинг кўлига қараб, қош-қовоғини кузатиб умрим ўтмайди. Ҳадемай ўқишим битса, журналист бўламан. Қандай яхши!.. Башанг кийиниб қаергадир борсанг, одамлар кўллари кўксида кутиб олишади, сени уйнинг тўрига ўтқазиб қўйишади ва оғзингга тикилиб сендан маънили гап кутишади. Шунда барчаларини бир-бир кўздан кечириб олган бўласан-у, салмоқ билан сўз бошлийсан...

Уйга етиб келганимда вақт хуфтонга яқинлашиб қолганди. Шарифани илҳақ қилганимдан жуда хижо-

латда здим. Апил-тапил совғани қўлимга олиб машина эшикларини қулфладим-да, тўртинчи қаватга кутарилим.

Үй чироги ёниқ. Албатта, туз тотмасдан кутиб ўтиргандир шўрлик Шарифа. Мен тушгача етиб келиб бозор-ўчарни чекимга олмоқчи здим. Уддасидан чиқа олмадим. Ҳа, майли, тушунар. Йўл олис бўлса...

Эшикка яқин борганимда бегона эркакнинг ғўнғир-ғўнғир товушини эшитиб, таққа тўхтадим.

— Қизиқ, ҳеч кимни меҳмонга чақирмагандим-ку! Ким бўлди бу одам?..

Ошхона тарафдаги дераза қия очик экан. Ҳайрон бўлиб кулоғимни динг қилдим.

— Эрингиз келиб қолса-я? — энди у овозини хийла пасайтирди. — Нима қиласиз?

— Вой, нима қипти келса? — норози оҳангда фудранди Шарифа. — Тагига машинанинг манаман деганини миндириб қўйган бўлсан!.. Атайн қишлоқча жўнатиб юборганман. Бизга халал бермасин деб қаттиқ тайинлаганман ҳам. Ҳали-вери келмаса керак. Унинг феълини биламан. Осмондан тушгандек машинали бўлиб қолди. Юради энди ялосини қилиб. Э, майли, мендан нарироқ юрса бас.

— Шунчалик ёмон кўрасизми эрингизни? — сўради бегона эркак. — Ё қўнглингиз йўқми унда?

— Қанақа кўнгилни гапираяпсиз, Сотим ака? — деди Шарифа. — Сира ичим чиқмайди... Мундай кўнглимни овлаб, хурсанд қилишниям қотириб қўёлмайди, тушуняпсизми?.. Яхшиям сизни учратиб қолдим. Бахтимдан айланай!..

— Вой абраҳ.. — бу ҳақоратларни қай юрак билан сабр қилиб тинглаганимга ишонгим келмасди. — Нима демоқчи? Нега бундай қилди? Қайси гуноҳларим учун?..

Ҳеч қачон бундай аҳволда қолмагандим. Умид билан бир ёстиқда бош қўйган одаминг шундай деб турса, худди телба каби каловланиб қоларкансан.

Мен шу тобда нима қилишни билмасдим. Миям ишлашдан тұхтаб қолгандек, танамни муз қоплагандек тек турардим.

Бир муддатдан сүнг қандайдир куч мени жонлантирди. Зарб билан эшикни тепа бошладим. Қулф нобоп зди. Икки-уч тепкидан кейин синиб тушди. Мен ўлжасига ташланишга шай арслон каби жаҳд билан ичкарига учиб кирдим.

* * *

Үйда дастурхон тўкин зди. Паст бўйли, юмалоқ юз, тепакал бир эркак диванда ястаниб ўтирас, коныяк тўла иккита қадаҳ дастурхон устида турарди.

Мени кўриб икковлари ҳам тахта бўлиб қолиши. Шовқинимдан Собиржон ўғлим ҳам уйғониб кетиб, йиглай бошлади.

— Болага тегма, ифлос! — бақирдим энди ўғлим томон қадам ташлаган Шарифанинг олдини тўсиб. — Ҳали мен бўшанг бўлдимми? Кўнглингизни ололмадимми? Шунинг учун машина олиб бериб, нари сурмоқчи бўлдингизми? Ишратларингизга халал бердимми? Ифлос!..

— Ҳой, ука, ўзингни бос! — эркак кутилмаганда хезланиб менга яқиналашибди. — Қанақа боласан ўзи? Нимага бақирасан?

— Сен кимсан ўзи?! — дедим унинг ёқасига чанг солиб. — Ҳозир мажақлаб ташлайман!

— Қўлингизни тортинг бу одамдан, ҳой, эркак! — Шарифа ҳеч нарса бўлмагандек ўзини жуда хотиржам тутарди. У учиб олдимга келдию жон ҳолатда билагимдан торта бошлади. — Намунча хўроздга ўхшаб сакрайсиз? Ё машинали бўлдим деб босар-тусарингизни билмай қолдингизми?..

Унинг миннатли гаплари кўксимни тешиб ўтай деди. Газабдан вужудимдаги барча томирларим ёрилиб кетаётгандек зди.

— Бу одам шеригим бўлади. Мен билан бозорда савдо қиласди. Ўғлимнинг туғилган кунига ўзим таклиф қилганман, — деди Шарифа ҳайқириб.

— Шунақами? Туғилган кунга таклиф қилдингми? Ҳаммасини эшилдим, илон, ҳаммасини! Ҳали кўрасан, Худо жазоингни беради сени! Қадримга етмадинг! Албатта жазоингни оласан!

— Э, валдираиверманг! — шанғиллай кетди хотиним. — Гапирган бўлсам, ажаб қилибман! Бошида эркаклик вазифангизни қойиллатинг эди! Энди керилганингиз нимаси? Рўзгорни бутлаб қўёлмайсиз, нуқул қўлимга қарайсиз. Мундоқ эркак бўлиш керак эди...

Унинг гапи суюк-суюгимдан ўтиб кетди. Шаҳд билан унга мушт кўтардим-у, яна ўзимни босдим. Ғазаб билан шкафни титкилаб, кийимларимни пала-партиш елим халтага жойладим-да, Шарифага юзландим:

— Афсус, сен билан турмуш қуриб бошида хато қилган эканман, — дедим жирканиб. — Аслида...

— Кетинг! — овозининг борича қичқирди Шарифа.
— Нега бақрайиб турибсиз? Даф бўлинг!..

Коронги кечада машинани серқатнов йўл бўйлаб номаълум томонга ҳайдаб борардим. Кўзларим йўлдаю, миям ёрилиб кетгудек лўқиллаб оғир, ҳадеганда ўпкам тўлиб, аччиқ бир изтироб бўғзимга тиқиларди.

Ҳа, мен кечагина, йўқ, боягина жуда бахтиёр эдим. Дунёга, одамларга, табиатга бошқача нигоҳ ташлардим. Ҳатто қишлоққа бориб таниш кўчалардан япянги машинамни миниб ўтаётганимда, барчага мақтангандек, салмоқ билан салом бергандим. Гўёки ёруғ оламда мендан бахтили зот йўқдек бор овозда хохолаб кулагим, «Мана, кўриб қўйларинг! Яшаш мана бундай бўпти!» дея ҳайқиргим келганди...

Энди-чи? Ким эдим ва кимга айландим? Фуруримга ҳам, йигитлик шаънимга ҳам, ҳурмат-у иззатимга ҳам, хуллас, ҳаммасига дарз кетди.

Менда қуруқ жуссадан бошқа ҳеч вақо қолмади.

Энди қаерга бораман? Эрта-индин имтиҳонлар бошланади. Қаерда тайёргарлик кўраман? Қай манзилда тунайман?

Шу пайт Маъсуда ёдимга тушди-ю, тўғри ёки но-тўғрилигини ҳам ўйламай машинамга тормоз босдим.

«Яхшиям Маъсуданинг телефон рақамини ёзиб олган эканман», хаёлимдан ўтказдим дилим бир оз ёришиб. Уй-жойи бор экан. Балки ижарага қўяр? Э, қанақа ижара? Биринчи муҳаббатим. Мени ҳалиям қаттиқ севаркан. Жой топгунимча бемалол уницида яшаб турсам бўлар. Тўхта, эри нима дейди? Нима дерди, мени танийди. Бир мактабда ўқиганмиз. Ўлибдими, ўтмиш туфайли мендан юз ўгирмас. Ҳа, ҳозироқ қўнфироқ қиласман. Маъсудага бор гапни айтаман...»

Зум ўтмай гўшакдан Маъсуданинг майин овози эшитилди.

— Алло, эшиитаман! Ким бу?

— Бу мен, Қодирман! — дедим ҳовлиқиб. — Маъсуда, танидингизми?

У бир муддат жим бўлиб қолди-да, жавоб қилди:

— Ҳа, сизмисиз? Тинчликми?

— Тинчлик эмас, Маъсуда! Мен... Нима десам экан?

Очиғи, сизга айтишга тилим бормаяпти-ю, аммо...

— Айтаверинг! Нима бўлди?

— Хуллас, мен уйдан кетдим! Ҳозир машинамда қаерга боришни билмай кўча кезиб юрибман.

— Вой, нега? Хотинингиз билан уришиб қолдингизми?

— Шунақароқ. Биз ажрашсак керак.

— Шунчалик жиддийми? Нега ахир?

— Маъсуда, сиздан бир илтимосим бор эди.

— Хўп, кулогим сизда. Нима илтимос?

— Уйингиздан бир-икки кунга жой бериб турсангиз...

— Жой?

— Ҳа, жой.

Маъсуда яна сукутга толди. Ҳойнаҳой, ё ўйлаётган, ё ёнида эри бўлса, маслаҳатлашаётгандир деган хаёлга бордим.

Унинг жавобини қулогимни динг қилганча кута бошладим.

Бир неча сония жим тургач, Маъсуда тилга кирди:

— Қодир ака, хафа бўлманг-у, сизни уйимга кири-толмайман. Тушунинг, бунинг сира иложи йўқ. Эрим...

— Ҳа, ҳа, ҳаммаси равшан, — дедим кўнглим баттар ғашланиб. — Шундай бўлишини сезгандим. Афсус...

— Фақат мендан хафа бўлманг, — деди Маъсуда ийғламсираб. — У жуда рашкчи. Айниқса, сизни кўрса...

— Йўқ, йўқ, бу нима деганингиз? Ҳечам хафамасман. Фақат буёгини ўйламабман. Майли, яхши ўти-ринг!

* * *

Мана энди ростакамига умидларим сўнди. Маъсудадан бўлак бу шаҳарда ҳеч кимим йўқ. Демак, ҳаёт билан курашишнинг бошқачароқ йўлини қидирмасам бўлмайди. Хайрият, Шарифа машинамга тегмади. «Ташлаб кет!» деб туриб олса, қўлимдан нима келарди? Шалвираганча костюмимни елкага илиб кетаверардим. У инсоф қилди. Барibir катта шаҳарда сарсон бўлиб қолишимни сезди. Шунисигаям шукр. Энди нимадир қилиб пул топишм керак. Таксичилик қиласам-чи? Бензинга, майда-чуйда харажатларга пул чиқарди. Тўғри-да, токайгача бошимни қотириб ўтираман. Нима бўлгандаям тирикчилигимни ўлашим керак-ку! Ҳаёт давом этяпти.

Тўхта, бир-икки ҳафтага ўқишимниям йиғишириб кўйиб, дадам яшайдиган қишлоқча борсам нима бўларкин? Майли, у мендан хабар олмаган, йўқламаган бўлса, ўзим кириб бораман. Ҳар ҳолда бувим айтарди, дадам катта боги бор ҳайҳотдай ҳовлида бир

ўзи яшаркан. Ўша ҳовли меники ҳам бўлиши керак эмасми? Ўша уйда яшашга ёки дадамга шу ҳақда эслатиб қўйишга ҳаким йўқми?! Ҳарқалай кўксимдан итариб ҳайдамас. Нега ҳайдасин? Яхшими-ёмонми, барибир ўша одам менинг отам-ку! Ҳозиргидек ёруғ дунёга сиғмай қолган кезларимда ота уйимдан паноҳ топсам, ҳеч ким айбламас.

Миямга келган кутилмаган фикрдан кўнглим ёриш гандек бўлди.

Ҳа, йўл-йўлакай тўртта одам олволсам, харажатларни қоплайди. Чўнтағимга ҳам бир-икки сўм тушади.

Отам яшайдиган қишлоқни хаёлан чамаладим-да, газни босдим.

* * *

Тоғ оралаб машинамни катта тезликда ҳайдаб борардим-у, кўз ўнгимда дадамнинг тахминий қиёфаси гавдаланаарди. Адашмасам, менга ўхшаб унинг ҳам юзлари чўзинчоқ, ўрта бўйли эди. Эҳ-ҳе, дадамни кўрмаганимга ўн беш йилдан ошди. Ҳозир анча кексайиб қолгандир. Мени кўрса нима деркин? Хижолат тортиб қолса керак. Ахир бошимдан қанча мушкулотлар ўтди, ўтяпти ҳам. Оталари олиб берган ўйинчоқ ва ширинликларни кўз-кўз қилаётган тенгқурларимга боққанимда ҳар сафар отамни соғинганман. Бир-икки бор кўришга келганида ҳам на ўйинчоқ олиб берган ва на ширинлик. Ўшанда жуда-жуда ўксингандим. Бувимнинг юпатишиларига қулоқ солмай даҳлизга кириб олгандим-да, ўксиб-ўксиб йифлагандим. Дадам эса бу дарду андуҳларимни қаердан билсин. Ҳануз қорасини кўрсатмайди. Наҳотки, ўғли уйланганини, олий ўқув юргида ўқиётганини эшитмаган бўлса? Бир марта келиб табриклаб қўйиш, кўнгил сўраш шунчалар қиинмиди?

Ҳа, шундай қилгани учун ҳам бугун ўзим бориб уялтираман отамни. Шундай уялтирайки, боши эгилиб қолсин.

Кун пешиндан оққанда, машинамдаги мижозларни уй-уйларига тарқатдим-у, ўткинчилардан сўрай-сўрай ота қишлоғимни топдим.

* * *

Одам темирдан-да қаттиқ экан. Кечаги ҳақоратлар, Шарифанинг шанғимлашлари, ўз уйимдан шармандаларча ҳайдалишим, уйимда бегона эркакнинг керилиб ўтириши-ю, менга масхараомуз назар ташлаши хийла унут бўлгандек эди. Айниқса, икки ёни бедазор, сўлим қишлоқни кўришим билан вужудимга илиқлиқ югорди.

Ҳа, бу қишлоқ аслида менга бегона эмас. Шу ерда киндик қоним тўкилган. Мен бу кўчалардан қаддимиғи фоз тутиб ўта оламан. Агар маҳалла одамлари мени таниб қолишса, ҳайрат ва ҳавас билан боқишиша керак. Нима бўлганда ҳам ота юртнинг кишилари яқинроқ ва меҳр-оқибатлироқ бўлади дейишади. Ишқилиб, рост бўласин!..

Тасаввур этганимдек, қишлоқقا киришим билан ёш-яланг, қари-қартангларгача гоҳ ўзимга, гоҳ машинамга ҳавас билан боқишиди.

— Ботиржон аканинг уйи қайси? — дедим тол тагида сұхбатлашиб ўтирган қарияларга салом бергач. Шундан улар орасидан бир қария чиқиб келди-да, икки елкамдан ушлади.

— Шошма, — деди сўнг менга синчковлик билан тикилиб. — Сен Қодиржонмисан-а? Ўшамисан?

— Ҳа, Қодиржонман, — дедим жилмайиб. — Сиз мени танийсизми?..

— Албатта, танийман-да. Худди отангнинг ўзи бўлибсану, сени танимайманми. Бор, болам, сенинг уйинг ҳов анави дала ёқасида. Ўша ерда яшил дарвозани кўрсанг, тўғри кириб боравер! Ботир ҳам уйда бўлса керак...

* * *

Қария айтган дарвозани топиб машинамни четроққа қўйдим-да, аста яқин бордим.

Мана менинг ота уйим. Худди қўргонга ўхшаркан. Узумзор боғ ҳам савлат тўкиб турибди.

Мана шу уй менга ота мерос. Уни қанча қадрласам, тупроғига бош қўйиб, бўсағасини ўпсам арзиди.

Қизиқ, нега шу пайтгача миямга келмади? Нима учун умримни сарсон-саргардонликда, бир кечага бўлсин макон қидириб ўтказдим? Кимларгадир сарғайдим, кимларгадир туртқиландим, кимлардир ўзи хоҳлаганча ҳақорат қилди. Мен бўлсан ҳамиша чиаддим, тишимни тишимга қўйдим, бош эгдим, ялиндим, ёлвордим, мўлтирадим, ўзим йиғладим, яна ўзим юпандим. Ўша пайтлардаёқ бу уйга келсан, шу уйда уйлансан бўлмасмиди?..

Мен ростакамига шайланиб, ўзим учун жуда-жуда қадрдан бу ҳовли остонасини ўпмоқчи, бир зумга бўлса-да, тупроғига бош қўйиб сукут сақламоқчи бўлдим. Аммо сал наридаги ҳовли қаршисида менга тикилганча турган аёлни кўриб ўзимни тийдим ва дарвоза тирқишидан ичкарига мўраладим.

Ҳовли ўртасига каттакон сўри қўйилган, олди ром қилинган айвон четида нималардир тўлдирилган иккита сумка думалаб ётарди.

Таваккал дарвозани очиб ҳовлига қадам қўйдим.

Сўрида икки эркак шангиллай-шангиллай бир-бигрига нималарнидир исботлаш билан овора, дастурхон устида яримлаб қолган ароқ шишаси турарди.

Танидим. Менинг кирганимни кўриб даст ўрнидан турган одам отам эди. Тасаввурларим алдамабди. У анча кексайган, соchlари оқарган, қадди бир оз букилганди.

У жойидан жилмай менга бирпас қараб турди-да, бақириб юборди:

— Саминбой, ўғлим келди, ўғлим!

— Нима?!

Бегона эркак ҳам бу гапни эшитиши билан ўрнидан сапчиб турди.

Шу лаҳзаларда кўз олдимда ўтмиш гавдаланди.

Кунларнинг бирида бувим мени ясантириб, Сожида аммамниига киритиб юборганди.

— Даданг келибди! Югур, болам, дадангминан кўриш! — деганди бувим кўзлари чақнаб. — Сенга ўйинчоқлар опкелгандир. Балки ўзинг орзулаган велосипедниям олиб берар. Бора қол!

Мен ўшанда қувончдан теримга сифмай аммамниига чопқилладим.

Кириб борганимда эса... Буткул бошқа манзарага кўзим тушди. Дадам чорпояда оёқларини ерга осилтирган кўйи кўлидаги пиёладан ароқ симирарди. Мени кўриб ўрнидан жилмади. Кайфи таранглигидан аранг бир қимиirlаб қўйиб, менга қучоқ очди...

Йўқ, ўшанда барча умидларим саробга айланганди. Отам, қаршимдаги мана шу одам велосипед тутгул кўлимга битта хўроқзанд ҳам тутқазмади...

Мен эса ундан қўрққанимдан қочиб кетгандим. Уйимизга келгач эса анча маҳалгача йиғлаб ётгандим. Отамнинг пиёнисталиги, менга ўйинчоқлар олиб келмагани алам қилганди...

Мана, ҳозир ҳам худди шундай манзарага гувоҳ бўлдим. Қаршимда ўша пиёниста отам турибди. Яна ичкилиқдан қизариб кетган кўзларини менга тикиб кўришиш учун қучорини очяпти...

Билмадим, лекин негадир ҳозир ҳам ўзимни таҳ-қирлангандек, умидларим поймол бўлгандек ҳис этдим. Ҳол сўрашиш ўрнига ғазабнок нигоҳларимни отамга тикдим.

— Нега ичяпсиз? — сўрадим ундан. — Нима етмайди ўзи сизга?

Отамнинг ўрнига бояти эркак жавоб қилди:

— Э, ўғлим, кел бизминан ў-ўтири! Биз янги уйни ювяпмиз!

— Қанақа янги уй? — сўрадим ҳеч нарсага тушумай. — Қани ўша янги уй?

Отам мэндан бундай муомалани кутмаган эканми, секин ортта чекиниб бош эгди.

— Мана шу уй-да, ўғлим! — шанғиллаб давом этди улфати. — Отанг шу уйни менга нақд беш юз минг сүмга сотди. Шуни ювяпмиз. К-кел, келақол, юз грамм ич! Ҳой, йигит, нега қараб қолдинг? Келмайсанми? Отангнинг соғлиғи учун юз грамм иссанг-чи!

Бу гапни эшитиб, эсхонам чиқиб кетаёзди. Бу нима дегани? Нега отам уйни сотади? Атиги беш юз минг-га-я? Ахир бу пулга уйнинг дарвозасиниям бермайди-ку!

Хаёлларимни бир жойга йириб улгурмай отам гандираклатанча келиб, елкамдан тутди.

— Ш-шундай бўп қолди, — деди афтини бужмайтириб. — Ма-ана шу амакингдан қарзим бориди. Мажжбур бўлдим уйни сотишга.

— Шундай денг?

Мен айни дамда тубсиз дарёга чўкаётган кимсага ўхшаб қолгандим.

Нима қилишни, нимадан таскин излашни билмасдим. Қаршимдаги икки пиёнистанинг эса, парвойи фалак. Гўё бу ҳовлига ҳеч ким кирмаган, ҳеч кимни кўришмаган ва ҳеч қандай гап-сўз бўлмаган каби қайтадан сўрига ўтириб, ароқ симиришни бошлаб юборишиди.

Шу тобда шартта бориб дастурхонни ағдариб ташлагим келди. Бироқ номаълум куч мени тўхтатиб қолди. Иложи борича ўзимни босишга, бу ҳовлидан тезроқ чиқиб кетишга уриндим.

Лекин бунинг тагига етмасдан қандай кетаман? Балки булар мастиликда шунчаки алжираётгандир?

Секин отамга яқин бордим-да, қўлидаги пиёлани олиб дастурхонга қўйдим.

— Сиз алдадингиз-а мени? — сўрадим ундан. — Айтинг, шунчаки мастиликда гапирдингиз, шундайми? Уйни сотмагансиз-а? Ҳаммаси ёлғон-а?

— Сотдим! — деди отам оғзидан тупук сачратиб.

— Уй меники! Хоҳласам сотаман, хоҳ-ҳласам ёқвараман!

— Шунақами? Унда яхши қолинг!

Отамнинг сунгги гаплари юрагимни тешиб ўтай деди. Миямда оғриқ туриб, вужудим музлаб кетди.

Энди ортга ўгирилиб кетмоқчи бўлганимда, отам билагимдан маҳкам ушлаб қолди.

— Қ-қодирбой, ўғлим..., — у кутилмаганда тиз чўкди-да, кўзларини лўқ қилди. — Мениям ўзинг билан опкет. Катта йўлгача холос, ҳа. Машинангда опкет. Б-буғун уйни бўшатишм керак. Й-йўқса, манави амакинг кўчага ҳайдаб солади. Опкет, ўғлим, опкет!

— Шу холосми? — сўрадим аламимни ошкор этмасликка тиришиб. — Бошқа ишингиз йўқми?

— Йўқ, йўқ, бошқа сени безовта қилмайман! Опкетасанми?

— Бўпти, юринг, — дедим зардали оҳангда. — Олиб кетмай қаергаям борардим...

* * *

Энди ярим соат илгари керилиб ўтган қишлоқ кўчаларига, ҳамқишлоқларимга боқиши мен учун оғир эди. Мен ҳар бир учраган киши қаршисида бош эгишга, орқа ўриндиқда ўтириб ўзича нималардир дея саннаб бораётган дадамни тинглашга, чидашга маҳкум эдим.

Қисматим шунчалик оғир экан-да. Қай манзилга қадам кўйсам, қай кўчага кирсам, тўсиқлар, қарама-қаршиликлар, таҳқир, алам, ҳақоратларга рўбарў бўлавераман. Қайси гуноҳларим учун бу қадар жазо оламан? Айбим, шўрпешона бўлиб туғилганимми? Шунча йилдан бери аччиқ қисматимнинг заҳру закқумларини керагича тотган эдим-ку! Кимлар топтаб ўтмади, кимлар устимдан кулмади. «Бу етим бизнинг тенгимиз эмас» дея алакимлар мени оёқ учида кўрсатганда, очиқчасига юз ўгириб кетганда ҳам лаб

тишлаб қолишдан ўзга чора тополмадим. Энди эса ўз отам мени беватан қилиб ўтирганига қандай бардош берай? Наҳотки, ҳеч қачон ўз уйим бўлмаса? Ахир бу дунёда ҳамманинг дўлу ёмғирлардан, қорлару шамоллардан асровчи кулбаси бор! Нега меники йўқ? Кўча кезиб умр кечиришим пешонамга ёзилганмикин ё?

— Тўхтат! Тўхтат машинани! — хаёлимни бўлиб қичқирди отам. — Ана, катта йўлга чиқдик! Буёғига ўзим кетаман.

Пайқамабман. Дадам шу ерга келгунча яна бир шиша ароқни паққос туширган экан.

Машинадан базур пастга тушди-да, бўш шишани йўл четига иргитиб, бир жойда чайқалиб қолди. Мен уф тортиб машина эшигини очдим ва истар-истамас пастга тушдим.

Унинг нимадир демоқчилиги оғиз жуфтлашидан сезилиб турарди.

Лекин гапиришга қўймадим. Ичимдаги аламларими ни ҳозир айтиб олишим шарт эди.

— Мени ватансиз қўйдингиз, — дедим совуққонлик билан. — Болалигимда-ку бир дона хўrozқанд олиб беришга ҳам ярамагандингиз. Йиғлаб-сиқтаб ҳаммасига кунгандим. Бугунги ишингиз ошиб тушди. Энди бир умр армон қилиб ўтадиган бўлдим. Эшитаяпсизми-йўқми?!

Баланд овозда бақиришимни кутмаганми, отам менга қараб бир оз жавдираб турди-да, беихтиёр йиғлаб юборди.

Йўқ, унинг бу йиғиси менда заррача шафқат ҳиссини уйғотмади. Қайтанга баттар разабимни қўзгади. Мени дунёга келтирган одам аслида фирт пиёниста эканига қайта-қайта амин бўлаётгандим. Пиёниста одамга йиғлаш, турли ваъдалар бериш нима бўпти?!

— Қодиржон! — дадам қўрқа-писа менга яқин келди. — М-мана кўрасан. Сенга зўр уй олиб бераман, ҳа, олиб бераман! Ёуни мен — отанг айтди...

— Олиб берармиш, — ўзимча ғудраниб машинага қайтишга чөгландим.

Бу ғал ҳам дадам билагимдан тутиб кетишга қўймади.

— Минг сўм бер, болам, минг сўм! — ялинишга тушди у. — Ахир, отангман-ку! Минг сўм бер, борадиган еримга етволай-й!

Нақадар даҳшатли ҳолат эди бу! Умрим бино бўлиб ҳеч ким менга бунчалар ялиниб, сўнгги жавобимни кутмаганди. Қаршимда худди ёш бола каби жавдираб турган отамга дардли нигоҳ билан боқарканман, гоҳ раҳмим, гоҳ нафратим келарди. Ҳатто, нима дейишни билмасдим.

У эса энди росманасига тиз чўкиб ёлвора бошлади:

— Минг сўм бе-ер, болам! Отангдан пулингни аям!

Ҳа, қайтар дунё деганлари ҳеч кимни аяб ўтирмас экан чори. Мен бир пайтлар дадамнинг қўлида ўйинчоқ ёки ширинлик ўрнида ароқ тўла пиёла кўрганимдан сўнг шундай куйиниб йиғлагандим. Кўзларимга дунё қоронғи қўриниб, ўксиниб дод солиб йиғлагандим.

Бугун бўлса...

Йўқ, бундай бўлмаслиги керак. Нега қараб турибман? Нима учун қўлтиғидан тутиб ўрнидан турғазишга уринмаяпман? Отам-ку! Шу одам бўлмаса, мен туғилармидим?

— Туринг, — дедим сал ҳушимни йиғиб олиб. — Кўрганлар нима дейди? Уят-ку!

— Берасан-а минг сўм, Қодиржон? Йўқ демайсан-а?

— Албатта. Манг, манави беш минг сўмни олиб қўйинг! Фақат илтимос, мени ҳеч қачон йўқламанг!

Дадам бу гапларимга эътибор ҳам бериб ўтирмади. Пулни шоша-пиша чўнтақка урди-ю, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолди. Мен эса бу аянчли манзарани анча маҳалгача унуполмай машинамга суюнганча туриб қолдим...

Бўшашиб машинага ўтирдим. Қалбимни оғир бир дард каламуш каби кемириб борарди. Гўё саҳрода

адашган кимсадек қай тарафга юришни билмай ўн дақиқача рулни қучоқлаб ўтиргач, бир қарорга келдим. Ҳа, буёғи маълум. Мен яна катта шаҳарга қайтаман ва киракашлик қилиб, ўқишимни давом эттираман.

Ҳар ҳолда кўчада қолиб кетмаслигимни биламан. Негаки, қадрдан машинам мени қишининг қировли кунларида ҳам асрайди.

Шундай хаёллар билан таваккал газни босдим.

Машина ҳам менинг шошаётганимни пайқаган каби одатдагидан тезроқ уча бошлагандек эди.

Бир маҳал автобус бекатидан сал ўтишим билан эскироқ бир машина мени қувиб ўтди. Ҳайдовчи негадир икки-уч марта машинанинг олд чироқларини ёқиб-ўчирди-да, йўл четига ўтиб тўхтади.

Қизик, ким бўлди бу? Нега тўхтатди мени?

Ҳайрон бўлиб тормозни босдим-у, секин ойнадан бошимни чиқардим.

— Э, ука, сени қанча жойдан қувиб келаяпман-а!
— деди машина эгаси.

Не кўз билан кўрайки, бу одам биздан учта уй нарида турадиган Меливой aka экан. Бувим бу одамни жуда яхши кўради. Сабаби, қачон йўлда пиёда кетаётганини кўрса, дарҳол машинасида уйгача элтиб кўяркан.

— Ҳа, Меливой aka, — дедим қучоқ очиб кўришгач.
— Тинчликми?..

Меливой aka йиғламсираган кўйи елкамга қоқди.

— Тинчликмас-да, ука, тинчликмас! Ҳаммамизга сабр берсин! Бобонг қазо қилиб қолди? Яхшиям сени кўриб қолдим. Холаларинг катта шаҳарга одам жўнатмоқчи бўлиб туришганди. Юр, ука, бардам бўл! Ўзингни кўлга ол!

Мана, бобомни қабрга қўйганимизга ҳам ўн кундан ошди. Ҳануз нурли чехраси, оппоқ, узун соқолла-

рини аҳён-аҳёнда тараб олиб менга насиҳат қилишлари, елкамга қоқиб эркалашлари, бошимга ташвиш түшса, бошини сарак-сарак қилиб ер чизишлари күз ўнгимдан кетмасди.

Бобом доим намоз ўқийдиган хонага кирсам, энди қайтиб кўришмаслигимга сира ишонгим келмайди. Ана, жойнамозини жойига тахлаб кўйишибди. Ҳассаси ҳам уй бурчагида. Ўзи-чи?.. Нега кела қолмайди? Наҳотки, одам ўлгач, умуман қайтмаса? Қандай чидаш мумкин бу кўргиликка?..

Айниқса, бувижоним шу кунларда чўкиб қолди. Кўзларидан ёш аримайди, лаблари титрайди, кимгайдир сўзламоқчи бўлса, қалқиб кетаверади.

Афсус, ҳаммасига кўз юмиб катта шаҳарга жўнашм лозим. Машинаминг бензини ҳам туман марказигача зўрга етса керак. Бувимнинг ҳеч кимга кўрсатмай кўлимга тутқазган пулига бензин сотиб оламан-у, яна сершовқин шаҳар томон йўл оламан.

Бир қарорга келиб ҳам бўлганман. Кира қилиб учтўрт сўм пул топгач, ижарага уй қидириб кўраман. Нима бўлганда ҳам ётар-тураримни ҳал қилиб кўйишиш шарт. Ундан кейин, ўқишимнинг тадбирини кўришим зарур бўлади. Худо кўрсатмасин, муаллимлар ёмонига олса, шунча кун дарсларга бормаганим учун ҳайдаб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Бувим билан қучоқ очиб хайрлашгач, бир четда мулзамгина боқиб турган онамга бир қараб олдим-да, машинага ўтирдим.

Ташқарida қор учқунлай бошлаганди. Демак, ҳадемай тағин қиши келади. Қишли-қировли кунларда катта шаҳар қозонида қайнашнинг ўзи бўлмайди. Тириклик кўйида темирдан тўн кийиб изгишим, елиб-югуришимга тўғри келади. Ишқилиб, шу кунимга кўз тегмасин.

Кўз очиб юмгунча туман марказидаги ёқиалиғи қўйиш шохобчасида машинамни бензинга тўлдирдим-да, оғир хўрсинганча олис йўлга отландим.

* * *

Неча кундан бери түйиб ухламаганим панд бера бошлаганини дарёга яқин қолай деганда сездим. Күзларим юмулиб борар, қанча уринмай, ҳеч ўзимни қўлга ололмасдим.

Мижозлар ҳам пайқашди чоги, улардан бири секин елкамга туртди:

— Ака, бир оз мизғиб олинг! Ухлаб қоляпсиз. Биз эсон-омон манзилга етиб олишни хоҳлаймиз. Илтимос, тўхтатинг машинани!..

Улар ҳақ эди. Агар шу тахлит кетаверсам, ҳалокатга учрашимиз тайин. Бу ёқда қоронги ҳам тушиб қоляпти. Яхшиси, беш-үн дақиқа мизғиб оламан-да, ана ундан кейин хушёр калла билан рулга ўтираман.

Сирдарёга яқин жойда машинани тўхтатдим. Мижозлар менга халал бермаслик учун пастга тушиб, атрофни томоша қилишга тутинди...

Бирпас ухлашга уриндим. Аммо аксига олиб, уйқум кела қолмасди.

Ҳиссиз нигоҳларимни Сирдарё томон тикканча ўйга толдим. Шу тобда қишдан дарак берувчи изғирин бир оз пасайиб, ҳаво сал юмшади. Лекин кутилмаганда кучли шамол турди. Сирдарё қутургандан кутурди. Улкан тўлқинларни соҳилдан-соҳилга улоқтириб, пишқира бошлади.

Ана, табиат аллақачон зулмат қаърига шўнғибди. Ҳеч қачон дарёни бу қадар яқиндан туриб томоша қилмагандим. Бўрон гўё дарёни қайсиdir айби учун калтаклаётгандек, тўлқинларни икки-уч метр юқорига кўтариб отарди...

Бир маҳал машина ойнанини кимдир чертгандек бўлди. Мен чўчиб ён томонга боқдим.

Йўқ, ойнани чертган мижозларим эмасди. Шундоқ қаршимда оппоқ соқолли, паст бўйли кекса бир чол менга тикилиб турарди. Қариянинг қайсиdir жиҳатлари худди бобомга ўхшаб кетарди. Юрагим така-пуга бўлиб ойнани пастга туширдим.

— Сизга ким керак? — сўрадим ваҳима аралаш. — Кимсиз?..

— Мен бобонгнинг бобосиман, қарогим, — деди қария. — Ҳа, ўша сен яқинда қабрга қўйган бобонгнинг бобоси бўламан.

— Қ-қанақасига?.. — бу гапни эшитиб тилим калимага келмай қолди. Пешонамни совуқ тер босиб, этим увишди. — Мендан нима истайсиз?.. — дея олдим эштилар-эштилмас. — К-кетинг!..

— Ҳайдамасанг ҳам кетаман, болам, — деди қария салмоқ билан. — Фақат... Сени огоҳ этгани кеддим... Қулоқсиз бобонг нуқул сени олиб кетаман, деб тихирлик қилаверди. Уришиб ташладим уни. Ахир... Унинг ҳақи йўқ сени безовта қилишга!.. Қарогим, кумуш узугингнинг тоши тушиб қолибди. Бу яхшиликка змас. Эҳтиёт бўлгин, буёғига ҳаётинг таҳдика-ю хавфлардан иборат бўлади. Ҳар бир қадамингни ўйлаб босгин!..

— Ака, тура қолинг энди, кеч бўлиб кетяпти!..

Мен кимнингдир қаттиқ турткисидан сесканиб кўзимни очдим. Мижозлар экан. Улар аллақачон машинага чиқиб ўтиришар, уйғонишмни кутишарди.

Нималар бўлаётганига ҳануз тушунмай, шошапиша чап қўлимни кўздан кечирдим. Қачонлардир бувим совфа қилган кумуш узук бармоғимда турибди. Лекин... Тепасидаги бежиримгина тоши йўқ эди...

Дарров юрагим ғаш тортиб, бошимни чанглладим...

«Босинқирабман шекилли», кўнглимдан ўтказдим машина ойнасини очиб тоза ҳаводан нафас олиш асносида. Ким эди у қария? Нега тушимга кирди? Үзи нима эди бу? Тушмиди?

Холатимни ўтирганларга сездирмаслик учун бўшибгина моторни ўт олдирдим ва газни босдим...

* * *

Катта шаҳарга кириб келгандан кейин ҳам кўнглимдаги безовталик аримади. Кўз ўнгимда дарё бўйида

түшпимга кирган қариянинг сиймоси гавдаланиб, юрагимдаги ғашлик ортаверди. Айниңса, болаликдан ҳар бир майда-чуйда гап-сўзни юракка яқин олиб ўрганганим бошимга бало бўлаётгандек туюларди. Мижозларни қуёш тиккага келгунга қадар тарқатиб, ортга қайтаётганимда ҳам фақат ёмонлик, кўнгилсизликлар кутишдан нарига ўтолмадим.

Аммо бу тахлит юравериш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Бувимнинг «Ҳамиша Яратгандан яхшилик сўра, ёмонликнинг кетидан қувма!» деган гаплари ёдимга тушиб, сал енгил тортгандек бўлдим. Тўгри-да, тушларга эътибор бериб ўтириш керак эмас. Ҳаёт давом этяпти. Кейинги ҳаётим ҳақида қайғуришим лозим. Ҳали ижара уй топишим, имтиҳонларга тайёрланишм керак...

Шу пайт йўл четида бола кўтарган аёл кўл кўтараётганига қўзим тушиб, тормозни босдим.

— Қўйлиқقا обориб қўйинг, — деди аёл совуқлоник билан. — Массивга!..

Бу жойнинг номини эшитишим билан вужудимга муз югурди. Яна ўша уй олдидан ўтишимни ўйлаб, негадир иккиланиб қолдим. Ҳўш, олсамми, олмасамми?.. Нима қилай?.. Э, борсам нима бўларди? Аёлни ташлайман-у, ортга қайтаман. Бир-икки минг сўм пул ортиқчалик қилмайди-ку ахир!..

— Ўтиринг, — дедим аёлга юзланиб. — Қўйлиқ бўлса, Қўйлиқ-да, кеннойи!..

* * *

Худди ортимдан бирор қувлаётгандек шошилардим. Мижозни айтган жойига ташладим-да, кўп қаватли уйларни оралаб катта йўл томон жўнадим. Шу аснода қўз қирим билан яқиндагина баҳтли онларим кечган қадрдан уйимга қараб олишни ҳам унутмадим.

Афсус, бу уй менга эзгулик ҳадя қилмади. Шу уйга кўчиб келиб етти ухлаб тушимга кирмаган хиёнатга рўбарў бўлдим. Ҳақоратлар йўлимни тўсди, бошимни

эгди, фууримни топтади. Яхшики, ҳозир ўша зулматдан наriman. Худонинг раҳми келди чоғи. Мени вақтида ёмонликлардан нари қилди...

— Ҳой, тўхта! Тўхта дейман, ҳезалак, тўхта!..

Кутимаганда қулоғимга чалинган таниш овозни эшишиб, бирдан эсанкирадим. Оёғим қандай тормозга қадалганини ҳам пайқамай қолдим.

Юрагим ҳаприқиб, гўё кўнгли беҳузур бўла бошлаган бемор каби отилганча пастга тушдим...

Не кўз билан кўрайки, чамаси йигирма метрча нарида Шарифа ва кенжা синглиси мен томонга бара-вар чопиб келишарди. Шарифа йўл-йўлакай овозининг борича қарғанарди.

— Худоё аварияга учраб ўлтур! Менинг пулим ширин, ўзим ёмон эканманми?! Ҳали кўрсатиб қўяман сенга!

У етиб келди дегунча машина эшигига ёпишди.

— Калитни бер, ярамас! Сендақаларга тушиб қолган машинам ийќ!

— Мана, олавер, жойида турибди! — дедим титроқ аралаш. — Шу холосми? Дардинг шумиди?

— Биз билан юрасан, — йўлимни тўсди Шарифа. — Ўша кунги ишинг учун жавоб берасан! Юр!

— Сенламай гапирсанг бўларди, — дедим ўзимни босишга уриниб — Ҳар ҳолда...

— Э, аслида сенлашгаям арзимайсан! Қаранглар-а, мени бузукقا чиқариб қўйиб, энди машинамда ҳеч нарса бўлмагандай катайса қиласмиш бу киши! Яхшиликча юр, бўлмаса милиса чақираман ҳозир!

— Шунақами? Ҳўп, юраман, қўрқадиган жойим ийќ! Қани, бошла!

— Машинани уйимнинг олдига обориб берасан!

Шарифа шундай деб синглиси билан олдинма кетин машинага ўтириб олди.

Мен азбаройи асабийлаша бошлаганимдан зарда билан машинага ўтирдим ва газни босдим.

* * *

Айни паллада нималар бўлаётганини деярли идрок этмасдим. Хаёлларим чалкашиб кетганди. Шарифанинг ортидан эргашганча юқори қаватга кўтариладим-у, қалбимда унга нисбатан қандайдир илиқлик туяр, ҳали замон юмшаб, шаштидан тушишига ишонардим.

«Ҳарқалай, қилган ишидан пушаймондир, — ўйлардим ўзимча. — Мени уйга қайтариш учун шу усулни ўйлаб топган бўлса керак. Биладики, мен ўз ихтиёrim билан қайтмайман. Шу сабабли шармандалика ўтган бу айёр... Ҳали қараб тур, пойимга тиз чўкиб ялинганингда ҳам кечириш-кечирмасликни ўйлаб кўраман. Жуда яхши билиб турибсан, бундай ишлар осонликча кечирилмаслигини...»

Афсуски, ичкарига қадам қўйгач, йўл-йўлакай хаёлимдан ўтган ўйлар сароб эканига амин бўлдим.

Уй тўрида қайнонам қаддини ғоз туттганча ёвга ташланмоқчи бўлган аскар каби шайланиб турарди.

— Ҳа-а, кепти-ку зўравон! — дея мен томон бир қадам ташлади қайнонам. — Хўш, бойвачча, қизими катта шаҳарда хўрлаш, тұхматга кўндаланг қилиш учун опкелганимидингиз?

Мен сал ўзимни тутиб олган бўлдим-да, каравотда пишиллаб ухлаётган ўғлимга бир кўз ташлаб олиб, қайнонамга нафрат аралаш боқдим.

— Ким кимни хўрлабди? Олдин қизингиздан сўрадингизми?

— Ие, ҳали тилингизам чиқиб қолибдими? Одам бўлиб қолдингизми? Ярамас, Шарифамни калтаклаб, ҳаммаёгини моматалоқ қилиб ташлабсан-ку!

— Нима? — бу гап нақ миямни тешиб ўтгандек бўлди. Ҳатто икки чаккам қизиб, бошим фувуллаб кетди. — Оғзингизга қараб гапиринг! Қаерини моматалоқ қилибман? Қани ўша жойи? Қачон калтаклабман?

Бунга жаъбан Шарифа пилдираб келди-да, болдирини кўз-кўз қилди.

— Мана, эна, күрдингизми? Мана шу ерларим кўкариб кетган. Кўряпсизми?

— Кўряпман, — деди қайнонам бўғиқ товушда. — Сенам фирт жиннисан, қизим! Калтаклабди, тұхмат қилибди, ўша куниёқ милисага бервормайсанми? Ўшандан бери нимани кутиб ўтирдинг?

— Вой, қўрқаман ундан! — санлай кетди Шарифа. — Ўша кунги важоқатини кўрганингизда эди. Шеригимга ўйнаш қилиб, роса тепкилади. Бақириб-чақириди. Қўшнилар олдида бўларим бўлди, эна!

— Ўйнаш қилмай ҳар бало бўлсин, илойим! — қарғанишга тушди қайнонам. — Ўзи ким-у, сенга тұхмат қилишига бало бор эканми?! Чақир акангни, бир таъзирини бериб қўйсин!

— Акамни овора қилмай кўя қолайлик, эна! — деди Шарифа менга ўқрайиб қараб оларкан. — Милисага ариза бердим. Ўша куни ичволганиниям ёзғанман. Ҳаммасини тўкиб солғанман аризамга!

— Вей, ўйлаб гапиряпсанми? — тутақиб кетдим мен.
— Ким ичволган? Менми? Қанақасига?

— Э, бас қил! Гапиргилигинг йўқ сенинг! Сендақаларнинг адабини милисалар берсинг! Бундан кейин аёл кишига кўл кўтармайдиган бўласан!

Мен шу лаҳзаларда қулоқларимга, кўзларимга ишонмасдим. Шу Шарифами? Ҳамма гапларни унинг ўзи айтдими? Наҳотки виждони қийналмаётган бўлса? Тұхмат қилаётганини, ўша кеча ростдан ҳам бегона эркак билан шивир-шивир қилганини билади-ку! Нега ҳамма айбни менга ағдариб, ўзини бечораҳол қилиб кўрсатяпти? Нияти нима ўзи?

— Менга қараларинг! — дедим она-болаларга бир-бир назар ташлаб олиб. — Мендан нима истайсанлар? Машина керакмиди? Ана, олларинг! Бошларингга ёстиқ қилларинг! Уй торлик қилдими? Марҳамат, мен аллақачон чиқиб кетганман. Фақат... фақат бир нарсадан афсусланяпман. Боя сен қилмишларингдан пушаймон бўлиб, узр сўрамоқчисан, бирга яшашга ун-

дамоқчисан, деб ўйлабман. Чучварани хом санаган эканман. Минг афсус!..

— Ўл-а, күркіб кетяпсанми? — энди Шарифа йиги аралаш жаврай бошлади. — Милисалар кесин, ақлингни киритиб қўйишади. Бирорга тухмат қилишни...

— Ўчир! — азбаройи аламим келганидан хотинимнинг тепасига бостириб бордим. — Ҳозир бир уриб абжагингни чиқараман!..

— Ур! Нега қараб турибсан? Урмайсанми, эркак?!
Ур!

Бу орада қайнонам дод сола кетди.

— Вой-дод! Ёрдам беринглар! Ким бор? Қизимни ўлдириб қўяди бу зўравон!

Шу маҳал ташқари эшик тақиллаб, кимларнингдир дўриллаган товуши қулоққа чалинди.

— Очинг эшикни! Ҳой кеннойи, очинг!

Овозларни эшиттан Шарифа бирдан йиглашдан тўхтади-да, апил-тапил кийимларини тўғрилаган бўлиб йўлакка чопди.

* * *

Ҳаш-паш дегунча ичкарига иккита милиционер кириб келди. Уларни кўрганимдан сўнг барча умидларим сўниб, аъзойи баданим нафрат алансасида ёна бошлади.

Демак, тушимга кирган мўйсафиднинг сўзларида жон борга ўхшайди. У мени мана шу хавфдан огоҳ этган экан. Эҳ, шу жойларга нега келдим ўзи? Ўша болали аёлни олиб келмасам, куним ўтмай қолмасдику! Худо мени нега бу қадар шўрпешона қилиб яратди? Нега?.. Қийноқларнинг, синовларнинг чек-чегараси бўлиши керак эмасми? Бошимни қай деворга урмай, балолар исканжасидан қутула олмасам. Нима қиласай? Кимга додимни айтаман? Мени эшитадиган одам борми бу дунёда?!

Надоматлар бўлсинки, ҳозир оҳ-воҳ чекиб ўтиришдан фойда йўқ. Милиционерлар уйдаги курсиларга

ўтириб, ёзув-чизув, сўроқ-саволга киришиб кетишиди.

— Хўш, йигит, нега хотинингни калтакладинг? — дағдага аралаш сўради улардан бири. — Сабаби борми?

— Вой, милиса болам, — гапга аралаши қайнонам.

— Яхшиям мен кеп қолдим. Йўқса ўлдириб қуишиданам тоймайди, бу номард.

— Нима, тилинг танглайнингга ёпишиб қолганми? — қайнонамнинг сўзларига эътибор қилмай сўрашда давом этди милиционер. — Гапир тез!

— Мен ҳеч кимни калтакламадим. — дедим бўшашиб. — Туҳмат қилишяпти.

— Туҳмат? — ўрнидан туриб кетди Шарифа. — Ким туҳмат қиласпти? Мана, оёқларимни тепавериб, моматалоқ қилиб юборди!..

— Қаерда ишлайсан? — тағин менга юзланди милиционер.

— Ишламайман, ўқийман.

— Қаерда?

— Университетда.

Бу гал ҳам Шарифа орага тушди.

— Менинг пулларимга ўқияпти-да, бу бойвачча! Эртадан кечгача бозорда эшакдай ишлаб пул топаман-у, шу ноинсофга олиб келиб тутқазаман. Ана, эндијам ўзи пул топиб ўқиб кўрсин-чи?!

— Бўпти, гапни чўзманлар, — деди милиционер ўрнидан туришга чоғланиб. — Аризангизга асосан буни қамаб қўямиз. Яхшигина жарима тўласа, эси кириб, кўзи очилади.

— Ака, илтимос, бунга тайинлаб қўйинглар, уйга қайтмасин! Мен барибир ажрашаман. Эрта-индин судга ариза топшираман. Уйниям, машинаниямномимга ўтказиб берсин! Керакмас менга бунаقا эр!

— Ўтказиб беради. Ўтказмай қаерга борарди. Қани, юр, олдимга туш! — буюрди милиционер шеригига қараб олиб. — Тезроқ бўл!

* * *

Мен қанча ўйламай, ич-этимни емай, Шарифанинг асл мақсадига тушуна олмадим. Агар ажрашишни хоҳласа, машинани тортиб олиш нияти бўлса, яхшиликча гаплашиш мумкин эмасмиди? Шунча жанжаллар кутаришининг маъниси нимада? Билади, мен ўша эркакка эркаланиб айтган сўзларини эшидим. Ўша эркак билан ораларида нимадир борлиги аниқ. Ҳаммасини англаб турибди. Нега шармандалик йўлига ўтиб олди? Муддаоси нима?..

Бахтга қарши, бу саволларга жавоб йўқ эди.

«Ялинмайман, бош эгмайман, — ўйлардим ўзимча. — Эндиғи ҳаётим закқумга айланса ҳам, олиб бориб жарга қулатишса ҳам менга барибир. Жуда дўппи тор келса, ҳаммаси бир неча сониялик қийноқлар билан тугашини биламан. Ҳа, ўлиш учун нари борса саноқди дақиқалар зарур бўлади. Ундан кейингисига Худо пошишо! Ҳақоратлар, туҳматлар, шармандаликлар, нонқўрлигу юзсизликлар... Буларнинг барчаси нисбий нарсалар. Менинг бир томчи кўз ёшимга арзимайди булар. Ҳўш, шундай экан, нега ўзимни пастга уриб манавиларга ёки Шарифага ўжшаган сурбетларга ёлвотишим, пойида тиз чўкишим керак? Бу менга нима наф беради? Баттар лойга қориширади. Устимдан кулишади. Йиқилсан, устимга чиқиб тепкилашади».

Ҳа, бўш келмайман! Ҳаммасига, қийноқларга сукут сақлаб бардош бераман. Токи метин иродам олдида буларнинг ўзлари хижолатдан бош эгиб қолишин!

Милиционерлар мени бўлимга олиб кириб, баъзи қоғозларга имзо қўйдиришди-да, камералардан бирига қамаб қўйишиди.

Нимқоронги камеранинг бир бурчагида мен тенги бир йигит тиззаларини қучоқлаганча жим ўтиради. Калта енг футболка кийиб олгани сабабли икки билаги илма-тешик бўлиб кетганига қўзим тушди. Ҳойнаҳой, бу гиёҳванд бўлса керак, билагида соғ жойнинг ўзи йўқ, игна излари ўрни кўкимтири тусга кирганди.

Йигит мени күрди-ю, даст ўрнидан турди. Бирпас бошимдан оёғимгача қузатиб тургач, бир бош силкиб олиб, саволга тутди:

— Нега қамашди сени?

Аввалига жавоб беришни хоҳламадим. Йигитнинг саволи ғашимни келтирди. Лекин бир оз ўйлаб олиб, сукут сақлашни қўрқув аломати деб билдим ва ёлгондакам жавоб қилдим.

— Биттасини ўласи қилиб калтаклагандим.

— Ким эди у? Қишлоқимиди?

— Шунаقا десаям бўлади.

— Нима, пулингни ўғирладими? Ё нашага пул бермадими?

Бундай лаҳзаларда сал совуққонроқ, гапдонроқ бўлишим шарт эди. Гиёҳвандларга кўп бора рўбарў келганман. Сал бўшашганингни сезишиса, борингни шилиб олишга уринишади. Бир дақиқалик кайф-сафо учун ҳеч нарсадан қайтишмайди.

— Юрадиган қизимга гап отганди, — дедим хаёлимга келган гапни қайтармай. — Кечириб ўтирамадим.

— Вой ифлос-эй, — тишларини гижирлатди гиёҳванд. — Бўйинни узиб ташламабсан-да!..

— Сал қолди.

Гиёҳванд негадир сұхбатни давом эттириш ўрнига бир-икки бўйинни қийшайтириб олган бўлди-да, жон ҳолатда оёқларини, билакларини уқалай бошлади. Ним қоронгиликда ранги докадай оқариб кетганини ҳам билиб олиш қийин эмасди.

— Нима бўлди? — сўрадим гарчи хумор тута бошлаганини пайқаган бўлсамда. — Бирор ёрдам керакми?

— Ж-жонга тег-гди, — деди хириллаб камерадошим.

— Вей, оғайни, бирор учли нарсанг йўқми-а? Учи ўткир буюминг борми деяпман? Нега индамайсан?

— Уни нима қиласан? — сўрадим ўзимни гўлликка солиб.

Гиёхванд сал бўшашибган кўйи аста қаддини ростлади-да, ташқарига ишора қилди.

— Х-ҳозир томиримни кесиб қон чиқарсам, санчастга обориб ташлашади. Бир ҳафта маза қилиб дам олардим.

— Барибир, шу ерга қайтиб келасан-ку! — дедим унинг мақсадини тушунмай. — Нима фойдаси бор?

— Бўпти, сен, барибир, тушунмайсан.

У гапни кесиб секин камера эшигига яқин борди ва оёқлари билан тепа бошлади.

— Ҳой, начайлик, эшикни оч! Сигарет берларинг менга!

Сал ўтгач, камера эшиги очилиб, соқчилардан бири уни ташқарига олиб чиқиб кетди.

ОМОНАТ БАХТ

Тунни деярли бедор ўтказдим. Гиёхванднинг инқиллаб чиққани майлийди. Агар шунинг ўзи бўлса, безовталанмасдим. Камерани зир айланганча уёқдан буёққа чопаётган суваракларни кўргач, буткул тинчимни йўқотдим. Улар кўринишидан суваракка ҳам ўхшамасди. Беўхшов овоз чиқаришлари каламушни ҳам эслатиб юборарди.

Эртаси куни ичим зардобга тўлиб ўтирганимда, соқчи камера эшигини шарақлатиб оча бошлади.

Тонг маҳали гиёхвандни олиб чиқиб кетишганди. Тағин олиб келишдими деган хаёл миямга урилиб юрагим орқага тортди. Очиги, туни билан унинг аянчли инқиллаши, уйқу орасида даъфатан тиззамга шапатилаб қолиши жонимга текканди...

Йўқ, соқчи ёлғиз кириб келди.

— Тур, кетдик судга! — буюрди у совуқлонлик билан. — Ул-бул нарсанг бўлса оловол! Тағин биз балога қолиб юрмайлик!..

Мен соқчилининг кузатуви остида ташқарига чиқдим. Милициянинг деразаларига темир панжара

ўрнатилган машинаси мени олиб кетишга шай бўлиб турарди.

Милиционерлар яна икки пиёнистани мен чиққан машинага ўтқазиши ва биз суд залига жўнадик.

Йўқ, қаршимда афти-ангри бир аҳволда кетиб бораётган пиёнисталарга боқиб сира ҳайрон бўлмасдим. Уларга нисбатан қалбимда масхаралашга арзирли туйғу ҳам зоҳир эмасди. Нимамга масхаралайман? Иккovi ҳам ҳеч нарсанинг ташвишини қилмайди. Қўлига пул тушса, дўкондан ароқ олади-ю, ичиб маст бўлади ва гўё еттинчи осмонда парвоз қила бошлайди.

Асосийси, ётиб қолгунча ичганда ҳам эмаклаб бўлсада, ўз уйига кириб боради. Ҳеч бирини кимдир қўлидан етаклаб ташқарига чиқариб қўймайди. Тили узун. Чунки ўз уйи бор. Ҳарқалай, мен каби суддан чиққач, қаерга бориш, қаердан паноҳ қидириш ҳақида бош қотирмайди. Улар чинакамига баҳтли одамлар.

* * *

Суд залидан баттар бўшашиб чиқдим. Юз минг сўм жарима ёзиши. Бу ҳам майлийди, паспортимни қўлимдан тортиб олиши. Қачон жаримани тўласам, ўшандা қайтаришармиш.

Катта шаҳарда ҳужжатсиз юришнинг ўзи бўларканми?! Уйинг, тайнли иш жойинг бўлса-ку, ташвиш чекмайсан. Ишдан кела солиб уйга кирасан. Аммо мен каби кўча кезишга маҳкум кимсаларга осон кечмайди. Милиционерлар ҳар қадамда тўхтатиб ҳужжатингни сўраши мумкин. Кўрсата олмасанг, тагин қамаб қўйишади. У ерда эса иштонини ҳўл қилган боладек биқиниб ўтираверасан...

Шу лаҳзаларда бобом раҳматлининг қадри ўта бошлаганди. Қачон ҳозиргидек аҳволда қолсам, «Йўқ, бу йўлдан кетишинг тўғри эмас, мана бунисидан юр, афсусланмайсан» дея маслаҳат берарди. Ҳозир эса нима қилишни билмайман, қай кўчадан кетиш мумкинлигига фаҳмим етмайди.

Ярим соатча катта йўл четида ўтириб бош қотирдим. Чўнтақда ҳемири йўқ. Итдай очман. Азбаройи чанқаганимдан кўзларим олма-кесак териб ичимлик сув қидираман. Бахтга қарши шаҳарда сув ҳам сотилади.

Аламим келди. Наҳотки, бир пиёла сув сотиб олишга қурбим етмаса? Энди нима қиласман? Қаерга бораман? Кимдан нажот сўрайман?

Шундай ўйлар миямни кемириб турганда, оғир сумкасини инқиллаганча кўтариб келаётган кекса бир кампирга кўзим тушди. Кампир рўпарамга етгач, кўлидаги юкни ерга қўйди-да, шундоқ ёнбағирдаги бетон устига ўтириб олди.

— Бечора онахоннинг ҳеч кими йўққа ўхшайди, — кўнглимдан ўтказдим. — Менга қараб-қараб қўяяпти. Ҳойнаҳой, кўмак сўрагиси келаяпти-ю, ийманяпти. Ўзим бориб сўрасаммикан? Башарти ёрдам керак бўлмаса, уришиб ташламасмикан? Шаҳарда шартаки аёллар кўп бўлади, дейишарди. Уларга билмай гапириб қўйсанг, нақ балога қоларкансан. Дод-вой қилишдан ҳам тойишимас экан. Йўқ, таваккал бораман олдига. Еб қўймас, ахир!

Мен эҳтиёткорлик билан кампирга яқинлашиб, мулоим оҳангда сўрадим:

— Онахон, мабодо ёрдам керак эмасми?

— Вой, онангайлансин, яхшиям сен бор экансан, — дея ўрнидан туриб кетди кампир. — Қара, бозорга тушгандим, шу ерга етганда юкларимни кўтаришга кучим қолмади.

— Қаерда турасиз? Мен обориб бераман.

— Раҳмат, ўргилай, раҳмат! Мен-чи, ҳов анани тўққиз қаватли уйда тураман. Тўққизинчи қаватда, ҳа! Обкириб берсанг, дуо қиласмадим, болам!

— Хўп, бўлади, қани, кетдик унда!

Бу мен учун жуда қулай вазият эди. Кампир кўнгли очиқ аёлга ўхшайди. Ҳеч курса, сув берар. Ўлар жойда эмас-ку!

Юкларни қўлимга олдим-да, унга эргашдим.

Биз борадиган манзил икки юз метрча нарида экан.
Ҳаш-паш дегунча лифтда кампирнинг квартирасига
чиқдик.

— Юр, уйга кир! — деди уй бекаси аҳволимни анг-
лагандек. — Сенга чучвара сузид бераман. Мусофири-
га ўхшайсан! Илойим умрингдан барака топ, болам!
Оғиримни енгил қиласинг-а! Кам бўлмагин!

Кампир мени алқай-алқай ошхонадаги стол қарши-
сига ўтқазиб, чучвара иситиб келди.

— Ол, тўйгунингча еб ол! — деди у елкамга қоқиб.
— Сени менга Худонинг ўзи етказди.

Бекорга «Йўқсилинг қорни тўйса, дарди арийди»
дейишмаган-да! Бир коса овқатни пакқос тушириб,
кетидан қайноқ-қайноқ кўк чой ичгач, ташвишлар
унут бўлган каби енгил нафас олдим.

Лекин бу тахлит ўтираверсам, бир тийинсиз кўча-
да қолишим ҳеч гап эмас. Шундоқ ҳам бир соатча
қолиб кетдим. Бир амаллаб мардикор бозорига етиб
олишим керак. Тушга яқин иш берадиганларни чироқ
ёқиб ҳам топиб бўлмай қолади.

— Энди мен борай, она! — дедим гарчи бу уйдан
сира кетгим келмаётган бўлса-да, истар-истамас
ўрнимдан кўзғалиб. — Овқат жуда мазали бўпти. Раҳ-
мат!

Кампир пича менга сирли боқиб турди-да, йўлим-
ни тўсади.

— Сезиб турибман, — деди маъноли жилмайиб. —
Сен ўғри, баттолга ўхшамайсан. Ё уйдан чиқиб кет-
гансан, ё энди қишлоқдан келиб қўнимга жой топол-
маяпсан. Тўғрими?

Очиги, онахоннинг топқирилигига қойил қолдим.
Бироқ дардимни айтишни ҳам, айтмасликни ҳам бил-
масдим. Гўё тилим танглайимга ёпишгандек бир муд-
дат қотиб қолдим.

— Болам, — жавобимни кутмай давом этди кам-
пир. — Мен сендайларнинг кўпини қўрганман. Мусо-

фирик айбмас. Агар бошингга ташвиш тушган бўлса, тортинмай гапиравер! Нима бўлди?

— Нима десам экан? — каловланиб гап бошладим.
— Х-ҳа, тўғри топдингиз. Мусо фирмсан. Иш излаб келгандим. Тополмадим. Шунга ижарада туришга уйқидирсамми деб...

— Шундай демайсанми? Уялиб туришингни қарая!.. Ўтириб олиб кампирнинг оғзига тикилдим.

Бу гаплардан сўнг қалбимда умид учқунлари порлади. Астойдил ўтириб олиб кампирнинг оғзига тикилдим.

— Биласанми, — шошилмай гап бошлади онахон.
— Бир қўшним бор. Менга ўхшаган кекса кампир. Анча йилдан бери ўсал ётибди. Ҳеч кими йўқ шўрликнинг. Нечталаб қиз-йигитларни ижарага қўйди. Ҳеч бири кўнглига ўтиришмади. Ким билсин, яхши қарай олишмади чоги. Агар жирканмайман, кампирнинг дуосини оламан десанг, мен кириб бир кўнглига қўл солиб кўрардим.

— Қайдам? — дедим хижолат тортиб. — Қандай бўларкин?

— Э, қандай бўларди? Ош-овқатдан қайфурмайсан, турар жойинг аниқ. Ижарага пул тўламасанг. Фақат Тожиниса кампирни парвариш қиласан. Кирларини ювасан, керак бўлса, чўмилтирасан.

— Ўрнидан тура олмайдими? Шунчалик оғир касалми?

— Ҳа-да! Беш йил олдин инсультга учраб шол бўлиб қолган. Шифтта термули-иб ётгани ётган. Пешона экан-да!..

— Майли, қарайман, — дедим жонланиб. — Ишдан қочмайман, ишонинг!

— Жуда яхши. Фақат айтиб қўяй, Тожиниса холанг жуда инжиқ. Касаллик шунаقا қилиб қўйган-да! Чидайсан.

— Хўп.

— Унда сен ўтира тур! Мен бирров кириб гаплашиб кўраман. Шу баҳонада ҳолидан хабар оламан.

* * *

Тожиниса хола деганлари жиккаккина бир кампир экан. У каравотда узала тушиб ётганча бирпас мени обдан кузатди. Сўнгра қўли билан «ўтири» ишорасини қилди.

Касаллик кампирнинг юзларигача уриб кетибди. Ҳатто қўз остилари ҳам сарғимтири тусга кирган, ҳаракатсизликдан бўлса керак, қовоқлари осилиб тушган.

Мен бемор одамга ҳадеб тикилаверишни ўзимга эп кўрмай, уй ичини кўздан кечирган бўлдим. Ҳоналар анчадан бери йигиштирилмаган, латта-путта, қандайдир қоғозлар полда сочилиб ётибди. Ҳаммаёқни чанг қоплаган. Демак, мен ишни уй йигиштиришдан бошласам керак. Майли-да, бу ер жуда сокин экан. Ҳеч ким мушугингни пишт демайди. Қўшни кампир айтганидек, озиқ-овқатдан камлик кўрмайман. Фақат Тожиниса холага яхши қарасам, кўнглига йўл топа олсан бас. Ошиғим олчи...

— Сен бола, овқат пиширишни биласанми? — сўради кампир. — Ҳой, нега қотиб ўтирибсан? Гапирмайсанми?

— Б-биламан, — дедим тутилиб. — Биламан, эна.

— Энамас, она! — гўё ҳатомни тўғрилаган бўлди кампир. — Мошкичири, қовоқли шўрва пишира олсанми?

— Албатта. Ҳамма овқатларни пишира оламан.

— Ҳали пиширган овқатингни еб кўрганимда биламан. Демак, гап бундай. Ҳозир уйларни супур-сидир қиласан. Кейин ваннахонада кирларим қалашиб ётибди. Ҳаммасини ювасан. Менга яхши қарайсан. Эвазига уйимда яшайсан, ейиш-ичишинг текин. Маъқулми?

Мен бош иргаб Тожиниса холанинг сўзларини маъкулладим ва шу заҳоти иш бошлиш ниятида ўрнимдан турдим.

* * *

Оғзим құлогимда эди. Ахир дала-даштда беш ки-
лолик кетмөн билан ер чопған, катта-катта ҳашарлар-
да лой қориб чиниққан одамга уй йиғишириш, ов-
қат пишириш ҳам иш бўлибдими. Иккита хонани чин-
нидай тозалаб бўлгач, хаёлан тақдирга тасаннолар
айтгим келди. «Ёлғизнинг ёри Худо» деб бежиз айтиш-
маган экан. Энди боши берк кўчага кирдим деганим-
да ҳарқалай фаришталар бошимни силаб йўл кўрса-
тишяпти...

Хайрият, пиширган овқатим ҳам кампирга маъкул
бўлди чоғи, бир коса шўрвани паққос туширгач, ин-
дамайгина бош силкиб кўйди. Аммо буларнинг ҳам-
маси ҳолва экан. Хуфтондан сўнг энди кўзим илин-
ганди, Тожиниса холанинг қичқириғидан уйғониб кет-
дим-у, сакраб ўрнимдан турдим.

Ҳа, кампир дод-вой қилиб мени чорларди.

— Ҳа, она, сизга нима бўлди? — сўрадим тепасига
бориб. — Бирор нима керакми?

— Жувонмарг, бир соатдан бери чақираман! Ўла-
санми югуриб чиқа қолсанг?

— Нима қилай? Чанқадингизми? Сув келтирайми?

— Сувингни бошимга ураманми? — бақириша
давом этди Тожиниса хола. — Мени ҳожатга олиб бор!

— Қ-қандай? — сўрадим дудукланиб. — Т-тоғора
опкелайми?

— Кўтар мени! Тезроқ бўлсанг-чи, ношуд!

Кутмагандим. Ҳар ҳолда аёл бўлса. Уни кўтариб
ҳожатхонага киришга уялар, бу иш менга малол кела-
ётганди. Аммо мажбурман. Ижарада яшаётганимни
унутишга ҳақим йўқ.

Кўзни чирт юмдим-да, Тожиниса холани даст кўта-
риб олдим...

* * *

Ана энди тинчлангани аниқ. Тожиниса холанинг
кўзлари юмилиб бораётганини кўрганимдан сўнг оёқ

учида юриб хонамга кирдим ва ўзимни каравотга ташладим.

Кампирнинг сўнгти қилиғи ошиб тушганди. Айникса, қарғаниши сочимдан товонимгача музлатиб юборди. Юрагим бирдан ғаш тортиб, кундузги хурсандлигимдан асар ҳам қолмади. Тожиниса холанинг яна бақириб қолишини қутганим сайин бу хонадондан беza бошладим. Ташқарида қор гупиллаб ёға бошлаганини билсам-да, шу уйдан чиқиб кетгим келаверди. Кампирнинг мөғор ҳиди анқиган хонаси кўз ўнгимда гавдаланди дегунча нафасим бўғилиб, кўнглим ағдарилаверди.

Қалбим эса энди ўрнимдан қўзгалмоққа шайланганимда, менга ўтган қунимни эслата бошларди.

«Кўчада ҳозир музлаб ўлишинг ҳеч гапмас, — дерди у. — Ёқимсиз ҳидлар, қарғишларга эртами-кечми кўникасан. Бироннинг уйида яшаш, бир бурда нонига шерик бўлиш осон эмас. Ким бўлибсанки, бурнингни жийирасан? Чида, тишин тишга бос! Нима қилиб бўлмасин кекса кампирнинг дуосини ол!»

— Дуосиям қуриб кетсин! — дердим овоз чиқариб қалбимга жавобан. — Нима, эрта тонггача юрак ҳовучлаб чиқаманми? Шу уйда ўтказган бир қуним минг йилга татиб кетди-ку! Нима қилсам экан? Тағин қанча чидай оламан? Йўқ, нималар деяпман ўзим? Тириклик тошдан қаттиқ. Бир муддат тоқат қилсам ўлиб қолмайман. Ҳеч ким бошимдан тегирмон тоши айлантирмаётпи-ку!

Ҳали хаёлларимни бир жойга жамлаб улгурмай, аввал Тожиниса холанинг қур-қур йўталгани қулоғимга чалинди. Йўтал шу қадар беўхшов эдики, қандай ўрнимдан салчиб турганимни пайқамай қолдим.

Кампир йўтали пасайгач, бақира бошлади:

— Ҳой бола, чиқ тез! Ҳой, ўлиб-нетиб қолганмисан? Чиқ дедим сенга, чиқ!

Бу ҳол тонғы соат түртларга қадар давом этди. Энди бошим ёстиққа тегди деганда кампир бақира бошлар, уни күтариб йүлакка чопишига мажбур здим.

Сүнгги бор аранг хонамга кириб, ўринга чүзилганимда яна Тожиниса холанинг ҳайқириги қулоқларим остида жаранглади. Оденинга шу бақириқ қулогимга ўрнашиб қолибди шекилли, деган ўйда ўрнимдан күзгалишга шошилмадим. «Чорлов» икки-уч карра такрорлангач, уф тортганча йүлакка чиқдим.

Бадбүй ҳидлар димогимга чиппа ёпишганди. Тасаввурларга ён бермай оғриниш билан кампир ётган каратовта яқинлашдим.

— Күтариб олайми? — сүрадим афтимни бужмайтириб.

— Йўқ, — деди кампир менга аламли боқиб. — Ухломаяпман. Алла айт, бола, алла! Тезроқ бўл дедим!

— И-ие, нима деб айтаман? Мен алла айтишни билмайман.

— Падарингта лаънат, айт дедим сенга, айт! Бопим гувиллаб, иситмам күтариляпти. Айта қолсанг-чи, тезроқ! Мунча нозланмасанг? Тилинг узилиб тушадими айтсанг?

— Она, одамни қон қилиб юбордингиз ўзиям, — дедим тоқатим тоқ бўлиб. — Ахир ёш гўдак эмассизку! Бунинг устига эркак киши бўлсам. Аллани қандай айтаман сизга?

— Айтмайсанми, ярамас? — хириллаб қичқирди кампир. — Айтмайсанми дедим?

— Йўқ, — дедим қатъий оҳангда. — Бу иш қўлимдан келмайди.

— Кет! Йўқол, кўрнамак! Чиқиб кет ҳозироқ уйимдан!

— Э, кетсан кетавераман! — зарда билан қўл силтадим. — Жонимга тегиб кетдингиз! Туни билан мижжа қоқтирумасдан яна...

— Йўқо-ол, баттол, ўгри! — қаттиқроқ бақирди кампир. — Ҳозир дод соламан. Уйимга ўғирликка тушди, деб айтаман ҳаммага! Даф бўл!

Ха, бу хонадонда бир кунликкина насибам бор экан. Шуни териб едим. Энди бу ерда бир сония қолишига ҳам ҳаддим сифмайди. Агар тезроқ қимиirlамасам, кампир бир балони бошлайди.

Охирги марта Тожиниса холага нафратли нигоҳ ташладим-да, ташқарига отилдим.

* * *

Туни билан қор эринмай ёққанга ўхшайди. Теварак қишининг оппоқ либосига ўралибди.

Изгирин электр симларини силкитиб чиябўридек увиллайди. Тонг ёришиб кетганига қарамай, ташқарида одам кам эди.

Худди қопқондан эсон-омон қутулган жонивор каби пишиллаганча автобус бекатига етиб олдим.

Шу тобда ҳеч нарсани ўйламасдим. Тунги бадбўй ҳидлар ҳануз димогимдан кетай демасди. Кўнглим алағда бўлиб, нафасим бўғиларди.

Шу тобда бекат устунига ёпиширилган эълонга кўзим тушиб қолди.

«Ёлғиз, оиласиз одамни ижарага қўяман!..»

Ахир бу айни муддао-ку! Совуқ кунда кўчада из-ғиб уй қидиришдан халос бўлдим чори. Ёзилишига қараганда, ҳовлига ўхшайди. Агар уй эгалари билан келиша олсан, ўқиши ҳам бир-икки кун йиғишириб кўйиб, ижара ҳақини ишлаб топардим. Факат кўнишса бас. У ёғини уддалайман.

Эълонни ёпиширилган жойидан шартта кўчириб олдим-да, оёғимни қўлимга олиб йўлга тушдим.

Ха, йўл кирага пулим йўқ. Лекин бардамман. Кеч-курунги овқатнинг қуввати ҳали кетмади. Демак, пиёда бемалол манзилни топиб борсам бўлади.

Худойим, ишқилиб шу сафар меҳрингни дариф тутмагин-да!

* * *

Шаҳар кўчаларини яхши билмаслигим бугун қаттиқ панд берди. Икки соатча изғиб, бирорлардан сўрай-сўрай ўша манзилни аранг топа олдим.

Совуқ шу қадар жонимдан ўтганники, тишларим такиллар, ҳойнаҳой рангим ҳам докадек оқариб кетганди. Кузги туфлим музлаб қолганми, четлари ҳадеганда оёғимга ботиб азоб берарди.

Тор кўчанинг охиригача бориб керакли эшикни топгач, бир муддат туриб қолдим. Ҳар ҳолда нима дейиши, уй эгалари билан қандай гаплашишни ўйлаб олишим керак. Биринчидан чўнтағимда бир тийин пул йўқ. Шаҳарликлар ижара ҳақини олдиндан олиб қўйишади, дейишарди. Шундай экан, уларнинг раҳмини келтирадиган баҳона топмасам, ишим ўнгидан келмайди.

Бир оз тургач, бир қарорга келгандек аста эшикни очдим. Ҳовли жуда тор эди. Адашмасам, уй тўрт ё беш хонадангина иборат. Деворларининг сувоги кўчиб, нурсизланганига қараганда, бу уйда у қадар бадавлат одамлар яшамаслиги тайин. Тўғри-да, бой бўлса ижарачи қидирармиди.

— Ким бор? — эҳтиёткорлик билан ҳовлига ўтиб атрофга алангладим. — Ҳов aka! Ким бор?

Орадан бир неча сония ўтиб, аввал хоналарнинг биридан йигирма-йигирма беш ёш атрофидаги тўладан келган аёл чиқиб мен тарафга мўралади-да, ортга қайтди. Кетидан бошқа хонанинг эшиги фийқиллаб очилиб, кекса бир кампир юз кўрсатди.

— Чеҳраси нурли кампир экан, — кўнглимдан ўтказдим аста ичкарига юарканман. — Эҳ, ишонтира олсайдим! Кўнармикан? Ҳайдаб солмасмикан? Инсофи бормикан?

— Ҳа, болам, сенга ким керак? — сўради кампир мени обдан кузатгач.

— Э-эълон берган экансизлар, — дедим тутилиб. — Шунга келувдим.

— Ҳа-а, ижарада турмоқчимисан?

— Ҳ-ҳа.

— Юр, ичкарига кир! Совукда турма!

Хона ичидан зах ҳиди анқирди. Эшик остига түшалған латта устига туфлимини ечдим-да, кампир күрсатған курсига чўқдим. Шу заҳоти танамга иссиқ югуриб, юзларим қизиб бораётганини ҳис этдим.

— Неча кун турмоқчисан? — сўради кампир мақсадга кўчиб.

— Б-билмадим. Иложи бўлса, узоқ муддат турман. Айтганча, ижара ҳақи қанча, хола?

— Кунига беш минг сўмдан тўлайсан, — деди уй бекаси хотиржам оҳангда. — Ейиш-ичишингни ўзинг опкеласан. Идиш-товоқ, газ мендан. Маъкулми?

— Хола, бир гап айтсан майлим? — сўрадим кампирга умидвор термулиб.

— Нима гап? Айтавер!

— Мен мусофириман. Эрталаб қишлоқдан келдим. Таксида келаётганимда, кимдир пулларимни шилиб қўйибди. Шунга...

— Нима демоқчисан? — жиддийлашди кампир. — Текинга қўяйми уйимга?

— Йў-ўқ, биласизми, биз эски шаҳарда катта иморат куряпмиз. Агар рози бўлсангиз, икки кунликни бир қилиб эртага тўласам девдим.

— Шунақами? — деди уй бекаси қовоқ уйиб. — Майли сенга ишондим. Лекин алдаб қочмоқчи бўлсанг, билиб қўй, ёмон қарғайман.

— Хўп, — дедим севиниб. — Алдамайман, эртага ишга чиқаман-у, ижара ҳақини олиб келаман.

— Майли, болам, хафа бўлма, — у бир оз юмшаган бўлиб ўрнидан жилди. — Ўғрилар одаммас. Бирорларни қақшатиб ўрганган. Юр, сенга хонангни кўрсатай. Корнинг оч бўлса, лағмон сузиб бераман...

Дунёда яхши одамлар борлигига ишонардим. Ишончим ўзини оқлаб бугун меҳрибон бир онахонга йўлиқдим. У менинг дардимни тушунди. Бир оғиз қарши сўз айтмай, уйидан жой берди. Лагмони ҳам жуда мазали экан. Анчадан бери бунақангича таом емаганим учунми, лагмонни пақъос туширгач, та- нам яйраб, енгил тин олдим ва темир каравотга чўзилдим.

Касал кампирникидаги уйқусизликлар энди сези-ла бошлиғанди. Иссиқ элтиб бир зумда ухлаб қолиб-ман. Бир маҳал ташқарида кимнингдир баланд овозда гапираётгани қулогимга чалиниб, истамайгина бо-шимни кўтардим.

Ховли ўртасида ҳарбий кийимли бир йигит онахонга нималарнидир уқтириш билан овора эди.

Негадир ҳушёр тортиб қулогимни динг қилдим.

— Хола, сизминан келишгандик-ку! — куйиниб сўзларди йигит. — Нега яна бегона эркакни ижарага қўйдингиз? Уйда хотиним ёлғиз бўлса...

— Ўзингам ўлгудай рашқчи экансан, — норози кўл силтади кампир. — Бегона эркак еб қўярмиди хоти-нингни? Уйдан чиқмаса, эргалаб вақтли ишига кетар-кан.

— Билмайман, — деди йигит овозини бир парда кўтариб. — Менга бунақаси тўғри келмайди...

— Бўпти, — деди норозиланиб кампир. — Қайсар-лигинг ёмон-да сенинг! Ҳозироқ кириб айтаман, кета-ди.

Кампирнинг мен ўтирган хона томон юра бошлиғанини кўриб, бошимни чангллаганча каравотга ўти-риб қолдим. Юрагим увишиб, кўнглимда безовталик түйдим. Шу аснода чап қовоғим пир-пир уча бошла-ди.

Биламан, бу яхшилик аломати эмас. Азалдан чап қовоғим учди дегунча қандайдир кўнгилсизлик юз беради. Наҳотки, яна шўримга шўрва тўкилса?

Бу орада кампир секин ичкарига кирди-да, менга маъюс тикилиб қолди. Мен ҳам гарчи муддаосини англаб турган бўлсам-да, атайин сукут сақдадим.

— Болам, сени олдингдаям хижолат бўп қолдим, — ниҳоят бош эгиб сўз бошлади кампир. — Анави ҳарбий йигит меникида ўн йилдан бери ижарада туради. Она-боладай бўлиб кетгганмиз. Қурмагур, хотинини сенга рашк қиляпти. Шунча тушунтирсан ҳам кўнмади. Энди, бошқа жой топмасанг бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Нима дейсан?

— Нима дердим? — лаб тишлаб жавоб қилдим. — Кетиши керак бўлса, иложим қанча?

— Фақат хафа бўлмагин! Менгаям қариган чоғимда тинчлик керак, болам. Худо хоҳласа, албатта бошқа ўй топасан.

Айни чоғда гўё осмондаги қора булутлар вужудимга чиппа ёпишиб олгандек бир лаҳзадаёқ мағрур бўшим қайтадан эгилди.

Чорасизлик курсин. Тақдирга, қисматга ич-ичдан лаънатлар ўқисам-да, тилимга кўчира олмадим. Бунга ҳақим йўқдек лаб тишлашдан нарига ўтолмадим.

Берган тузи учун кампирга ташаккур билдиридим-у, саргардонликни бўйнимга олиб, катта кўчага чиқдим.

* * *

Сарсон-саргардонликлардан шунчалик безгандимики, яшаш кўзимга дўзахдай кўрина бошлади. Бундай ҳолга фақат ажал билан тўқнаш келганлар тушса кепрак.

Улар учун чивиндеккина жоннинг қиммати бўлмайди. Бу жонни тезроқ Худога топшириб, енгил тортиш пайида бўлишади. Мен ҳам айни паллада умид деган тушунча, аслида, сароб эканига амин бўлгандим. Ёруғ дунё нафи тегадиганларгагина қиё боқаркан.

Тушкунлик ботқоғига ботганча шу яқин атрофдаги автобус бекатига келдим.

Айни чогда мен ҳам жон таслим қилиш ҳаракатида түлғонаётган бемор қиёфасида эдим. Ҳеч нарсаны ўйламасдим. Қалбимдаги қийноқлар билан олишардим.

Бекатда барваста бир эркак эркак ўтирап, етмиш ямок, кирдан яғири чиқиб кетган сумкасини титкилаб, ниманидир қидириш билан овора эди.

Мени күрди-ю, шоша-пиша тескари ўгирилиб олди.

Намунча юзини терс бурмаса бу? Шундоқ ҳам аламга түлиб турганим учунми, эркакнинг бу қилифи ғашимни келтириб, атайин унинг олд тарафига ўтдим.

У кескин бошини күтарди-да, менга кўзларини лўқ қилди.

— Ҳа, сенга нима керак? — сўради сўнг дағдаға билан. — Нимага бақрайиб қолдинг?

Танамдаги титроқни сездирмасликка уриниб, жавоб қилдим:

— Сиздан бир нарса сўрасам майлими, амаки!

— Э, бошимни қотирма! Бор, нари кет!..

Пайқадим. Бу одамм мен каби иш излаганлардан экани аниқ. Балки кайф-сафони хуш кўрар-у, пули йўқлиги сабабли кайфияти йўқдир? Сир бой бермасликка уриняпти, холос. Кўринишидан анчагина абжир одамга ўхшайди. Агар шунга эргашсам, тириклиникнинг бирор йўли топилиб қолармиди? Ҳар ҳолда, шашарликка ўхшайди. Қисмат экан, деб қўл қовуштириб ўтирмайман-ку!..

— Бир иш қилмаймизми? — қайтадан эркакка юзландим. — Озми-кўпми пул ишлаб олардик.

— Нима иш? — сўради у бирдан жонланиб. — Қаерда бор ўша иш?..

— Мардикор бозорида, — дедим хотиржамлик билан. — Бир қунлик иш топсак, анчагина пул топамиз. Барибир, бекатда бекор ўтирибсиз-ку!

Эркак норози қўл силтаб қўйди.

— Бе, зарил кептими кечгача эшакдай ишлаб?!

— Нима қипти? — дедим сұхбатдошимнинг күнгиси келаётганини сезиб. — Ўзимизбоп енгилоқ ишни танлаймиз. Бизга пул беришса бўлди-да!

Сұхбатдошим бу гапимдан сўнг пича ўйланиб турди-да, секин ўрнидан қўзғалди.

— Тўғри айтасан, — деди сумкасини елкага илиб.

— Очиги, бошим фувиллаб оғрияпти. Ахлатлар орасидан озгина қоғоз териб пуллагандим, урвоқ ҳам бўлмади. Бор-йўғи яримтагина ёпган нонга етадиган пул беришди.

— Кетдикми? — дея уни йўлга ундарим. — Вақтни ўтказиб нима қиласми? Мардикор бозори яқин бўлса!

— Майли, сазанг ўлмасин, йигит! — беёхшов тиржайди у. — Айтганча, отинг нима?

— Қодир.

— Мени «Вания амаки» деб чақирасан. Фақат айтиб қўяй, кўринишингдан анчагина бўшанг йигитга ўхшайсан. Шаҳарда бўшанглик кетмайди. Оғзингдаги ошингниям юлиб олишади. Абжир, кескир бўлгин!

— Хўп, Вания амаки!..

— Кетдик унда, Қодирбой! Тағин ишсиз қолиб кетмайлик!

* * *

Мардикор бозори биз турган жойдан икки бекат нарида эди. Пиёда бир зумда етиб олдик. Бироқ бу ердаги ишталаб эркакларни кўргач, руҳим тушиб, умидларим пучга чиққандек бўлди. Қаҳратон қишида ҳам бу қадар одам йигилиши етти ухлаб, тушимга кирмаганди.

Мен «Энди нима қилдик?» дегандек Вания амакига савол назари билан боқдим. У эса нима демоқчи эканимни тушунгандек бепарво қўл силтаб қўйди.

Биз мардикорлар орасини оралаб, аланг-жаланг боққанча иш берувчи қидира бошладик. Афсуски, иш берувчи гўё анқонинг уруғи эди. Аҳён-аҳёнда йўл четига келиб тўхтайдиган машиналарни мардикор-

лар зумда ўраб олар, сал қурса, ағдариб юборай дерди.

— Сен хўжайнинг кексарогини изла! — қулогимга шипшишти Ваня амаки. — Нега десанг. кексалардан пул ундириш осонроқ...

— Тополмасак қерак, — дедим умидсизлик билан.

— Қаранг, иш берадиган одамнинг ўзи йўқ.

— Сабрли бул, — деди Ваня амаки. — Шошқалоқ бўлма, қидиранер!

Бу ёруғ оламда нафас олиш, тирикчилик қилиш бунчалар мушкул бўлмаса? Яқиндагина ҳаммасидан кўнглим совиб, жонимни Аэроилга инъом этишга таптайёр эдим. Энди эса яна ҳаёт учун кураша бошладим. Наҳотки одам боласи шу қадар ожиз бўлса? На иссиққа кўнади, на совуққа.

Мана, бозорда изғиб иш изляпман. Агар ишим ўнгидан келмаса, нима бўлади? Ҳолим не кечиши тайин. Чўнтакда пул бўлмагандан кейин ҳеч ким бурда нон тугул, бир пиёла сувни ҳам раво кўрмайди.

Шундай хаёллар билан юриб, тинимсиз жавдираб кимнидир қидираётган кекса бир кишига қўзим тушди. Кийимига қараганда, анчагина бадавлат одамга ўхшайди.

Шошиб Ваня амакини туртдим.

— Қаранг, — дедим қўзларим ёниб, — ҳов анати амаки кимнидир изляпти. Бирор иши йўқмикан?

— Ҳозир биламиз-да!

Ваня амаки олдимга тушиб секин қарияга яқинлашди. Шубҳасиз, мен ҳам ортидан қолмадим.

— Хуш кепсиз, ота! — деди Ваня амаки қарияга сўрашиш учун қўл узатиб. — Иш борми?

У Ваня амакига бирпас тикилиб турди-да, жилмайди.

— Ҳа, иш бор, — деди қария. — Сал бақувватроқ мардикорни излаётгандим.

— Мана, биз-да ўша! — деди Ваня амаки кулиб. — Нима иш, ота? Ишнинг белини синдириб ташлаймиз!

— Э, эллик қоп картошкам ташқарида қолиб кетган. Ўшани ертўлага ташиш керак. Намгарчиликда қолиб, нобуд бўлмасин дейман.

— Гап йўқ, — деди Ваня амаки менга кўз қисиб. — Укам иккаламиз бир зумда ташиб берамиз. Қанча тўлайсиз?

— Дангалини айтайми? — иккимизга сирли боқиши қилиб сўради қария. — Хафа бўлиш йўқми?

— Йўқ, айтинг!

— Агар ишни қойиллатсаларинг, нақд эллик минг сўм бераман.

— Кўлни ташланг! — деди Ваня амаки азбаройи кувонганидан қариянинг билагини сиқиб. — Гап битта, а?

— Битта.

— Қани, бошлангунда!

— Орқамдан юринглар! Ҳозир автобус келади.

Бу гапни эшитгач, қариядан сал шубҳалангандек бўлдим. Чунки ишга олиб кетадиганлар, одатда, такси тўхтатишарди.

* * *

Қариянинг уйи шаҳардан анча четда жойлашган экан. Йўл ёнбағридаги қор босган далаларни кўриб, худди қишлоғимга келиб қолгандек кайфиятим кўтарилиди, вужудимда илиқлик туйдим. Табиат қизиқ-да! Шаҳардан озгина четта чиқсанг, кифоя экан. Шу заҳоти ҳаво ўзгариб, ўзга бир оламга кириб қолгандек бўласан. Бундай ҳавода қанча ишласанг ҳам чарчамайсан.

Бироқ ҳовлига киргач, тагин дилим хуфтон бўлди. Қор остида қолиб кетган картошка тўла қоплар сира элликтага ўхшамас, камида юзтacha келарди.

Ваня амаки ҳам манзарага гуноҳ бўлгач, бурнини жийирганча уй эгасига савол назари билан боқди.

— Ҳа, нега қоқкан қозикдай тек туриб қолдиларинг? — сўради қария бизнинг ҳолатимизни пайқагандек. — Тез ишга киришларинг!

— Ота, бизни алдабсиз-ку! — дилидагини тилига күчирди Ваня амаки. — Қоплар күп экан.

— Хүш, нима бўпти? — бобиллаб берди қария. — Сенларга эллик мингни бекорга тўларканманми? Мана шу қопларнинг ҳаммасини то ертўлага тахлаб бермагунларингча бир тийин ҳам ололмайсанлар! Чакқон-чакқон қимиirla! Мен чойхонага кетаяпман.

— Ота, чой-пой ичиб олсак бўларми? — деди Ваня амаки. — Ҳар ҳолда...

— Нима? Чой? Қанақа чой? Ҳали қўлинг ишга тегмай, овқат сўрашинг нимаси? Олдин ишни қойиллат!

— Ҳе, қурумсоқ, — сўкинди Ваня амаки уй эгаси чиқиб кетгач, менга кўз қисиб. — Қани, Қодир, бошладик! Ҳали шошмай турсин бу сассиқ чол! Адабини бераман!

Ваня амаки эринмай қоплар устини қордан тозалаб чиқди. Шундан сўнг иккимиз енг шимариб иш бошладик.

Вақт кундузги соат ўн иккидан ўтганда, қария ҳарсиллаганча кириб келди. Қўлидаги елим халтачани айвонга қўйди-да, бизни бирпас кузатган бўлди. Шу аснода негадир бир неча марта норози бош чайқаб олди.

Биз унга қарайдиган аҳволда эмасдик. Ваня амаки билан олдинма-кетин картошка жойланган қопларни орқалаб ертўлага чопардик.

— Ҳалиям яrimlatmadiлaringmi? — қичқирди қария ниҳоят. — Вей, инсоф борми ўзи сенларда? Кун яrimlab бўлди-ку! Нимага қоплар енгилламаган?

Ваня амаки толиқсан белини тиклаб, важоҳат билан уй эгасига яқинлаши.

— Қорин очди! — деди у хириллаб. — Қани овқат?

— Э, келиб-келиб сенларниям ишга опкеламанми? — қария қўл силтаганча айвондан елим халтача олиб келди. — Ма, пиражка олиб келганман. Еб олларинг заҳрингта!..

— Вей, ота, — деди Ваня амаки тоқати тоқ бўлиб. — Ҳаддингиздан ошманг! Мендаям бор ўша жаҳл!

— Бўпти, бўпти, — гапни кесди қария. — Тезда манавиларни еб олларинг-да, ишга туш! Ҳадемай кеч киради...

Мана буни ўлганнинг устига тепган деса бўларди. Қария келтирган пиражжалар гўё музга айланганди.

На илож? Ўз уйимизда эмаслигимизни иккаламиз ҳам яхши англаймиз.

Қўлимизга биттадан пиражка олиб, бир-икки тишлаган бўлдик. Йўқ, бундай оғир юмушни бажарадиган одамнинг совиган пиражка ейиши сира ақлга сифмайди.

Мен-ку, индамай қўя қолардим. Ҳар қалай, ишлаттанимдан, оч-наҳор қолиб кетмаёттанимдан мамнун эдим. Бироқ шеригим чидаб туролмади. Салчиб ўрнидан туриб, қаергадир отланаётган уй эгасининг йўлини тўсди.

— Пулларни беринг, ота! — деди Ваня амаки икки қўлинини белига тираб. — Биз кетамиз, тамом!

Бу гапни зшлитиб, қариянинг қалин қошлари чимирилди. Қўлидаги гулдор ҳассани ерга уриб-уриб олди.

— Пулми? — деди Ваня амакининг кўзларига нафрат аралаш боқиб. — Ишни тугатмасдан ҳақ олмоқ-чимисан?.. Вей, бола, жаҳлимни чиқарма! Ёмонига олсан, ҳозироқ ўғилларимни чақириб келаман, таъзирингни бериб қўяди. Нима қилай? Чакираверайми ё ишни давом эттирасанми?

Ваня амаки бирдан паст тушиб, ортга тисланди. «Э, ўзингизам ўтакетган қайсар одам экансиз», дея будранганча қоплардан бирини олиб елкасига босди.

* * *

Ярим соатча ўтгач, иккаламиз ҳам ҳолдан тойиб, айвон устунига суюнган кўйи ўтириб қолдик.

Ваня амакини билмадим-у, аммо мен бўлганимча бўлгандим. Очлик тинка-мадоримни қуритган, тиззалирим дир-дир титрарди.

— Бас, ортиқ ишламаймиз, — деди Ваня амаки аҳволимни тушунгандек қатъийлик билан. — Барibir, бу сассиқ чолдан пул ундиришимга ақдим етмаяпти.

— Унда қуруқ қўл билан кетамизми? — сўрадим бўшашиб. — Кartoшканинг ярмига яқинини ташиб қўйдик-ку!

— Қуруқ кетадиган аҳмоқ йўқ. Сен шу ерда ўтири, кўчадан кўз-қулоқ бўл! Мен пастга тушиб, ертўлани ўрганиб кўрай-чи!

Шеригим оддиндан ниманингdir режасини тузиб олганми, зум ўтмай, бир кути коњяк кўтариб чиқди.

Бу манзарага кўзим тушиб, жон-поним чиқиб кетаёди.

Ахир нима қилмоқчи бу одам? Ишни ташлаб қўйиб, кайф-сафога берилмоқчими? Қария келса, нақ балога қоламиз-ку!..

— Манавини кўр, — оғзининг таноби қочиб, коњякларни кўз-кўз қилди Ваня амаки. — Буларнинг ярмисини сотсак ҳам, чол берадиган пул чиқади. Қолганини маза қилиб ичардик.

— Нима? Ўғирлаб қочамизми? — сўрадим соддларча. — Ахир бу яхши эмас... Уй эгаси билиб қолса...

— Сен жим бўл! — кўрсаткич бармоғини лабларига босиб, атрофга аланглади Ваня амаки. — Туя қўрдингми, йўқ!.. Ҳозир буни елкага ортамиз-у, қуён бўлалими.

— Қария етиб олса-чи бизга?

— Ҳаётда ета олмайди. Агар шундай қилмасак, кечга бориб, иккаламиз ҳам хор бўламиш... Тез бўл, бўшашибма! Бор, кўчани разведка қил!..

Мен итоат билан кўчани кўздан кечирдим. Ҳеч ким кўринмади. Белги бердим дегунча Ваня амаки коњяклар жойланган қутини елкалаб ҳовлидан чиқди.

— Ҳов аnavи дала тарафга кетдик! — деди у қадамини тезлатиб. — Тез-тез орқангга қараб юр! Тағин аnavи нусха хитланган бўлмасин!..

* * *

Катта йўл бўйлаб кетишимизнинг умуман иложи йўқ эди. Ҳеч қанча юрмай, қарияга рўбарў бўлишимиз тайин. Шунинг учун кенг далани кесиб ўтиб, катта кўприкка етганда тўхтадик. Кўприк остидан анҳор оқиб ўтганди.

Вания амаки бир оз нафас ростлагач, осмонга боқди.

— Туман қалинлашяпти, — деди конъякларга сук билан термилиб. — Буям бизнинг баҳтимиз. Башарти чол қувиб келиб қолса, ғойиб бўлиш осон кечади... Тўхта, ҳов аnavи ёққа қара-чи! Кимлардир келяптими?..

Мен қатор ҳовлилар томон кўз ташладим. Ҳақиқатан, қуюқ туман орасида икки-уч эркак ҳамроҳлигида қария ютуриб келарди.

— Тамом бўлдик! — дедим Вания амакини туртиб.
— Ҳозир етиб олишади. Энди нима қилдик?..

Вания амаки ўйлаб ўтирмай, қутини қўлига олди ва кўприк остига қараб чопди.

— Югур орқамдан! Тез бўл!.. Беркинамиш!

— Қаерга? Қаерга беркинамиш?

— Сувга тушамиз! Э, лапангламай, тезроқ юрсанг-чи!..

У ўйлаб ўтирмай, шарқираб оқаётган анҳорга тушибди-да, кўприк остига беркинди.

Мен ҳам шеригимга эргашишга мажбур эдим. Гарчи этим жунжикса-да, ўзимни анҳорга ташладим.

Бу орада бақир-чақирлар аниқ-тиниқ қулоққа чалина бошлади.

— Қаёққа ғойиб бўлди ярамаслар? — сўкинарди қария. — Шу ёққа қараб юришганини кўргандим-ку!..

— Ота, қаёқдаги бир қути конъякни деб дала кезишимиш шартми? — норозиланди бошқа бирор. — Кўяверинг, ичса ичар заҳрига! Тиқилиб ўлмайдими!?

— Қоплар-чи? Қорда ётаверадими шундай?

— Бошқа мардикор олиб чиқаман ўзим.

Бу гапдан кейин атрофга бирпаслик сукунат чўқди. Сал ўтиб, оёқ товушларининг узоқлаша бошлиганини эшилдим...

Оёқларим гўёки кесакка айланиб қолганди. Танамга юргурган муз вужуд-вужудимга пичоқ кестсан каби ёқимсиз оғриқ берарди.

— Чиқаверсак бўлар? — Ваня амакига юзландим тоқатсизланиб. — Мен чидолмайман. Қотиб қолдим!..

— Чиқамиз, — деди шеригим эҳтиёткорлик билан соҳилга оёқ кўяркан. — Кетишди. Конъяклар ўзимизга қолди... Бопладик ўзиям!.. Юр, меникига жўнаймиз!..

* * *

Бу ишимиз гуноҳми-йўқми, идрок эта олмасдим. Хаёлим конъяклардан келадиган пулда эди. Киссаси қуп-қуруқ одам фикрлашдан йироқ бўларкан. Сов-қотганимни ҳам унутиб, йўл-йўлакай ўзимча хомчўт қилас, қанча пулни нимага сарфлаш ҳақида бош қоти-рардим.

Шу кўйи ярим соат деганда Ваня амакининг кўримсиз, хоналарида шароб, ароқдан бўшаган ши-шалар думалаб ётган квартирасига кириб келдик.

У эшикни ичкаридан тамбалади-да, қутидаги конъякларни бир-бир чиқариб олиб нам латта билан эринмай артди. Сўнгра ўн донасини бўздан тикилган халтага жойлади.

— Ие, кўкариб кетибсан-ку, хумпар! — Ваня амаки кутилмаганда мен томон ўгирилиб, иягимдан тутди.

— Ҳозир сенга юз грамм қуйиб бераман. Зўр бўлади.

Шундай деб юргурганча ошхонага ўтди-да, четлари сарфайган стакан келтириб, конъяклардан бирини очди ва яримлатиб стаканга қўйди.

— Ма, тезда ичиб юбор! Бўлақол!

— Қ-қандай бўларкин? Умримда бунақанги нарса-ни ичмаганман.

— Ич дедим! Дарров ичингга иссиқ киради. Шамоллаш ҳам кетади.

Мен таваккал стакандаги ичимликни күттардим.

Йўқ, бу нақ заҳарнинг ўзгинаси эди. Томоғимни нимадир қаттиқ куйдириб ўтиб, кўринмас олов ичакларимни ҳам чулғаб олди. Бир неча сония нафас оломай тек қотиб тургач, жон ҳолатда Ваня амаки тутқазган совуқ сувни сипқордим. Шундан кейингина кўзларим очилиб, ўзимга келдим.

Лекин ҳақиқатан, танам бирдан қизиб, пешонами тер босди. Бир неча дақиқа ўтиб эса бошим ёқимли айланиб, кайфим чоғланди. Энди бегона квартирада ўзимни эркинроқ ҳис эта бошладим. Ҳатто Ваня амаки ҳам кўзимга эски қадрдонлардек кўриниб кетди.

— Ма, яна злликта от! — деди у стаканга коňяқдан пича қуийб менга узатаркан. — Отдай бўласан-қоласан. Қара, ҳалитдан рангингга қон югурди. Ичақол! Ў, яша! Мана бу ўғил болача иш бўлди! Энди сен диванга ёнбошлаб дамингни ола тур! Мен физимлаб манавиларнинг ярмисини пуллаб келай.

Ваня амаки ҳақ эди. Иккинчи қадаҳдан сўнг анча бўшашибдим. Турган еримда оёқларим чалишиб, гапирсам тилим фўлдираб кетаверди.

Деворни ушлаб аста залга кирдим-да, ўзимни диванга ташладим. Шу заҳоти хаёлларим ёввойи калтардек аллақаёқларга уча бошлади. Гоҳ Шарифа тортиб олган машинамда қишлоқ кўчаларини керилиб кездидим, гоҳ ҳашаматли ҳовлидан чиқиб башанг кийинган катта шоирларни қарши олдим. Бу ҳам негадир кўнглимга ўтиришмай, университет биносига жадал кириб бордим. Келишимни интиқ кутаётган муаллимлар билан истар-истамас сўрашган бўлдим. Улар дарров мени юмшоқ курсига ўтқазиб қўлимга чўғдек қипқизил дипломни тутқазишди ва барчалари баравар қарсак чалиб мени олқишлишади...

Бир пайт ташқари эшик кетма-кет тақиллай бошлади. Кайфимни бузгани учун тақиллатган кимсани

и чимда қарғай-қарғай ўрнимдан турдим-да, эшикка яқин бориб товуш бердим.

— Ким у?

— Ваня дома? — русчалаб сўради ташқаридаги одам.

Аввалига эшикни очгим келмади. Лекин овоз негадир жуда танишдек туюлиб зулфинга кўл чўздим.

Не кўз билан кўрайки, ўзим кўп бора телевизор орқали кўрган машҳур шоир қаршимда турарди.

Илгари у ўқиган шеърлардан илҳомланиб, мен ҳам қоғоз қоралаб юрганман.

— Сиз... Олим Одиловсиз-а? — сўрадим тап тортмай. — Ўша инсонсиз. Тўғрими?..

— Ҳа, ўшаман, — деди шоир сўрашиш учун менга кўл чўзиб. — Ўзинг ким бўласан, йигит?

Кайф ҳар қандай одамни шер қилиб юбориши тўғри, шекилли. Агар ичкиликни оғзимга олмасам, ҳозир бу одам билан дадил гаплаша олмасдим.

— Талабаман, — дедим бош қашиб. — Мен ҳам шеърлар машқ қилиб тураман. Айтганча, ичкарига киринг!

— Йўқ, — деди Олим ака. — Ваня керак эди. Ошхона чироги ёнмай қолди. Созлаб берармикан девдим.

— Ваня амаки монтёрми?

— Ҳа, шундай. Сен билмасмидинг?

— Билмасдим. Чунки у киши билан бугун танишдим. Илтимос, ичкарига кирсангиз. Шеъримдан ўқиб берай, йўқ деманг!

— Қизик, — Олим ака йўлакка ўтиб ташқари эшикни ёпди-да, эшитилар-эшитилмас ғудраниб олди. — Пиёнисталарнинг шеър ёзишини эшитмаган эканман.

— Ака, — дея ўзим истамаган ҳолда ғўлдирадим. — Мен пиёнистамасман. Совуқ ўтиб кетганига Ваня амаки озгина қуйиб берди. Ишонинг, умримда ичкиликни оғзимга олмаганман.

— Қаерликсан? — сал дағалроқ оҳангда сўради Олим ака.

— Водийданман.

— Ие, шунақами? Ҳамюрт экансан-ку! Қаерда ўқийсан?

— Университетда.

— Шунақа дегин? — Олим ака мени обдан кузатган бўлди-да, жилмайди. — Қани, ўқи шеърингни, ука! Эшитайлик-чи!

Одамнинг кайфи ошса, мияси ҳам тезроқ ишлаб кетади чоғи, бир неча сония ўйланиб турган бўлдим-у, яқинда қоғозга туширган шеъримни ёддан ўқий бошладим.

Хою ҳавасларнинг бўлмади нафи,
Савобу гуноҳим қоришиб кетди.
Умримнинг паст-баланд кўчаларида,
Озгин оёқларим чалишиб кетди.
Жуда алам қиласар кимсасиз ҳаёт,
Мени тортаверар домига таҳқир.
Бир сўкким келганди бўралаб...
Тилим айланмади негадир.

— Чаккимас, — менга маъноли боқди Олим ака. — Сендан чиқади шоир, чиқади... Фақат бир нарсага ҳайронман. Нимага шеъринг тушкун кайфиятда? Ё...

— Аламга тўлганимда ёзгандим-да!

— Нимага аламга тўласан? Очиқроқ гапиравер! Мени қизиқтириб кўйдинг.

— Бошдан кўп иш ўтиб кўйди, ака, — дедим қовоғим уйилиб. — Оилам билан ажрашдим, уйдан ҳайдалдим. Ҳозир... Ижара уй қидиришим керак. Ўқишимниям сиртқига ўтказсамми, деб турибман. Шароит кўтармаяпти.

— Оиланг билан нимага ажрашдинг?

Барибир очиқ гапиришини ўзимга эп кўрмадим. Кисқагина жавоб бериб кўя қолдим.

— Келишолмадик.

— Болалардан борми, ишқилиб?

— Ҳа, бир ўғлим бор.

Олим ака бир муддат жимиб қолди. Бот-бот бош қашиб олди. Ора-сирада менга синчиклаб тикилиб ўзича нималарнидир мулоҳаза қилган бўлди.

— Кўринишингдан ёмон болага ўхшамайсан, — деди ниҳоят бошини кўтариб. — Шаҳарда анча қийналибсан-да унда! Ҳмм... Бирор жойда ишлайсанми?

— Йўқ, ҳали улгурмадим ишга киришга.

— Ваняни қаердан танийсан?

— Бугун бирга мардикорчилик қилгандик. Тунашга жойим бўлмагани учун...

— Тушунарли, — Олим ака шундай деб ўрнидан қўзғалди. — Унда сенга бир маслаҳатим бор. Агар қулоқ солсанг, кам бўлмасдинг, ука. Хўш, нима дейсан?

Мен шоирнинг нимага шаъма қилаётганини англамаганим сабаб елка қисишидан нарига ўтолмадим.

— Бир қайнисинглим бор, — давом этди Олим ака.

— Бахти очилмаяпти шўрликнинг. Ўзи жуда ақлли, одобли қиз. Айтганча, уям университетнинг филология факультетини тамомлаган. Бир ўзи алоҳида квартирада туради. Агар... Бориб кўрганингда, тақдир бўлса, тўй қилиб юборармидик. Ишинг масаласиниям ҳал қиласдик.

Яширмайман, шундай катта шоирнинг кутилмаган таклифи қулоқларимга майдай ёқиб тушганди. Шунчалар довдираб, хижолатда қолдимки, қулоқларимгача қизариб, кўз-у оёқларимдан олган ичкилик кучи изсиз ғойиб бўлгандек туюлди.

— Ҳа, нега индамай қолдинг? — сўради Олим ака кулимсираб. — Ёки бошқа режаларинг бормиди?

— Йўғ-э, — дедим ер чизиб. — У-ундаймас... Фақат... Нима десам экан? Қ-қандай бўларкин, ака?

— Ўйланма, — деди шоир. — Ижодкор одам сенга ўхшаб қийналиб юрса, тоқат қилолмайман. Бардам бўл! Бошингни тик тутиб юр! Ма, мана бу телефон раками. Қўнғироқ қиласанг, бирор жойда учрашиб ҳам масини гаплашволамиз...

Шу кеча ярим тунгача кўз юма олмадим. Йўқ, бугун азоблар, қийинчиликлар, нохуш ўйлар безовта қилмасди. Ниҳоят, аччиқ қисмат чангалидан халос бўлишим яқинлиги ҳаяжонга соларди. Худоиймнинг менга унча-мунча ижодкорга насиб этмайдиган бахтни раво кўрганидан жуда-жуда мамнун эдим.

Кўз ўнгимда Олим аканинг маъюс кулимсираганча квартирани тарк этаётгани, қўнғироқ қилишимни қайта-қайта тайинлаб қўл силтагани гавдаланиб, хаёлан нуқул бир жумлани такрорлардим:

«Раҳмат сизга, Олим ака!»

* * *

Мен эртаси қуниёқ Олим ака тайинлаган жойга етиб бордим.

Хижолатдан ерга киргудек эдим. Гоҳ қаршимдаги машҳур шоирга, гоҳ эгнимга ёпишмайгина турган кўримсиз кийимларга боқардим. Олим ака ҳолатими ни пайқаган каби йўлга тушиш олдидан елкамга қоқиб тинчлантирган бўлди.

— Қўявер, ука! Ҳозир сени келин боланикига олиб борай, ҳамма ташвишларинг арийди. Фақат айтиб қўяй, мени уялтириб қўйма!

Мен учун бундай таниқди ижодкор, дид билан кийинадиган, салобатли инсоннинг ёнида бўлиш, у билан суҳбатлашишнинг ўзи катта бахт эди. Қолаверса, бошимни иккита қилмоқчи. Ахир, қандай уялтирай? Бундай меҳрибон, жонкуяр одамнинг бошидан сув ўгириб ичсан ҳам кам-ку!..

— Сизни уялтиришдан Худо асрасин! — дедим ишонч билан. — Бу яхшиликларингизни умрбод унутмайман, ака!

— Эҳ, — Олим ака автобус ойнасидан ташқарига ўйчан боқиб сўз қотди. — Қайнинглим тилла қиз-да, Қодирбой, тилла қиз! Илм дегани борки, ҳаммасини сув қилиб ичган. Камсукумлиги, маданиятлилигини

айтмайсанми!.. Ишонавер, пешонаси ярқираган йигит экансан!

— Айтганингиз келсии! Шу кунгача тортган азобларим арийдиган бўлди, устоз!..

— Яша! — деди Олим ака сўнгги сўзимдан мамнун бўлганини яшира олмай. — Буёғига устоз деявер! Божа бўлволайлик, сенминан кўп шеърлар ёзамиз. Нима дединг, куёв бола?

Олим аканинг бу ҳазили мени янада тўлқинлантириб, кулдим ва негадир шу заҳоти бош эгдим.

* * *

Олим акага эргашиб қайнинглиси Наргиза яшайдиган квартира эшигига яқинлашганимданоқ беихтиёр вужудим алгангаланиб, ҳаяжондан дағ-дағ титрай бошлаганимни ҳис этдим. Мени бу қизнинг қандай қарши олиши хавотирга солар, насиб бўлса, бўлғуси қаллиғим билан кечадиган сұхбатни тахмин қилганим сайин қўрқувга туша борардим.

Тўғри-да, Олим ака мен ҳақимда бор гапни айтган бўлса, илмли, шаҳарда ўсган қиз юзакироқ муносабатда бўлиши ҳам мумкин-ку! Унга ёқмасам-чи?.. Нима қиласман? Аламидан ёрилиб кетмасмиканман?..

Олдиндан келишиб қўйишганми, Олим аканинг юмалоқдан келган, қорача, юпқа лаб хотини Соҳиба опа мени кулиб қарши оди. Эндигина залга ўтмоқчи бўлиб турганимда эса...

Қаршимда худди опасига ўхшаб кетадиган юмалоқ юз, соchlари қалин, қошлари ой ўроғи каби қайрилма қиз пайдо бўлди.

Бу менинг тинчимни ўғирлаб қўйган Наргиза эди...

Биз билан эшитилар-эшитилмас саломлашди-да, бошини этганча айвонга ўтиб кетди...

Наргизанинг бир марта нигоҳ ташлаши мен учун етарли бўлди. Худди кўксимга кимдир чўғ ташлагандек, қизариб кетдим. Оғзимнинг таноби қочиб, вужу-

дим күзга айланди-ю, Олим акага сездирмай бир неча маротаба айвон тарафга ўгринча қараб олишга улгурдим. Ҳа, бу қизнинг юзларидан гүёки нур ёғиларди. Қарашлари самимий, ўзи соддадил ва меҳрибон экани шундоқ кўриниб турибди.

Мен шу лаҳзадаёқ Наргиза билан осойишта, аҳил ҳаёт кечира олишимга қаттиқ ишондим...

— Қани, ука, тўрга ўтинг! — майин жилмайиш билан мулозамат қилди Соҳиба опа. — Тортинманг!

— Ҳа, сира уялма! — Олим ака хотинига сирли боқиб, дастурхондаги нондан ушатди, эпчиллик билан идишлардаги қанд-қурсларни менга яқинлатди. — Ҳали ҳаммаси олдинда, шоир!

Олим ака шундай деб аста биқинимга туртди-да, айвонга ишора қилди.

Бу билан «қиз ёқдими?» дея сўрамоқчилигини дарров илғадим ва эҳтиёткорона бошимни қимирлатиб кўйдим.

Шу кўйи биз бир соатча ўтириб қолдик. Олим ака ҳам, хотини ҳам менга деярли савол беришмас, ўзаро қандайдир газеталар, китоблар ҳақида суҳбатлашишарди.

Мен бўлсам, фақат Наргиза киришини кутар, гўзал чеҳрасини қайта-қайта томоша қилиш илинжида эдим.

Бахтга қарши Наргиза биз ўтирган хонага кирмади. Ҳатто, дастурхонга фотиҳа ўқилиб, биз олдинмакетин йўлакка чиққанимизда ҳам юз кўрсатмади.

Сезардим. У ҳам хабардор. Мақсадимни, ниятимни фаҳмлаган. Шу сабабли уялиб менга кўриниш беришни хоҳламаган. Ишқилиб, ёқиб тушган бўлай-да!..

Ташқарига чиқаётганимизда, Соҳиба опа Олим ака-га қаттиқ тайинлади.

— Мени бекатда кутинглар! Тағин кетиб қолманлар!..

Ҳа, демак, опаси Наргиза билан гаплашади. Мен ёққан-ёқмаганимни суриштиради.

Ишқилиб, бахтимга кўз тегмасин-да!

Бу аёлни биринчи марта кўриб турган бўлсам-да, ортимиздан етиб келиб менга ўзгача меҳр билан боқиший, мулоийм оҳангда сўзлаши қалбимни мумдек эритди. Соҳиба опани худди туғишганимдек кўра бошладим. Шу тобдаги муомаласидан сўнг пойига тиз чукишга-да тайёр турдим.

Ахир, бу одамларни Худонинг ўзи етказди. Икковлашиб бахтимни, тотли лаҳзаларимни қайтаришмоқчи, мени тушкунлик ботқоғидан қутқаришмоқчи.

— Ука тортиниб, бегонасираб ўтируманг! — тайнади менга Соҳиба опа. — Синглим рози. Ёқиб тушибисиз. Илойим қўша-қаринглар!

— Ие, мен топгандан кейин ёқади-да! — ҳазиллашиб Олим ака. — Қодирбойнинг шеърларини бир эшигин! Дод солиб йиглайсан, онаси!..

Соҳиба опа эса эрининг ҳазилига эътибор қилмай сўзида давом этди.

— Қодиржон, ҳаммасини эшиздим. Кечакангиз айтиб берганди. Қайтурманг, сиз кўрган кунлар бизниям бошимиздан ўтган. Эр-хотин ҳазилакам қийналмаганимиз. Мана, ўтди-ку ҳаммаси!.. Энди-чи, бошингизни баланд тутиб, фақат келажагингизни ўйланг! Насиб бўлса, Наргиза икковингиз ҳали бирорларнинг тушигаям кирмаган яхши кунларни кўрасиз. Тўй ма-саласидаям ташвиш чекмасангиз бўлади. Ҳамма ҳаржатни мана ўзимиз кўтарамиз. Худога шукр, савобталаб одамлармиз. Икки ёш бахтли бўлсангиз, шунинг ўзи етади...

Бундай ширин ва ёқимли сўзларни фақат бувижонимдан эшитардим. Ўшанда эътибор қилмас эканман. Ширин сўз, қайноқ меҳрнинг қадри, қиммати бошқача бўларкан. Одам ўзини енгил ҳис этиб, қаноти бўлса олислис осмонларга учиб кетишга тайёр тураркан.

Эҳ, Соҳиба опа, кошкийди, айни паллада кўнглимдан кечаетган сўзларни, миннатдорчилигимни юрак ютиб сизга айта олсам!.. Қанийди имконим бўлса-ю,

руҳимни кўтариш учун айтган ҳар бир сўзингиз эвазига сизни бошингиз баробар зарларга кўмсам!.. Ишонинг, синглингизни, бўлгуси ёримни, орзиқиб кутган баҳтимни кафтимда кўтариб, балолардан авайлаб яшайман. Унга гард юқтирумайман!..

* * *

Олим аканинг уч хонали квартираси жуда шинам эди. Хоналар дид билан безатилган, деворларга ўтмишда яшаб ижод қилган таниқли шоирларнинг суратлари илинган. Залдаги каттакон жавон китобларга лиқ тўла. Уларни кўрдим-у, кўзларим ёниб, юрагим ҳаприқди.

Уй эгалари ҳам бу ҳолатимни сезишдими, залга жой тўшаб беришди.

Тақдиримга хаёлан қайта-қайта тасаннолар айтиб, алламаҳалгача китоб мутолаа қилдим.

Шу кўйи кўзим илинибди-ю, ғалати туш кўрибман...

Қаҳратон қиши. Пойенсиз, яхобланган шудгор ёқасида Наргиза икковимиз қўлтиқлашганча турардик. У нимадандир қаттиқ хафа. Қур-қур кўз ёшлирини кўйлаги енгига артиб оларди.

Мен нимадан хафалигини билмасам-да, юпатишга уринар, аммо кўнмасди. Шу кўйи анча вақт бир жойда қолиб кетдик. Бир маҳал Наргиза бошини кўтарди-да, кўзларимга совуқ тикилди.

— Сиз аблაҳсиз! — деди шивирлаб. — Эшитяпсизми, аблабаҳсиз!..

— Нега ундей деяпсиз? — сўрадим ҳануз гап нимадалигини англай олмай. — Айтинг, нега мени айблаяпсиз? Нима ёмон иш қилдим?

— Менинг севимли далами яхоблатибсиз. Ҳаммаёқ лойга ботибди. Оппоқ пахталар лой орасида қолиб кетибди.

— Қани пахта? Йўқ-ку!..

— Кўрмаяпсизми? Лойга беланиб ётган оппоқ пахталарни кўрмаяпсизми? Қанақа шафқатсиз одамсиз ўзи?

— Илтимос, оғринманг, — Наргизани овутиш илинжидә елкасига қўлимни қўйдим. Афсуски, у зарда билан қўлимни елкасидан олиб ташлади-да, дод солганча шудгор ичига чопиб кетди.

То ортидан югуриб унга етгунимча суюклигим қопкора лойга беланди.

— Нима қилиб қўйдингиз? — қичқирдим мен. — Лойга ботдингиз-ку! Энди нима бўлади?

— Дард бўлади! — менга жавобан йиғлаб бақирди Наргиза. — Ўзимнинг шўрлик пахталарим! Золимнинг қўлида нобуд бўлди, нобуд!..

Бахтга қарши Наргизани шудгордан олиб чиқа олмадим. Кимларнингдир йўнғир-йўнғир товушидан уйғониб кетдим.

Соҳиба опа экан.

— Бечора Қодиржоннинг уйқусидаям ҳаловат йўқолибди, — дерди у Олим акага. — Жуда қийналган йигит экан. Илойим, ҳаракатларимиз яхшиликка бўлсин, дадаси! Шу йигит ҳам тинчиб, одамлардай яшай бошлармиди...

Мен бошимни чангллаганча ўрнимдан туриб ўтиредим. Ҳозир уй бекасининг гап-сўzlари қулоғимга кирмасди. Миямни бир хаёл кемираради. Бувим қачонлардир «Тушда лой кўрса яхшиликкамас, тезда гадойга садақа бериб юбориш керак» дегувчи эди...

Наҳотки, яна кулфатлар мени таъқиб қилаётган бўлса?.. Мен-ку, майли, ҳаммасига чидайман. Фақат Наргизага зиён етмасин! Унда гуноҳ йўқ, Худойим!..

Орадан бир ҳафта вақт ўтди. Мен ҳар куни Олим аканинг квартирасида ёлиз қолардим. Фақат улар мени бир марта бозорга олиб тушиб турли кийимларни кийдириб кўришди. Тўғри келганини харид қилишди.

Бўлаётган ишлардан жуда-жуда хижолатда қолгандим. Ҳеч ким мендан пул талаб қилмаса, ейиш-ичишим, ёт-р-турарим текин бўлса...

— Наҳотки, күёвни шу қадар иззатлайдиган одамлар ҳам бўлса? — ўйлардим ўзимча. — Шарифа билан яшаган кезларимда бунчалик ҳурматни, қадр-қимматни кўрмагандим. Аксинча, пайти келганда узоқ-яқиндан тараладиган қарғишларни тоқат қилиб тинглашга маҳкум эдим. Олим ака эса гоҳида хавотирга ҳам тушиб қўяди. Кўнглимга қарайди, ҳар бир гапни олдин мулоҳаза қилиб, ўта эҳтиёткорлик билан гапиради. «Бўлгуси божамни ранжитиб қўймай» деса керак-да!..

Фақат битта армон қалбимнинг туб-тубида қолиб кетадиган бўлди. Тўйимга қариндош-уруғларим келишмайди. Амма-холаларни-ку, айтмасам ҳам бўлади. Тўйга айтиб борган тақдиримдаям бош силкиб қўйишидан нарига ўтишмайди. Онам-чи?.. Нурмат қоранинг чизган чизигидан чиқишга ўзида қуч тополмаса керак. Бувижонимни таклиф қиласай десам, кексайиб қолган. Бунинг устига бобомдан айрилгач, юрагига қил сифмайди...

Эссиз!.. Кулгига қолмасам іўргайди. Наргиза тарафдан бирор-ярим «Куёвимизнинг яқинлари кўринмайди-я?» деб қолмасайди. Адойи тамом бўламан унда. Ер қаттиқ, осмон олислик қилиб, аросатда куйиблар кетаман...

Наргиза билан гаплашиш имкони бўлганда-ку, ётиғи билан тушунирардим. Ҳали бирор марта ёлғиз учрашмадим ҳам. Илк бор кўрганимдан сўнг юрагимда пайдо бўлган ишонч ва ёввойи меҳрга суюнган кўйи яшаб келмоқдаман. Майли, таваккал-да!.. Шундай муниса қизнинг яқинлари аҳмоқ эмасдирлар, ахир!..

* * *

— Қани, күёв бола, тез кийин! — деб қолди ажойиб кунларнинг бирида Олим ака. — Ҳаммаси тахт. Тўйни тезлатмасак бўлмайди!

Мен ҳайрон эдим. Ҳеч ким Наргизага совчи ҳам бўлмади. Учрашмадик ҳам. Бир-биrimизни яқиндан

танишга-да улгурмадик. Бирдан тўй бошланиб кетса, қандай бўларкин?..

Бу тахлит саволларга жавоб излашнинг мавриди эмасди. Соҳиба опа эрта тонгда машинага буюртма бериш учун қаергадир кетибди. Биз Олим ака билан бирга тайин этилган манзилга етиб олишимиз ва ундан кейин Наргизани олиб кетишга боришимиз лозим экан.

Ҳайрат-у ўйларни йиғишириб қўйдим-да, сарпollar ичидан керакли кийимларни олиб кийиндим.

— Мана, энди мушкулотлар ростакамига ортда қолди, — дея ҳайқиради қалбим. — Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ёруғ кунлари ҳам жуда яқин қолди. Ҳадемай қаторга кирасан, Қодир! Бошқалар каби тотли ташвишлар куршовида яшай бошлайсан!..

Бугун тинчлик бўлса нима қиласди? Аксига олган-дек, қор шамол аралаш гупиллаб ёғар, изфирин этингни узиб олгудек чийилларди.

Бундай ҳавода тоғ ошиб водийга боришнинг ўзи бўлмаса керак. Одатда қалин қор ёққан кунлар тоғ йўлинни ёпиб қўйишаради. Ишқилиб, очиқ бўлсин-у, биз вақтида Наргизанинг ота уйига етиб олайлик. Тўйимиз, баҳтимиз бизларга маҳтал қолмасин!..

* * *

Наргиза оппоқ келинлик либосида бошини хийла этганча ўтирас, биз умуман сўзлашмасдик. Очиги, мен гапни нимадан бошлашни билмай гаранг эдим.

Ана, тоқقا чиқиладиган жойда машиналар қаторлашиб кетибди. Бизнинг машина ҳам таққа тўхтади. Олим ака гап нимада эканини билиш ниятида пастга тушди.

Биз ёлғиз қолдик. Аммо ҳануз сукутдамиз. Наргиза аҳён-аҳёнда менга кўз қирини ташлаб оляпти. Нимадир демокчи-ю, биринчи бўлиб мен сўз очишимни кутяпти.

Йўқ, таваккал қиласман. Шу тахлит ўтираверсам, шубҳаланиб юрмасин Наргиза. Барибир насиб этса у жуфти ҳалолим бўлади. Эртами-кечми гаплашишимиз керак-ку!..

Шундан кейин ҳам нима деб гапириш ҳақида бош қотиравериб хуноб бўлдим. Нима деса бўлади-а? Аёл кишининг ёшини сўраш нокулай. Отасининг исмини сўрасаммикан? Э, шуям савол бўлдими? Энсаси қотиб қовоғини уйиб олса адойи тамом бўламан. Эх, Қодир, Қодир! Чиройли қизларнинг олдида тилинг танглайингга ёпишиб қоларкан-ку! Гапирсанг-чи! Ҳозир Олим ака машинага чиқиб ўтирса, тамом! Яна лаб тишлашдан, қор босган далаларни томоша қилишдан бўлак ишинг қолмайди...

— Сиз... Пивони яхши кўрасизми? — ниҳоят Наргиза томон ўгирилиб томдан тараша тушгандек савол ташладим.

Нафсилаамрини айтсам, бундай бўлмағур савол ҳәлимга келгани учун ўзимни ўзим чавақлаб ташлагим келиб кетди. Бироқ кеч эди...

Наргиза саволимни эшитди-ю, ялт этиб менга қаради. Юзлари дув қизарди. Бир марта жилмайиш қилди. Лекин дарров жиддийлашди.

— Йўқ, — деди эшитилар-эшитилмас. — Жинимдан ёмон кўраман.

Ана, бўларкан-ку қиз болани гапга тутса!.. Ҳойнаҳой, унга кутилмаган саволим қизиқ туюлди! Акс ҳолда жилмайиб қўймасди.

— Менам ёқтирмайман, — дедим бош қашиб. — Ҳидига тоқат қилолмайман.

— Ишонмайман, — Наргиза энди юзларига табасум югуриб астойдил менга юзланди. — Эркаклар ичкилик деса үзларини томдан ташлашади.

— Йў-ўқ, мен унақаларданмасман!.. Мен...

Афсуски, суҳбатимиз чала қолди. Олим ака машинага ўтирди-да, ортга ўгирилиб, иккаламизга маъюстикилиб қолди.

— Йўл ҳали вери очилмас экан, — тоғ тарафга ишора қилди у. — Тўйни квартирада ўтказиб қўя қоламиз, шекилли. Эҳ, уёқда қанча одам кутиб ўтирганди-я бизни! Ишимиз юришмади-юришмади-да!..

* * *

Тақдиди азал бир бўлса, Худонинг ўзи мушкулларни осон қилиб қўяркан.

Тоғ йўли ёпикдиги бахтимизга раҳна солмади. Олим ака квартиранинг ўзида тўйни ўтказишга қарор қилибди. Айтишларича, ҳаво юришиб кетгандан кейин қишлоққа борсак ҳам бўлавераркан...

Шу куни кечқуреноқ залга стол тузашди. Қаршимда мен умуман танимайдиган меҳмонлар ўтиришар, барчалари келин-кўёнга баҳт тилаб қадаҳ кўтарарди.

Қизиқ. Шаҳар дастурхони ўзгача бўларкан. Мен Шарифага уйланганимда бундай тўкинликка гувоҳ бўлмагандим. Бу ерда эса одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса топилади.

Ноз-неъматларга, бир-биридан гўзал таомларга сук билан боқардим-у, иштаҳам карнайга айланиб борар, қўйиб беришса, дастурхонни шип-шийдон қилиб ташлагим келарди. Фақат... Куёвлигим ёдимга тушиб базўр ўзимни тиярдим.

— Шу кунимни Шарифа кўрсайди, — ўйлардим ўзимча. — Ҳойнаҳой, мени расво бўлди, кўчаларда тентираб, бир бурда нонга зор бўлиб кун кўради, деб ўйлаётгандир. Агар шу тобда кириб келганда, тушунарди, афсусланарди, ҳасаддан сочини юларди... Нималар деяпман? Менга нима? Қорним таталаб бора-япти-ку!. Нега қўл қовуштирганча жим ўтирибман? Ҳованави товуқ гўштидан бир бўлагини олиб есам ким мени уришади? Ҳеч ким. Бу қадар ёқимли ҳид тарарадиган товуқ гўштини охирги марта уч йилча бурун бувим пишириб берганди. Ўшанда бурнимни жийириб, бир тишламгинини оғзимга солгандим-да,

қўлимни артиб қўя қолгандим. Ўша ношукрчиликларнинг жазосини уч йил тортдим. Энди бўлса... Эҳ, тортинчоқлик қурсин!.. Йўқсиллик мени шу кўйга солди. Мазали таомларни кўрдим-у, оч бўридек улардан кўз узолмай қолдим... Нималар деяпман ўзи?.. Уят эмасми?.. Ёш болага ўхшайман-а!.. Ана, ёнимдаги Наргиза ҳам индамай ўтирибди-ку!.. Яхшики, хаёлимдан кечган ўйларни билмайди. Билиб қолса борми, нақ шарманда бўлардим-а!..

Ўзимдан ўзим хижолат тортиб аста Наргизага разм солдим. У ҳануз уялган кўйи ўтирап, қур-қур қадаҳдаги лимонаддан ҳўплаб оларди.

Ҳа, Наргиза росманасига гўзал. Шунчалар нафис ва чиройлики, ортиқча сўз айтишга ҳалиям юрагим дов бермайди. Айниқса, кундузги аҳмоқона саволимдан сўнг бўлганимча бўлганман... Йў-ўқ, яхиси, ҳозир тилимни тияман. Барибир ёлғиз қоламиз-ку! Ўшанда тил топишишим енгил кечади. Кўзларимни чирт юмиб, жуфтимни бағримга босишга ўзимда куч топа билсан бас. Бекорга «висолга нима етсин» дейишмаган-ку! Висол қалбларни бирлаштиради, ўртадаги пардаларни йўқ қиласди...

* * *

Соат тунги иккиларга яқин меҳмонлар тарқалиб, мен кутган лаҳзалар яқинлашди. Юрагим ҳаприқиб, оҳиста биз учун ажратилган хонага кирдим.

Наргиза деразадан ташқарига тикилганча туради...

Унга яқин бориб бирмуддат иккиланиб турдим-да, елкасидан тутдим. Шу пайт Наргиза ҳудди ҳуркак оҳу каби ўзини четга олди.

Бу карашмадан мамнун бўлиб жилмайдим ва ортидан қолмай, қайта елкасига қўл юбордим. Лекин бу гал ҳам қўлларимни итқитиб ташлади.

— Тегманг менга! — деди Наргиза тўсатдан йиги аралаш. — Яқинлашманг!

— Ие, — дедим қулиб. — Нега ундаи дейсиз? Биз энди бегона змасмиз, жоним! Ё... Мен шунчалик кўркинчлимани?..

Наргиза жавоб бериш ўрнига нари кетди-да, бурчакдаги жавон устига ўтириб олди ва қўлларини олдинга чўзди.

— Келманг! Яқинлашманг! Йўқса, бақираман!

— Хўп, яқинлашмадим ҳам дейлик! Аммо токайга-ча шу тахлит ўтирамиз?..

— Керак бўлса бир умр ўтирасиз, — деди Наргиза титраб. — Менга тўғри келмайсиз, билдингизми?

— Оббо, жа опқочасиз-да! — гапни ҳазилга буришга уриндим. — Жудаям қайсар қиз экансиз!

— Ажаб бўпти! Ракларнинг ҳаммаси шунаقا бўлишади.

— Нима?.. Нима дедингиз? Рак дедингизми? У нима дегани?.. Қизиқчимисиз?

— Бу ўладиган касал дегани! — баттарроқ йифлай бошлади Наргиза. — Эшилдингизми?.. Ишонмаяпсизми?.. Ишонмаяпсизми?..

Беихтиёр қайсарлигим тутди. Бу қадар жасурлики қаердан олдим, билмайман. Наргизанинг қайсарликларига қараб ўтирмай, уни маҳкам қучиб олдим ва эгнидаги кўйлакни ечиб ташладим.

Не кўз билан кўрайки... Қаллиғимнинг бир сийнаси йўқ, ўрни қалин дока билан бойлаб ташланган, дока эса йирингга беланиб кеттанди...

Наргиза менинг бақрайишимни титроқ аралаш қузатиб тургач, бор овозда қичқириб юборди:

— Кўрдингизми? Энди ишондингизми? Ракман мен, ракман!.. Энди кетинг! Йўқолинг!.. Ҳеч кимни кўришга кўзим йўқ, йўқолинг!..

Наргизанинг бақир-чақирини эшитиб, Соҳиба опа ичкарига чолиб кирди. У бирпас каловланиб турдида, жон ҳолатда келиб синглисини қучоқлашиб олди.

— Бу нима қылганинг, ношудгинам? — сүради йиги аралаш Соҳиба опа. — Сенга минг марта айтганманку ракмассан деб! Тағин бошладингми эски ашулангни-а! Одам дегани шунчалик қайсар бўладими? Қодиржонда нима гуноҳ? Нега уни ҳалитдан қийнайсан?

— Ишонмайман ҳеч кимга! — Наргиза шундай деб опасининг бағридан сирғалиб чиқди-да, терс ўгирилди. — Мен ракман! Ўзим биламан, барибир ўламан мен!

— Бекорларнинг бештасини айтибсан! — уни уришиб ташлади Соҳиба опа. — Сенга илми-амал қилишган! Ҳаммаси ярамас София келиннинг иши. Ҳали қараб турсин, қылган ифлос ишлари ўзига қайтади, ҳал Сен кўнглингни чўқтирмал Табиб айтди-ку! Худо хоҳласа бир ойда кўрмагандай бўлиб кетасан. Душманларинг аламидан куйиб ўлади ҳали, синглим! Қани, кел, сенга қайноқ чой бераман. Кейин ётиб дам оласизлар! Юрақол!

— Йиринглар-чи, опа? — изиллаб йиғларди Наргиза. — Эзилиб тамом бўлдим-ку!

— Ие, амал қаердандир чиқиб кетиши керак-ку! Табиб ўзингга ҳаммасини айтган. Дори ича бошлаганингга ўн беш кун тўлгач, йиринг чиқа бошлайди деган. Мана, айтгани бўлди. Ё ёғонми?..

— Билмадим... — Наргиза йиглашдан тўхтаб, опасига суюнганча йўлакка чиқди.

* * *

Мен росманасига аросатда қолгандек эдим. Худди карахт кимса каби турган еримда чайқалар, на тураверишни, на йўлакка юришни билардим.

Қалбимни эса аччиқ бир афсус кемира бошлаганди. Иблис қиёфасидаги бу афсусга қарши миямда бир хаёл қўзғолон қиласарди.

— Сен нималар қилиб қўйдинг? — дерди афсус. — Тағин боши берк кўчада қолдинг. Сени боплаб алдаш-

ди. Энди хор-у зор бўласан. Кунинг касалнинг қошқовоғига қараш билан ўтадиган бўлди. Сен адойи та мом бўлган одамсан. Қарғишга қолдинг.

— Бекор гап, — унга қарши сўзларди хаёл. — Наргиза беозор ва меҳрибон. Бунинг устига гўзал, оқила қиз. Тез орада тузалади. Сен унга ишон! У билан баҳтиёр бўласан...

Шундай хаёллар исканжасида бўшашганча айвонга чиқдим. Олим ака сигарет чекаётган экан.

Мени кўриб қўлидаги сигарет қолдифини кулдонга ташлади-да, оғир хўрсинди.

— Сен хафа бўлаверма, — деди менга эҳтиёткорона боқиб. — Наргизанинг касали унақанги қўрқинчли эмас. Соҳиба опанг ҳаққа ўхшайди. Табиб айтган кундан йиринг чиқа бошлади. Демак, ҳақиқатан кимдир илми-амал қилган... Э, шўрлик қайнинглум. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса, нега бу кунга тушади?..

Олим аканинг бу сўзлари менга далда бўлгандек, иблис нари кетди. Кўнглимда жуфтимга нисбатан меҳр, ачиниш ҳисси уйғонгандек ҳушёр тортдим.

— Олим ака, мана кўрасиз, — дедим лаб тишлаб. — Ҳали ўша ярамаслар чапак чалиб қолишинди. Биз уларни енгамиз. Қилган ёмонликларига минг пушаймон бўлишинди.

— Баракалла, — елкамга қокди Олим ака. — Сен жуда ақлли, фаросатли йигит экансан. Бардам бўл, ҳаммаси олдинда. Шундай яхши кунларни кўрасизки, баҳтдан ёрилай дейсиз.

Бирпас айвонда турган бўлдим-да, Олим акага хайрли тун тилаб ичкарига қайтдим. Наргиза аллақачон тинчланган, кийимларини алмаштириб бўлиб, диванга ўрин тўшаш билан овора экан.

Юрагим тўлиб унга яқин бордим-у, маҳкам қучдим.

Наргиза бу гал қаршилик қилмади. Бирпас сукут сақлагач, кафталаримни юзларига босганча силкиниб-силкиниб йиғлай бошлади.

— Йифламанг, — дедим Наргизанинг майин сочларига юзимни босиб. — Сиз оғир касал эмассиз. Яқинда тузаласиз. Мен бунга кафилман.

— Мен оғирлашиб қолсам, ташлаб кетмайсизми? — йифламсираб күзларимга жавдираб бокди Наргиза. — Менга содиқ қоласизми?

— Албатта. Сизни зўрға топдим-у, нега ташлаб кетарканман? Фақат оғирлашиб қоламан деб мени қўрқитманг. Оғирлашмайсиз.

* * *

Орадан бир ой ўтди. Олим ака сўзида туриб мени газеталардан бирига ишга жойлаштириди.

Ҳар куни ишдан уйга шошар, Наргизанинг висоли ишқида елиб-югурадим.

Кунлар ўтгани сайин Соҳиба опанинг сўзларига ишониб борардим. Наргиза кунига бир неча марта дока алмаштиришини айтмаса, ҳеч қандай оғриқдан шикоят қиласяпти. Аксинча, мазали овқатлар пишириб, дастурхон тузаб мени кутади. Кириб келганимда қайсиdir китобни мутолаа қилаётганини кўриб кўнглим тоғдай кўтарилади.

Ҳа, мен энди ҳақиқий бахтимни топгандек эдим. Биз бир-биrimизга жуда тез кўниқдик. Тўпоричасига айтганда «аймоқи» бўлиб қолдик. Гоҳ ҳазиллашамиз, гоҳ ёлғондакам араз қилиб бир-биrimизни куйдирамиз.

Бироқ ана шундай кунларнинг бирида...

Адашмасам ярим тун эди. Даҳшатли қичқириқдан уйғониб кетдим. Қарасам, Наргиза хонанинг у бурчидан бу бурчига бориб келар, тўхтовсиз дод соларди.

— Вой, жоним! Жоним оғриб кетяпти! Энди нима қиласман? Опажон, қаердасизлар? Ёрдам беринглар! Чидолмайман!

Олдинига нима қилишни билмай гарангсиб қолдим. Нима бўлди ўзи? Наргиза нега дод-вой қиляпти?..

— Сизга нима бўлди? — жон ҳолатда хотинимга ёпишдим. — Қаерингиз оғрияпти?

— Ўл бўлди, дард бўлди! — баттар бақириб ташлади Наргиза. — Менга яқинлашмаларинг!.. Мен ўламан, ҳа, ўламан!..

— Ўзингизни босинг, — бу гапларига зътибор қилмай юпатишга уриндим. — Ундан кўра менга қаерингиз оғриётганини айтинг!.. Дорихонага чиқиб келайми?..

— Опамни чақиринг, опамни! — ҳайқирди Наргиза. — Табибини олиб келсин! Чидолмайман!

— Ҳ-ҳозир, бирпас чида б туринг, қўнғироқ қиламан! Мана, кетдим!..

Орадан ярим соатча ўтиб Соҳиба опа ўрта яшар, бошига оқ дўппи кийган эркакни эргаштирганча кириб келди.

Ичкарига кира солиб синглисини қучди.

— Ҳа, Наргиз, оғрияптими? Қани, ўтири-чи! Мана, Маҳкам акани опкелим. Ҳозир дам солиб кўйса, оғримай қолади... Ҳеч қаеринг оғримаётганди-ку!.. Ё бирор ерга урилиб кетдингми?..

— Йўқ, йўқ! — ингранди Наргиза. — Бирдан оғриқ турди. Аъзойи баданим узилиб кетгудай бўлаяпти.

— Илоё уйи куйсин ўша келиннинг! — қарғана кетди Соҳиба опа. — Сени шу кунларга солган бўлса болаларидан тортсан! Маҳкамжон, тезроқ бошлай қолинг! Юрагим ёмон бўп кетяпти.

— Хавотир олманглар! — деди эркак Наргизанинг рўпарасига чўнқайиб ўтириб. — Синглимиз ҳозир тинчланади. Ҳойнаҳой, жинлар қўзғолон қилаётган бўлса керак. Иложи бўлса, йўлакка чиқиб туринглар! Мен ўқиган пайтда ҳеч ким бўлмаслиги керак.

Биз итоат билан хонани тарк этдик.

Йўлакка чиққач, Соҳиба опага ер остидан билдирмай разм солдим. Унинг юзида хавотир аломати сезилмасди. Афтидан олиб келган табибига қаттиқ ишонар, Наргиза тез орада додлашни бас қилиб уйқуга кетишидан умидвор эди.

— Балки дўхтири чакиравмиз? — сўрадим секин Соҳиба опадан. — Қаранг, Наргиза қийналиб кетяпти!

— Нима?.. — Қайнинглим илк бор менга нафрат аралаш боқди. — Қанақа дўхтири? Эсингиз жойидами? Мени синглим касал эмас, билдингизми? Шунчадан бери қулогингизга танбур чаљимми-а? Ҳаддингизни билинг-да!

— Энди... Айтдим-қўйдим-да, — дедим бўшашиб.
— Синглингиз қийналганига...

— Ҳозир Маҳкам aka тадбирини топади.

* * *

Афсуски, табибнинг «куф-суф»лари Наргизани тинчлантира олмади. У энди ҳеч кимга қулоқ тутмас, гоҳ ошхонага, гоҳ айвонга чопиб изилларди.

Мен ҳам Наргизанинг ортидан чопардим-у, қўлимдан бир иш келмасди. Тинчлантириш, юпатишдан нарига ўтолмасдим.

Чарчадими, ниҳоят хотиним йиглашдан тўхтаб, мени маҳкам қучоқлаганча титрай бошлади. Пешонасидан совуқ тер қўйилар, танаси чўғ каби қизиб борарди.

Тоқатим тоқ бўлди. Ахир, токайгача чидаш мумкин? Наргиза деярли ўлим билан олишяпти-ку! Нега туғишиган опаси томошабин бўлиб тураверади? Инсофи борми ўзи? Олим aka-чи? У ҳам фиқ этмаяпти. Нахотки, хотинига тушунтира олмаса? Бунинг ўрнига сукут сақлашдан бўшамаяпти.

— Бас, етар! — беихтиёр бақириб юбордим мен. — Дўхтирга борамиз! Ортиқ бардошим етмайди!

Шундай деб Наргизага ёпишдим.

— Юринг, жоним! Ўзим сизни обораман! Бу кетишида ҳолдан тоясиз. Адойи тамом бўласиз!

— Нима? — шу пайт Соҳиба опа чопиб келиб билагимга чанг солди. — Ҳой қуёв, ҳаддингиздан ошманг, дедим! Синглимнинг дўхтирда қиласидиган иши йўқ. Бўлди, ҳозир оғриқ қолдирадиган укол қилиб қўяман.

Ухлайди-қолади. Қани, кириңг Олим акангизнинг ёнига!..

— Илтимос, опамнинг айтганини қилинг, — Наргиза титроқ орасида мени ўзидан нари итарди. — Опам укол қылса, оғриқлар қолади. Кейин... Кейин хонамизга кириб дам оламиз.

Олим ака табибни кузатиш учун пастга тушиб кетганди. Норози бош чайқаганча ётоққа кирдим-да, ўзимни каравотга ташладим.

* * *

Мен чалкаш хаёллаар, шубҳа-ю гумонлар қуршовида қолгандим. Қандай йўл тутишни, кимга нима дейишини билмасдим. Оғриқ қолдирувчи уколдан сўнг тинчланиб ёнимга чўзилган Наргизани маҳкам қучганча ётардим-у, қулоқларим остида унинг ҳайқириқлари, додлари, инграбиб йиглашлари жаранглар, миям косасидан чиққудек даражада қаттиқ оғрирди.

Нима қилиб қўйдим? Нега бу гал ҳам адашдим? Олим акани шу тобга қадар қаттиқ ҳурматлардим. Устоз, дея этагидан тутишга аҳд қилгандим. У-чи? Нимага билиб туриб мени ўтга ташлади? Унга нима ёмонлик қилиб эдим? Менда ўчи йўқ эди-ку!..

Умуман, нима сабабдан хаста қизни турмушга беришиди? Муддаолари нимайди ўзи?..

Бувижон, агар ҳозир ёнимда бўлсангиз, роса уришардингиз. Чунки мен фирт аҳмоқ ва овсарман. Чўкиб кетишимни биламан-у, аммо ўйламай-нетмай дарёга шўнгийман.

Мана, бугун ҳам яна бир марта алдандим. Аслида бу алданишми, тақдирми, ёки қора қисматми, билмайман. Биламан, Наргизада заррача гуноҳ йўқ. Ҳойнаҳой, хасталигини билгани учун чимилидик кўришни орзулагандир. Ҳа, у мени яхши кўради. Бир ойдан бери жуда тутув яшадик. Бир-биримизга шунчалар, ўрганиб, суюниб қолдикки, ҳар сонияда қалбимиз со-

ғинч, ҳижронни ҳис этиб туради. Лекин... Унинг касали оғирлашди. Оҳ-войларига чидай олмаяпман. Гўёки ҳаммасига мен айбдордек ўзимни чавақлаб ташлагим келаяпти, бувижон! Илми-амал деганлари шунчалик ёвқурми? Нимага келиб-келиб бизнинг баҳтимизга раҳна солади? Нима қилай? Жуфтимни бу чангандан қандай кутқарай?..

Шундай хаёллар билан аста Наргизага назар ташладим. Азоблари ариб, кўзини уйқу элтибди.

Эндинга устини кўрпа билан ёпган эдимки, хона эшиги оҳиста тақиллади.

Сакраб ўрнимдан турдим-да, бориб эшикни очдим.

Соҳиба опа экан. У бирпас нима дейишни билмай ўйланиб тургач, билагимдан тутди.

— Қодиржон, энди биз борайлик, — деди сал нарида қўлида сумка билан шай турган Олим акага ишора қилиб. — Мана, Наргизаям тинчланди. Буёғига сизларни Худога топширдик. Бирор гап бўлса, қўнғироқ қилинг. Лекин зинҳор дўхтирга чопа кўрманг! Табиб бир-икки кундан кейин яна келиб дам солади. Кўрмaganдай бўп кетади синглим. Хўпми? Тушундингиз-а?..

Гарчи эр-хотинга нисбатан қалбимда нафрат түғён ураётган бўлса-да, аранг ўзимни қўлга олиб Соҳиба опанинг сўзларини маъқулладим.

— Хавотир олманг, мен ёнидаман. Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади.

* * *

Минг афсус, табиб қанча қатнамасин, Наргизанинг аҳволи яхшилана қолмасди. Ҳар куним фарёдлардан иборат бўлиб қолганди. Бемор bemор-да!.. Инжиқликлари, дард орасида мени силтаб ташлашларига кўникмай иложим йўқ. Гоҳ дока ювишга тушиб кетар, гоҳ ўзимча Наргизани алмалашга тутинардим. Соҳиба опа эса ҳануз сўзида туриб олган. Қаерларгадир бориб янги дорилар олиб келади, мажбуrlаб уларни Наргизага ичиради. Баъзи дориларни ичгач, хотиним қайт қила-

ди, тўхтовсиз йўтала бошлайди. Мен юрагим оғригандан оғриб унга сув тутқазаман...

Хуллас, бўлганча бўлгандим. Худди тубсиз жарликда яшаётгандек, юқорига чиқишидан умидларимни узгандек ҳиссиз бир кимсага айланиб қолгандим...

Ахир, нима қилай? Бу нима касалки, ортга чекина қолмаса?.. Ким бизга кўмак бера олади? Ҳеч кимми?.. Наргиза умрининг охиригача шундай ўтадими?

Мана, тағин тонг отди. Хўроздар қичқира бошлаганда иккаламиз ҳам мудрай бошлагандик. Тун бўйи дард билан олишиб чарчаганмиз. Айниқса, Наргиза ҳолдан тойди. Шўрликнинг йиғлашга, дод солишга-да қурби етмай қолибди. Ҳозир яна касали хуруж қила-ди-ю, ҳаммаси бошидан бошланади. Йўқ, бундай яшаши мумкин эмас. Нимадир қилиш керак.

Тахмин қилганимдек, яна Наргизанинг фарёди кулоқларим остида янгради.

Қандай ўрнимдан сапчиб турганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. У хонани айланиб, саннаб йиғларди.

— Художон, тезроқ жонимни ола қолсанг-чи! Ҳаммаёғим оғриб кетаяпти, ахир! Нега Аэролингни юбора қолмайсан? Ё менда қасдинг борми? Қасдингни олиб бўлдинг. Энди мени тинчлантири!..

— Наргиза, бўлди, йиғламанг! — дея уни маҳкам қучиб олдим. — Укол қилиб қўйами? Оғриқларингиз пасанда бўларди... Айтинг, нима қилай? Бундай йиғлайверсангиз, баттар бўлади-ку!..

— Илтимос, мени дўхтирга оборинг, — деди Наргиза бирдан йиғлашдан тўхтаб. — Ортиқ бардошим етмайди. Бундан кўра ўша банисаларда ўлиб кетганим яхши.

— Опангиз...

— Э, у гапираверади. Дард тортишиб қўйяптими опам? Тезроқ бўлсангиз-чи!

— Хўп, ҳозир, кийиниб олай!

— Олдин докамни олиб чиқинг. Ҳаммаёғим расво бўлиб кетди.

Мен оёғимни қўлимга олиб ваннахонага чопдим...

— Худога шукр, — дердим ўзимга ўзим. — Фикримиз бир жойдан чиқди. Ўзиям ишонмай қўйган кўринади опасига! Ишқилиб, шундай бўлсин! Қайсарлиги тутмай турсин. Касалхонага борсак, ҳаммаси ойдинлашади. Ҳеч бўлмаса дори-пори ёзиб беришар.

* * *

Биламан, менинг фикрим, айтадиган гапларимни бир пулга олишмайди. Наргизанинг мени севишига ишонсам-да, бу хонадонда ҳам сифинди эканимни яхши англайман. Ҳозирги тутаётган ишим Соҳиба опани оёққа турғазиши, бошимга не кунлар тушиши муқаррарлигини аниқ-тиниқ ҳис этиб турибман. Аммо хотинимнинг азобда яшashi ҳаммасидан устун. Майли, мен кимларнингдир қўлида ўйинчоққа айландим. Кимлардир менга барибир паст назар билан боқади, менсимайди, керак бўлса устимга мағзава афдаради. Мен бўлсан, бош эгишга, тұхматлар, ҳақоратлар, ёғонлар остида қолган қаддимни букканча барчасига тоқат қилишга маҳкумман. Асосийси, Наргиза дардан халос бўлсин. Қаршимда илк лаҳзалардаги каби жилмайибгина турсин, рўзгор ташвишларига кўмилсин, ишқимизнинг тотли онларига тўйсин. Кўрқмайман! Дардига албатта малҳам бўламан...

Касалхона ҳовлисидан ўтишимиз билан теваракдаги беморларга кўзим тушиб алланечук бўлиб кетдим. Уларнинг бири юзи дока билан ўраб ташланган ҳолда букчайганча ногиронлар аравачасида ўтирас, чўпдек озиб кетган бошқа бир bemорни замбilda ичкарига олиб киришарди.

Йўлакдаги манзара бундан-да қўрқинчлироқ. Йиғи-сифи, бақир-чақирдан юракларим эзилиб Наргизамни қаттиқроқ кучдим.

— Энди менинг хотиним ҳам шуларга ўхшаб қоладими? — дердим хаёлан. — Анавилар каби озиб кетадими? Замбилга солиб юришадими? Йўқ, у кучли.

Наргизам бунақанги касалга чалинмагани рост. Соҳиба опанинг айтганлари тўғри бўлиб чиқсин. Худойим, ўзингдан сўрайман, шундай қилгинки, у оғир касалга чалинмаган бўлсин! Акс ҳолда кўтара олмайди. Ўзим ҳам адо бўламан...

Аксига олгандек, врач қабулига кириш ҳам осон кечмас экан. Эшик олдида ўндан зиёд бемор навбат кутиб ўтирибди.

Наргизанинг инқиллаши, елкамга суянган кўйи оғир нафас олиши бағримни эзib уни эҳтиёткорона курсига ўтқаздим.

— Ҳаммаси тугайди энди, ишонинг! — дедим кўнглини кўтариш учун атайин. — Мана курасиз, дўхтир иккаламизниям уришиб беради. «Бу ерда пишириб кўйибдими сизларга?» деб ташқарига ҳайдайди.

— Оғриқ-чи? — менга умидвор жавдираб термулди Наргиза. — Дардимни аритишмайдими?

— Нега аритишмас экан? Кучли дориларнинг ҳаммаси шуларда бўлади, жоним. Ёзib берасан деб туриб оламан. Шундай чиқиб кетармидим? Сиз дод солганингизда жоним узилиб кетай дейди. Бермай кўрсинг...

— Яхшиям сиз борсиз, — шивирлади Наргиза кўзлари ёшланиб. — Оғринмай қарайпсиз менга.

— Қизиқчимисиз? — ўзимча койинган бўлдим. — Сиз менинг бору йўғимсиз. Жонингиз оғриса, дунёга сифмай кетаман... Йўқ, келинг, ўша оғриқдан гапирмайлик. Яхшиси, ўйлайлик. Тузалганингиздан кейин биринчи қиладиган ишимиз нима бўлади?

Наргиза елка қисди.

— Ҳа, сизга янги кийимлар сотиб оламиш-да, — давом этдим мен. — Сизларникига, кейин бизнинг қишлоқча борамиз. Икковимиз велосипедда роса катайса қиласиз. Хўпми?..

Наргиза маъюс жилмайган бўлиб бош иргаб қўйди...

Шу гапларни айтишга айтдим-у, ичимни нимадир тирнаб ўтгандек энтиқдим.

Кошкийди, шу сўзларим ҳақиқатга айланса. Саробнинг лойқа сувлари қуриб битса...

* * *

Ярим соат шу қадар секин ўтгандек туюлдики, гүё шунча вақт игна устида ўтиргандек бўлдим. Ўзим эмас, Наргизанинг тўсатдан дод сола бошлишидан кўрқардим. Касалхонада бўлишимизга қарамай, бу аянчли ҳайқириқлардан юрак олдириб қўйганим сўнгги паллада кўпроқ сезиларди.

Ниҳоят бизнинг навбатимиз етиб биргаликда ичкарига кирдик. Тўрда олтмиш ёшлар атрофидаги жиккаккина врач ўтирас, ёнидаги стол қаршисида ҳамшираси нималарнидир ёзиш билан овора эди.

— Келинглар, — врач бизни очиқ чеҳра билан қарши олди ва ўтириш учун жой кўрсатди. Ўзи эса кўзойнагини тақиб Наргизанинг тепасига келди.

— Хўш, қизим, нима бўлди? — сўради мулоимлик билан. — Қаеринг оғрияпти?

Наргиза гапира оладиган аҳволда эмасди. Ўрнига мен жавоб бердим.

— Чап сийнаси, — дедим овозимни хийла пасайтириб. — Оғриқ кучайиб кетди. Қаттиқ азобланаяпти.

— Қани, кўрсат-чи! — буюрди врач. — Тортинма, мен кўришим керак.

Наргиза уяла-уяла касалланган ерини кўрсатди. Врач синчиклаб кузатган бўлди-да, ортга тисланди.

— Бўлди, сен чиқавер! Ука, сен қол! Гаплашиб олишимиз керак.

Бу гапни эшитдим-у, ичимга муз югурди. Вужудимда титроқ турди. Наргизани авайлаб йўлакка олиб чиқиб курсига ўтқазгач, кабинетга қайтиб врачга савол назари билан боқдим.

— Оғриқ қачон бошланганди? — сўради врач қовоғини уйиб.

— Бир ҳафта бўлди. Бирдан дод сола бошлади.

— Иним, адашмасам сиз беморнинг турмуш ўртотига ўхшайсиз. Шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Унда эшитинг. Хотинингиз рак бўлибди. Афусеки, касаллик сўнгги паллага кириб булган. Операция қилган тақдиримиздаям, кўтаролмайди. Энди ука, беморга бир укол ёзив бераман. Укол рўйхатда туради. Текин. Оғриқни қолдириб, ухлатади. Нимаям қиласардингиз? Борган еригача шу уколминан амаллаб турасиз-да!.. Фақат беморга чурқ этманг. Тилингизни тийинг.

Йўқ, врачнинг сўнгги сўзлари қулоғимга кирмасди. Шу қадар карактланиб қолгандимки, миям ишламас, жуссам ўзимга бўйсунмаган каби тош қотганди.

Бир неча дақиқа ичида хаёлнинг не кўчаларига кириб чиқмадим. Бўғзимга тикила бошлаган ҳайқириқ нафас олишга қўймай нуқул ҳансирардим.

Эй Яратган эгам! Аввалги шиҷоатим, журъатим, меҳрим, ҳаловатим, ҳайратим қайга ғойиб бўлди? Нега ҳеч нарсани ҳис этмаяпман? Ўзим кимман? Бу хонада нима қилиб турибман? Тошга айланган бўлсам, нима учун қулақ тушмаяпман? Кимдан мурувват изляпман ўзим?..

Дарвоқе, Наргиза қаерда? Нима сабабдан менинг олдимда эмас?.. Тўхта, у касал, ҳа, оғир хаста меҳрибоним! Унга қарашим, парваришлашим, ҳолидан ҳабар олиб туришим лозим эмасми? Нима қилиб қимир этмай турибман? Ташқарига чопсам, Наргизимни кучсам бўлмайдими? У эътиборга муҳтож. Муҳаббатимга ташна. Шошилишим керак. Маҳтал қилиб қўймаслигим зарур.

Шундай дердим-у, қимир эта олмасдим. Лабларим куруқшаб, бир врачга, бир ҳамширага жавдиардим.

— Ўзингизни қўлга олинг, ука! — Мен врачнинг турткисидан сесканиб кетдим. Шундагина тасаввурларим уйғониб, дунёни янгитдан идрок эта бошладим.

— Мана бу дори рецепті, — давом этди врач. — Келинга шунчаки оғриқ қолдирувчи дори деб айтинг. Юрагида шубхә уйғотиб қўйманг. Кейин... Йигит киши сал ўзини қўлга олади, бардам бўлади. Тушунаман, бу оғир савдо. Лекин бирдан тушкунликка тушиб кетишингиз яхши эмас. Худо билади, балки шу дори баҳона тузалиб кетар. Ажабмасийди, шундай бўлса. Омадингизни берсин!..

* * *

Бўшашганча йўлакка чиқдим. Жуда қўрқардим. Билиб-бilmай Наргизага врач айтган сирларни ошкор этиб қўйишдан чўчирдим. «Мана, ҳозир беихтиёр қовоқ уйиб ёки оғир хўрсиниб қўяман-у, у гумонсирай бошлайди. Мени сиқувга олиб ҳақиқатни айтишга мажбур этади» деган ўй миямни кемираиди.

Бундай бўлмади. Наргиза кўксига кафтини босганча беҳис ўтиради.

Менга кўзи тушиб истамайгина ўрнидан қўзғалди ва қўлтиғимга кирди.

— Ҳа, намунча узоқ қолиб кетдингиз? — сўради йўлйўлакай.

Гап оҳангода хавотир сезилмаётганига амин бўлдим. Демак, ҳеч нарса билан қизиқаётгани йўқ.

Тўхтаб, икки юзини кафтларим орасига олдим-да, зўрма зўраки жилмайдим.

— Врач жуда сергап одам экан, — дедим ичимда кўтарилиб келаётган ғалаённи аранг босиб. — Оғриқ қолдирувчи доридан қандай фойдаланишни бир соат тушунтириди ўзиям.

— Қанақа дори экан ўзи? — сўради Наргиза ҳануз синиқ овозда. — Оғриқларимни йўқ қилармикан?

— Ҳа-да, оғриқ қолдириб, сизни ухлатаркан. Мана, энди яхши бўлади.

— Рак, дегандир ҳойнаҳой? Яширмай айтаверинг!

Шундай деб Наргиза кўзларимга аламли нигоҳларини тикди. Бунга хотиржам қараб туришнинг имкони йўқ эди. Бир муддат ғўлдираб қолдим.

— Гапириң! — баттарроқ қистовга ола бошлади у.
— Нима экан? Ракми?..

Тагин мажбуран кулимсирашга мажбур бўлдим.

— Индамаётганимнинг сабабини айтайми? Ҳайрон қоласиз.

— Айтиңг! — деди Наргиза тоқатсизланиб. — Илтимос, бўла қолинг!

— Опангиз ҳақ экан. — бу гапни ўз оғзимдан суғуриб олгандек бўлдим. — Сиз рак эмассиз. Дўхтири «эскича»дан бўлиши мумкин, деди. Мана шу укол кучли экан, тузатаркан.

Наргиза аввалига индамади. Тескари ўгирилиб биринки инграпиб олгандан сўнг қайтадан менга юзланиб, эшитилар-эшитилмас ғудраниб қўйди:

— Эскичасиям жувонмарг бўлсин, илойим!

* * *

Дунёнинг мўъжизаси кўп экан. Яқиндагина одам боласи чидаб тура олмайдиган даражада ҳайқириб, дод солган Наргиза битта уколдан сўнг тинчилик қолди.

Дардан фориғ қилганимдан мамнунлиги шундоқ кўз қарашларидан сезилиб турди. Дард нари чекинган кезларда ўзича менга атаб муҳаббат ҳақида шеърлар ўқийдиган, чарчаган маҳали елкамга бош қўйганча ухлайдиган бўлди.

Унинг жони ором ола бошлаганини, қувноқ лаҳзаларга ошно бўлаетганини, майин жилмайишлари, илгаригидек ҳазиллашиб «домлажон» дея эркалашларини кўриб севинардим. Табиатан унтувчанлигим сабаблими, Наргизанинг чеҳраси очилганини кўргач, Олим акага бўлган нафратим, алданиш аламлари ёдимдан кўтарилгандек эди. Жуфтимдан айланисиб-ўргилиб, унга меҳр кўрсатиб чарчамасдим.

Шундай кунларнинг бирида квартира эшиги безовта тақиллади. Наргиза каравотда ўтирганча Навоий ғазалларини мутолаа қилас, кур-кур китобдан бошини кўтариб, менга эркаланганнамо кулиб қўярди.

Эшик тақиллаши уни бирдан ҳушёр торттириб, шоша-пиша қўлидаги китобни ёстиқ орасига беркитиди ва ўринга чўзилди.

— Илтимос, бориб эшикни очинг, — шивирлади Наргиза ранги оқаринқираб. — Опам келди. Тезроқ бўлинг!..

Мен ҳам юрагим увишиб йўлакка чиқдим-да, ташқари эшикни очдим.

Ҳақиқатан Соҳиба опа экан. Мен билан саломлашди-ю, қўлидаги пакетни қўлимга тутқазиб, Наргиза ётган хонага ўтди.

— Вой, опошмисан? — каравотнинг бир четига ўтириб синглисини қучди Соҳиба опа. — Ҳеч қаеринг оғримаяптими?

Наргиза боши билан «йўқ» ишорасини қилди ва менга сирли кўз ташлаб қўйди.

— Хайрият, табибининг куф-суфлари кор қипти, — деди Соҳиба опа менга галатомуз қараш қилган бўлиб. — Айтгандим-ку сенга! Сенга илми-амал қилган ўша пес келин. Мана, дуолар кучини кўрсатибди. Мен бугуноқ тагин чақираман ўша табиб йигитни. Бостириб-бостириб ўқитворамиз. Кўрмагандай бўп кетасан.

— Керакмас ўша табибингиз, — Наргиза менга бир кўз қисиб қўйди-да, бошини эгди. — Күёвингиздан кўймасин!

— Нима? — Соҳиба опа беихтиёр сергакланиб мен томон юзланди. — Нима бўлди ўзи? Күёвим нима каромат кўрсатди? Мундай тушунтириброқ гапирсангчи, Наргиз?

Наргиза инқиллаб ўрнидан қўзғалди ва «айтсамми, айтмасамми» дегандек бир муддат иккиланиб қолди. Бироқ Соҳиба опа ўй суришга қўядиган ҳолда эмасди.

— Нима бало? Икковларингам мум тишлиб олган-
мисизлар? Нима гап?

— Биз... Дұхтирга бордик, — деди ниҳоят Наргиза.
— Профессор зүр укол ёзиб берди.

— Нима?.. Нима дединг? Яна бир қайтар!

— Менга укол ёзиб беришди, деяпман.

Соҳиба опа бу хабарни эшишиб безовталаниб қолди.
Менга бир ўқрайиб олди-да, хонани бир неча марта аса-
бий айланиб чиққан бўлиб, яна мен томон ўтирилди.

— Раҳмат, сизга, куёв, минг раҳмат! — дея бақирди
киноя аралаш. — Синглимни олиб бердим, тўйингиз-
ни ўтказиб бердим, кўчада қолдирмадим. Бу менга
бидирган ташаккурингиз-да-а? «Сенам одаммидинг»
деганингизда-а бу?..

— М-мен нима қилдим? — елка қисдим гарчи қай-
нисинглимнинг миннатлари юрагимга тифдек санчил-
ган бўлса-да, ўзимни босиб. — Мен... Синглингизни
оғриқлардан халос қилдим, холос.

— Синглим ракма-ас! — энди бор овозда қичқирди
Соҳиба опа. — Эшияпсизми, ракма-ас!.. Нимага
дўхтирма дўхтири судрайсиз уни?

— Опа, куёвингизда айб йўқ, — орага тушди Нар-
гиза ўтирган ерида. — Нимага уни уришяпсиз? Мен
ильтимос қилдим дўхтирга оборинг деб!

— Ҳали...

Соҳиба опани кутиммаганда титроқ тутди. Ранги
бўзариб, нима қилишни билмай қолди. Гоҳ синглиси-
га, гоҳ менга нафрат аралаш нигоҳ ташлади. Ўзини
хотиржам тутишга куч топа олмай, бошини чангала-
ганча полга ўтириб қолди.

Шу аҳволда бир неча дақиқа сукут сақлагач, даст
ўрнидан туриб қўлига рўмолини илди ва сўнгги бор
иккаламизга ғазабнок тикилиб туриб, «Бу кунингдан
баттар бўлларинг», дея аламли шивирлади-ю, йўлакка
чопди.

Афсуски, қайнинглимнинг бу қилифи Наргизага
оғир ботганди. Анча вақтгача ўксиниб йиғлади. Қанча

юпатишга уринмай, фойдаси бўлмади. Кўл чўздим дегунча мени силтаб ташлаб йифлайверди. Шу орада дорининг кучи кетдими, йиги дод-войга уланди. Энди зудлик билан навбатдаги уколни қилмасам бўлмасди.

* * *

Орадан икки ой вақт ўтди. Борган сари укол таъсири суистлашиб борар, поликлиникадан дори ташиб улгурмасдим.

Соҳиба опа ҳам ўз билганидан қолмади. Икки ой ичидаги ҳар ҳафта турли табибларни етаклаб келиб, дам солдирауверди. Лекин фойдаси сезилмасди. Наргиза ҳолдан тойди. Ранги оқаринқираб, бўлар-бўлмасга инжиқланадиган, оғриқлар бошланганда ҳеч кимни яқинига йўлатмайдиган бўлиб қолди.

Квартира унинг опа-сингиллари, жиянлари билан тўлганди. Қайсиdir бири Наргиза ёқтирган овқатни пишириб, оғзига тутишга уринар, кимдир кир ювиш, хоналарни супур-сидир қилиш билан банд эди.

Сезишарди. Наргизанинг аҳволи, қисмати барчаларини ҳушёр торттириб бўлганди. Ҳадеганда ўзаро пи-чирип-пи-чирип ҳам қилиб олишарди.

Кунларнинг бирида ана шундай пи-чирилардан бири қулоғимга чалинди-ю, жоним қақшаб кетди...

Ўша куни Наргиза одатдагидан қаттироқ қичқириб йифлай бошлади. Ҳаммамиз оёққа турдик. Кимдир уни қучиб овутишга уринди, яна кимдир янги дока қидиришга тушди.

Наргиза эса опаларининг ёлворишлирига қулоқ осмасди. Куйиб-пишиб йифлаганча хонани айланарди.

Уйдаги бақир-чакирлар худди азага ўхшарди. Ҳеч ким бир-бирига эътибор қилмас, қандай бўлмасин Наргизани тинчлантириш пайида эди.

Хайрият, бир соатча ўтиб Наргиза чарчадими, ё оғриқлар пасанда бўлдими, бўшашган кўйи каравотга ёнбошлади-да, пинакка кетди.

Шундан кейингина күзларим мошдек очилиб, хотиржам тортдим ва «Энди нима қиласиз, дегандек Соҳиба опага бокдим.

— Жонимгаям тегиб кетди! — деди Соҳиба опа терс ўгирилиб. — Қачон ўларкин шу? Шунча одамни қийнашига бало борми?

Бу гапни эшитиб тургани еримда тош қотдим. Кутмагандим. Ахир... Опаси... Туғишган опасининг қандай тили борди? Нега ундей деди? Боягина меҳрибончилик қилиб ётганди-ку! Кўзига ёш олганини ўзим кўрдим-ку! Ёлғонмиди?

Шу кунга қадар қанча кўргиликлар бошимга тушган бўлса-да, бугунчалик азобда, аросатда қолмагандим.

Бошимга бирон гурзи билан ургандек тарс ёрилаётди. Хаёлларим, тасавурларим чалкашди. Лабларим қуруқшаб, билинар-билинмас тамшана бошлаганимни ҳис этдим.

Тўғри, мен бу гал ҳам алдандим. Алдансан-да, Наргизадан ёмонлик кўрмадим-ку! У қурби етганича менга меҳрини бағишилади. Озми-кўпми менга ёстиқдош бўлди. Унга нисбатан қалбимда илиқдик туйдим. Кечгача кўрмасам, соғинадиган, хавотирланадиган бўлдим. Кўзларимиз, нигоҳларимиз тўқнаш келганда хотиржам тортдим. У пиширган мазали овқатларни мақтаб-мақтаб тановул қилдим. Унга нечталаб шеърлар бағишиладим. Шеърларимни ўқиб кўзига ёш тўлганда қўшилиб ийғладим. Узундан узун кечаларда бир-биримизга суюнчиқ бўлдик. Бир-биримизга ҳеч қачон хиёнат қиласлийка сўз бердик. Биз ана шундай тотли лаҳзаларни биргаликда кечирдик.

Йўқ, мен бундай ҳақоратни кўтара олмасдим. Наргизага ўлим тилашларига чидаб туролмасдим.

— Сиз қанақа жигарсиз, опа! — дедим разабимни жиловлай олмай. — Одам ўз синглисига ўлим тилайдими ҳеч замонда? Виждонингиз борми?

Соҳиба опа кутилмаган муомаламни эшишиб турган ерида қотиб қолди. Ранги бўзарип, лаблари асабий титради. Пешонасида маржон терлар пайдо бўлди. Бир менга, бир ёнидаги сингиллари, сал нарида турган Олим акага жавдиради. Сўнгра овозининг борича қичқирди:

— Мен унақа деганим йў-ўқ!.. Синглимни ўлсин деганим йў-ўқ! Йўқо-ол сигинди, йўқол! Уйни бўшатиб қўй!

Шубҳасиз, сингиллар ҳам айни чогда менга нафратли нигоҳ ташлашар, баъзилари «ким бўлибсанки, бақирасан?» дегандек лаб буриб қўйишарди.

Фақат Олим акагина хотинига яқин келиб нари тортган бўлди.

— Бу нима қилганинг, Соҳиба? Күёвгаям шунақа муомала қиласидими? Тинчлан! Ўзимиз гаплашволамиз! Қани, айвонга чиқ-чи! Юрақол!

Соҳиба опа кичик синглиси Сарвиноз билан бирга айвонга чиқиб кетгач, Олим aka мени ташқарига етаклади.

— Қодирбой, юринг, бир шамоллаб келайлик!

* * *

Ташқари жуда салқин бўлишига қарамай, биз йўлак рўпарасидаги ўриндиққа чўқдик. Олим aka дарров уф тортганча чўнтағидан сигарет чиқариб тутатди. Афтидан гапни нимадан бошлишни билмай ҳалак эди. Сукутга толган кўйи бир неча дақиқа ўтириб қолдик.

Олим aka сигаретини чекиб бўлгач, ниҳоят бошини кўтартмаган ҳолда сўз бошлади.

— Ука, Соҳиба опангдан хафа бўлма, — деди у. — Феъли шунақа. Тутган еридан кессам дейди. Аёллар шунақа бўлади-да энди! Нимаям қиласардик. Чидаймиз.

— Йўқ, мен бундай ҳақоратга чидай олмайман, — дедим қатъийлик билан. — Туғишган синглисигаям ўлим тилайдими? Ақл-фаросати жойидами ўзи?..

Тұғри, мен у кишининг наздидә ҳеч киммасдирман. Лекин бу гални эшитиб күксимга пичоқ санчилгандек бўлди.. Майли, кетиш керак экан, кетавераман. Кўрқадиган еrim йўқ.

— Бекорларни айтибсан, — жеркиб берди Олим ака. — Сал ўзингни босвол-да, ука! Оила қуриш осон ишмас. Ўнқир-чўнқир йўллари бўлади, керак бўлса жарликларга дуч келасан. Шулардан ўта олсанг, ўшандагина ҳақиқий бахтга эришасан. Ўйлайсанки, менга енгил кечаяптими? Ҳечам-да! Соҳиба опангнинг феъл-атворига илонлар пўст ташлайди. Ҳали сен мингдан бириниям кўрганинг йўқ. Аммо шу аёл билан йигирма йилдан бери яшаб келаяпман. Ўлиб қолмадим-ку!

— Мен сиз эмасман, Олим ака. Шундоғам ҳаётда кўп аламлар тортдим. Буям майлийди, бўлиб ўтган ишларни юзимга солишлари ўтиб тушди. Қўйинг, Наргизага тинчлик керак ҳозир. Мени деб баттар азобланмасин. Яхшиси, кета қолай. Соҳиба опа шуни хоҳлаяпти.

Шу пайт юқори қаватдаги деразаларади бири шарақлаб очилиб, Наргизанинг ингранган товуши янгради.

— Қодир ака! Қаердасиз? Киринг уйга! Мен ёмон бўляпман! Киринг тезроқ! Ўлиб қоламан ҳозир! Ҳеч бўлмаса ўлигимни кўриб қолинг! Киринг!

Бу товуш, дардли оҳанг борлиғимни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Суюкли инсондан айрилиш, ғазаб, меҳр, алам... Ҳаммаси бир зумда қоришиб кетди.

Қандай ўрнимдан сакраб турганимни, юқори қаватга чопганимни билмай қолдим...

Эҳ, Наргиза, мени нималар қилиб кўйдинг? Овозингни эшиздим дегунча дунёни унутиб кўймоқдаман. Алданиш-у, турфа ҳақоратларга кўз юмиб хузурингга талпина бошладим. Бу қандай қудрат ўзи? Сендан ростакамига айрилиб қолсам, нима қиларканман? Қандай аҳволга тушарканман? Тириклигим, тўрт му-

чам соғлири, шукроналикка йўғрилган туйгулар мени юпата олармикан? Йўқ, сендан айрилиш дўзахдан баттар кечади. Дунёда мени тик оёқда ушлаб турган ёлғиз ўзингсан. Кошкийди, мўъжиза юз берса-ю, дардларинг бир неча дақиқа ичида ариб битса. Барча тортган азобларимиз оддий бир тушга айланиб қолса. Қанийди, қанийди...

* * *

Мана, йил айланиб тагин баҳор юз кўрсатди. Квартира деразасигача эгилиб тушган улкан дараҳт ҳам куртак ёзиб, теварак қалдирғочларнинг чуғур-чуғурига тўлди. Очик ойнадан баҳор нафаси уфуриб, хоналарни чулғади. Бироқ буларнинг ҳеч бири кўнглимга сирмайди. Наргиза тобора оғирлашиб боряпти. Дори ҳам кейинги кунларда таъсир қилмаётгандек. Уколдан сўнг беш дақиқа тинчланган бўлади-ю, қайтадан инграй бошлайди. Иштаҳаси ҳам вақт ўтган сари йўқолиб боряпти. Тез-тез сув сўрайди. Чўпдек озиб кетди бечорагинам.

Мен хона деразаларини маҳкам ёпдим-да, Наргиза томон ўгирилдим. У каравотда чўнқайиб ўтирганча пинакка кетганди. Ҳа, кейинги кунларда фақат ўтириб ухлайдиган одат чиқарди. Ётса, бадани симиллаб оғирмиш.

Секин каравотга яқинлашиб тепасига энгашдим. Эсиз, яқиндагина юzlари тўлишган, икки ёноғи қипқизил эди. Озиб, лунжи ҳам осилиб тушаёзибди.

Наҳотки, унинг сўниб бораётганини энди сезган бўлсам?.. Қандай даҳшат? Шу кунга қадар рўймол ўраб юргани сабабми, пайқамаган эканман. Бугун бош яланг ҳолда кўрдим-у, кўрқиб кетдим. Кеча ҳам шундайми? Ё бирдан бошландими? Бошини яра босибди. Сочлари тўқилиб туша бошлабди.

Шу пайтгача кўзим қаёқдайди? Нега бирор марта бўлсин рўмолини ечиб кўрмадим? Ахир, бирор малҳам суриш керак-ку! Ўзи қандай чидаётган экан?

Даст ўрнимдан турдим-у, йўлакка чиқдим. Соҳиба опа супур-сиdir қилаётган экан. Менга кўзи тушиб лаб буриб олган бўлди-да, супуришда давом этди.

Нима қилсан бўлади? Қайдан топай ўша малҳами? Топганимдаям ёрдами тегадими-йўқми? Тўхта, дўхтири нима деганди? Узогимиинан олти ой яшайди деганди. Энди нима бўлади? Наргиза ростдан ўлиб қоладими?

Юрак ютиб Соҳиба опага айтмоқчи бўлдим. Бир неча марта сўз бошлишга чоғландим. Барибир удда-сидан чиқа олмадим. Биламан, бу аёл ўшандан бери менга орқа ўгириб юрибди. Саломимга ҳам жони чиқ-кудек зўрга алик олади. Агар ҳозир нимадир десам бобиллаб беришдан ҳам тоймаса керак. Яхшиси, тилимни тияман-у, ортимга қайтаман.

Тўғри қилган эканман. Наргиза уйғонибди. Ёнига ўтиридим-да, елкасидан эҳтиёткорона кучдим.

— Йў-ўқ, — шивирлаб қўлимни елкасидан олиб ташлашга тутинди у. — Оғриб кетяпти. Сочларимгаям қўл теккиза олмаяпман. Ҳаммаёғимни яра босди.

— Нега шивирляяпсиз? — сўрадим баттар хавотирим ортиб. — Сизга нима бўлди?

— Мен... Тушимда бобомни кўрдим, — яна шивирлаб қўзларимга қўрқув аралаш боқди Наргиза. — Эшитяпсизми? Бобом тепамда айланяпти. Ана, ҳозир ҳам рўпарамда турибди. Қўлимдан тортқилаяпти. Мени олиб кетгиси келаяпти. Кўряпсизми сизам?

— Бу нима деганингиз? — унинг икки елкасидан маҳкам тутиб ўзимга қаратдим. — Кўрқитманг унақа! Қанақа бобо? Ҳеч ким йўқ хонада!

— Сиз кўрмаяпсиз-да, — янада секинроқ пичирлади Наргиза. — Мен аниқ қўриб турибман. Фақат-чи, опамга айтманг! У билмасин, ҳўпми? Биласиз-ку, қизғанчиқ! Бобомни менга тескари қилиб қўйишданам тоймайди у.

Шундай деб Наргиза қайтадан ёстиқча ёнбошлади ва кўзларини юмиб олди.

Йўқ, бундай қараб тура олмайман. Опасига айтишм керак. Шошилишим зарур, шошилишим.

Таваккал ўрнимдан туриб йўлакка чиқдим ва ошхонада идиш ювишга тушиб кеттан Соҳиба опага яқинлашдим.

— Опа, Наргиза алаҳлай бошлади, — дедим ётоқقا ишора қилиб. — Бобом ёнимга келди, рўпарамда турибди, деяпти.

Соҳиба опа бу гапимни эшитгани ҳамоно ётоқقا чопиб кириб мудрай бошлаган Наргизани силтай кетди.

— Ҳой, Наргиз, бу нима қилганинг, сингилжон? Қанақа бобо? Эсингни еганмисан? Кўзингни очсангчи, очақол!

Йўқ, Наргиза шу тобда ўлим билан олишарди. Унинг кур-кур титраб қўяётган озғин жуссасига боқиб беихтиёр бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлди. Қандайдир ёввойи куч мени ортга тисланишга мажбур этди. Танамни тер босди. Кўзларимдан дувиллаб ёш оқа бошлади.

Наргиза эса жон талвасасида титроқ аралаш ўрнидан қўзғалишга уринди. Кучи етмагач, қўлларини олдинга чўзиб мени чорлай бошлади.

— К-келинг! Мени бағ-грингизга босинг, Қ-қодир ака!..

Ҳалитдан дод-вой қилишга тушган қайнисингилларимни нари сурдим-да, жон ҳолатда Наргизани қучоғимга олдим.

Жуфтимнинг оёқ-қўллари музлай бошлаганди. Оғир-оғир нафас олар, ҳар гал хўрсишиб-хўрсишиб қўярди.

— Нималар бўляпти, Наргиза? — дея ҳайқирдим мен. — Нега мени қўрқитяпсиз? Сизсиз нима қиламан?

Афсуски, бу фарёдимга жавоб ололмадим. Наргиза нималардир дея алаҳлай-алаҳлай бошимни, юзларимни силашга тутинди. Аммо улгурмади. Бирдан титтрашдан тўхтади-ю, жимиб қолди.

— Йў-ўқ!.. Наргиза-ал.. Ундаи қилманг!..
— Нарги-з!.. Сингилжо-он!
Бизларнинг оҳ-фарёдимиз ҳаммаёқни тутиб кетди.
Ха, бир неча ой бўлса-да, меҳрини бағишлиған ин-
сон жон таслим қилиб бўлганди.

... Қабристон сув қуйгандек жимжит. Наргизани дағн қилганимиздан сўнг ҳамма ортга қайтди. Мен бўлсам кетишни ўзимга раво кўрмадим. Худди мен-
сиз суюклигим қабристонда ёлғизланиб қоладигандек,
мендан ранжийдигандек туюлаверди.

Сезиб турибман. Наргизанинг руҳи шу атрофда,
менга жуда яқин жойда беркиниб турибди. Ҳар бир
ҳаракатимни, сўзлаган сўзимни кузатяпти. У ҳам
мендан воз кечага олмаётганини чуқур ҳис этяпман.
Демак, қабр тепасидан кетмайман. Ўзини кўрма-
сан-да, гаплашавераман, дардлашавераман. Уму-
ман, энди кимга керакман? Менга яқин бўлган аёл
бу дунёни тарк этди. Ҳаётлигига тортган азоблар-
дан халос бўлиб жони, жасади тинчланди. Энди унга
фақат менинг ширин сўзларим, эркалашларим,
қабр тепасида ўтириб кун ўтказишларимгина ке-
рак. Энди Наргиза одингидек оҳ чекмайди. Хотир-
жам сўзлаша олади. Мени сира оғринмасдан тинг-
лай билади.

Шу маҳал жуда таниш товуш жаранглағандек
бўлди.

— Қодир ака, қалайсиз?..

Мен сесканиб бошимни қўтардим-да, атрофга алан-
гладим. Ҳеч зор йўқ.

Товуш яна такрорланди:

— Қодир ака, омонмисиз?

Шундагина англадим. Бу Наргизанинг овози эди.
Ер остидан шу қадар кучли жаранглағадики, гўё бутун
қабристонни тутиб кетгандек бўлди.

Ранги қутим учиб оддинига ура солиб қочдим.

Чамаси йигирма-үттиз қадам нарига етгач, таққа түхтадим. Қадрдон овоз сөхри мени кетишга қўймасди.

Юрагим орзиқиб, кўркунни-да унутдим. Ҳатто бу маскан абадият майдони экани ҳам ёдимдан чиқди.

Наргизамни кўриш, овозини эшитиш иштиёқи кучли келиб эҳтиёткорлик билан орқамга қайтдим.

Қабрга яқин келганим заҳоти тағин ўша товуш қулоқларим остида жаранглади.

— Зерикмаяпсизми?

Очиғи, гангид қолдим. Наргизанинг қаердан туриб гапираётгани маълум эмасди. Овози қаердандир самолардан келаётгандек бўларди.

— Меҳрибоним, қайдасиз? — ҳайқирдим қабрни айланиб чопиб. — Айтинг, қаердасиз ўзи? Мен сизни соғиниб кетяпман! Юзингизни кўргим келяпти!

— Мана, мен шундоқ яқинингиздаман, — деди Наргиза кулиб. — Ҳов анави чинорни кўраяпсизми?

— Ҳ-ҳа, кўрдим! — қичқирдим ўша чинор томон югуриб. — Қанисиз? Йўқсиз-ку!..

Жавоб ўрнига Наргизанинг шўх-шодон қулгиси қабристонни тутди.

— Менинг ҳеч қаерим оғримаяпти! — энди Наргиза кулги аралаш шивирлади. Лекин шивирлаш ҳам шундоқ қулоқларим остида аниқ-тиниқ эшитиларди. — Эшияпсизми? Мен энди касал эмасман. Кайфиятим ҳам аъло!

— Нега унда сизни кўра олмаяпман, азизам? Нашотки, яна мени қийнашни хоҳлаётган бўлсангиз?

— Сиз ҳеч нарсани ўйламанг. Буёғига азобда бўлмайсиз. Ҳали жудаям баҳтли бўласиз.

— Менга сизсиз баҳтнинг кераги йўқ. Ҳа, керакмас ҳеч нарса!

— Бўпти, келинг беркинмачоқ ўйнаймиз! — деди Наргиза. — Эсингиздами, уйимизда тез-тез ўйнардик. Мен шкаф орқасига ўтиб олсам тополмай роса хуноб бўлардингиз? Шу ўйинни ўйнасак, кайфиятингиз кўтарилади. Ўйнаймизми?

— Хүп, — дедим телбаларча жавдираб. — Ўйнайман. Сиз кетиб қолмасангиз бас.

— Қани, унда бошладик! Хүш, мен қаердаман? Топинг-чи!..

Мен бошқа бир чинор тарафга қараб югурдим. Лекин Наргиза йўқ эди.

Бу гал у ўттиз қадамча наридаги айвонча томондан овоз берди.

— Ку-ку! Мен буёқдаман!

* * *

Шу кўйи ярим соатча итдек ҳакимлаб чопдим. Наргизани топа олмадим.

Нафсиlamрини айтганда, уни топа олмаслигимни ҳис этиб туардим. Шундай бўлса-да, елиб-югурап, ҳар сафар қўнғироқдек овозини эшигтганимда сархуш бўлардим.

Бир пайт қадрдан овоз умуман эшигтилмай қолди. Ваҳимага тушиб баттарроқ ела бошладим.

Наргизани йўқотиб қўйишдан шу қадар қаттиқ кўрқдимки, бир гектар келадиган қабристонни бир неча марта айланиб чиқиб уни қидирдим.

Энди қабр ичидан бўғриққан товуш эътиборимни тортиб тиз чўкдим.

— Қодир ака, мени топинг!

— У ерда нима қиляпсиз? — телбаларча бақирдим.

— Нафасингиз қайтиб кетади-ку! Чиқа қолинг ташқарига!

— Чиқмайман! Чиқмайман! — хандон отиб кулди Наргиза. — Ажаб бўпти! Ажаб бўпти!

— Илтимос, мени зор қилманг! — юзимни қабрга босганча йиғлагудек ёлворардим. — Биласиз-ку, сизни бир дақиқа кўрмасам, тамом бўламан!

— Хўп, сиз айтганча бўла қолсин! — тағин кулди у.

Аммо овоз бу сафар шундоқ орқамда жаранглади. Мен жон ҳолатда ўрнимдан туриб товуш келган томонга қарадим.

Ҳеч ким йўқ. Лекин Наргиза сўзлашда давом этарди.

— Чарчадингизми? Бўлди, энди дам олинг! Мениям кетар вақтим бўлди, шекиlli.

— Қаёқقا? Нега кетасиз? Энди ҳеч қачон овозингизни эшита олмайманми?

— Эшитасиз. Қачон соғинсангиз, чин юракдан чақиринг! Дарров етиб бораман. Фақат-чи, ҳеч кимга билдириманг! Илтимос, хайрлашишдан олдин юзимни силаб кўйинг!

— Қ-қанақасига? — бир оз довдираб атрофимга алангладим. — Сиз... Йўқсиз-ку!

— Қўлингизни олдинга чўзиб худди юзимни силаётгандек ҳаракат содир этинг! Мен албатта ҳис қиламан.

Афсуски, улгурмадим. Қўлларимни олдинга кўтаришим билан айвонча томондан келаётган Олим aka ва ёнидаги икки қайнимга кўзим тушди.

Улар жадал юриб келишар, мендан кўз узишмасди.

Олдинига таққа тўхтаб, негадир қочиб қолмоқчи бўлдим. Бироқ тезда бу фикримдан қайтиб, мен ҳам уларга пешвоз чиқиш илинжида олдинга интилдим...

Юрагимнинг аллақаерида оғриқ турганини, кўнглим ағдарилиб, бошим гир-гир айланашётганини ҳис этдим. Танамни муздек тер қоплади. Шу орада Наргизанинг «Қодир aka-a-a!» деган қичқириғи қулоғимга чалинди.

Аммо ортга ўгирилишга курбим етмади. Наргизамнинг қабри ёнига юзтубан йиқилдим ва ҳушимдан кетдим.

* * *

Кўзимни очганимда, квартирадаги каравотда ётар, тепамда қайним, Олим aka ва Соҳиба опалар хомуш ўтиришшарди.

Ҳануз ҳеч нарсани идрок этмасдим. Қулоқларим остида Наргизанинг сўнгги ҳайқириғи янгарди.

Секин ўрнимдан туриб ўтиридим-да, атрофга алангладим.

— Ҳа, ука, тузукмисан? — ҳавотир аралаш сўради Олим ака икки елкамдан маҳкам сиқиб. — Нима бўлди? Кимни излаяпсан?

— Наргиза! — дедим хириллаб. — Наргиза мени чақирганди. У шу ерда бўлиши керак.

— Йўқ, сен қаттиқ асабийлашганинг учун шундай туюлган, — мени юпатди Олим ака. — Наргизани қабрга қўйиб келдик-ку, ука!

— Биламан. У билан гаплашдим, нега ишонмайсизлар? Иккаламиз бекинмачоқ ўйнадик. Анча гаплашиб ўтириджик... Наргизамнинг ҳеч қаери оғримаяпти экан. Жони тинчланиб, ўзини жуда яхши ҳис эта бошлабди. Ўзи айтди.

— Хайрият, — пиқиллаб йиглаганча гапга аралашди Соҳиба опа. — Ҳеч курса, ўлгандан кейин ором олётган экан. Ишқилиб рост бўлсин!

Олим ака хотинининг бу гапидан сўнг унга бир ўқрайди. Аммо қайнимга сездирмай, зўрма-зўраки жилмайиб курсида турган пиёладаги чойни қўлига олди.

* * *

Ҳаш-паш дегунча орадан бир ой вақт ўтиб, Наргизанинг маросимлари ҳам тугади. Уйдан фотиҳачиларнинг қадами ариди.

Мен кундан-кун тушкунликка туша бошлагандим. Айниқса, қоронги тунлари бирдан уйқум қочар, мархумамни қўмсар эдим. У билан қайта тиллашгим келарди, лекин яқинларидан андиша қилиб, дилимдагини тилимга кўчира олмасдим. Қолаверса, мени кейинги ҳаётим ҳандай кечиши изтиробга соларди. Ишдан ҳам кўнглим совиган, йўлигагина қатнар, ишхонамнинг остонасидан ҳатладим дегунча ортга қайтгим келаверарди.

Охири бўлмади. Ичимдагини Олим акага тўкиб солдим.

— Ака, энди мен кетсам, — дедим қовоғимни уйиб.
— Мана, Наргиза ҳам йўқ. Буёғига ҳаётимни йўлга
кўймасам бўлмайди, шекилли.

— Бекорларни айтибсан, — уришиб берди Олим
ака. — Ҳеч қаерга кетмайсан. Мана шу уйда яшайве-
расан. Бизга бегона эмассан-ку!

— Ундай қила олмайман. Бу уй менга фақат Нарги-
зани эслатади. Азобланяпман. Унутишим керак. Чал-
фишим зарур.

Олим ака бу гапимдан кейин пича ўйланиб қолган
бўлди. Ора-сирада залга қамалиб олган кўйи қайси-
дир қўшни билан гаплашаётган Соҳиба опа тарафга
алам аралаш қараб қўйди. Сўнгра қаддини ростлаб
менга аянчли бокди.

— Бир жиҳатдан сен ҳақсан. Бир-бирингизга қаттиқ
ўрганиб қолгандингиз. Сал бўлмаса ақддан озай де-
динг... Эҳ, сени қийнаб қўйдим-да, Қодиржон. қий-
наб қўйдим!.. Фақат... Мени кечиргин! Ахир, қайнинг-
лимнинг ўлиб қолишини қайдан билибман? Бахтли
бўлсаларинг, бола-чақа орттирсаларинг, савоб бўлар-
миди девдим-да! Майли, ўзинг биласан. Ажабмас,
ўзингга муносиб қизни учратсанг. Лекин ҳайитда,
Наргизанинг йил маросимида албатта келгин. Келмай
қолсанг, опа-сингиллари ранжишади.

— Хўп, — дедим секин ўрнимдан қўзғалиб. — Мен-
дан хавотир олманг. Бир танишим бор. Ҳов ўша ўзин-
гиз қидириб борган Вания амаки. Ўшаникида вақтин-
ча бўлсаям ижарада тура тураман. Кейин бир гап
бўлар.

— Қани, унда, ука, бир ачомлашиб хайрлашайлик!

Олим ака билан қучоқлашиб хайрлашдик. Шундан
сўнг апил-тапил нарсаларимни йиғиштиридим-да, таш-
қарига отилдим.

Соҳиба опа билан хайрлашишни хоҳламадим. Шу
тобда у кўзимга худди илон каби совуқ кўринарди.

Катта күчага чиққанимдан сүнг фикрим ўзгарди. Ишдан воз кечишга қарор қилдим. Ваня амакиники-га ҳам боргим келмади.

— Қишлоғимга бораман, — дедим ўзимга ўзим. — Ўзим юрган, болалигимда чангитиб юрган күчаларни соғиндим. Мириқиб томоша қиласман. Баҳонада бувижонимни кўраман. Асосийси, ёлғиз қоласман. Чин дилдан Наргизамни чақираман. Суҳбатлашамиз, ўзи айтганидек юзларини силайман. Кўнглум таскин топади. Кейин пешонамдагини кўрарман. Ўлмасам бир кунимни кўраман-да! Э, ўлсам ҳам розийдим. Тезроқ Наргиза билан топишардим... Йўқ, нималар деб валидираяпман ўзим? Худога ширк келтираяпман-ку! Одамзот пешонасига ёзилган умрни кечирмасдан ҳеч қаёққа кета олмайди... Яхшиси, яхшироқ даромад келадиган иш топаман. Балки Ваня амакидан бирор жўяли маслаҳат чиқиб қолар. Ҳар ҳолда шаҳарлик. Йўл-йўриқ кўрсатиб юборса, ўёғини уddaлаб кетармидим...

Шундай хаёллар билан чўнтағимдаги пулларни чамаладим. Бемалол бориб келсам бўларкан. Таваккал автобусга ўтиридим-да, йўлга чиқдим...

Водийга қатнайдиган машина ўқдек учиб борарди. Ёнимда икки кекса одам мудраб ўтирибди. Ҳайдовчи эса ёқимли мусиқани варанглаттан. Куй оҳангига чайқала-чайқала, аҳён-аҳёнда қўшиққа жўр бўлиб ҳам кўярди.

Беихтиёр кўз ўнгимда она қишлоқ гавдаланди. Чанг күчаларда ёмғир ёғса, юриб бўлмасди. Оёқ лойга ботарди. Болалигимда шунга қараб ўтирмай, ариқ сувига бувижоним ёпган иссиқ нон бўлагини оқизардим. Кейин ўн-ўн беш метр нарига бориб нонни сувдан кўтариб олардим-да, иштаҳа билан ердим. Таъми ҳам ажабтовур эди у ноннинг.

Зериксам, икки ёни көнг далалардан иборат зовур бүйига чиқардим. Бу ер жуда сокин эди. Зовур суви остидан таралаётган қурбақаларнинг қурилмашини эшити-иб пинакка кетардим. Шу кўйи тўйгунча ухлардим...

Эсиз, ўша дамлар аллақачон ортда қолди. Улғайганимдан кейинги ҳаётим эса заҳру заққумга айланди. Афсус...

Бир маҳал таниш овозни эшиздим ва дарров сергак тортдим.

— Қодир ака, мен келдим!..

Ха, бу Наргиза!.. Худди ўзи! Наҳотки орқамдан қувлаб келган бўлса? Қандай етиб олди менга?.. Ҳа-я, рухлар учиб юради дейишади-ку! Етиб олиш уларга чўтмиди.

— Жоним, ростдан ўзингизмисиз? — бор овозда бақириб юбордим.

Қичқириғимдан ёнимдаги иккала чол ҳам баравар сакраб тушибди. Улардан бири мен томон юзланиб қўл силтади.

— Секинроқ бақир-э, бола! Одамнинг ўтакасини ёриб юбораёздинг-ку!

— Ўзи нимага бақирди бу? — ёнидаги чол савол назари билан ҳамроҳига бокди. — Жинни-пинними?..

— Сан анақароқ, шекилли, — деди униси. — Йўқса, ўтириб-ўтириб бирдан бақирмасди. Жин чалганми нима бало? Вей, йигит, уйга боргандан кейин ўзингни ўқитиб юборгин! Эсингдан чиқмасин! Жинлар ёмон бўлади, ҳа!

— Ким билсин? Балки ёмон туш кўргандир?

Мен уларнинг гап-сўзларига, танбеҳларига эътибор қиласидиган аҳволда эмасдим. Вужудим кулоқقا айланган, Наргиза билан суҳбатлашишга тушиб кетгандим.

— Мен қишлоқقا кетяпман, — дедим Наргизага. — Уйингизда ортиқ қололмасдим. Қайси хонага кирсам, сизни эслатаверади, қийналавераман.

— Түғри қилибсиз, — кулги аралаш сүз қотди Наргиза. — Менсиз уйда нима бор сизга? Ундан күра баҳтингизни изланг. Сизни ёлғиз күриш мен учун азоб, азизим. Илойим тинч бўлинг!

— Тўхтанг! Шошманг! — янада қаттиқроқ бақириб машина ойнасидан ташқарига мўраладим. — Ахир, биз...

— Э, бўлди-да! — бобиллаб берди ёнимдаги чол. — Кимминан гаплашаяпсан ўзи?

— Телефонда гаплашайпман! Нима дейсиз? — мен ҳам бўш келмай чолга ўшқирдим. — Гапингиз борми?

— Тилпонинг йўқ-ку! Ёлғон гапирма!

— Чўнтағимда! — дедим-да, тескари ўгирилиб тағин Наргизага сўз қотдим. — Кетманг, гўзалим, кетманг!

— Бас, кўп гаплашиб юбордик, — деди Наргиза маъюсланиб. — Энди қишлоққа борганингиздан кейин суҳбатлашамиз, хўпми?

— Майли, — дедим бўшашиб. — Сизни кутаман!

Шундан сўнг анча хотиржам тортдим. Қариялар эса анча маҳалгача устимга мағзана ағдаришдан, баъзида масхаралаб кулиб олишдан бўшамади.

Нихоят қишлоғимиз рўпарасида машинадан тушиб қолдим. Кўлимдаги майдо-чўйдалар солинган сумкани елкамга илганча ариқ ёқалаб бувижоним яшайдиган ҳовли томон юрдим.

Кишлоқ ҳавоси бошқача эди. Бу ҳаводан нафас олиб тўймайсан киши.

Йўл-йўлакай далаларни тўлдириб тариллаётган тракторларни, чангга ботиб кетмон чопаётган дехқонларни кузатдим. Қанчалар totли бу лаҳзалар, Худойим! Кошкийди, менинг ҳам шу қишлоқда ўз уйим бўлса! Мен ҳам ҳов авали одамлар каби хумордан чиққунча кетмон чопсам. Мехрибон аёлим бўлса-ю, ҳар куни дала бошига тушлик кўтариб келса. Бир этак

болаларим уйга кириб келганимда, чанг қоплаган бўйнимга осилиб олишса. Ҳар куни ишдан кейин кучабошидаги қувурга бориб қўни-қўшни, тенг-тўшлар билан мириқиб сухбат қурсам. Ҳазил-ҳузуллардан кўнглим яйраб яна уйга қайтсам. Худойим, нега мен сарсонман? Нима учун пешонамга мусофиричиликдан бўлак тақдирни ёзмадинг?

Кўнглим бузилди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. Ўзимни ўзим овутишга уриндим. Ариқ тўла сувга боқиб бир оз тинчланган бўлдим-у, йўлимда давом этдим...

Ховли эшиги ланг очиқ. Ховлинин ўраб турган кесак деворнинг ҳар ер ҳар ери нураб тушибди.

Нормат тоғамнинг трактори кўринмасди. Кенно-йимнинг ҳам овози эшитилмаяпти. Демак, улар дала-да. Бемалол кириб келсан бўлаверади.

Оҳиста остона ҳатлаб ичкарига қадам кўйдим. Бувижоним менга терс ўгирилганча ўзича қўшиқ хиргойи қиласарди.

*Осмондаги самалот,
Қанотингни паствлаб ўт,
Қанотингга хат битай,
Қодиримга ташлаб ўт!*

Шунчалик қараб туришга бардошим етмади.

— Бувижо-он! — дея бақириб юбордим.

Бувим кескин орқасига ўгирилди-ю, шошиб қолди. Дасть ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо кучи етмади. Тоқаддини ростлагунча югуриб бориб уни қучоқлаб олдим. Шу заҳоти димофимда ўзим учун қадрдон, ёқимли ҳид туйиб кўнглим бўшаб кетди.

— Бувижоним! — дедим меҳрибонимнинг юзларидан қайта-қайта ўпиб. — Бормисиз? Мен сизни жудаям соғиниб кетдим, бувижон, жудаям!

Бувим индамасди. Пик-пик йиглашдан, ора-сирада соchlаримни сийпалаб қўшишдан нарига ўтолмасди.

Шу алфозда бир неча дақиқа турганимиздан кейин бувим сал ўзини босиб құлтиғимга кирди ва мени ток остидаги сүрига етаклади.

— Хайрият, омон экансан, — деди йиғламсираб. — Сени күрмай ўлиб кетаманми деб қўрқувдим, хайрият.

— Унақа деманг, буви! Ҳали кўп яшайсиз.

— Сени соринганимдан самалотларга ялинаётгандим-да! Қуриб кеткурлар сира пастлай демайди-я, сенга хат берворай десам!. Болам, анави ўгай отанг ўлгур сени хотиниминан ажрашибди, кўчада қолибди, бошқасига уйланганакан, уям ўлиб берибди, энди Қодир расво бўлиб тиланчилик қиласмиш, деди. Шу ростми?

Бу гаплардан бир кулгим, бир хўрлигим келди. Жавоб ўрнига бувижонимнинг елкасига бош қўйганча анча вақт жим туриб қолдим.

* * *

Энди кетмасам бўлмасди. Бу уйда ҳам менга ўрин ийӯқлигини яхши идрок қилиб турибман. Бувим буни айта олмаяпти, холос. Юзларидаги хавотир сирлари ни ошкор этиб қўйяпти. Йўқ, қариган чоғида тагин бир балога йўлиқтирамай. Яхшиси, туман марказидаги меҳмонхонага бора қолай. У ерда менга ўхшаганлар кўп. Фақат мендан битта фарқли жиҳатлари бор. Уларнинг барчаси ўзга шаҳарлардан бозор-ўчар қилишга келишади. Мен бўлсам, ўз юртимда, киндик қоним тўкилган қишлоқда ҳам мусо фирмани. Ўша меҳмонхонадан бўлак масканга сифмайман. Ҳозир йўл-йўлакай онамни бирров кўраман-у, йўлга тушаман. Ҳар ҳолда мени оқ сут бериб боқдан. У кишини норози қиласам бўлмас...

Онам яшайдиган ҳовли ичкарисидан Нурмат қоранинг бақир-чақири кўчага аниқ-тиниқ эшитилиб турарди. У томорқада турганча кимнидир бўралаб сўкарди. Эътибор қимасликка уриниб секин дарво-

задан мўраладим. Онам шундоқ ток остида пахта саваётган экан. Дарвоза гийқилаб очилганини эшитгач, шошиб орқасига ўгирилди ва мени кўрди-ю, «иे, ие» деганча ўрнидан туриб кетди.

— Бор, чик, ўзбошимчанг келди! — деди Нурмат қора менга кўзи тушгани ҳамоно сўкинишдан тўхтаб. — У кунги нарсаниям сўраб қол. Тағин қочиб қолмасин!

Ўгай отам нимани сўраш кераклигини назарда тутгани мени қизиқтирасди. Менга пешвоз чиқсан онамга кўришиш учун елка тутдим.

— Яхши юрибсанми, болам? — пицирлаб сўради онам кўз ёшларини кўйлаги енгига арта-арта. — Шарифаминан ажрашибсан, Наргиза ўтиб қопти деб эшитдим. Ростми?

— Рост. Пешона экан. Ўзингиз яхшимисиз?

— Гўр бўлармидим, болам? Яшаяпмиз-да бир амаллаб!

— Сизни бир кўриб ўтай девдим, — дедим гапни чўзмасликка уриниб. — Мана, кўрдим, тузук экансиз. Энди мен борай. Ҳали замон кеч тушади. Меҳмонхонага етиб олмасам, жойлар тўлиб қолади.

— Меҳмонхона?..

Онам нимадир демоқчи бўлди. Лекин дилидагини тилига кўчира олмади. Ичкарига бир қараб қўйди-да, бош эгди.

— Майли, бошинг омон бўлсин, ишқилиб! Йўқ бўлиб кетмагин. Ўтган-кетганда бўлсаям кириб тургин!

— Хўп, яхши қолинг!

Мен кетишга чоғландим. Шунда онам секин елкамдан тутиб сўради:

— Қодиржон, пулинг борми?..

Бу саволни эшитдим-у, танамга илиқлик югуриб, кўзларим чақнади. Онамга ҳам ачиниш, ҳам меҳр билан боқдим.

— Пулим бор, хавотир олманг!

— Йўқ... — деди онам ҳануз елкамни қўйиб юбормай. — Ростини айтгин...

— Бор дедим-ку! Менга берадиган пулингизни ўзингиз ишлатинг! Мендан хавотир олманг!..

— Болам, хафа бўлмагин-у... — бу гал онамнинг товуши титраб чиқди. — Отанг тайинлаганди.

— Нимани тайинлаганди? — сўрадим сергак тортиб. — Тинчликми?..

— Уйдан чиқиб кетаётганларингда... Шарифанинг сумкасига бир коса қаймоқ солиб қўйгандим. Ўшанинг пулини... Отанг «бериб кетсин» деганди-да!..

— Нима?..

Кутмагандим. Ўйламагандим. Тасаввур ҳам қилмагандим. Бу гап миямга яшиндек урилиб, карахт бўлаётдим. Қаймоқ воқеасини сира эслай олмасам-да, аламим келди.

Худди кечирилмас айб иш қилган бола каби каловланиб қолдим. Нима дейишни била олмай гаранг бўлдим.

«Наҳотки тукқан онам мендан бир коса қаймоққа пул сўраса?» деган савол кўксимни кемира бошлади.

Бир неча дақиқалик сукут орасида хаёлимдан кўрган кунларим, яхши-ёмон кимсалар ўтди. Қопқонга тушган жонивордек уларни эсга олганим сайин безовталанавердим. Лекин онамга бу ҳолатимни сездирмадим. Лаб тишлаб титроқ тўла қўлларимни чўнтағимга солдим ва пул чиқариб онамга узатдим.

— Мана, олинг, она, — дедим иложи борича мулоимлик билан. — Қарз қиёматга қолмасин!..

Онам кўрқа-писа пулларни қўлимдан олди-да, пича иккиланиб тургач, бошини ердан кўтармай ичкарига кириб кетди.

Кириб кетаётганда кўрдим. Онамнинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

* * *

Ўзимни қанча чалғитишга уринмай, онамнинг тутган иши бағримни эзиб, тушкунлик ботқоғидан халос бўла олмасдим. Пул берганим алам қилмасди. Қадр-

сизлигимга ачинардим. Баттар азобланмаслик учун алламбалолар ҳақида ўилашга ҳаракат қилардим-у, иложини тополмасдим. Нимани ўйлай? Ҳаётимда кўнглимни кўтаришга арзигулик бирор воқеа бўлмаса. Ёлиз ўғлимни кўз олдимга келтирсам, соғинч ҳисси қалбимни кемира бошлайди. Бувижонимнинг меҳри-бонликлари хаёлимга келди дегунча, қишлоқни қўмсаб қийналаман. Манави машинадагиларга ҳам чалгий олмаслигим тайин. Негаки, улар менга ёқмайдиган мусиқани варанглатиб қўйиб олишган. Ёнимдаги хўппа семиз аёл эса беўхшов оҳангда шеригига нималарнидир уқтириб асабга тегарди.

— Наргиза келмай қўйди, — кутилмагандан хаёлимга келган ўй бошимни кўтаришга, атрофга аланглашга мажбур этди. — У мендан ростакамига воз кечди. Нега алдади? Кечадан бери овозини эшифтадим. Наҳотки, мени тинчлантириш учун ёлғон гапирган бўлса? Кутишимни, оромимни йўқотиб, ҳижрон оловида кул бўлишимни ўйламадими? Йўқ, нималар деяпман? Шунча қун Наргиза билан тиллашишим аҳмоқлик бўлса керак. Энди фикрларим тиниқлаша бошлагандек туюляпти. Олим ака ҳақиқатни айтган. Марҳумлар ҳеч қачон тириклар билан гаплашишмайди. Бу қаттиқ асабийлашганимдан дарак эди, холос. Ҳа, худди шундай эди. Яхшиси, катта шаҳарга етганимдан сўнг қабристонга бориб Наргизанинг ҳақига билганимча дуо ўқийман. Ақлинни йиғиб олганлар шундай йўл тутишади. Ҳадеганда хаёлотга берилавериш, ўзгалар кўзига телбадек кўринавериш яхшиликка олиб келмайди. Бундан кўра кейинги ҳаётим ҳақида қайғурсам бўларди. Ҳали одиндандар ижарада яшаш, ўқишни уддалаш, тирикчиликдек оғир машаққатлар турибди. Буларга дош беришнинг ўзи бўлмайди. Мана, тайёр ишдан ҳам воз кечиб ўтирибман. Энди ким мени бошимдан силаб мухбирлик курсисига ўтқазиб қўярди. Ҳеч ким. Умуман, бу ҳолатимда биргина ойликка қараб яшай олмаслигим ҳам мумкин. Яхшиси, пул топиш-

нинг бошқачароқ йўлларини излайман. Шундай қилайки, ижара ҳақи, ўқишим ва кундалик ҳаётимга бемалол етсин.

Шундай хаёлларга кўмилиб ўтирганимда машина катта йўл четидаги ошхона рўпарасида тўхтади.

Ҳамроҳларим тушлик қилишни ихтиёр этишибди.

* * *

Хўппа семиз аёл ҳам мен каби овқат тановул қилишни хоҳламади. Икконимиз йўл четидаги писта, сигарет, қанд-курс сотаётган кекса кампирнинг ёнига бориб нафас ростлаган бўлдик.

Аёл бир неча марта менга ер остидан разм солди. Ҳойнаҳой, нимадир демоққа шайланди. Лекин тилини тийди.

Шу кўйи беш-үн дақиқа ўтириб қолдик.

Мен ҳануз асабийлашардим. Миямни бўлар-бўлмас хаёллар чулғаб олганди. Шу тобда арзимаган ёқимсиз товуш ҳам асаб томирларимни таранглазтирас, орасирада тишларим беихтиёр ғижирлаб кетарди.

— Писта чақсангиз бўларкан, — ниҳоят гап ташлади хўппа семиз аёл. — Нимадандир жаҳлингиз чиқяпти, ука. Писта тинчлантиради.

— Ростданми? — сўрадим худди калаванинг учини топган тўкувчилик қувониб. — Шу писта тинчлантирадими?

— Албатта-да! Бир сиқим олиб чақиб кўринг, кейин биласиз. Дарров асабларингиз тинчланиб, хотиржам тортасиз.

Рост экан. Пича пистани «Эрмак» қилгандим, хийла ўзимга келгандек бўлдим. Дунё кўзларимга бошқача кўрина бошлади.

Аёлнинг эса ҳануз оғзи тинмасди.

— Мана шу хотин-чи, — деди шивирлаб. — Ўлай агар, бир кунда писта, сигарет, қанд-курсдан камида эзлик-олтмиш минг сўм даромад қиласди. Ҳа, зўр топади булар!

— Йўғ-э, — дедим ҳайратим ошиб. — Шу арзимаган пистадан-а?

— Ие, нима деяпсиз? Бир кило пистани тўрт мингга сотиб олса, майдалаб сотгач, ўлдим деганда иккичу баравар «навар» ташлаб кетади.

— «Навар»ингиз нимаси? — чақчайиб аёлга боқдим.

— Даромад дегани, фойда. Энди тушундингизми?

— Ҳа-а, — соддаларча бошимни сарак-сарак қилдим. — Шунақа демайсизми?! Ҳеч ким индамайдими?

— Солиқчиларни назарда тутаяпсизми?

— Ҳа-да! Ҳужжатсиз соттирмайди дейишади-ку!

— Э, тирикчилик қиласман деган одам йўлини топади-да! Муомала қиласади, келишади.

Бу гапларни эшиттач, сергакланиб қолдим. Ўзимча бир кунлик, кейин бир ойлик, йиллик даромадларни хомчўт қила бошладим. Ҳа, одамнинг оддий писта сотиб ҳам бойиб кетиши ҳеч гапмас экан. Оҳ, ҳозир катта шаҳардаги бозорлардан бирида ўтириб мен ҳам пистачи хотин каби қўлим-қўлимга тегмай савдо қиласам-чи!. Ана, пул дегани ўзи оқиб келяпти. Бунақангги пулни бир умр бурнинг ерга ишқалиб ишлагандаги ҳам тополмайсан. Фақат сал абжирроқ, шинаванда-роқ бўлсанг бас экан. Уёғи хамирдан қил суургандек кетаверади.

Ҳа, мен ҳам манзилга етганимдан сўнг пистачилик хусусида бир ўйлаб қўраман. Ваня амакига маслаҳат соламан. Балки ўйлаганларим шунчаки хаёл эмасдир.

* * *

Сершовқин шаҳарга хуфтонга яқин кириб келдим. Машинадан тушдим-у, нафасим бўғилган каби ўзимни аботор ҳис эта бошладим. Шаҳардаги ҳар бир қиёфа кўзимга совуқ кўринар, ҳар бир бурчак, кўча, уй, бекат яқин ўтмишимни ёдга соларди.

Ана, ҳов анави автобусга ўтирганимда тўғри Наргиза ётган қабристонга борган бўлардим. Нима қил-

сам экан? Борсаммикан? Кечаси-я? Ким мени қабрис-тонга киритарди? Амаллаб кирган тақдиримда-чи? Зулмат қаъридан Наргизамни қандай топай? Арвоҳ-лар ҳам биз каби одамлар бўлса керак. Чарчаб дам олишар ёки аллақаёқларга парвоз қилган бўлиб чиқи-шар...

Куриб кетсин! Тағин бошланди, шекилли. Ўзимга ўзим арвоҳлар ҳақида ўйламасликка сўз бермаганми-дим? Ўлган ўлди-кетди. Энди ортга қайтмайди. Ҳадеб аҳмоқларча ўй суравермасам бўлмайдими?.. Қачон-гача шу кўйда яшайман? Қачон бошқалар сингари келажак ҳақида қайғурман?

Хиссиётларимни аранг жиловлаб Вания амаки яшай-диган уй томон йўл олдим. Айни паллада менга фақат шу одамгина ҳамсуҳбат, ҳамдард, суюнчиқ бўла оли-шидан умидвор эдим. Чунки бу шаҳарда этагидан тутишга арзийдиган ҳеч кимим қолмади. Олим ака-нинг олдига боришга истиҳола қиласман. Кўнглига ҳар хил гаплар келишидан кўрқаман. Қолаверса, уларни кўрсам, қайтадан қийналиш, бўлмағур ўйлар гирдо-бida қолишдан-да даҳшатли лаҳзалар бўлмайди мен учун...

Вания амакининг квартира эшиги ланг очик, ичка-ридан маст-аласт кишиларнинг алмойи-алжойи сух-батлари йўлакка барала эшитилиб турарди.

Эшикни бир-икки тақиллатганимдан сўнг остоно-да мен учун қадрдон Вания амаки пайдо бўлди. Фақат унинг яхшигина кайфи бор экан. Мен билан кўришиб ўтирамай, қўли билан «киравер» ишорасини қиади, хо-лос.

Мен уй эгасининг амрига бўйсунган ҳолда ўзим учун ажратилган хонага кириб эшикни ичкаридан тамба-лаб олдим.

Шуниси маъқул эди. Пиёнисталар билан ҳамсуҳбат бўлишга, уларнинг бўлар-бўлмас «ҳасрат»ларини бар-дош қилиб тинглашга ўрганмаганман.

* * *

Шу тахлит ярим соатча хонада ўтириб қолдим. Бе-
зовталигим баттар орта борди. Миямда қарама-қарши
хаёллар ғужғон ўйнай бошлади. Ўзимни ҳеч кимга ке-
раксиз, нотавон кимсадек ҳис этдим. Ёруғ дунёга бо-
қишидан бездим. Қалбимни нафрат олови күйдиреб,
қаерларгадир бош олиб кетгим, узлат бағрига сингиб,
буткул йўқ бўлиб кетгим келаверди.

Ортиқ бу аҳволда ўтира олмасдим. Нимадир қили-
шим керак. Ўзимни чалғитмасам бўлмайди. Ҳарқалай,
ҳаёт давом этяпти. Жар тубидаги одам ҳам барибир
юқорига интилади, нафас олгиси, яшаб қолгиси келади.

Ўйлай-ўйлай, пиёнисталар ўтирган хонага чиқишига
аҳд қилдим. Ичкилик исчам, барча ташвишлар унут
бўладигандек туюлаверди.

Аста эшикни очиб Вания амакининг хонасига мўра-
ладим. Увадаси чиққан кўрпача тўшалган темир ка-
равотда лунжи осилиб тушган, яккам-дуккам тишла-
ри қинғир-қийшиқ ёши элликлардан ошган бир аёл,
унинг ёнида Вания амаки тенги пиёниста эркак ўти-
ради. Хона ичини сигарет тутуни ва ичкиликнинг
бадбўй ҳиди тутганди. Тутунлар орасида Вания амаки
сузиб юргандек эди. У улфатларини ароқ билан сий-
лар, кетидан газак учун қотган булка ион бўлагини
тутқазарди.

— И-ие, кел ука! — Вания амаки мени кўрди-ю, ган-
дираклаганча келиб билагимдан тутди. — Ўтири мана-
ви ерга!

Сўнгра улфатларига таништириди.

— Бу йигит яқин танишим! Жа зўр улфат чиқади
бундан. Қани, ароқни кўлингга ол! Нега тортинасан?
Олсанг-чи!

Мен пиёнисталарга хавотир аралаш қараб олдим-
да, Вания амаки узатган ароқ тўла пиёлани қўлимга
олдим.

Ишонардим. Ҳозир шу оғудан тўйиб исчам, албат-
та енгил тортаман. Қайгулар, ваҳима-ю, ҳаяжонлар
барҳам топади. Қотиб ухлайман. Жоним ором олади.

Орадан бир ярим соатча вақт ўтди. Эски, сарғай-
ган газета тўшалган курсининг усти бўшаб қолди. Аро-
ғи қолмаган шишалар каравот остига думлади. Пиё-
ниста аёл икки оёғини астойдил узатган кўйи кара-
вотда ётганча гўё трактор каби хуррак ота бошлади.

Вания амаки ва унга улфат эркак ҳам аллақачон
ғўлдираб қолишганди. Ўзларича бир-бирларига ал-
ламбалоларни исботлашга уринишар, гоҳи-гоҳида
бирдан қелишувга эришган каби, қўл бериб кўришиб
олишарди.

Мен ҳам кайфи тарангликда аслида улардан кам
эмасдим. Агар кимдир шу тобда гапга тутса ғўлдира-
шим тайин эди. Аммо ароқ оёғимдан олганича йўқ.
Ўрнимдан қўзгалсан, бемалол қаддимни тик тутиб
тура оладиган алфоздаман.

— Хонамга кирганим маъқулга ўхшайди, —
кўнглимдан ўтказдим маст-аласт «хонадошларим»га
бир-бир разм солиб. — Манавиларга тикилиб ўтирган-
дан нима фойда? Уидан кўра ўринга чўзиламан-да,
марҳумамни чорлайман. Ҳозир уни жуда-жуда
қўмсай бошладим. Агар шу кеча овозини эшиитмасам,
ёрилиб ўлишум аниқ...

Ха, ҳушёргимдаги ўзимга берган ваъдаларим,
хаёлимдан кечган ўйлар айни чоғда гўё қуюқ туман
орасида қолиб кетганди. Яқинимни йўқотишга чидол-
маслик, соғинч, ҳижрон қайтадан оромимни ўғирла-
ди. Ичкилик таъсири шу қадар кучли келдики, Нар-
гизанинг ташрифига қаттиқ ишондим.

Йўқ, яхшиси қабристонга жўнайман. Тунда қабри-
стон сокин бўлади. Суҳбатимиз қизигандан қизийди.
Ҳеч ким халал бермайди. Ҳойнаҳой, Наргиза менинг
боришимни кутиб маҳтал бўлаётгандир. Қадам товуш-
ларимни эшийтгани ҳамоно қувониб кетади...

Тўсатдан ўзи қабрдан чиқиб келса-я! Уни кўрсам-а!
Қабр рўпарасидаги ўриндиқда ёнма-ён ўтириб суҳ-
батлашсак-чи? У тириклигида гидек оҳ-вой қилмасди.

Ёримни маҳкам қучиб олардим-да, тонгга қадар қўйиб юбормасдим...

Майли, кўринмаса ҳам қўнғироқдек овозини эши-тиш насиб этса бас. Кўнглим ҳайитдагидек яйрайди. Қалбимда ҳақиқий байрам бўлади. Ҳеч ким эришмаган бахтга эга бўламан. Зарур бўлса, шаталоқ отиб ўйнайман. Мени телба дейишса дейишаверсин. Ҳали ҳеч ким мен каби оламдан ўтган яқини билан тиллашмаган. Бу туйгуни вужудида туйиб кўрмаган.

Фақат... Кайфим тарқаб кетмасайди! Акс ҳолда ўзимни ҳозирчалик эркин тута олмайман.

Ҳа, кўчадаги барлардан бирига кириб яна юз грамм ичаман. Шунда жойига тушади.

Сўнгги бор ичкаридаги пиёнисталарга қараб олгач, ташқарига йўл олдим.

Ўйдан чиқишим билан сархушлигимга қарамай, димогимда баҳорнинг ёқимли ва тотли ифорини туйдим.

* * *

Бардан чиққанимда кайфим ростакамига тобида эди. Йўл четидаги дўконларни, ўткинчиларни мағур кузатдим. Ҳозирги ҳолатимда мендан довюрак, эркин, ботир кимса дунёда йўқдек туялар, кимдир менга сал ғалати боққанини пайқасам, сира тап тортмай ўқрайишга ўзимда куч, иромда топа билардим.

Ҳа, мастлик мени буткул ўзгартирди, шекилли. Кайфиятим яхшиланди, ажабтовур машиналарда дўконлар ёнига келиб тўхтаётган одамларга ўзгача ҳавас билан нигоҳ ташлай бошладим.

Қандай омадли ва бахтли булар! Бунақангги машиналарни менга ўхшаганлар тушида ҳам кўрмайди. Чунки тушга онда-сонда кўзни қувнаттган нарсалар кирмайди.

Эгнидаги кийимларининг чиройли, бежиrimлиги-чи? Қайдан пул топишади-ю, бу кийимларни олиб кийишади? Ҳойнаҳой, хонадонларида кунига сархи,

ноёб таомлар дастурхонга тортилса керак. Албатта-да, пул кўп бўлгандан кейин яхши еб-ичиш зиён қилмайди.

— Кел, бир савоб иш қиласай, — дедим ўзимга ўзим туйкусдан. — Ҳов анави чиройли, басавлат машинада келган одам бадавлат кўринади. Одига бораман-да, қўлини оламан. Ажабмас бизгаям юқсан! Юқмаган тақдирдаям кўнгли кўтарилади.

Телбанамо кайфият мени ўша одам томон дадил етаклади. Жилмайганча бордим-да, салом бердим.

— Ассалому алайкум, бой ака!

Ёши элликлардан ошган бу киши менга аввал менсимайгина назар солди. Лекин узалган қўлимни қайтаргиси келмадими, барибир сўрашди.

— Сизларга ҳамма ҳавас қиласади, — дедим бойваччанинг кўзларига тик боқиб. — Менам ўша ҳавасманлар қаторидаман, ака! Омадингизни берсин!..

Адашмагандим. Унинг лабларига табассум юурди. Мастлигимга ҳам эътибор қилиб ўтирмай, бошқатдан қўлимни қисди.

— Раҳмат, укажон! Ниятингизга Аллоҳнинг ўзи етказсин!..

Бир жиҳатдан бу ишим кулгили эканини қалбимнинг аллақаерида ҳис этардим. Бироқ айни чоғда андиша, уятга сўз бермасдим.

Бой одам билан қўл бериб сўрашганим, ҳамсухбат бўлганим кайфимни янада чоғ айлаганди.

Ана энди бундай вақти чоғликда қабристонга йўл олсам ярашади. Руҳлар тушкун кайфиятдагиларни кўрса, ранжишади. Мен қай йўл билан бўлмасин, Наргизамнинг кўнглини кўтаришим, баҳонада ўзим ҳам абадият майдонидан руҳан янгиланиб қайтишим зарур.

Шундай хаёллар оғушида мен турган манзилдан икки бекатча нарида жойлашган қабристонга йўл олдим.

Наргизани дафн этиш учун олиб келган кунимиз бу маскан кўзимга жуда совуқ ва файзсиз кўринганди. Ўшанда нуқул атрофга алантлар, дўппайган қабрлардан узоқроқ туришга урингандим. Жазава қуршовида қолган кезларимдагина бу даҳшатларни илғашдан йироқ бўлдим. Нигоҳларим фақат марҳум ёстиқдoshimni қидирди, қулоқларим унигина эшилди.

Хозир эса қабристон ҳовлисида қатор қабрлар оралаб хотиржам кетиб бормоқдаман. Йўл-йўлакай чироқнинг хира ёруғида қабртошдаги ёзувларни ўқишга тутинаман. Ана, мана бу қабрда ётган аёл ҳам Наргиза билан бир кунда дафн этилибди. Бечора! Ҳойнаҳой болалари чирқираб қолишгандир? Эри-чи? Нега мен каби юргургилаб келмаяпти? Ё кундузи келиб хотинидан хабар олдимикан? Э, билганини қилмайдими?!.. Мени хотиним қизиқтиради, холос. Ҳозир унинг меҳрга тўла овозини эшилсан, тинчлигини билсан кифоя...

Нихоят суюклигим ётган қабрга яқин қолди. Ҳовуша айлана қабрлар орасида мен учун қадрдон, юрагимнинг бир парчасига айланиб улгурган Наргиза бор. Мен у қабрни рақамига қарамасдан ҳам топа оламан.

— Наргиза-а! — бақириб юбордим тўсатдан юрагим титраб. — Қайдасиз, азизам? Қайдасиз? Чиқсангиз-чи энди! Қийналиб кетдим-ку!..

Ҳайқирганим сайин ич-ичимдан оқиб чиқаётган фарёд кўз ёшга айланиб юзларимни ҳўл қилиб юборганди. Нуқул қалтирап, икки қўлимни юқори кўтарганча қичқирадим.

— Нега индамаяпсиз? Сизни хафа қилган еrim бормиди ё? Чиқи-инг!..

Бир маҳал қоронгилик қаърида қоп-қора шарнага кўзим тушди. Шарпа чамаси мендан йигирма-ўттиз қадамча нарида — Наргизанинг қабри ортида турган-дек эди. Кўзлари ёнарди.

Унинг тап тортмасдан тек турганини, мендан кўз узмаётганини кўриб баттар тутокдим.

— Вей, — бақирдим шарпага. — Йүқол бу ердан!..
Кимга айтяпман?

Аммо у ўрнидан жилмади.

— Қоч у ердан! Хотинимни құрқитма! Мен уни құз
қорачиғимдай асрашимни сен қаерданам билардинг,
хайвон?!

Фойдаси бўлмагач, тимирскиланиб ердан тош
қидира бошладим.

— Ҳали шунақами? Зўрлигинги қўрсатмоқчими-
сан менга? Ҳозир бошингга тош тегсин, ўшандада била-
сан!

Аксига олгандек ҳадеганда тош ҳам топила қолмас-
ди.

Қора шарпа ҳаракатларимни қимирламай пича
кузатди. Сўнгра жон ҳолатда мен томон ташланди.

Яҳшики, қўлимга йўғон хода илинди. Ходани ол-
динга чўздим-у, шарпани ҳайдашга шай турдим.

У мендан тўрт-беш метр нарида таққа тўхтади.

— Ҳа-а, қўрқдингми, махлук? — титроқ аралаш
бақирдим. — Келавер, олишамиз! Нега туриб қолдинг?
Мен сенга хотинимнинг қабрига яқинлашишни қўрса-
тиб қўяман!

— Ҳой бола! Энангни уйими бу? Нимага аюҳаннос
соляпсан?

Кутимаган овозни эшишиб кескин ортимга ўгирил-
дим. Сал нарида паст бўйли, серсоқол бир қария ту-
парди.

— Бу қанақаси? — дўқлай кетди қария менга яқин-
роқ келиб. — Ярим кечаси қабристонда пишириб
қўйибдими сенга? Ие, ҳали мастмисан? Тавба, тавба,
тавба! Астағфуриллоҳ! Ўзинг кечир, Худо!.. Вей, тез кет
бу ердан! Гуноҳ бўлади!

— Нимага шарпа мени қабрга яқинлаштирмаяпти?
— дедим жазавага тушиб. — Кимсиз ўзи? Нимага менга
ўшқирасиз?

— Қанақа шарпа? Жинни-пинни бўлганмисан сен
бола?

— Қора шарпа! Ҳозир мана шу ердайди. Фойиб бўлибди ярамас.

— Эсингни еб қўйибсан! Менга қара, ўтири-чи мана-ви ерга!

Мен итоаткорона қария кўрсатган жойга чўқдим. Шу ондаёқ беихтиёр кўнглим бўшаб кетди. Томогимга нимадир тиқилгандек, бир неча марта ютиндимда, қўлларим билан бошимни чанглаб олдим.

Кўксимдан аччиқ йифи қандай отилиб чиққанини сезмадим. Силкиниб-силикниб, худди ёш гўдак янглиғ ўксиниб-ўксиниб йиглай бошладим. Қария эса икки елкамдан маҳкам сиққанча нуқул далда берарди.

— Йигла, ўғлим, йиглайвер!.. Фуборларинг чиқиб кетади. Тўйиб-тўйиб йигла!

Шу кўйи бир неча дақиқа ўзимни тута олмадим. Йиглашим асносида кайфим тарқагандек, кўнгил кўзим очилгандек, дунёни борича идрок эта бошлага-нимни ҳис этдим. Нималар қилиб кўйганимни англаганим сари юрагим увишиб, хижолат ва надомат бағримни емираверди. Ёнимда ўтирган қариянинг кўзла-рига тик боқишига ўзимда сира журъат топа билмадим.

— Кимни қидириб келгандинг бу ерга? — сўради қария сал тинчланганимдан сўнг бошимни силаб. — Ота-онанг шу ердами? Ё бирор яқинингми?

— Жуфти ҳалолим шу ерда ётибди, — дедим йиғ-ламсираб. — Яқинда жойига кўйгандик... У мен билан тез-тез гаплашиб туарди. Овози шундоқ қулоқларим остида жарангларди, ишонинг!..

— Эҳ, болам, болам, — дея секин ўрнидан турди қария. — Дардингни тушунаман, ҳа! Айтишадики, «йўқолган буюмнинг қадрини буюм йўқотган кўпроқ биларкан». Сенга осон эмас. Лекин эркак киши бардошли, иродали бўлиши керак. Бўлар-бўлмасга дод солавериш аёлларга хос. Сен бўлсанг, фирт маст бўлво-либ қабристонга келибсан. Арвоҳлар ранжийди-ку,

ахир! Қайси калламинан келдинг, Худо билади... Энди-чи, болам, эртага кайфинг тарқагандан кейин таҳорат олгин-да, келиб завжангнинг ҳақига дуо ўқигин! Ажабмас, дуоларинг ижобат бўлса. Локигин бундан сўнг зинҳор ба зинҳор қабристонга маст ҳолда келмагин! Бу ишингни ҳеч қачон Худо кечирмайди.

Қарияга жавобан нима дейишни билмадим. Нима ҳам дердим? Гуноҳим бир дунё. Мендек ўзбошимча ва баттолни ҳозирнинг ўзида тошбурон қилиб юбо-ришса кам. Эсси! Шахсий эҳтиёжимни деб кечирилмас гуноҳга йўл қўйдим. Оқибатда Наргизадан ҳам абадий айрилганим рост. Энди у мендан тамоман юз ўгиради. Ҳамроҳлари қархисида роса аборг бўлган-дир. Бўлмағур, ношуд эр дастидан дод деётгандир. Нима қилиб қўйдим? Пиёнисталарга қўшилиб ички-лик ичиш менга хосмиди? Асло. Нега кўрқмадим? Этим сесканмади? Ҳеч курса қалбим менга тўғри йўл кўрсатмади. Нега? Энди бир умр ҳар босган қадамимни афсус таъқиб этадими? Қачон одам бўламан?

Шундай ўйлар гирдобида бошимни ердан кўтара олмаган ҳолда ўрнимдан турдим.

Йўқ, аниқ биламан. Бу ерга ҳеч қачон кела олмайман. Юрагим дов бермаслигини сезиб турибман. Ҳатто Наргизани ўйлашга ҳам ҳақсизман. Ҳа, мен шундай жирканч одамман!..

Кетиши олдидан қарияга ер остидан ўғринча боқдим. У қабрларга маъюс тикилганча ўй сурарди.

Бир муддат иккиланишлардан сўнг бир қадам ортга чекиндим. Қария дарҳол ҳушини йигиб нигоҳларини менга қадади.

— Ҳа, болам, кетяпсанми? — сўради ҳазин оҳангда. — Айбингни англаб етдингми?

Мен зўрга бошимни кўтардим-да, кетишига чоғланниб, сўнгги бор унга сўз қотдим.

— Кечиринг, ота! Мен ношуд бандани кечиринг!

ҚАЙТАР ДУНЁ

Эртаси кунданоқ ўзимни күлгө олишга аҳд қылдым. Қабристон, мархумлар ҳақида ўйламасликка тиришим. Хаёлларимни чалғитмай, Ваня амакининг кўмағида қанд-қурс, сигарет, асосийси бир неча кило писта сотиб олдим-да, бозор-ўчар ҳаракатига тушдим.

Ишонардим, ўз қўлларим билан қовурган писта албатта, харидоргир бўлади. Йўлдаги хўппа семиз аёл айтмоқчи, яхшигина «навар» ташлайди.

Эрта тонгда елкамга «мол»лар жойланган сумкани илиб, Ваня амакининг алмисоқдан қолган столча ва курсисини қўлатиқлаганча қўрқа-писа бозорга чиқдим. Бу бозор унча катта эмасди. Сотувчилар ҳам саноқли. Аксарияти ориқ-семиз аёллар. Бир-бирларига навбат бермай шанғиллаганча харидор чақириш билан банд.

Хўш, нима қиласман? Ана, мен каби пистафурушлар қалдирғочлар каби тизилганча бир сафда ўтиришибди. Қарама-қарши тараф эса бўм-бўш. Демак, уша ерга жойлашавераман-да!..

Қандай бўларкин? Мени бу бозорчилар қандай қарши олишади? Биронтасини танимасам, ош-қатиқ бўлмаган бўлсам. Э, нима қилибди? Мени еб қўйишмас, ахир.

Аста қўлимдаги сумкани ерга қўйдим-да, столчани жойлаштиридим. Шу заҳоти нарида ўтирган бир бозорчи кампир тепамда ҳозир бўлди.

— Ҳа, йигит, сен кимсан? — сўради у дағалроқ оҳангда.

— Ким бўлардим? — бўш келмай жавоб қылдим мен ҳам. — Одамман.

— Одамлигингни кўриб турибман. Нимага бу ерга столча қўйяпсан?

— Нарсамни сотмоқчиман.

— Жуда яхши. Лекин бу ернинг эгалари бор. Ҳали замон кеп қолишади. Сен-чи, ҳов анави бурчакка бориб ўтира қол! Бизнинг мижозлардан нарироқ бўласан.

— Шунақами?.. — Очиги биринчи кунданоқ булар билан тортишгим келмади. Итоат билан кампир күрсатган жойга бориб ўтиридим. Бу ерда сотувчини бозорнинг катта устуни тўсиб қоларди. Аммо астойдил ҳаракат қиссанам, харидор чақира оламан. Балки кейинчалик бозорчилар билан яхши танишиб олсам, жойимни ўзгартиарман.

— Сен асло бақир-чақир қилиб, бизнинг харидорларни чорлама! — тайинлади кампир. — Хафалашиб юрмайлик тағин!

— Бўпти, бўпти, — дедим жаҳлим чиқиб. — Чақирмайман. Ҳамманинг насибаси бор. Ўшани териб ейди. Хотиржам бўлинг!

— Вой-бў, жа маҳмадона экансан-ку!

Кампир яна нималардир дея ғудранганча ўз жойига кетди.

* * *

Кунлар ўтгани сайин умримда илк бор тўғри йўл танлаганимга амин бўлиб борардим.

Бозор тобида давом этарди. Ҳўппа семиз аёл айтганчалик зўр фойда кўрмаётган бўлсам-да, ижара ҳақидан ортган беш-тўрт сўм пул чўитагимдан ари масди. Рақобатчилар ҳам аста-секин тақдирга тан бера бошлишди. Энди ҳеч ким менга ола қарамас, тепамга харидор йигилса, барчалари норози қараб олиш билан чекланишарди.

Айниқса, ўқишимни сиртқига ўтказиб олиб, жуда маъқул иш қилибман. Ҳар куни эрта тонгдан то хуфтон маҳалигача бозорда ўтираман. Чунки хуфтонга яқин писта, сигарет оладиганлар бозорда кўпаяди. Ҳар биримиз қўлимиз-қўлимизга тегмай савдо қиласми.

Ўзим ҳам руҳан тетиклашган, кайфиятим кўтаринки, кўл савдодан бўшаган лаҳзаларда бозорчилар билан ҳазил-хузул қилиб вақт ўтказардим.

Шундай кунларнинг бирида бўйдоргина, мallaранг соchlari узун ва қалин қошли, ёшгина аёл ўзидан ёши

улуғроқ ажнабий бир аёл билан бозоримизга кириб келди.

Уни күрдим-у нигоҳларимни қадди-қоматидан, жусни жамолидан узолмай бақрайиб қолдим. Шу ондаёқ «қанийди шу аёл мендан нимадир сотиб олса» деган хаёл миямдан ўтди.

Сезиб туардим, бозордаги эркаг-у аёл фақат уни кузатишга тушди. Ёш-яланг йигитлар ўзларича «қий-қириб» ҳам олишди. Бироқ соҳибжамол ҳеч кимга эътибор бермай пистафурушларни оралаганча нимадир қидира бошлади. Топа олмади чоғи, менинг рўпарамда тўхтади ва кўзлари чақнаб шеригини туртди.

— Ана, бор экан! Айтмаганимидим?

Бу ҳолат мени адойи-тамом қилаёзганди. Ҳозир худди ёш бола каби шундай соҳибжамол барчани оралаб ўтиб, менинг қаршимда тўхтагани, мендангина ўзи хоҳлаган нарсани сотиб олмоқчилигидан дунёга жар солиб мақтангим келарди... Аммо қалбим мени дарҳол қайириб ташлади. Сенга йўл бўлсин, акаси,— деди у қўзғолон қилиб. Туришингта бир қара! Кимсан ўзинг? Ҳеч кими йўқ, ташландиқ, ҳеч кимга кераксиз бир бандасан. Яхшики манави бозорчилар кимлигингни билишмайди. Билишса, ростманасига масхаралашган бўларди. Сен бўлсанг, шундай аёлга маҳлиё бўлиб ўтирибсан. У қайда-ю, сен қайда! Ундан кўра бозорингта қарасанг-чи!

Афсуски, ҳозир қалбимга ҳам қулоқ туттим келмасди. Аёлнинг гўзаллиги ақди-хушимни ўfirлаёзганди.

Ахир... Қаранг, қандай «модница» экан. Тирноқларини ўстирибди, чиройли рангта бўяб ҳам олибди. Кўзларига сурилган сурмагача ўзига ярашиб тушган. Эҳ, кимнинг хотини экан-а, у? Ҳойнаҳой, ўша эркак ҳам дўпписини осмонга отиб яшаётгандир? Албаттада, шундай хотини бўлади-ю, курсанд бўлмайдими?

У хаёлимни бўлиб жилмайганча сўради:

— Писта қанчадан?

Шошиб қолдим. Бир муддат ҳатто нархни-да айта олмай гарангсиб турдим.

Аёл яна саволини такрорлади:

— Писта қанча деб сўрайпман!

— П-пистами? — дедим тутилиб. — К-қанча олмок-чисиз? Арzon қилиб бераман.

— Икки стакан оламан.

— Хўп бўлади! Ҳозир-да!

Яширмайман. Айни чогда соҳибжамоннинг қанча пул бериши мени умуман қизиқтирмасди. Асосийси, у билан гаплашиш, овозини эшитиш, кўлларига писта солинган пакетчани тутқазиш бахтига муюссар бўлганимдан теримга сифмас даражада мамнун эдим. Нима қилай? Дарвешона феълим ҳам бор-да!

* * *

Ўша қундан бери нақ қўли етмас юлдуз томон тал-пинган кимсанинг кунига тушгандек эдим. Ҳар лаҳзада ўша ажнабий аёлнинг йўлига қўз тикар, келди дегунча титроқ орасида қолардим. Шу орада қувлик ҳам қилиб қўярдим. У сўраган пистани иложи борича секин узатишга, шу баҳонада вақтни чўзишга уринардим.

Чамаси, у ҳам менинг ҳолатимни пайқагандек бальзан қулимсираб қўярди.

Нега ўзи шу аёлдан кўзимни узолмай қолдим, дея ўйлардим у кетгач. Менга ким қўйибди бундай келишган аёлларга кўнгил қўйишни? Назар-писанд қиласа керак у. Ҳозирги туришимда оддий пистачиман, холос! Үндайларга тагида ярқираган машинаси, кўша-кўша уйлари бор эркаклар ёқади. Ўшаларгагина назар ташлаши, уларнигина севиши мумкин. Бекордан бекорга ўзимни қийнаш, йўлига қўз тикиш зарурмикан менга? Башарти шу мавзуда сўз очган тақдиримдаям гапимни ёқамга ёпиштириши тайин. Буни биламан. Шундай экан, тилимни тишлаб тинчгина пистамни сотоверай. Сих ҳам, кабоб ҳам куй-

масин. Зўрга кўриб турган куним ҳолвага айланиб қолмасин!..

Йўқ, барибир истакларим, орзуларим устун эди. Мени мафтун этган чехрага яқин бўлиш ниятидан сира қайта олмадим. Ўтирсам ҳам, турсам ҳам фақат уни ўйлайвердим.

Ҳиссиётларим азбаройи жунбишга келганидан сўнгги кунларда унга сўраган нарсасини текинга бериб юборишни одат қиласдим. Аввалига ҳайрон бўлди, аммо танлаган йўлим тўғри чиқиб қолди. Соҳибжамол бора-бора бу ишимдан қувониб кетадиган бўлди. Мен билан бир-икки дақиқа эмас, кўпроқ сухбатлаша бошлади.

Охири чидолмадим. Қалбимдан кечәётган ҳисларни ошкор этишга бел боғладим.

Кечки бозор маҳали харидорлар кўп бўлади. Шундан фойдаландим. Унга сўраган нарсасини тутқазарканман, оҳиста сўз қотдим.

— Сиздан бир илтимосим бориди. — дедим шивирлаб. — Фақат йўқ демасангиз айтаман.

— Вой, қанақа илтимос? — қизиқсиниб менга боқди аёл. — Айтинг!

— Олдин яқинроқ танишсак бўлармиди...

— Биз танишмиз, шекилли.

— Исмингизни билмайман-ку!..

— Ҳа-а, — қулиб қўйди у. — Майли, айтаман. Исмим Сусанна.

— Ие, арманмисиз?

— Ҳа-да! Ёмонми?

— Нега ёмон бўлсин? Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлардим.

— Сизнинг исмингиз-чи?

— Қодир, — дедим сал бўшашиб.

— Илгари бозорда кўринмасдингиз-ку! Яқинда келдингизми? Ўзи касбингиз нима?

— Ҳозирча талабаман. Аслида журналист десам ҳам бўлади. Шу соҳада пича ишладим.

— Ў, зўр-ку! — Сусанна қўзлари чақнаб бош иргади. — Зўр касб журналистика. Менинг жияним ҳам журналист.

— Шу шаҳарда яшайдими?

— Йўқ, у узоқда, жудаям узоқда яшайди.

— Ўзингиз-чи? Қаерда турасиз?

— Мен ҳам аслида бу ерлик эмасман. Меҳмонга келгандим. Кетолмадим. Шу ерда қолиб кетдим. Ҳозир бир таниш аёлницида тураман.

Биз шу куни анча гаплашиб қолдик. Савдо-сотиккнинг ҳам мазаси қочди. Лекин ачинмадим. Ўзим ҳеч қачон етишим мумкин эмас, деб хаёл қилган бир юлдузга яқин бўлганимдан жуда мамнун эдим.

Туни билан уни ўйладим. «Майли эртага учрашамиз» деган ваъдаси миямда чарх ураверди.

Кўнглимнинг аллақаерида безовталик ва ишонч ўзаро курашарди. Безовталик шу эдики, мен яқиндагина йўл қўйган хатомни такрорлаб қўйишдан чўчирдим. Ишонч эса бу қўрқувни ҳар гал силтаб ташлар, мени олдинга интилишга ундарди.

* * *

Эртаси куни тонг маҳали уйғондим. Бу кун мен учун ҳаётимдаги энг қувончли ва баҳтли кечишидан умидвор эдим. Келажак тақдирим қандай бўлиши мени сира қизиқтирмасди. Хаёлимни, ҳаловатимни ўғирланган соҳибжамолга етишиш, унинг энг яқин кишисига айланиш истаги ҳаммасидан устун эди. Шу лаҳзаларда ўзимча гўё қишлоғимга бориб бор овозда «Кўриб қўйларинг! Мен ҳам баҳтимни топдим! Унча-мунча йигитнинг кўли етмайдиган юлдуз бағримда нур сочиб турибди!» дея ҳайқирадим. Хаёлан Сусаннани барча яқинларимга, дўсту душманларимга баравар кўз-кўз қила бошлагандим. Унинг қандай жавоб қайтариши ҳақида ўйлаб кўрмасдим. Дабдурустдан муҳаббат изҳоримни эшитгач, бирдан ўзгариши, лаб буриши ёки менга масхараомуз нигоҳ ташлаганча ке-

тиб қолиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмасди. Ҳозирги ҳолатимда оддий бир пистачи эканим тамоман ёдимдан күтарилганди.

Мендек қишлоқи йигит ёнида замонавий кийинган, қадди-қомати кўзни қамаштиргулик қиз савлат тўкиб турса, олис осмонларда учиб юради. Қувончдан, фаҳрдан бу ёруғ дунёга сизмайди. Шундай лаҳзаларда ҳеч нарсани ўйламайди. Худди мияси тўхтаб қолган кимса каби ўзини лол қилган гўзалга тик боқади. Тикилиб, Аллоҳ яратган ҳусну жамолни томоша қилиб тўймайди.

Мен шомга яқин бозор-ўчарни йигиштиридим-да, олдиндан келишилган жойга чопқилладим.

Қаҳвахонага яқинлашиб борардим-у, юрагим қинидан чиққудек потирларди. Худди туни билан шеър ёдлаган мактаб ўқувчиси каби айтмоқчи бўлган гапларимни ёддан такрорлардим.

Ха, агар муҳаббатимни рад этмаса, мени камситмаса, орзуларимни саробга айлантирмаса, гап орасида қанчалар оғир бўлмасин, асосий гапни сўрайман. Майли, устимдан кулса ҳам барибир сўрайман. «Оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади» деб бекорга айтишмаган. Мана шу савол менинг ҳаёт-мамотимни белгилайди.

Хайрият, ҳали келмабди. Бу айни муддао. Унгача сал ўзимни босиб, титроқлардан, ҳаяжондан холи бўламан.

Орадан ўн-ўн беш дақиқа вақт ўтгач, Сусанна кириб келди. Эгнига оппоқ кофта, жинсидан юбка кийибди. Бу кийим ҳам унинг ҳуснига ҳусн кўшибди.

— Дастан ўрнимдан турдим-да, сўрашиш учун қўл узатдим.

— Яхши келдингизми?

— Раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз?

— Ёмонмас, — дедим сал ўнғайсизланиб. — Сизни кути-иб ўтиргандим.

— Хўш, менга қандай гапингиз бориди? — сўради Сусанна қулимсираб. — Айтаверинг, қулогим сизда!

Бу саволни кутмагандим. Қизиқ, ажнабий аёллар дангал беравераркан да саволни! Бошқаси бўлганда, то ўзим сўз бошлимагунча жим кутиб ўтираверарди.

Ҳайрат мени янада дадиллантириди. Таваккал мақсадга ўта бошладим.

— Очиги, — тутилиброқ бўлса-да сўз қотдим. — Сизга кўзим тушгандан бери тинчимни йўқотганман.

— Йўғ-э, — хандон отиб қулди Сусанна. — Ростданми?

— Фақат устимдан кулманг, илтимос! Шундоғам ҳаяжонланиб кетяпман.

Сусанна бирдан жиддийлашди.

— Узр, устингиздан кулмоқчимасман. Шунчаки... Қизиқ-да!

— Сиз севгига ишонасизми? — сўрадим ундан. — Ростини айтинг!

— Албатта, ишонаман, нимайди?

— Айбга йўйманг-у, лекин... Сиз менга жуда ёқиб қолдингиз.

Сусанна бу гапимни эшилди-ю, ер чизди. Узун киприклари одатдагидан тезроқ пирпиради. Беихтиёр лабтишлаб бир муддат ўйга толди.

Мен бўлсан адойи тамом бўлаёзгандим. Шу тобдаги ахволим ёлғиз ўзим-у, Яратганга аён эди.

Товонимдан сочимга қадар муз югуриб, вужудим титрагарди. Мухаббат изҳоримга берилажак жавоб боралиғимни кулоқقا айлантириб қўйганди.

— Сиз ғалати экансиз-ку! — деди ниҳоят Сусанна аста бошини кўтариб. — Мени ҳали яхши танимайсиз, аслида кимлигимни билмайсиз... Қанақасига...

— Билмадим, — дедим жуссамни орқага ташлаган кўйи. — Мен сизни учратгунча баҳтсиз эдим. Қаерга боришни, баҳтимни қайдан излашни, умуман қандай яшашни билмай аросатда эдим. Сизни кўрдим-у, тақдирим аён бўлгандек туюлди. Тўғри, балки мен сизга ёқмасман, ёқсан тақдиримдаям ўзингиз истагандек баҳтли қила олмасман. Лекин...

Сусанна майин жилмайиб күйди-да, менга қаттиқроқ тикилди.

— Менга қаранг, келинг, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг!

— Ростданми? — ҳовлиқиб сал қурса ўрнимдан туриб кетаёздим. — Алдамаяпсизми? Ростдан қизиқяпсизми ҳаётим билан?

— Жудаям содда экансиз, — деди кулиб Сусанна.

— Албатта, қизиқ. Айтиб берасизми?

— Жоним билан! Фақат... Олдин бир савол берсам майлими?

Сусанна ялт этиб менга бокди.

— Қанақа савол?

Бир муддат ер чизиб турган бўлдим-у, таваккалига дилимдагини тилимга кўчирдим.

— Кечирасиз-у, иккала сийнангиз ҳам соғми?

— Нима? — бу саволим уни ростманасига ҳушёр торттирганди. Қошлари чимирилиб бирпас каловланаб қолди. — Бу нима деганингиз? Тушунмадим.

— Ишонинг, — дедим лаб тишлаб. — Мен бу саволни шунчаки бермадим. Бир кун келар, албатта, тушунтириб берарман. Ҳозир эса жавобингиз мен учун жудаям зарур.

— Майли, — ниҳоят тагин кулимсиради Сусанна. — Жа билгингиз келаётган бўлса айтаман. Соппа-соғ.

— Худога шукр-ей! — шу жавобдан кейингина кўнглимдаги баъзи губорлар тарқаган каби енгил тордим ва Сусаннага қаттиқроқ тикилдим. — Мана шу керак эди. Энди рухсат берсангиз, ўзим ҳақимда гапириб берсам.

— Албатта. Кутяпман.

Ўзимга қолса бу маҳзун ҳикоямни тинглашни ҳеч кимга раво кўрмаган бўлардим. Бироқ Сусаннанинг илтимосини рад этолмайман.

Нафас ростлаган бўлдим-да, истар-истамас сўзлай бошладим...

Орадан бир ҳафта ўтди. Биз Сусанна билан ҳар куни кечқурун учрашардик. Шу орада бир-биrimизга жуда яқин бўлиб қолдик. Мен у сал кечика бошласа, хавотирланадиган, у эса кечикканидан хижолат тортиб мендан узр сўраб кўядиган бўлди. У билан кечган ҳар бир лаҳзани кўзларимга суртсам арзигудек қимматли эди.

Бу ёқда бозор ҳам илгариgidан-да юришиб кетди. Теримга сирмай кунора янги-янги «мол»лар олиб келадиган бўлдим. Бир қилиғим ёқдими, ёнимдаги рақобатчиларнинг мижозлари ҳам мендан буюм харид қиласидиган бўлишди. Хуллас, ишларим юришгандан юришиб кетди.

Шундай кунларнинг бирида биз Сусанна билан тагин учрашдик. Унинг қовоғи уйилган, нимадандир норози эди. Бу ҳолатини кўриб жон-поним чиқиб кетаёди.

— Нима бўлди? — сўрадим унинг икки елкасидан маҳкам тутиб. — Ким хафа қилди?

— Ҳеч ким, — деди Сусанна совуққонлик билан. — Квартирамдан чиқиб кетишшим керак. Кўйишмаяпти.

— Ким кўймайди?

— Галя опа деганинида ижарада турардим. Уни сиз ҳам кўргансиз. Яқинда мени ўғлига турмушга чиқишига ундағанди. Унамадим. Ахир, ўзимга ёқмайдиган одамга қандай турмушга чиқай? Бунинг устига пиёниста, танбал бўлса. Қисқаси, шундан кейин мен билан тескари бўлиб қолишди ҳаммалари. Энди чиқиб кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Шунақами? Вой ифлослар-е! Кўрсатинг ўша ярамасни! Адабини бериб кўяман!

— Йўқ, шарт змас. Барибир Галя опа менга кўп яхшиликлар қилган. Ундей қилолмайман. Мабодо сизнинг ижарага кўядиган танишларингиз йўқми?

— Ие, бу нима деганингиз? Сизни кўчада қўярмидим? Тўхтанг, мени чиндан севасизми?

— Айтганман-ку буни!

— Илтимос, яна бир марта айтинг!

— Севаман!

— Унда келинг, турмуш қурайлик! Иккаламиз менинг квартирамда яшайверамиз. Қачонгача хилватда учрашиб юрамиз, Сусанна? Йўқ деманг! Ахир, мени яхши биласиз-ку! Алдамаслигимни англаб турибсиз-ку!

— Тўғри, — ўйга толди Сусанна. — Аммо бир нарса мени ўйлантириб турибди.

— Нима? Гапираверинг!

— Турмушга чиқсан, сизнинг динингизга ўтаманими?

Иккиланиб қолдим. Нима деб жавоб қиласам бўлади? «Ҳа» десам-чи? Унда нима бўлади? «Йўқ, мен бундай қила олмайман. Хайр» деса-ю, шартта кетиб юборса нима қиласман? Ҳолим не кечади?

— Хўш, ўзингиз қандай фикрдасиз? — сўрадим таваккал.

— Менни? — елка қисди. — Умуман айтганда қаршилик қилмаган бўлардим. Нима фарқи бор? Мен бунақанги масалаларга хайриҳоҳман.

— Шунақами?

Бу гал ҳам Сусанна мени яна бир карра ҳайратдан ёқа ушлашга мажбур этди. Ахир бу иш ҳар бир ажнабий аёлнинг қўлидан келмаслигини кўп эшитганман! Сусанна бўлса, осонгина рози бўлди. Наҳотки, дунёда у каби очиқкўнгил аёллар ҳам бўлса? Ахир у ўз бахти учун, мен учун ўзлигидан кечмоқчи!

— Раҳмат сизга! — дедим азбаройи кўнглим бўшаганидан аранг ўзимни тутиб. — Сиз ҳақиқий мард аёл экансиз! Мен умримнинг охиригача пойингизга тиз чўкиб яшасам арзийди.

— Кўйсангиз-чи, — кулди Сусанна. — Севган кўнгилнинг хоҳиши бу. Агар инсон кимнидир қаттиқ севса, суюклиси учун жонини фидо қилишга шай турди.

— Унда шошилайлик! — дедим юрагим қинидан чиққудек дукиллаб. — Ортга сургандан нима фойда? Ҳозир борамиз-у, турмуш қурамиз.

— Кейин-чи?

— Кейин? Билмадим. Менинг квартирамга күчиб ўтасиз.

— Йўқ, кейин театрга тушамиз. Ана ундан сўнг квартирага борамиз. Маъқулми?

— Розиман. Театр бўлса театр-да!

— Кетдик унда!

Биз бир-биrimizga ўтили тикилганча қўлтиқлашиб кўзланган манзил томон жўнадик.

* * *

Кунлар ўтиб борарди. Биз бир-биrimizга тобора қаттиқроқ боғланиб борардик. Ойдин кечаларда сухбатлашиб, дардлашиб тўймасдик. Ўэ уйимиз, қўналғамиш йўқлиги бизни асло ташвишга солмас, шундай гап-сўзлар пайдо бўлганда, бир-биrimizни овутардик. Келажакда албатта яхшилик ғалаба қилишига ишонардик.

Шундай кунларнинг бирида мен бозорга тонг коронисида чиқишни маъқул кўрдим. Бу кун мен каби пистачилар учун муродбахш саналарди. Ким вақтироқ бозорга чиқиб улгурса, ўшанинг савдоси бароридан келиб, кечгача ўтириб топадиган даромадини бир-икки соатда ишлаб олиши мумкин. Шу сабабли оёғимни қўлга олганча бозорга кириб келдим.

Ўлаганимдек рақобатчилар қўринмади. Шоша-пиша «мол»ларни столчага ёйиб харидор кута бошладим.

Бир маҳал деярли ўзим тенги уч барваста йигитлар катта йўл тарафдан кириб келишди ва менинг рўпарамда тўхташиди.

— Ҳойнаҳой, чекимлик олишса керак, — деган хаёлда уларга сўз қотдим. — Қанақасидан берай? Мана, қўринглар, зўрларидан олиб келганман. Қанча оласизлар ўзи?

Улар ўзаро нималардир дея пичирлашган бўлишида, мени ўраб олишди.

— Сен, оғайни, нега бу ерда савдо қиляпсан? — сўради йигитлардан бири дағал оҳангда.

Ҳайрон бўлдим. Тўғри-да, нима иши бор буларнинг? Нега мени тергашади?

— Савдо қилсам, нима бўпти? — саволга савол билан жавоб қайтардим. — Бозор ҳамманики.

— Вей, бугундан бошлаб бу ерда қорангни кўрмай!

— қораҷароги илкис томоғимга чанг солди. — Тушундингми, ё четроқда тушунтириб кўяйликми?

Мен унинг қўлларини томоғимдан олиб ташлашга уриндим. Аммо қолганлари орқадан келиб белим аралаш бир-икки тепишиди.

Шу орада қаердандир бошқа шериклари ҳам пайдо бўлди.

— Хўш, нима дейсан? — деди мендан қўлинни тортаркан қорача йигит. — Бу бозорда менинг ойим савдо қилади. Сен ойимнинг савдосига халал бермаслигинг керак. Агар яна бир марта шу бозорда кўрсак, аяб ўтирамаймиз.

Кўрдимки, аҳвол мен ўйлаганчалик яхши эмас. Бу безорилар кўлчилик экан. Уларга бир ўзим бас кела олмаслигим аниқ. Нима бўлгандаям мусофиран. Обрў борида яхшиликчасига жуфтакни ростлай қолай.

— Гап йўқ, — дедим йигитларга бир-бир боқиб. — Чиқмасам чиқмасман. Аммо тепки учун бошқа сафар гаплашамиз.

— Вей, «любой» вақт тайёрман! — керилди қорача йигит шерикларига кўз қисиб. — Ҳов анави тўққиз қаватли «дом»ни кўрдингми? Иккинчи қаватда тураман. Исмим Мурод. Албатта кечқурун боргин, гаплашамиз!..

Мен ортиқ ҳеч нарса демадим. Ўзимча бир кунмас бир кун ҳисоб-китоб қилишни кўнглимга тугдим-да, нарсаларимни йиғиштириб бозордан чиқиб кетдим.

Шу күнларда ишқнинг totли лаҳзалари ҳам тати-
масди. Сусаннанинг кўзларига тик боқишига-да ожиз
эдим. Унинг қаршисида ўзимни жуда нотавон банда
каби ҳис этардим. Оқибатини ўйламай тутган ишим
учун ўзимни сира кечира олмасдим. Энди нима қила-
ман? Уни ишонтиридим. Унга сўз бердим. Нима деган
одам бўлдим? Рўзгор тебратишни бўйнимга олиб, Су-
саннани севги изҳорларига кўмиб ташладим. Унга ҳеч
ким эриша олмайдиган баҳт ваъда қилдим. Қани ўша
баҳт?! Бозорга ишониб бир шўрликни дарбадарга ай-
лантириб қўймоқдаман. Эрта-индин қолган-кутган
пулларни йиғиб ижара ҳақидан қутулсам, тамом! Кей-
ин қаерга бориб пул топаман-у, рўзгорни қандай бут-
лайман?

Аламдан ёрилгудек аҳволда ер остидан Сусаннага
боқдим. У каравотда ётганча деразадан тўлин ойни
томуша қиларди. Бирпасдан сўнг елкамга бошини
кўйганча оғир хўрсинди. Шундан кейингина сал ғубор-
лар тарқалгандек кўнглим ёришди.

— Сусанна, — шивирладим мен ҳам ойга боқиб. —
Худди шу ой каби қалбингни доғлаб қўйдим-а?

У кескин бошини кўтариб бармоқларини лабимга
босди.

— Бу нима деганингиз? — деди маҳзун оҳангда. —
Мен баҳтиёрман.

— Ахир, кўряпсан-ку! Бозорниям белига тепишиди.

— Уларгаям боқдан бало бордир. Шунгаям қайгу-
риб ўтирамизми? Бир кунимизни кўрармиз ўлмасак.

— Ўлиб кетсак-чи? Пулларимиз камайиб бораётган
бўлса. Кейин нима бўлади?

— Хавотирга ўрин йўқ. Худо беради.

— Ё таваккал қилиб бозорга чиқаверсаммикан?
Ҳарқалай уриб ўлдириб қўйишмас мени?

— Йўқ, — деди қатъийлик билан Сусанна. — Чиқ-
майсиз бозорга!

— Нега?

— Чунки сизнинг ўз касбингиз бор. Қаёқдаги бозорчилар билан ёнма-ён ўтириб писта сотиш сизга ярашмайди.

— Ие, ўша ерда танишмаганмидик? Энди ярашмайди, деганинг нимаси?

— Ўшандаёқ кўнглимга туғиб кўйгандим.

— Нимани?

— Агар шу йигит билан турмуш қурсам, бозорга чиқармайман, деб ўзимга ўзим сўз бергандим.

— Вой, айёр-ей, — суюклигимни маҳкам қучоқлаб олдим. — Ҳали турмуш қуришимизни билгандим, де?

— Албатта-да, — кулиб юзимни чимчилади Сусана. — Ҳар келганимда тикилавериб жонимни олардингиз. Ўшандаёқ сизники бўлишимга кўзим етганди.

— Бахтимдан ўргилай! — унинг юзларидан оҳиста бўса олдим. — Яхшиям сени учратдим. Мана, қийин лаҳзалардаям ўзинг далда бўляпсан. Сендан бошқаси бўлса...

— Бошқаси бўлмайди! — сўзимни кесди Сусанна.

— «Бошқаси» деган сўзни ҳеч қачон оғзингизга олманг!

— Сен абадий меники бўласанми?

— Қасам ичаман! Сиздан бошқасига қайрилиб қарамайман!..

Бу дил изҳори вужуд-вужудимни титратиб юборди. Бир зумда аламлар, қайғу ва хавотирлар тумандек тарқаб, енгил тортдим.

* * *

Шу кеча туш кўрдим. Ойсиз, зулматли кечада ўзга бир юртда, сўнгсиз сахрова дарбадар кезармишман. Сахрова на дараҳт, на гиёҳ бор эмиш.

Қайноқ кум оёқларимни куйдирав, чидай олмаганимдан тўхтамай югуришга маҳкум эдим. Шу кўйи ҳарсиллаганча сувсиз кўл бўйига етдим.

Кўл ёқасида мен каби ташна ва оч қарға-қузгуналар изғир, егулик қидиришарди.

Шу пайт күл бүйида соchlари пахтадек оқарган, озғинлигидан елка сұякларигача туртиб чиққан, аммо ёшроқ аёл пайдо бўлди. У менга орқа ўирганча суви қуриган кўлга тикилар, чуқур ўйга толганди.

.Негадир унинг жуссаси менга таниш туюлиб яқинроқ бордим. Қадам товушларини эшигтан аёл илкис бошини мен томон бурди.

Мен... Тахта бўлиб қолдим. Чунки у Наргизам эди. Менга боқарди-ю, кўзларидан ёш ўрнига қип-қизил қон оқарди.

— Шу ергаям топиб кепсиз-да! — деди Наргиза бoshини қайтадан кўл тарафга буриб. — Сиздан қочиб мана шу саҳрого келгандим.

— Нега бунча озиб кетдингиз? — сўрадим ундан титроқ аралаш. — Сочларингиз нега бунчалар оқ?

— Очман, оч! — Наргиза даст ўрнидан турди-да, сұякдангина иборат оёқларини, шалвираган қўлларини баравар олдинга чўзди. Шу заҳоти озғин гавдаси чамаси бир метрча юқорига кўтарилиб, шу кўйи ҳавода муаллақ қолди. — Кўрмаяпсизми аҳволимни? Минг йилдан бери ейишга ноним, ичишга сувим йўқ. Мен макон қурган жойларда факат меҳрсизлар яшашаркан.

— Қанийди, сизга кўмак бера олсан, — дедим хафа бўлиб. — Ўзим ҳам сиздан баттар ҳолдаман. Менам шу саҳрого тирикчилик илинжида келувдим. Афсус, адашибман.

— Э, сиз қачон одам бўлгандингиз ўзи? — мени жеркиб ташлади Наргиза. — Тириклигимда ёрдам бермаган одам энди дардимга малҳам бўлармиди?!

— Бу нима деганингиз? — қўрқиб кетдим мен. — Ахир, сиз билан ёмон яшамадик! Сизни қабрга қўйганимиздан кейин ҳам қанча вақтгача сухбат қурганларимизни биласиз-ку!..

— У даврлар ўтиб кетди! — деди ҳануз тескари ўгирилган ҳолда Наргиза. — Лекин сиз ўзгармадингиз. Тадбир тузишни билмайсиз. Ўлгудек нўноқсиз. Агар

шу тахлит кетаверсангиз, билиб қўйинг, ўлганингиздан кейин менданам баттар аҳволга тушасиз.

— Айтинг, нима қилай? — бақирдим бор овозда.
— Нима қилай? Қайга борсам, қай деворга бош урсам, қаршиликлар, шафқатсизликларга юз тутаверсам!

— Нон топинг, нон! — бирдан ҳайқириб қоча бошлиади Наргиза. — Ортимдан чопсангиз, албатта топасиз, топасиз! Фақат ортда қолиб кетманг! Бургутларга, қашқирларга ем бўласиз! Мен сизни улар чангалидан кутқара олмайман! Ожизман, ожиз!..

Мен жон ҳолатда Наргизанинг ортидан югура кетдим. Чопиб борардим-у, қайноқ қум оёқларимни чидаб бўлмас даражада куйдирап, оғриқча бардош бера олмаганимдан шердек ўкирадим.

* * *

— Сизга нима бўлди? Тинчланинг! Кўзингизни очинг!..

Беихтиёр уйғониб кетдим-у, сакраб ўрнимдан турдим. Нуқул ҳансирар, аъзойи-баданим қора терга ботганди.

Тепамда йиглагудек жавдираб турган Сусаннага боқдим-да, шоша-пиша оёқларимни кўздан кечирдим. Ҳаммаси жойидалигига амин бўлгач, бўшашгансча каравотга ўтириб қолдим.

— Ёмон туш кўрибман, — дедим ҳансирашим хийла пасайгач. — Кўрқиб кетдим. Кимсасиз саҳро-да эмишман. Сувсилиқдан, очликдан азобланибман.

— Тушга нималар кирмайди, — мени юпатиб пешонамдаги маржон терларни енги билан артди Сусанна. — Ҳеч нарсани ўйламанг. Ҳаммаси яхши бўлади. Бу кунлар ўтиб кетади.

Эндинга юз-қўлимни ювиш ниятида ваннахонага йўл олгандим, Вания амаки хонасидан чиқиб йўлимни тўсди.

— Ука, сен хафа бўлмагин-у, — қовоқ уйиб сўз қотди у. — Лекин бошқа жой топмасанг бўлмайдиганга ўхшаб туриди.

— Нима бўлди? — сўрадим кутилмаган гапдан юрагим орқага тортиб. — Тинчликими, амаки?

— Россиядан ўғлим оиласи билан келяпти. Улар бешкиши. Сизларни кўрса, жаҳди чиқиши мумкин-да!

— Ш-шунақами? — дедим тарвузи қўлтиғидан тушган кимсадек ортга тисланиб. — Хўп, бугуноқ бошқа квартира излаймиз, амаки!

— Тушунаман, — деди Вания амаки қўлларини муштқилиб. — Ҳозир қийналиб турибсан. Бозоринг ҳам анавиндай... Ўхшамай туриди... Менга қара, сенга яна битта яхшилик қилай.

— Қанақа яхшилик? — уй эгасига умидвор боқдим.

— Бир ойлик ижара ҳақини беришинг керак эди, тўғрими?

— Тўғри.

— Ўшани бермай қўяқол! Менга берадиган пулингни янги квартирага сарфла. Бир ой амаллаб турсанг, у ёғига Худо пошшо.

— Раҳмат сизга! — қувониб Вания амакининг қўлини сикдим. — Ўзингизам топилмас одамсиз-да! Шу ердаям мени ўйладингиз-а!

— Қўявер, мен шунақа одамман. Сен яхшиси ҳаратингни қил! Эр-хотин бирпас елиб-юргурсангиз, то-пасиз бошқа жой. Фақат мендан ранжима! Ўғлимнинг феълини фақат мен биламан...

Шу куни Вания амаки билан маҳзун хайрлашиб, Сусанна иккимиз бошқа уй топиш илинжида кўчага йўл олдик.

* * *

То кечга қадар икковлашиб ижара уй қидирдик. Бир-икки марта бундай иш билан шуғулланмаган одамга осон кечмас экан. Шундайлар дуч келардики, савол берсангиз, юзингизга бақрайганча боқиб, тўсат-

дан дўқаб қоларди. Илож қанча? Тилни тийишдан нарига ўтолмас экан киши.

Мен-ку, майли, бундай ҳаётга озми-кўпми кўникканман. Чидашга, сабр қилишга мажбур эканимни ҳис эта оламан. Сусаннанинг менга ҳамроҳ бўлгандан бери тортаётган азобларига ачинадим. Уй топилавермагач, хафа бўлганида, оғир хўрсиник билан олга юрганида ер ёрилса-ю, кириб кетсам, дердим. Ора-сирада елкамдан қучиб мени овутган онларда эса юрагимни фахр туйфуси куршаб оларди. Яратганга шукр қилганча янги кувват билан илдам қадам ташлардим.

Ниҳоят, бир кекса одамнинг уйидан нажот топдик. Бизни ижарага қўйишига рози бўлди.

Қариянинг уйи кўримсизгина, тор бўлса-да, бизга ажратилган хонада яшаб турса бўларди. Умуман, кеч шомгача уй қидириб ҳолдан тойганимиз учунми, ҳеч нарсага қараб ўтирумадик. Бизга шу тобда тинчлик, хотиржамлик тақдим этишса, ҳеч ким безовта қилмаса, шунинг ўзи кифоя эди.

Оёғимизни қўлга олиб майдо-чуйда буюмларимизни янги квартирага олиб келдик ва енгил нафас олгандек каравотга чўқдик.

* * *

Очиққандик. Аммо Сусанна мени дўконга чиқиб келишга қўймади. Сумкада пича ун қолиб кетган экан. Ўша ундан хамирча қорди. Сўнгра нон шаклига келтириб, бир дона пиёзни майдалаб тўғради, унга помидор томатини қўшди-да, нон устига сурди.

Кўз очиб юмгунча дастурхонимизда қизариб пишган мазали нон ҳозир бўлди.

Очиғи, бу қадар мазали нонни ҳеч қачон тановул қилмагандим. Сусаннага ташаккур назари билан боқдим. Ахир мамнун бўлишга ҳақли эдим! Бир чимдим ун, бир дона пиёз ва шунча помидордан бу қадар ажойиб таъмли нон ёпиш мумкин эканлигини етти ухлаб тушимда кўрмаганман.

Қалбимни ҳам фахр, ҳам күркүв ҳисси қамраб олди.
Суюклигимнинг тиззалирини қучганча қора кўзлари-
га меҳр билан боқдим.

— Сен топилмас аёл экансан, — дедим шивирлаб.
— Қара, ҳеч қачон татиб кўрмаган таомни менга ҳадя
қилдинг.

— Бунинг нимаси зўракан? — деди Сусанна хотир-
жамлик билан. — Ҳар қандай одам пишира олади буни.

— Хаёлига келмаса-чи? — дедим даст ўрнимдан
туриб. — Умрида шундай нон борлигини ўйлаб кўрма-
ган бўлса-чи?

— Тўғри, — маъюс кулимсиради Сусанна. — Бун-
дай нон пишириш учун бизнинг кунимизга тушиб
кўриши керак.

Мана шу гапи мени ҳушёр торттириди ва баттар ха-
вотирим ортди. Миямда бўлмагур хаёллар чарх ура
бошлиди. Худди яқин орада севгилимдан айрилиб
қоладигандек кўркувга тушиб қолдим.

Даст ўрнимдан турдим-да, энди дастурхонни йи-
ғиштиришга тутинган Сусаннани маҳкам бағримга
босдим.

— Ҳа-а, нима бўлди тағин? — сўради у ҳайрон
бўлиб. — Тинчликми ўзи?

— Ростини айт, — дедим унинг кўзларига тик бо-
қиб. — Менга хиёнат қилмайсанми? Мени ташлаб кет-
майсанми?

— Уф-ф, — дея ўзини секин орқага олишга уринди
у. — Ҳалиям ишонмаяпсизми менга?

— Йўқ, очигини айтмагунингча қўйвормайман!

— Биз энди эр-хотинмиз, — деди Сусанна босиқ-
лик билан. — Шундай экан, ташлаб кетиш ҳақида гап
бўлиши мумкинмас. Хиёнат масаласига келсак, хоти-
рингиз жам бўлсин. Мен сиз ўйлаган аёллардан эмас-
ман. Ҳеч қачон хиёнат йўлига кирмайман.

— Сўз берасан-а?

— Ҳа, сўз бераман. Бўлдими?

Сусаннанинг майин жилмайишидан эриб секин уни
қўйиб юбордим ва ҳазил аралаш дедим:

— Энди бемалол ишиңгни бажаришинг мүмкін.

У ҳам қазилимга қазил аралаш жағоб қылди.

— Хайрият-ей, шу кеча қўйиб юбормасмикансиз, деб қўрқандим!

* * *

Эрта тонгда Сусаннанинг пиқ-пиқ йиғлашидан чўчиб уйғондим.

У менга терс ўгирилганча йиғларди.

Ҳайрон бўлдим. Чамаси уни кечқурун ранжитмагандим. Ёмон туш кўрдими кан? Унда нега мени уйғотмасдан ўзи дард чекяпти?

Жоним ҳалқумимга келгудек икки елкасидан тутиб ўзимга қаратдим. Сусанна қаршилик билдирамади. Аксинча елкамга бош қўйиб баттарроқ йиғлай бошлиди.

— Нима бўлди? — сўрадим меҳр билан соchlарини силаб. — Ким сени хафа қылди? Мен эмасми?

— Уйимдагиларни туш кўрибман, — деди хўрсигиб Сусанна. — Ойим нуқул мени уришаётганмиш. Укам, опам тескари ўгирилиб олишибди. Қанча гаплашишга уринмай, фойдаси бўлмабди. Уларни соғи-ниб кетдим...

Бу ҳасратлар юрагимни эзид юборди. Афсуски, ожиз эдим. Ахир қандай қилиб уни юртига юборай? Ҳазилакам пул кетадими у ёқдарга бориш учун?! Нима қилсам экан? Қай йўл билан овутай? Нима қилсам дардлари арийди?..

— Мени кечир, — дедим бошимни чанглаб. — Сен билан турмуш қуришдан олдин шу тарафларини ўйла-мабман. Соғинч азоби сени эзиши хаёлимга келмабди.

— Жиннивой, — дея билагимни маҳкам сиқди Су-санна. — Шунгаям ўзингизни айблаяпсизми? Бу туш эди, холос. Бирпасдан кейин ўтиб кетади. Ҳадеб ғам чекаверманг-да!

— Барибир қийин. Бу қийноқларни ўзим ҳам бошимдан ўтказганман. Нималигини жуда яхши биламан.

Бир маңал Сусанна сапчиб ўрнидан турди-да, ел-камдан тортқылаб мени ҳам туришга ундағи.

— Биласизми, нима қылсак бўлади? — деди у кўзла-ри чақнаб. — Айтайми?

— Айтақол! Мени қийнама, тезроқ айт!

— Келинг, сизнинг қишлоғингизга борамиз! ҚайноНам, қайнсингилларим билан таниширасиз. Уларни кўрсам, уйимдагиларни кўргандай бўлармидим. Нима дейсиз?

Бу таклифни эшишиб, менга қайтадан жон кирган-дек бўлди. Оғзимнинг таноби қочиб суюклигимга ҳазиллашдим:

— Балосан, Сусанна, балосан! Қара-я, шунча пайт-дан бери хаёлимга келмаганини! Ахир алмақачон қишлоққа олиб боришим керак эди сени! Нимага ўйлама-дим?

— Ҳалиям кеч эмас, — деди Сусанна жилмайиб. — Ҳозирча пулимиз бор. Бориб келишга бемалол етади. Қайтгандан кейин бир гап бўлар.

— Тўппа-тўғри. Қани, унда отлана қолайлик! Кечик-майлик!

— Бўпти, мен тезгина буюмларни йигиштирай!

* * *

Қишлоқ кўчасига етганимизда кун пешиндан оқ-қанди. Ўтган-кетганлар ортимиздан ҳайрат аралаш қараб қолишар, қиз-жувонлар ёнимиздан ўтди дегун-ча ўзаро шивир-шивир қила бошлашарди.

Бу манзарадан қалбим фахрга тўлди. Азбаройи қувонганимдан сал курса сакраганча ўйнаб кетаёздим.

— Қара, — дедим Сусаннани туртиб. — Қишлоқда-гилар сени кўриб қотишаётки.

— Нега? — ҳайрон бўлиб менга бокди у. — Одам кўришмаганми булар?

— Бошқа миллат қизларини кўришмаган-да! Кўр-гин, ҳаваслари келганидан тамшаниб қўйишияпти.

— Таңба, — деди Сусанна елка қисиб. — Менам уларға ўхшаган одамман. Ортиқ жойим бўлмаса.

— Кўявер, илгари мен келсам, бирор кимсан демасди. Сенга уйланиб ҳар ҳолда эътиборга тушиб қолибман. Бу зўр-ку!

— Қаерга кетяпмиз? Етмадикми?

— Айтгандим-ку, биттагина туғишган синглим бор деб! Ўшаникига борамиз. Ҳарқалай ўзимники. Шундай гўзал келинойиси борлигини кўрса, хурсанд бўлади. Жиянларни айтмайсанми? Ҳар келганимда югуриб келиб бўйнимга осилволишади. Улар мени жуда яхши кўришади. Ҳали етайлик, ўзинг кўрасан!

— Синглингизам сизга ўхшаганми? — қизиқсинди Сусанна. — Қуийб қўйгандек ўзингиз бўлса керак-а?

— Йўқ, онамга кўпроқ ўхшаб кетади. Лекин жуда кўнгли бўш. Мени кўрди дегунча йиглайверади. Соғинади-да!

— Аёлмар шунаقا бўлишади, — деди Сусанна бош силкитиб. — Улар бир умр яқинларини соғиниб яшашади.

— Ташвиш чекма! Ҳали шундай кунлар келадики, биргалашиб Арман диёрига жўнаймиз. Маза қилиб дам оламиз.

— Худо хоҳласа!

Таниш тор кўчага бурилганимиздан сўнг синглим Сайёрининг дарвозасига кўзим тушди-ю, кўнглим алланечук бўлиб кетди.

Синглимнинг дарвозасини қия очдим-да, бақирдим:

— Ҳой, ким бор? Сайёра! Одам борми?

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, синглим юргурганча чиқиб келди. Мени кўриши билан лаблари титраб, бўйнимга осилишга тутинди. Лекин Сусаннани кўргач, таққа тўхтади. Ичкаридан чопқиллаб менга пешвуз

чиққан жиянларим ҳам синглиминг ҳаракатини тақрорлашди. Дарвозахонада тек туриб қолишиди.

— Ака, ким у? — сўради синглим ранги-кути учиб.
— Нимага индамайсиз? Ким у аёл?

— Ким бўларди? — дедим ҳайрон бўлиб. — Келинойинг. Ие, нега бакрайиб турибсан? Кўришмайсанми?

— Йўқ! — дея худди душманига кўзи тушган одам каби ортга тисланди синглим. — Қаёқдаги қаланғи-қасанғиларни кеннойи демайман! Мен фақат Шарифа кеннойимни тан оламан!

— Нима?!

Кутмагандим. Бу гапни эшитиб кўзларимдан ўт чақнаб кетаёзди. Танамни совуқ тер босди. Нима дейишни билмай бир муддат гарангсиб қолдим.

— Вей, бу нима деганинг? — ниҳоят ўзимни кўлга олиб, синглима ўшқирдим. — Ким қаланғи-қасанғи? Оғзингта қараб гапиргин, Сайёра!

— Қарамайман! Мен бу аёлни уйимга киритмайман! Тезроқ опкета қолинг! Маҳалладагиларга мени шарманда қилманг!..

— Шунақами? Ҳали акалик қадр-қимматим шу бўлдими? Яхши, киритмасанг, зорим бор, зўрим йўқ! Онамнинг уйига борамиз.

— Бориб овора бўлманг! — деди синглим совуққонлик билан. — Ҳеч ким сизларни уйига киритмайди. Бекорга шарманда бўлганингиз қолади.

— Нега? Нима ёмон иш қилдик?

— Ҳаммасини эшитдим, ака.

— Нимани эшитдинг, нимани?

— Шарифа кеннойимни хафа қилганингиз учун ишданам ҳайдалибсиз, касал бир аёлга уйланибсиз. Барибир хотинга ёлчимабсиз. Энди бунисини топибсиз. Барибир...

— Ўчир овозингни, ўчир! Ҳали сен... Шунақамисан? Пушаймон бўласан! Умрингнинг охиригачаям қорами кўрмайсан, ҳа!..

— Шунақа шармандалиқдан кўра кўрмасам яхшийди, — бўш келмай терс ўгирилганча сўзланарди синглим. — Бети курсин, тор шим кийволиб жилпангламай...

Бу маҳал Сусанна тилимизни дуруст билмаса-да, ҳаммасига тушуниб етганми, йиғлаганча катта йўл томон жўнаб қолганди.

Сайёрани сўка-сўка унинг ортидан югурдим.

* * *

Ана энди бахтимдан буткул умидимни узгандим. Сусанна қанча уринмай, менга қулоқ тутмас, нуқул унсиз йиғларди.

Машинада катта шаҳарга қайтардиг-у, мен ўзими ни худди қувфинга учраган дайди итдек ҳис этардим. Чунки бу итни қай гўшага бош суқмасин, ҳайдаб солишади. Унинг ҳеч кимга кераги йўқ, нафсиз бир жонзот.

Бу ҳам камлик қилгандек, буёғига тағин ёлғизлик, бахтсизлик, омадсизлик, саргардонлик, хўрлик таъқибида қолишимни ўйлаганим сайин қалбим музлаб борар, қопқонга тушган жонивор янглиғ нуқул типирчилардим.

Аксига олгандек осмондаги булувлар туннинг юзига яна бир қора парда торти. Сал ўтмай ёмғир томчилай бошлади. Бундай ҳавони ёқтираслигим сабабли баттар тундлашдим. Ер остидан Сусаннага бокдим. У йиғлашдан тўхтаган бўлса-да, лаблари билинар-билинмас титрарди.

Балки шаштидан тушгандир, кечиргандир деган хаёлда таваккал елкасига қўлимни қўйдим. Афсуски, у қўлимни елкасидан олиб ташлади ва менга терс ўгирилиб олди.

— Майли, мен айброрман, — дедим ёнимдагиларга эшилтирамай. Мен туфайли шунча ҳақоратлар эшилдинг. На илож? Мен шундай омадсиз одамман. Шу кунгача сениям қийнаб келдим. Нима қилайки, шун-

дай туғилған эканман. Шунча ҳаракат қилдим, тақ-
диirim үзгармади. Буёғига ҳам шундайлигимча қол-
сам керак... Ҳа, сен ҳали ҳақиқий баҳтингни топасан.
Ярқираган машиналарда сени олиб юришади. Керак
бұлса, ўша баҳтиәр йигит пойингда тиз чўкиб яшайди.
Сен бунга арзисан! Ҳозир катта шаҳарга етамиз-
у, хайрлашамиз. Бир умрга видолашамиз. Сен менга
қайғуриб азобланма. Шўр пешоналар мендай хор-зор-
ликда яшашга маҳкум. Кетаётганингдаям ортингга
ўтирилма! Мени қийноқлар чангалида қолмасин де-
санг, шундай қил!

Жуда қисқа бұлса-да, сен билан кечган лаҳзаларим-
га мингдан минг розиман!

Машина хуфтонга яқин катта шаҳарга кириб йўл
четида тўхтади. Биз машинадан тушдик.

Ҳозир хайрлашиш онлари жуда яқин қолганини
сезардим.

Сезганим сари ичимдан зил кетарди...

* * *

Мен сўнгги бор Сусаннага аламли нигоҳ ташладим.
Афтидан у ҳам хайрлашиш учун арзирли сўз топол-
май ҳалак эди. Ер чизган кўйи лаб тишлаб-тишлаб
оларди.

Унинг қалин ва олтинранг соchlарига суқ билан бо-
қардим-у, юрагим гўёки ҳўнг-ҳўнг йиглар, миям чир-
малиб олиши мумкин бўлган оғриқдан эмас, яқин ора-
да саҳро каби ҳувимлаб, куриб қолишини сезган каби
тинимсиз қақшарди.

— Менга нима бўлган ўзи? — ўйлардим эмлашлар-
дан безган бемор каби ёруғ дунёга кўркув аралаш бо-
қиб. — Ҳеч қачон бошимга қўнгган баҳт қуши учиб ке-
тишидан ҳозирчалик чўчимагандим. Ҳатто, Наргиза-
ни сўнгги йўлга кузатётганимда бу бевафо оламга
мағрур боқа олганман. Шарифа уйдан ҳайдаб солган-
да, таваккал олдинга интилиб, ўзим учун тўғри йўл
қидирганман. Ҳозир эса мурда каби танам совиб бор-

япти. Қалбимда йилт этган чүр үйк. Ичим узилиб тушадигандек тобора буқчайиб бормоқдаман. Қаддими ростлашга, менга озми-күпми қувонч бахш этган аёлга охирги марта тик боқишига ўзимда куч топа олмаяпман. Нега? Биламан, уни йўқотгач, ҳеч қачон бахтга эриша олмайман. Буни вужуд-вужудим билан ҳис этиб турибман. Гарчи ҳаётим тўқис бўлган тақдирда ўзимни Сусанна билан бирга ҳаёт кечирганчалик баҳтиёр ва эркин ҳисоблай олмайман.

На илож? Бошимни минг деворга урмай, пешонага битилгани бўларкан. Тоқат қилишга, қўл силтаганча кетишга мажбурман.

— Майли, — дедим титроқ аралаш Сусаннага қўл чўзиб. — Хайр энди! Орамизда яхши-ёмон гаплар ўтган бўлса, кечиргин! Мен билан ўтказган оғир кунларинга рози бўлгин!

Сусанна бу гапларимни эшилди-ю, сесканиб бошини кўтарди.

— Ие, бу нима деганингиз? — деди у зўрма-зўраки жилмайиш қилиб. — Мендан воз кечяпсизми? Шунчалар жонингизга текканмидим?

— Нега жонимга тегаркансан? Яқинларимнинг сенга гапирган гаплари, қилиқлари мени адойи тамом қилаёзди. Биламан, сен кўнгимни оғритмаслик учун шу саволларни бердинг. Аслида бир дақиқаям ёнимда қолгинг үйк.

— Бекорларни айтибсиз! Ҳеч денгизда бўлганмисиз?

— Йўқ, нимайди?

— Тасаввур қилинг, денгиз ўртасида кема сузиб боряпти. Кемада фақат иккимиз. Кутимаганда бўрон турди-ю, тўлқинлар пишқира бошлади. Кемамиз ҳалокат ёқасида қолди. Агар шунда мен жонимни асраб қолиш илинжида ўзимни сувга отсам нима бўлади? Сиз ҳалок бўласиз-ку! Мен-чи? Жонимни асраб қолиб, бир умр азобда ўтаманми? Асло! Биз ҳам ҳозир худди шундай кемада бирга олдинга сузиб бормоқдамиз.

Денгизнинг инжиқликлари, фалокатлари кўп бўлади. Чидашга мажбурмиз. Ҳар биримиз жон сақлаш учун ўзимизни четга олаверсак, бу ҳаёт ҳаёт бўлармиди?! Йўқ, мен сизни ташлаб кетолмайман. Майли, синглингиз нима деса, деди. Менга нима? Менга тұхмат қилган бўлса, Худо жазосини беради. Энди бормаймиз, қўямиз, вассалом!

— Демак... Сен мендан воз кечмайсан, шундайми?
— сўрадим беихтиёр кўзларим чақнаб.

Сусанна бу саволимга жавобан, қўлтиғимга кирдида, секин туртди.

— Юринг, кеч бўлиб кетди. Тезроқ квартирага етволайлик!

* * *

Қоронғиликда зиналардан кўтарилиб, таниш квартира рўпарасига етгач, мамнун жилмайиб эшикни тақиллатдим. Зум ўтмай, остоңада уй эгаси Холмат бобо ҳозир бўлди.

У иккаламизга ҳайрат аралаш бокди-да, боши билан «кир» ишорасини қилди.

Тушунмадим. Чолнинг бунаقا одати йўқ эди, чамаси. Нима бўлди экан? Ё кетмасдан бурун бирор ножӯя иш қилганмидик?

Шундай хаёллар исканжасида ичкарига кирдим. Сусанна хонамизга кириши билан Холмат бобо мени нари тортди.

— Сенга бир гапни айтишим керак, — деди у салмоқ билан. — Квартира сотиладиган бўп қолди. Ўғилларим қўйишмаяпти. Мана ижара учун берган пулинг. Майли, мен мингдан минг розиман. Энди бошқа уй топишинг керак, болам.

— Ҳозир-а? — сўрадим хавотир аралаш.

— Иложи бўлса, ҳозир. Ҳали замон ўғлим келади. Сизларни бу ерда кўрса, жаҳли чиқиши мумкин. Очифи... Сал муштумзўрроқ. Вақти келса, менгаям дўқ урворади. Эркалатиб ўстирганман-да баччағарни!..

Мен бўшашибганча ортга тисландим.

— Нима қиласизлар? — жавдираб менга тикилди қария. — Ҳозир чиқиб кетасизларми?

— Нимаям қилардик? — елка қисиб жавоб қилдим.

— Чиқиш керак бўлса, чиқаверамиз-да! Бошқа йўл ҳам йўқ.

Шундай деб қўрқа-писа Сусанна ўтирган хона эшигини очдим. У астойдил кийим алмаштиришга тушиб кетибди.

— Кийим алмаштириш ортга сурлади, — дедим деворни аста муштлаб. — Бу ердан ҳам ҳайдалдик. Тез чиқиб кетмасак бўлмасмиш.

Сусанна ҳеч нарса демади. Фақат оғир хўрсиниб қўйди, холос.

* * *

Қисқа фурсатда заъфарон қиёфага кириб қолган-дек эдим. Қоронфиликда номаълум тарафга ёнма-ён кетиб борардиг-у, бу ҳаётдан норозилигим аламини сочларимдан, кийимларимдан, юз-кўзларимдан олгим келарди.

Аҳволим ёлғиз ўзимгагина аён. Айни дамда бебош бир дарё соҳилида муаллақ турибман ва олисдан яқинлашиб келаётган тўфон бир зарб билан мени тўлқинлар қаърига ташлайдигандек туюларди. Сусаннани учратганимдан, Наргизанинг хаёли билан яшайвермаганимдан афсусланардим.

— Агар телбадек марҳумлар билан тиллашиб юраверганимда, — дердим ўзимга ўзим, — бу кунлар бошимга тушмасди. Гўзал бир аёл қаршисида мулзам бўлмасдим. Ёлғиз бошим гуноҳкорона эгилемасди. Нима қилай? Тилим қисиқ. Ҳаддим сифиб бирор сўз айтишга-да ўзимда куч ва журъат топа олмаяпман. Ҳозир нимадир десам-у, Сусанна жаҳл аралаш менга юзланиб ҳаммасини тўкиб солса қай ҳолга тушаман? Нимага таксидан тушган заҳоти хайрлашиб кета қолмадим? Шунда ҳозир у менинг аччиқ қис-

матимга шерик бўлмасди. Ўша таниш аёлникига бо-риб шартларига кўнарди, ёки қандайдир йўл топиб келишарди. Ўша квартирада яшашида давом этарди...

Бир маҳал Сусанна мени қаттиқроқ қучди-да, тўхташга ундан бошлиди.

— Ана, келяпти, — деди у боши билан олдинга ишора қилиб. — Ҳов анави аёлни кўряпсизми?

Ҳақиқатан, анча нарида яшил кийимли ўрта яшар ажнабий аёл биз томон яқинлашиб келарди.

— Ҳа, кўрдим, нимайди? — сўради ундан. — Танишингми?

— Бу ўша аёл. Мени ўғлига олиб бермоқчи бўлган... Ҳозир келса, тағин бошлайди дийдиёсини.

— Э, намунча қўрқмасанг? — дедим дадилланиб. Шу аснода дардларим, хавотирларим бир оз аригандек бўлди. — Келса келаверсин!

Аёл рўпарамизга келгач, таққа тўхтади ва Сусаннага масхараомуз назар ташлади.

— Ҳа-а, келинчак? — дея бир менга, бир Сусаннага менсимай бокди у. — Энди бу йигитни йўлдан урдингми? Ҳой, ука, ишонманг бунга! Ҳали шошмай туринг, бошқасини ёқтириб қолаверадиган одати бор. Ўшанда сизниям чув тушириб кетади.

Сусанна индамас, лаб тишлаган кўйи танишининг сўзларини жим тингларди, холос.

Бу аёлнинг гаплари ҳамиятимга тегди. Сусаннани кўйиб юбордим-да, аёлга яқинроқ бордим.

— Кимсан ўзи? — атайнин «сен»лаб сўрадим. — Нега бирорвга туҳмат қиляпсан?

— Вой, нимага мени сенлайсан? — тутоқиб кетди аёл. — Туришингга бир қара, қишлоқи! Сенга ким кўйибди катта кетишини?

— Агар яна бир марта хотинимга туҳмат қилсанг, — дедим кўрсаткич бармоғимни аёлнинг кўзларига тўғрилаб. — Мана шу яшил шишага ўхшаган кўзларингни ўйволаман, алкаш!

— Ўзинг алкашсан, билдингми? — бўш келай демасди у ҳам. — Қаёқдаги ўзингга ўхшаган қаланғи-қасангига уйланвонлиб, одам бўп қолдим деб ўйлаяпсанми?

— Ўчир чакагингни! — бақирдим зўрға ўзимни тутиб. — Яхшиям аёл кишисан, бўлмаса...

Шунда Сусанна билагимдан тортиб кетишга ундаи бошлади.

— Қўйинг, шу билан тенг бўлмайлик! — деди мени судраб. — Ўзи ким-у, гапи ким бўларди. Яхши одам бўлганда, қизи эрини ўлдириб қамалиб кетмасди. Кетдик!

Мен аёлнинг гапларини сингдира олмай анча ергача сўкиниб бордим.

* * *

Шу аҳволда алламаҳалгача кўча кездик. Ҳўш, қайдан паноҳ топамиз қоронғида? Кимнинг эшигини тақиллатамиз? Шаҳарда кечаси эшик тақиллатган одами ҳеч ким хушламайди. Ё ўғрига, ё пиёнистага йўйишади. Жаҳдорроқ одамнинг эшигини чертсангиз, нақ балога қолиб кетишингиз ҳеч гапмас.

— Мана шу ерда тўхтайлик, — деди Сусанна негадир инграб. — Туфлим оёғимни тажиб ташлади. Ортиқ юришга ҳолим йўқ. Юринг, анҳор бўйида бирпас ўтирамиз!

— Хўп, — дедим унга ачиниш билан боқиб. — Анҳор бўйида ўтирамиз. Сени чарчатиб юбордим.

Анҳор бўйи сокин эди. Сувнинг шилдираб оқиши қалбга ёқимли туйғулар бахш этиб, хаёл суришга ундарди.

— Энди қаерга борамиз? — сўрадим эҳтиёткорлик билан. — Фирт дайдиларга айланиб қолдик-ку!

— Нима қипти? — деди у бош чайқаб. — Кўчада бизни ит ермиди? Эрталабгача шу ерда ўтирасак ҳам бўлаверади. Ёруғ тушгандан кейин уй қидирамиз. Нима дейсиз?

— Ўйқусиз сен қийналиб қоласан, — дедим норози оҳангда. — Тонггача ўтириб чиқишининг ўзи бўладими?!.

— Нега уйқусиз ўтиарканман? — эркаланиб елкамга бош кўйди Сусанна. — Сизнинг елкангизга мана шундай бошимни кўяман-да, ухлайвераман.

— Фақат мени қарғама! Мен ҳам шундай бўлишини хоҳламагандим.

— Яна эски ашулангизни бошладингизми? Бас қилинг! Агар тағин бир оғиз гапирсангиз, юзингизни чимдиг оламан. Кўкариб қолади. Хўш, гапирасизми?

— Йўқ, йўқ, йўқ!.. Тавба қилдим!

Мен кула-кула севгилимни маҳкам кучиб, кўзларими юмиб олдим.

* * *

Орадан бир соатча вақт ўтди. Ҳаво тобора салқин тортиб бораарди. Сусанининг титраётганини ҳис этиб эгнимдаги костюмни ечдим-да, елкасига ташладим.

— Фойдаси йўқ, — деди у ўрнидан кўзғалиб. — Ба-рибир совуқ.

— Нима қилсак экан-а? — бошим қотиб секин ўрнимдан турдим. — Бу тахлит ўтираверсак, сен шаммоллаб қолишинг ҳеч гапмас.

— Спирт бўлсайди, — деди Сусанна турган ерида бир-икки сакраб. — Қизиб кетган бўлардик ҳозир.

— Нима? — мен ҳайрон бўлиб севгилимга боқдим. — Сен... Ичкилик ича оласанми?..

— Нима қипти? — елка қисди Сусанна. — Байрамларда конъякми, виноми бўлса татиб кўрадим. Бунинг нимаси ёмон?..

— Ахир... Аёл киши пиёниста бўлиб қолиши мумкин-ку!

— Ҳечам-да! Пиёниста бўлиш учун қанча ичиш керак? Биласизми шуни? Кун бўйи ётволиб ичиши керак. Замонавий аёллар эса туғилган кун, тўй-ҳашамларда пича ичса ҳеч нарса қилмайди.

— Гапинг ростми? Ичкиликка берилиб кетмайсан-
ми ишқилиб?

Сусанна бу гапимдан сүнг жиддийлашди. Энсаси
қотган каби нари кетди.

— Майли, — дедим ҳовлиқиб. — Пул бўлса бор, ароқ
сотиб олсак бўлади. Бироқ... Эртага квартира ҳақи...

— Бир гап бўлар, — деди Сусанна. — Ҳозиримизни
ўйлайлик. Мен ортиқ анҳор бўйида қололмайман. Этим
увишиб кетяпти.

Мен нима қилишни билмай атрофга алангладим. Ҳов
нарида бетондан қурилган уйсифат кулбага кўзим
туши.

— Қарагин, — дедим ўша томонни кўрсатиб. — Хув
анави бетон уйчани кўряпсанми?

— Ҳа, кўряпман.

— Юр, ўша ерга борайлик! Балки бир кеча жон сак-
лашга яраб қолар? Агар ичи бўш бўлса, сен айтгандек
дўкондан ароқ сотиб олардик-да, маза қилиб ичар-
дик. Очиғи, ўзим ҳам анчадан бери ичмадим. Эр-хо-
тин бир ўтирасак ўтирибмиз-да! «Биздан бирор қўрқар-
миди?!»

Сусанна бу ҳазилимга эътибор қилмади. Мени ўша
бетон кулбача тарафга судради.

* * *

Бу уйча нима мақсадда қурилганини англай олма-
дим. Ичкари бўум-бўш, лекин кўнғиз ва сувараклар-
нинг товуши атрофни тутганди.

— Бу ерда қумурсқа кўп экан, — дея пинжимга
кириб олди Сусанна. — Мен улардан қўрқаман. Кечаси
қулогимга кириб кетади.

— Қўрқма, — дедим уни овутишга уриниб. — Ҳозир
дўкондан ичкилик опкелсак, ҳаммаси жойига туша-
ди. Ароқнинг ҳидини туйишса, тирақайлаб қочиша-
ди ярамаслар.

— Ҳазилниям қотирасиз-да! — кулди Сусанна. —
Ерда ухлаймизми?

— Бирор йўлини топармиз. Оддин дўконга физилайлик! Тағин ёпилиб қолмасин!..

Биз кўз очиб юмгунча яқин атрофдаги дўкондан ичкилик, газакка бир бўлак колбаса, газли ичимликлар, ичишга пиёла харид қилиб қайтдик. Сўнгра эски газетани ерга ёйиб, «топган-тутганлар»имизни газета устига қўйдик.

Мен шоша-пиша шиша қопқоғини очдим-да, пиёланни яримлатиб ароқ қўйдим ва Сусаннага узатдим.

У бадбўй ҳиддан бир сесканиб одди-да, таваккал пиёладагини сипқорди. Бироқ кейинги узаттганларими олмади. Бир пиёла билан чекланди.

Кўрибсизки, қолган ароқни кетма-кетига симиргач, ярим соат ўтиб-ўтмай, баданим қизиб, кайфиятим кўтарилиди.

Тушунардим. Ажнабий аёллар ростдан ҳам байрам, тўй-ҳашамларда бу оғуни ичишади. Шундай қиласа, байрам-байрамдек ўтади, дея ҳисоблашади. Мен ҳам бунга кўнишишга, тақдирга тан беришга мажбур эдим. Қолаверса, ҳозирги аҳволимда ҳеч бир аёл Сусаничалик менга ҳамроҳ, ҳамдард бўла олмайди. Ҳеч бирининг бардоши етмайди. У-чи?.. Қандайдир йўл билан вазиятдан чиқишишга, турмушимизни асраб қолишга ҳаракат қиляпти. Мени овтушишга, дард чектирмасликка интиляпти. Нега энди шу иши учун уни айблашим керак? Атиги оқ оғудан бир пиёлагина татиб кўрган, пиёнисталикка ружу қўймаётган бўлса. Совқотишишга, кўчада қолиб кетишишга ўзим сабабчиман-ку!..

— Сиз сира ташвиш чекманг, — дерди ичкилик таъсирида кайфияти кўтарилган Сусанна. — Ҳали бизнинг ҳам ўз уйимиз бўлади. Сиз ҳам, мен ҳам тайинли иш топамиз. Ҳар ойда маош оладиган бўламиз. Ижара уйда бировларнинг қош-қовоғига тикилиб ҳадиксирамаймиз. Ўша синглингиз ҳам керак бўлса ўзи бизни қидириб келади.

— Э, — күл силтаб күйдим норозиланиб. — Сен мени тинчлантириш учун шундай деяпсан. Сира ишонгим келмайди ҳаётимиз изга тушишига.

— Нега энди? Бир умр шу бетон уйчада қолиб кетмаймиз-ку, ахир! Секин-секин ҳаммаси яхшиланиши керак-ку!..

Индамадим. Ичкиликнинг Сусанна айтган ёқимли сўзларнинг кайфи аралашиб хаёлим олис-олисларга парвоз қила бошлади. Кўз ўнгимдан мўлтирабгина йўлимга кўз тикаётган бувижоним, онам, Нурмат қора, ҳамма-ҳаммалари тизилган ҳолда бир-бир ўта бошлашди.

Мен улар билан хаёлан салом-алик қилиб Кўйлиқча қайтдим. У ердаги квартирам ёнида аллақачон тетапоя бўлиб қолган ўғлим Собиржон темир тўсиқча суянганча йўлимни пойларди. Кур-кур орқасида бир тўп карамни кучоқлаган кўйи тирсайиб олган Шарифага ўгирилиб, «дадам! дадам» деб қўярди. Шарифа эса пинагини бузмас, ҳадеганда Собиржонни жеркиб ташлагиси келарди.

— Ўғли-им! — беихтиёр ўрнимдан сакраб туриб кетдим. — Собиржон! Қайдасан?

— Нима бўлди? — сўради Сусанна тушуммай. — Қани Собиржон?

Мен бўшашганча қайтадан ерга чўқдим.

— Ўғлимни соғиндим, шекилли, — дедим бетон уйча туйнугидан самога маҳзун термилиб. — Собиржонни қанчадан бери кўрмадим. Кап-катта бўп қолгандир. Мени қўмсаб инжиқдик қилаётгандир.

— Бора қолингунда, — дея икки юзимни кафтлари орасига олди Сусанна. — Нега қараб ўтирибмиз. Юринг, бирга бориб кўриб келамиз!

— Ярим тунда-я? Аблаҳ онаси уйга киритармиди.

— Киритмай кўрсин-чи! Адабини бериб қўяман ўзим.

— Тўхта, балки қўнфироқ қилсаммикан? Менда телефон рақами бориди.

— Ў, зўр бўлади! Тез бўлинг! Қўнгироқ қилинг! Мана, менинг телефонимни олинг!

Ховлиқиб унинг кўлидан телефонни олдим-да, керакли рақамларни тердим.

Гўшакдан негадир бегона эркакнинг товуши эшитилди. Бу товуш таниш эди. Бир пайтлар менинг баҳтимга чанг солган эркак. Худди ўзи. Сира адашмадим.

— Сенга ким керак? — дагал оҳангда сўради у. — Кимсан?

— Ўзинг кимсан? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Менми? Шу уйнинг хўжайиниман.

— Нима?..

Бу гапни эшитиб устимдан кимдир бир челак сув куйгандек сесканиб кетдим.

— Қанақа хўжайнин, баттол? — дея бақирдим. — Бу уйнинг ҳақиқий хўжайиниминан гаплашиб турибсанку! Нима қилиб ўтирибсан менинг уйимда?

— Вей, сени танидим, — деди у овозини бир парда баландлатиб. — Бу ерга иккинчи марта қўнгироқ қилмагин, уқдингми?

— Жа қўрқитвординг-ку, жигар! — дедим киноя аралаш. — Гапни қўпайтирмай, боламнинг онасига бер гўшакни!

— Вой итдан тарқаган-е! Ҳали сен менинг хотинимни телефонга чақирадиган бўлдингми? Қани, манзилингни айт тез! Ҳозир бориб йўқ қилиб юбораман сени!..

— Сенми? Қўлингдан келармикан?

— Ўшанда кўрасан, хунаса!

— Қўй, овора бўлиб менинига келиб ўтирасанми? Йўлкира кетади, вақтингни йўқотасан. Яхшиси, мени кут! Ўзим олдингга бораман! Эркак бўлсанг, ўша ерда гаплашамиз!..

Шундай дедим-у, телефонни ўчириб Сусаннага узатдим.

— Ҳа, ким экан? Нега уришдингиз? — сўради Сусанна хавотирланиб. — Биринчи хотинингизми?

— Қаёқда? Эри! Мени йўқ қилиб юборармиш, ифлос. Ҳозир борай, кунини кўрсатаман!

— Бўлди, кетдик унда! — йўлга отланди Сусанна. — Кўрамиз, ким кимни йўқ қиларкан!

Мен яқиндагина ичклик ичганимга, кайфим тарқамаганига-да қараб ўтирумадим.

Айни чоғда кўзимга ҳеч нарса кўринмас, қандай бўлмасин рақибдан, баҳтимнинг кушандасидан ўч олиш пайида эдим.

* * *

Ҳеч қачон ўғлимга нисбатан қалбимда бугунгидек соғинч ҳиссини туймагандим. Унинг чақалоқликдаги уйку орасида кулимсираб қўйишлари, ўзича нималардир демоқчилик оғиз очишлари, қорни очса чирқираб йиглашлари хаёлимда гавдалангани сайин тўкилиб борарадим. Бунга ўзга бир эркакнинг ўғлимни эркалашлари ёки уришиб ташлашларини тасаввур қилишим кўшилиб, дардим юз чандон ошарди.

Чўнтақка ҳам қараб ўтирай, такси тўхтатдим. Агар биз Кўйлиққа бориб қайтсак, ёнимда арзимаган пул қолади. Бу пулга на ижарада туриб бўлади, на тирикчилик қилишга имкон қолади.

Барibir бу ҳақда ўйлашни хоҳламасдим. Алам ва ўч ўти мени олдинга етакларди.

Асосийси, Шарифани кўраман. Ёнимда Сусанна уйга кириб боради. Демак, менинг адойи тамом бўлмаганимга ўзи гувоҳ бўлади. Тан беради. Эри билан ўзини, кейин мени Сусанна билан ёнма-ён қўйиб кўради. Қилмишларидан пушаймонлар чекади. Ҳаваси келади. Ҳасад оловида жизғанаги чиқади. Бу тунни узлатга алмашади. Ширин уйқудан мосуво бўлади. Худо хоҳласа, бир умр тош кўнгли азобу укубатларга кўмилиб яшайди. Лекин дардини бирорга айта олмайди. Айтишга юраги бетламайди...

Машина манзилга яқинлашиб қолганда, Сусаннага юзландим. У ёнимда ўтирганча ухларди.

Безовта қилмаслик учун то күп қаватли уй қарши-
сида түхтагунимизча индамадим. Фақат тушаётгани-
миздагина оқиста туртиб уйғотдим...

Биз икковлашиб юқори қаватга кутарылдик. Квар-
тира яқын қолгани сари күнглім баттар безовталанар,
худди узоқ, йиллик ҳарбий хизматдан уйга қайтаёт-
гандек ҳаяжонланардим. Ҳаёлан үғлимга аталған зәңг
ширин сүзларимни тақрорлардим.

Квартира чироги үчиқ экан. Сусаннага сири қарааш
қилиб эшикни тақиллата бошладим. Ҳадеганда жавоб
бўлавермагач, қаттиқроқ тақиллатдим. Шундан ке-
йингина ичкарида чироқ ёниб Шарифанинг таҳдид-
ли овози янгради.

— Ким у?

— Оч эшикни! — бақирдим. — Бу менман! Ё ҳали-
ям танимадингми?..

Шарифа ортиқ ҳеч нарса демади. Шарақлатиб
эшик зулфинини суғурди.

Эшик очиади.

Шарифа рўпарамизда қотиб туарар, ичкари хонада
эса «уйнинг хўжайини» чиқишига шошилмай, кимгадир
қўнғироқ қилиш билан банд эди.

* * *

Нигоҳлар тўқнашди. Қалбимни совук ҳислар қур-
шади. Бир неча сония ичиде яқын ўтмишда бошим-
дан ўтказган аламли лаҳзалар кўз ўнгимда гавдалан-
ди.

Қачонлардир мен учун фариштадек азиз бўлган
Шарифа айни лаҳзаларда жуда ёқимсиз туюлиб кет-
ди. Убозорчи аёллар нуқси урган юзлари терсайганча
гоҳ менга, гоҳ Сусаннага ўқрайиб қўярди.

Аста ортга тисландим-да, ичкарига мўраладим.

— Қани эркак? Нега чиқмаяпти? — бақирдим бор
овозда. — Менинг уйимга кирволиб хўжайин бўп қол-
ган ўша зўравонни чақир, гаплашамиз шу ерда!

— Ҳа-а, ўзинг кўрқиб хотинчангният етаклаб келдингми? — жавоб ўрнига мендан-да қаттиқроқ қичқирди Шарифа. — Ўл-а кўрқоқ!..

Сусанна чидолмади. Шарифага яқин борди-да, икки қўлини белига тиради.

Бу манзарани кўриб беихтиёр кулгим қистар, айниқса, Шарифанинг кўрқа-писа ортга тисарилиши мени янада жонлантириб юборганди.

— Бу ерга биз уришиш учун келмадик, — деди Сусанна босиқлик билан. — Уришадиган бўлсам, мени ўзим дабдалангни чиқариб ташлайман. Ўзингни босгин-у, Қодир акамга фарзандини кўрсат! Кўрсатсанг бас, биз кетамиз!

— Қанақа фарзанд? — Шарифа йўлакка ўтиб олдида, қичқирди. — У Қодир акангнинг боласимас, эшитдингми? Ана, Собиржоннинг отаси ичкарида ўтирибди!.. Йўқолларинг! Ҳали замон милиционерлар кела-ди. Обрўйинг борида туёғингни шиқиллат иккалантам!

— Нима? — тутоқиб ичкарига киришга уриндим. Лекин Шарифа эпчилик билан эшикни тамбалаб олди.

— Қани ўша отаси? Кўрсат менга! Нимага хажиқизларга ўхшаб беркинади? Нега менинг уйимга эгалик қиласди? Чиқсин буёқча, чиқсин!..

Бир пайт зина томондан икки милиционернинг қораси кўринди. Улар то мен ўзимни ўнглаб олгунча яқинлашиб қаршимизда тўхташди.

— Нима тўполон? — сўради улардан бири дўқ ара-лаш. — Нимага бақир-чақир қиласииз?

— Мана бу менинг квартирам, — тушунтиришга тушдим. — Квартирамда ҳозир ўзим яшамаяпман. Қандайдир бегона одамлар кириб олишибди. Чиқиб кетишмаяпти.

— Хўш, шунга бақириш керакми ярим кечада? Ана, ҳудуд нозирига арз қилинг, маҳалла оқсоқоли бор.

— Ие, сизлар кимсизлар унда? Нимага мени айбдор қиляпсизлар?

— Чунки сиз ярим тунда бирорнинг уйига бостириб кирмоқчи бўлгансиз. Бизга устингиздан шикоят қилишди. Агар ҳозироқ кетмасангиз, қамаб қўйишимиз мумкин.

Шу заҳоти Сусанна қўлтиғимдан олиб олдинга етаклади.

— Юринг, кета қолайлик! Кези келса, албатта маҳалла қўмитасига арз қиласиз. Юринг, кетдик!

Мен Сусаннага қаршилик билдирамадим.

Машинада бўшашибганча кетиб борардим-у, қалбим тун зулмати каби совуқ ва қоронғи эди. Собиржонимни кўра олмаганим жуда алам қиласарди. Бунга бегона эркакнинг уйимга жойлашиб олгани, уйимда ўтириб, тал тортмай менга дўқ уришлари қўшилиб, сира ўзими боса олмасдим. Афсуски, замонанинг зайли шу экан. Ҳеч нарса қила олмадим. Қўлим узатилган жойгача етмади.

Хўш, энди нима қиласан? Бундай бедодликка қандай чидайман? Бир умр куйиб, юрагим соринч оловида қоврилиб ўтаманми? Нимага бундай? Дунё нима учун бунчалар адолатсиз ва шафқатсиз? Қай кўчага қадам кўймай, улкан тўсиқлар йўлимга кўндаланг бўлади. Нима, мамнун яшашга, қувонишга ҳақим йўқми?

Шу маҳал Сусанна елкамга бошини қўйиб оҳиста шивирлади.

— Сизга бир гап айтайми?

Мен бош ирадим.

— Бизнинг ҳам ўз боламиз бўлиши керакка ўхшайди. Ҳозирги аҳволингизни кўриб эзилиб кетдим. Негаки бу ҳислар менгаям таниш. Вақти келса, тунлари сизни ухлатиб қўяман-да, мижжа қоқмайман. Олисда қолиб кетган икки шунқоримни ўйлайман, хаёлан уларни эркалайман, шўхлик қилишади, уришаман, сўнгра йирлаб кечирим сўрайман. Баъзида икковлали билан хаёлан узоқ-узоқ сухбатлашамиз. Гаплашиб,

дардлашиб тўймаймиз. Нукул •Қачон қайтасиз? Қачон юз кўришамиз?» деяверишади. Шундай онларда нима деб жавоб қилишни билмай азобланаман. Сукут сақлаганча кўз ёшларим дарёсига ғарқ бўламан. Шу кўйи анча вақтгача тўлқинлар гирдобида сузаман. Нафас олишга қийналаман. Бироқ сузавераман. Бирдан тўлқинлар мени соҳилга — сиз маза қилиб ухлаётган масканга итқитишади. Шундагина ўзимга келгандек, тинчланишга, тақдирга тан беришга уринаман... Йўқ, Қодир ака, мен сизга албатта фарзанд ҳадя қиласман. Мен сизни тушкунлик ботқорига ташлаб қўёлмайман. Ҳар бир чеккан оҳингиз нақ юрагимни тешиб ўттудай бўляпти. Дод солиб ҳайқиргим келяпти. Айниқса, боя мунгайганча ортга қайтганингизни кўриб адойи тамом бўлаёздим. Ишонинг, фарзандимиз бизнинг овунчоримиз, суюнчимиз, испончимиз, орзу-ҳавасимизга айланади.

Мен узоқ муддатли рафлатдан сўнг кўз очган бандадек сесканиб бошимни кўтардим.

Сусанна менга кўзларида гилт-гилт ёш билан дардли боқиб турарди. Жуссаси титрарди.

Юрагим эзилиб, шоирнинг дардларга йўғилган сатрарини эсладим.

Аллоҳим, ташаккур, борлигинг учун,
Бошимга тизгинисиз дардолар ташладинг.
Беҳад хурсанд бўлдим ситамларингга,
Бандалар ичидан мени танладинг.
Ташаккур, тишишни тишишмага қўйдим,
Рұҳимда товушисиз наурли қулласан.
Дардолар юборибсан, демак, дунёда,
Менинг борлигимни ўзинг билласан.

Шеър таъсирида азбаройи кўнглим бўшаб Сусаннага юзландим.

— Рост айтапсанми? — сўрадим ундан. — Менга қара, алдамаяпсанми?

— Нега алдарканман? Бирор марта алдаган ерим бормиди?

— Бу жуда яхши... Аммо...

Шундай деб аста бошимни эгдим.

— Нима бўлди тагин? — тоқатсизланиб мени силтади Сусанна. — Тинчликми?

— Биз... Квартирама-квартира кўчиб юрсак, болани қандай уddeларканмиз?..

— Э, шунгаям қайғуриб ўтирибсизми? Биз ҳарқалай соғ-саломатмиз. Боламиз ҳам биз қаерда бўлсак, ўша ерда бўлади. Нима есак ўшани ейди. Азизим, «чумчукдан қўрқсан тариқ экмайди», деган ҳикмат бор. Эшитгандирсиз?..

Бу гапдан сўнг мен анча жонландим. Сусанна ҳақ эди. Суюкли фарзандимизни ҳеч қачон азобга кўймаймиз. Бу ишни уddeлай оламиз.

* * *

Телбанинг ишини Худо ўнглабди, деб бекорга айтишмаган экан. Ярим тунда қўним топиш қайғуси миямни кемириб бораради. Тагин суваракзор бетон кулбачага киришдан безор эдим. Мен-ку, майли, буни Сусаннага ортиқ раво қўргим келмасди. Бир маҳал йўлимиздан гандираклаганча пакана, тепакал, кийимлари аброр, ҳасса таянган бир пиёниста эркак чиқиб қолди. У бизнинг яқинлашишимизни кутиб, қаршиисига етганимизда, одимизни тўсади.

— И-илтимос, яримта ароққа пул бериб туринг! — ялина бошлади пиёниста. — Жуда зарур бўп турибди. Йўқ деманг!.. Пул бериб тури-инг!

— Агар мениям илтимосимни бажарсанг, бераман, — дедим хаёлимга келган фикрдан қувониб. — Хўш, рози бўласанми?

— Нима илтимос? Юк кўтаришми?

— Йўқ, бир кечага бизга жой топиб берасан.

— Жой?.. — менга мамнун бокди у. — Ижарагами? Униям ҳақини тўлайсизларми?

— Албатта түлаймиз.
— Ароққаям қүшиб берасизлар-а?
— Айтдим-ку!
— Гап йўқ. Менинг квартирам уч хонали. Битта хонада ётаверасиз. Фақат... Ҳақини тўламай қочиб кетиш йўқ!..
— Биз унақалардан эмасмиз. Қани, бошла!..

Пиёниста илдамлаганча олдимизга тушди-да, бизни уйи томон бошлади.

* * *

Орадан уч кун ўтди. Пиёниста жуда одамохун эркак чиқиб қолди. Бизни квартирасидан ҳайдамади. Унга уч кунлик ижара ҳақини ҳам тўлаб қўйдим. Энди уч кунгача ётар-турарни ўйламасак бўлади. Аммо чўнтакда ҳемири қолмаган.

Эрта тонгда уйғонгач, сўнгги нон бўлаклари билан чой ичдик. Иш йўқ. Иккаламиз ҳам уйдамиз. Кайфиятимиз тушкун. Кайфият бўлмагач, одамнинг суҳбати ҳам қовушмай қоларкан. Мен-ку, бўларим бўлиб аламимни синиқ курсидан олмоқда эдим. Нуқул курсини тақиллатар, шу йўл билан ўзимни чалғитишга уринардим. Сусаннанинг қаршисида шу қадар хижолат торта бошлаган эдимки, гарчи жуфти ҳалолим эканини билсам-да, унга кўл текизишга, ширин сўзлашга ҳақсиздек ўтирган еримдан кўз ташлаш билангина кифояланардим.

Шу кўйи кечгача ўтирдик. Уй эгаси бир неча марта ҳассасини тўқиллатганча эшигимиз ёнига келиб кетди. Ҳойнаҳой, биздан хавотир олди. Чиқиб саломлашмоқчи бўлдим-у, негадир кўнглимга сифмади. Ўз ташвишларим, хаёлларим билан бирга қолишини хоҳладим. Нуқул қалбимни сиқувга олдим. Ундан маслаҳат кутдим. Бахтга қарши қалбим гиқ этмас, сукут сақлашдан нарига ўтмасди.

Ёруғ дунёга сифмай дераза қаршисига бордим. Катта кўча, катта-кичик одамлар, ранг-баранг бинолар,

күчани түлдириб у ёқдан-буёқقا ғиз-ғиз қатнаёттган машиналар ҳам менга юпанч бера олмасди.

Бу ёқда эса кеч тушиб боряпти. Тушлик ҳам қила олмадик. Сусанна каравотда жимгина китоб ўқир, ора-сирада мен тарафга маъюс нигоҳ ташлаб қўярди.

Кутимаганда у ўрнидан сакраб турди. Китобини ёстиқ остига беркитди-да, қўлларини қовуштириб менинг ёнимга борди.

— Қорним очди, — деди Сусанна шивирлаб. — Ортиқ чидай олмайман. Бирор йўлини топайлик!..

Бу сўзлардан кўра менга ўлим афзал эди. Нима бўласам, шу қисқа фурсат иҷида бўлдим. Миям ғувиллаб, бўғзимга нимадир тиқилгандек туюлди.

Яна Сусанна жимликни бузди.

— Менда зўр юя бор, — деди у. — Агар шуни қойиллатсан, кечки овқатта пул топган бўлардик.

— Қ-қанақа юя? — сўрадим тутилиб. — Нима қилиш керак? Айтавер!

— Квартирада бир уюм қороз кўргандим. Ўшаларни тахлаб қороз қабул қиласидиган пунктта олиб чиқасиз-да, пулига нон оласиз. Агар ортса, помидор, пиёз олсангизам бўлади. Ўтган сафаргидек мазали нон пишириб бераман.

Бу фикр ажойиб эди. Ботқоққа гарқ бўлиш арафасида турган одамга арзимас туртки ҳам катта қўмак беради. Лекин айни дамда ожиз, уқувсизлигимдан хафа бўлиб кетдим. Ўзимни хотинимнинг олдида ўта ожиз, нотавон кимсадек ҳис этиб, ер ёрилса-ю, кириб кетишини коҳладим.

— Эҳ, сен, — койирди қалбим. — Бошида ваъдаларинг қандай эди? Дунёни остин-устун қилиб бўлса ҳам рўзгорингни бут сақдамоқчи эдинг-ку! Буёги неча пулдан тушди? Битта нонга зор бўлиб тумшайганча ўтирибсан. Эркак деган ҳаракатини қилмайдими? Ўзини ўтта, чўққа уриб пул топмайдими? Сен бўлсанг, уйга қамалиб олганча осмонга термулишдан нарига ўтол-

майсан. Ким уйга қамалволиб пул топибди? Ҳеч ким. Бу дунёда қимир-қимирдан бушамасанғина, ниятларинг ижобат бўлади...

Қалбимнинг ҳайқириғидан ичим узилиб кетаёзди. Аламим келиб қўлларимни мушт қилдим-у, йўлакка чопиб чиқдим.

Йўқ, тоқатим тоқ бўлди!.. Мен тирикчилик пайига тушаман. Нима бўлмасин, эртага тонгда уйдан чиқиб кетаман ва пулсиз қайтмайман!..

* * *

Эртаси куни тонгда уйғондим. Сусаннани уйғотиши ни хоҳламадим. Эҳтиёткорлик билан юзидан бўса олдим-у, апил-тапил кийиниб кўчага отилдим.

Ҳозир нима қилишни билардим. Шу ишим натижа беришини сезиб турардим. Қандай бўлмасин, бошимга не ташвишлар ёғилмасин, ижара уйга қуруқ кўл билан қайтмасликка аҳд қилгандим.

Ҳа, мен мардикор бозорига бораман. Шундан бўлак юмуш қўлимдан келмайди. Жонимни жабборга бериб ишлайман, аммо уйга, Сусаннанинг қошига қўлимда пул билан кириб бораман...

Эрта турганнинг ризқини Яратганнинг ўзи бериши рост экан. Бозорга кириб келибоқ, иш топдим. Тўрт киши ўрта яшар бир эркакнинг эски уйини бузадиган бўлдик. Бу мен учун айни муддао эди. Мардикорчиликда кўл-оёғинг лойга ботмай, оғир юқ кўтармасдан пул топадиган иш кам учрайди. Уй бузиш биздайларга иш бўлибдими? Тўрт бирдай йигит қотириб ташлаймиз уй бузишни!..

Бу одам инсофли чиқиб қолди.

— Олдин ўтириб нонушта қиласанлар, — деди у бизни тузалган хонтахта томон бошлаб. — Қорни тўқ бўлса одамнинг иши унади, жўралар! Қани, мана бу лағмонни паққос туширларинг! Мана, камига норин ҳам пиширтирганман. Фақат имилламасдан, тез-тез овқатланларинг! Вақт кетмасин!..

Тахмин қылганимдек, түрт хонали эски уйни аспр намозига қолмасдан бузиб, ашқол-дашқолларини тартиб билан тахлаб қўйдик.

Мен ич-ичимдан мамнун эдим. Шерикларимга қўшилиб уй эгасининг келишини, қўлга ваъда қилинган пулларни олишни интиқиб кутардим-у, кўз ўнгимда Сусаннанинг қўлимда майдада-чуйдалар солинган халтачани қўргач, мамнун жилмайишини тасаввур этардим. «Ўжарсиз, ўжар» дея елкамга муштлаб қўйиши муқаррарлиги қўнглимни тоғдек кўтарарди.

Ярим соат деганда, ниҳоят уй эгаси кириб келди. У ўсиқ мўйловини бураб-бураб олганча ишимизни кўздан кечириб чиқди-ю, кутилмаганда шангиллаб қолди.

— Вей, бу нима қылганларинг? — ўдағайлай кетди у бизларга. — Кара, ҳаммасини чалкаш-чулкаш қилиб ташлабсанлар-ку, ярамаслар! Тахталар у ёқда, ёғоч, фиштлар бу ёқда!.. Ким сенларга шундай тахла деганди-а?.. Ишлашни биласанларми ўзи?..

— Бу нима деганингиз? — новчагина, қиррабурун шеригимиз уй эгасига яқин борди. — Ҳаммасини айтганингиздай қылдик. Нима ёмон иш қилибмиз?

— Сен, бола, менга ақл ўргатма! — унга хезланди уй эгаси. — Менга бунақаси кетмайди. Тамом, бир тийин ҳам ололмайсанлар!.. Мен бу ишинг учун пул тўламайман!

— Ие, келишув-чи? — барчамиз бараварига уй эгасига яқинлашдик. — Бозорда келишгандик. Мана, уйингизни буздик! Кун бўйи қора терга тушиб ишладик. Нега пул бермайсиз?

— Нима, мени ўртага олиб урмоқчимисанлар? — бизларга аланглади у ранги бўзариб. — Ҳозир жиянларга қўнғироқ қиласман, дабдалангни чиқарворишади.

— Э, нима деяпсиз? — совуқ кулимсиради қиррабурун шеригимиз. — Биз ҳақимизни сўраяпмиз, холос.

— Шунақами? — уй эгаси нари кетди-да, хонтахта томон ишора қилди. — Яхши, ҳақ сүрайдигган бўлсанг, билиб қўй, мен ҳам баъзи нарсаларни ҳисоб-китоб қилиб қўймасам бўлмайди, шекилли. Масалан, сенларни кун бўйи боқдим. Норин, қўй гўштидан димлама, лармон... Хўш, уларнинг пулинни ким тўлайди? Катта холанг тўлайдими?

— Мардикорларга овқатни текин беришмайдими?
— орага тушдим мен. — Ҳеч қачон пулга овқатланмаганимиз.

— Мен текин бермайман! Агар-чи, ҳозир еган овқатларингни ҳисоблайдиган бўлсам, ўзларинг қарзга ботасанлар! Ундан кўра, жаҳлимни чиқарма-да, сурларинг!..

Биз бу одам билан тортишиб ўтиришдан наф чиқ маслигини тушуниб етдик. Ноумид шайтон деганларидек, норози ғудранганча орқага қарай-қарай, олдинма-кетин ҳовлидан чиқиб кетдик.

* * *

«Бечорани тия устида ҳам ит қопади» деганлари шу бўлса керак. Эрталабки шаштим, ниятларим бир пул бўлди. Тағин шом маҳали уйга қуруқ қўл билан қайтмоқдаман. Буёғига пешонамга қандай битиклар битилган, келгуси тақдирим қандай кечади, билмайман. Миям умуман ишламаяпти. Худди жонсиз ҳайкалдек теваракка ҳиссиз тикилишдан нарига ўта олмайман. Нима қиласай? Омад ҳар қадамда мендан юз ўгираверса! Синовлардан, қайғули лаҳзалардан бошим чиқмаса...

Бас, энди чидай олмайман! Ўзим учун яшашга маҳкумман. Худди пиёниста отам каби дарбадар кезишдан, ўтган куним учун яшашдан бўлак чорам қолмади. Балки ҳар бир яхши-ёмон одат қон суради, дейишгани шудир. Менинг ҳам пешонамда отамга ўхшаб ёлғизлик, пиёнисталик, ватансизлик қисмати бордир. На илож? Тақдирдан қочиб кутулиб бўлар-

миди?!

Ўзимни ўнг-чапга уриб қанча силтанмай, Худонинг айтгани бўлади.

Ҳа, Сусаннанинг жавобини бераман. Иложи бўлса, агар рад этмаса, ўша жанжалкаш аёлга ўзим бориб ёлвораман. Ёки ҳозирги квартирада қолдираман-у, ўзим бу шаҳардан бош олиб кетаман. Қаерга боришнинг, қай аҳволда бўлишнинг мен учун аҳамияти, қизиги йўқ энди. Фақат Сусаннанинг қаршисида мулзам бўлмасам, омадсизлигим туфайли уни ҳам азобламасам бўлди...

Шундай ўйлар билан кетиб бораётганимда, беихтиёр туртиниб кетдим. Ён тарафда бетон ариқча бор эди. Бориб тиззамни бетонга урдим.

Оғриқ зўридан инграб юбордим. Бироқ андиша устун келиб тишимни тишимга босдим ва аста ўрнимдан турдим.

Бир маҳал ариқча ичида сочилиб ётган қофоз пулларга кўзим тушди.

Аввалига ишонқирамадим. Кўзларимни бир неча марта юмиб очдим. Йўқ, ростакам пуллар!..

Наҳотки, Яратган Эгам раҳмимни еди? Мана шу оддий қофозлар сабаб сал бўлмаса суюклигимдан возкечаёздим-ку!..

Худди пулларимни бирор югуриб келиб териб оладигандек теваракни ўғринча кузатдим. Яқин орада ҳеч ким кўринмагач, жон ҳолатда пулларни териб чўнтакка урдим. Сўнгра оғир гуноҳ қилиб, гуноҳини бирорлардан беркитмоқчи бўлаётган банда каби бирпас жойимда қотганча туриб қолдим. Туардим-у, кўлларим чўнтақдаги пулларни чамалаш билан овора эди.

Ҳа, бу ижара ҳақига, егуликларга bemalol етади. Бир ойгача Сусанна иккимиз уйда ўтириб дам олсан ҳам тугамайди.

— Хайрият, — дедим чанг теккан кийимларимни қоқа-қоқа. — Бир ташвишдан холи бўлдим. Энди ҳеч нарсани ўйламайман. Ҳасми ҳалолимнинг кўзларига

тик боқишдан қүрқиб кун ўтказмайман. Ҳозир бораман-у, ундан суюнчи оламан. Маңкам бағримга босиб, уни бұсаларга күмиб ташлайман!.. Минг шукр, Сусандан айрилмайдиган, бирга яшайдиган, уни эркалашда давом этадиган бўлдим!..

* * *

Уйга киришга шошилмадим. Катта дўконлардан бирига кириб рўзгорга ярайдиган нарса борки, ҳаммасини харид қилдим. «Галаба»ни «ювиш» ниятида ичкилик олишни ҳам унутмадим. Тўғри-да, бугунги кун ҳақида сўзлаб берсам, Сусанна қотади. Ичкилик ичишимга сира қаршилик қилмайди...

Оёғимни кўлга олиб квартирамизга жўнадим. Шошилганда акс бўлади, шекилли. Қанча тез юрмай, сира йўлим кўпая қолмасди.

Ўзимча йўлдан нолий-нолий ниҳоят квартира эшигига етдим. Эшик қия очиқ экан.

— «Пиёниста чол тарин улфатчиликни бошлаб юборибдими дейман? — кўнглимдан ўтказдим беихтиёр юрагим ғаш тортиб. — Шу одам сира чарчамас экандай!.. Кеча-ю кундуз ичади-я! Жони темирданми нима бало?»

Эҳтиёткорлик билан ичкарига қадам қўйдим. Пиёниста кўринмади. Сал енгил нафас олиб хонамизга кирдим.

Сусанна каравотда ўтирганча негадир пиқ-пиқ йифлар, полда буюмлар жойланган каттакон сумка туради.

Бу манзарани кўриб жон-поним чиқиб кетаёзди. Шоша-пиша қўлимдагиларни четга қўйдим-да, Сусаннани қучдим.

— Ҳа, жоним, сенга нима бўлди? Нега йифлаяпсан? Ким хафа қилди сени? Аnavи сумка нима?

У бош силкиб қўйди, холос. Менинг келганимдан қувонмади ҳам.

— Гапирсанг-чи! — қисталанг қила бошладим. —
Бирор кор-хол бўлдими?

У ёшли кўзларини ентига артиб ниҳоят бош кўтарди.

— Мен ўйлаб кўрдим, — деди хўрсиниб. — Ортиқ сизминан қоломас эканман. Шундай қиласман. Фақат мени йўлдан қайтарманг! Сабабини сўраманг! Фойда-си йўқ. Мен бир қарорга келиб бўлганман.

Мен нималар бўлганига ҳамон тушуна олмасдим.

Сусаннанинг гаплари бағримни парчалаб ташлаган каби бўғриқа бошладим. Нима қилишни билмай, бир-икки қадам ортга тисландим-да, бошимни чангамаганча ўтириб қолдим.

* * *

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Сусанна зарда билан қўлига сумкани олди-да, ташқарига йўналди.

Ортиқ бу тахлит ўтиришим мумкин эмасди. Шошилишим, уни тўхтатиб қолишим шарт эди.

Даст ўрнимдан турдим-да, билагига ёпишдим.

— Бу адолатданмас, — дедим мажбуран жилмайишга уриниб. — Ҳа, бир-бирини осонгина ташлаб кетиш жониворларга хос. Биз одамлармиз. Нега энди бекордан-бекорга мендан воз кечиб кетишинг керак экан?

— Қўйворинг, — силтанди Сусанна. — Керакмас менга бунаقا ҳаёт, керакмас!

— Э, йў-ўқ! — Сусаннанинг билагини маҳкамроқ сиқдим. — Бу иккаламизнинг ҳаётимиз.

— Энди ўзингизники! Тамом! Ҳаммасига тупурдим!
Мен чидай олмайман! Кетаман!

— Шунақами?.. — дедим унинг сўнгги сўзлари кўнглимга тиғдек ботиб. — Демак, менгаям тупурибсан-да?! Ахир, кетишинг сабабини айтсанг-чи! Менам нега сендан айрилганимдан хабардор бўлиб қолай-да!

Сусанна сал бўшашиб қўлидаги сумкани полга кўйди ва кўзларимга совуқ термилди.

— Менгача нечта қизнинг бошини айлантиргансыз? — сўради у титраб. — Ҳа, нега жим бўлиб қолдингиз? Эшитдим ҳаммасини! Биттасини бир ой хотин қилиб қочворганмидингиз? Уйда хотинингиз туриб ўша қанжиқминан ош-қатиқ бўлиб юрганмидингиз? Балки ҳозир ҳам учрашиб юргандирсиз? Мениям жонингизга теккан куни ора йўлда ташлаб қочмоқчимидингиз? Асло, азизим! Мен ундайлардан эмасман! Яхшиси, обрўйим оёқости бўлмасдан кета қолай! Яхши қолинг!..

— Бу нима деганинг, аҳмоқ? — бақириб қайтадан Сусаннанинг билагига чанг солдим. — Ўйлаб гапиряпсанми? Нега билиб-бilmай менга айб қўйяпсан? Ким айтди сенга буларни?

— Нима фарқи бор? Айтишди, мен эшитдим. Огоҳлантиришди, фурсат борида этагимни йифиштира қолай, дедим. Ёмонми? Нотўғрими?..

Мен иложи борича ўзимни босишга, тинчланишга уриниб, Сусаннани ичкарига етакладим.

— Юр, сенга ҳаммасини ўзим айтиб бераман! Ўшанда тушунасан. Тушунмасанг, ўзинг биласан. Зорим бор, зўрим йўқ!

— Нимани тушунтирасиз? Бу ишлар бўлган. Ҳақиқат. Айтишга гап қолибдими?

— Сен юргин-чи! Мунча шошилмасанг? Улгурасан кетишга.

Сусанна уф тортганча ичкарига қайтди.

* * *

Сусаннанинг ғамгин ҳикоясидан сўнг ҳаммаси равшан бўлди. Барчаси ўша тун Шарифага қўнғироқ қилганимдан кейин бошланган. Уларнинг телефони қўнғироқ қилинган рақамларни хотирасида сақлаб қоларкан. Бугун Шарифа унга қўнғироқ қилган-у, дардини тўкиб солган. Устимга ўзи хоҳлаганча мағзава ағдарган. Бу майлийди. Менга Сусаннанинг бу ғийбатларга чиппа-чин ишонаётгани алам қиласди.

— Сен кимга ишонаётганингни биласанми? — сўрадим нима қилишни билмай. — Ахир, у сенга душманку! Аёллар орасида «Эр бермак, жон бермак» деган мақол айланиб юришини билмайсанми?

— Менга энди барибир, — деди Сусанна паст тушишни истамай. — Бошида билмагандим. Агар билганимда, бошимга бу кунлар тушмасди. Хотинбоз бир эркакка алданиб ўтирган бўлардим.

— Жуда соз! — дея ўрнимдан турдим. — Афсус, ҳаётингни ғурбатга айлантирудим. Кечириб қўясан! Менам бунчалар ишонувчан, лақма эканингни билсам, сенга кўз тикмаган бўлардим. Нимаям дердим? Агар кўришмасак, мендан рози бўл! Фақат мени қарғама. Қарғишга арзигулик гуноҳ қилмадим. Хайр!..

Шундай дедим-у, сўнгги бор Сусаннага дардли қараш қилиб ташқарига чиқиб кетдим.

* * *

Энди ростакамига дунёсиға қўл силтагандим.

Шаҳар кўчаси бўйлаб илдам юриб борардим-у, қаерга кетаётганимни фаҳмлай олмасдим. Гўёки дунёни сув босса тўпиримга чиқмайдигандек паришон эдим. Фақат бир нарсани сира унутмасдим. Тезроқ шу ерлардан нари бўлишим керак. Агар шундай қилсам, енгил торгадигандек туюларди.

Шу тахлит тун бўйи бедор кездим. Уйқу ҳам элтмади. Пиёда кўп масканларни кездим. Чалкаш хаёлларимгина менга ҳамроҳ бўлди.

Қанча вақт йўл босдим, билмайман. Тонг оқаринқираб, Эски шаҳарга яқинлашиб қолибман. Араваларнинг ур-сури, бозорчиларнинг узук-юлуқ шанриллашлари қулоқни қоматга келтиради.

Бекатга яқин қолганда таққа тўхтадим. Хўш, энди нима қилдим? Қайга бораман ва нима қиласман?..

— Э, барибир эмасми? — дедим ўзимга ўзим. — Бўлар иш бўлди. Мана, тагин ёлғизлик кўчасида шумшайганча қолиб кетдим. Яқин ўтмишим бошимни еди

ҳисоб. Буёғига ўғирлик қиласанми, мардикорчиликка бораманми, ҳеч кимга қизиғи йўқ. Қачон уйга қайтишим, нима еб, нима ичишим ҳақида қайғурадиган одам ҳам қолмади. Ишқилиб, касалга йўлиқтирмагин, Парвардигор! Танамни абгор қилиб кўчаларда хор қилиб қўймагин!

Бир маҳал арава тортиб юрганлар орасида жуда таниш одамни кўргандек бўлдим.

Аввалига ишонқирамадим. Яқинроқ бориб разм солдим. Ҳа, худди ўзи. Синфдошим Шавкат.

— Қизиқ, бу шаҳарда нима қилиб юрибди? — дедим ўзимча унинг ортидан қолмай. — Адашмасам, чўлда шоликорлик қиласарди. Нимага арава тортиб юрибди?

Эргашиб кетаверишга бардошим етмай маҳкам елкасидан ушлаб қолдим.

Шавкат таққа тўхтади-ю, бир сесканиб орқасига ўгирилди.

— Ие, Қодир, ўзингмисан? — Шавкат негадир мени кўриб қувониб кетмади. Маъюс кўришди. Унинг бу қилифи баттар кўнглимга хижиллик солди.

— Арава тортаяпсанми? — сўрадим эътибор бермасликка уриниб. — Тинчликми?

— Қаердайдинг, хумпар? — деди Шавкат жавоб бериш ўрнига. — Бувинг раҳматли сени...

— Нима?.. — Бу хунук хабарни эшитганим ҳамоно сал курса Шавкатни бўғиб қўяёздим. Ўзимни аранг тутиб бақириш билан чекландим. — Нима дединг, ўртоқ? Бувим...

— Ҳа, уч кун бўлди, — деди бош зигиб Шавкат. — Менам жанозани ўтказдим-у, бу ёққа келдим. Бир бориб қўйсанг, ёмон бўлмасди...

— Раҳмат, дўстим! — жазава ичиди Шавкатнинг елкасига қоқдим-да, хайрлашишга тутиндим. — Агар сени кўрмасам, бир умр армонда... ўтиб кетарканман. Шундоғам бувижонимни кўролмай қолдим. Майли... Яхши қол, мен қишлоққа жўнайман! Хайр!

* * *

Йўловчи машинага ўтириб йўлга чиққач, ташқарида ёмғир шивалай бошлади. Бу ҳаво ичимни туман каби чирмаб олганди. Икки дард орасида тўлғонар, қўйиб беришса, бетиним ҳайқиришга чорим бор эди.

Ҳа, қисмат мени жуда-жуда олисга итқитиб тапиади. Энг яқин инсонларни кўришдан, уларнинг товушини эшитишдан, меҳрига қонишдан мосуво бўлдим.

Ўзини кўрмасам-да, бувижонимдан кўнглим тўқ эди. Фақат ўша кишигина мени соғиниши, эслashi, алқашидан умидвор юардим. Энди-чи? Буни ҳам Худо менга кўп кўрди. Энди бувим йўқ. Ҳеч қачон қайтмайди. Бундан кейин ўша қадрдан ҳовлига юрак ютиб бора олмайман. Бора олганимдаям, ярам бардамалайди, ўтган кунлар ёдимга тушиб баттар азобланаман...

Шундай хаёллар исканжасида қишлоқقا тушдан сўнг кириб бордим.

Бу гал илгаригидек табиат, қишлоқ тўзалигига ўзтибор берадиган аҳволда эмасдим. Қалбимни икки дард кемириб борарди. Бир дарднинг чўғида куйиб улгурмай, иккинчиси забтига оларди.

Узоқдан ҳовли дарвозаси олдида қаторлашиб ўтирган эркакларни кўриб юрагим орзиқди. Ҳўрлигим келиб хўрсина бошладим.

Бошимдаги дўппини бостириброқ олдим-да, қадамимни тезлатдим.

Йўқ, бу менга бўлган ҳурмат эмасди. Қишлоқда одат шунаقا. Фотиҳага катта келадими, кичикми, ўтирганлар даст ўрнидан туриб қўл қовуштирганча фотиҳачини қарши олишади.

Мен лабларим билинار-билинмас титраб, буш жойга чўкдим. Қишлоқ имоми тиловат қилди. Юзларга фотиҳа тортилгач, таомилга кўра яқин қариндошлар билан қучоқ очиб кўришиб, бир-биримизга ҳамдардлик билдијидик. Шундан кейингина ичкарига кирдим.

Онам, холаларим ва шу каби узок-яқын қариндошлар жамланишган экан.

Мени күришлари билан йифи-сигини бошлиши. Бундай лаҳзаларда азалдан ўзимни тутиб турға олмасдим. Күз ёшларим икки юзимни ювганча онамни бағримга босдим.

— Болагинам-эй, — ув тортиб йиғларди онам. — Бувинг раҳматли ўладиган куниям қўшиқ айтиб йўлингни пойлади. Юраклари эзилиб кетди сени кўрармиканман деб.

Мен индамадим. Сукут сақлаганча бир муддат туриб қолдим. Сўнгра ҳеч кимга эътибор қилмай, бувим яшаган хонага кирдим. Деворга бувижонимнинг сурати осиғлиқ эди.

Хаёлан саломлашдим. Кўзларимиз тўқнашди. Бувим гўёки ўлмагандек эди. Менга тикилганча жилмай-иб турарди.

— Бу дунёда ёлғиз сизга суюниб яшардим, — кўнглимдан ўтказдим. — Энди нима қилай, айтинг? Туқсан билан одам ота-она бўла қолмас экан. Сиз мени фарзандларингиздан да азизроқ кўрадингиз. Мени еру кўкка ишонмасдингиз. Энди ким мени азиз қиласди, бувижон? Кимга керакман? Энди сиз йўқсиз. Мана шу суюкли хонангизга бундан буён юрак ютиб эркин кириб кела олмайман. Буни сезиб турибман. Чунки сиз йўқсиз. Сиз бўлмаган масканга оёқ босишмидан не наф? Фақат... Мендан ранжиманг! Қаерда бўлмай, ҳамиша қалбимдасиз, сиз мен билан биргасиз. Негаки сизсиз менга бу ёруғ дунё тор, файзсиз. Агар сиз кўнглимда яшамасангиз, унинг бағрига сирмайман. Бувижон, мени дуо қилинг! Ёмонликлардан, азоблардан, тушкунликлар ботқогига ботаверишдан чарчадим. Менга яна суюнч бўлинг! Мени ёлғизлатиб кўйманг!..

Бир ахволда ҳовлига чиқдим. Яқинлар менга негадир сирли қарашар, онам эса яқинлашишга иккиланган кўйи бир четда мунғайиб турарди.

Юрагимга қил сиғмади. Ҳеч ким билан гаплашишни, дардлашишни хоҳламадим.

Хаёлларимни кўксимта опичлаганча кўчага йўл олдим. Ортимдан кимларнингдир «Ҳой, Қодир, тўхта! Қаёққа кетмоқчисан? Бувингнинг маъракасини ўткашиб кетмайсанми?» дея ҳайқиришлари қулогимга чалингандек бўлди. Бироқ улар томон ўгирилишга, жавоб қайтаришга ўзимда куч топа олмадим.

Мен зудлик билан шаҳарга жўнашим, қора қисматим йўририга тушишим шарт эди. Шундагина ўзими тинчланадигандек, ғамларни унутадигандек ҳис этардим.

* * *

Чамаси эллик-олтмиш қадамча юриб, эски, ташландик зовурдан ўтиб қолаёзгандим. Онамнинг қичқиригини эшишиб таққа тўхтадим.

У юргурганча орқамдан келар, тез-тез кўз ёшлирини енгига артиб оларди.

— Мунча шошмасанг кетишга? — дея олдимни тўсди онам етиб келиб. — Мундай қариндошларминан гаплашиб ўтирмайсанми?

— Кўнглимга сиғмайди, — дедим бош зигб. — Бу ерда турсам, ўаттар қийналяпман. Ундан кўра, кетаверганим дуруст.

Онам бир оз ўйланиб турди-да, кўзларимга бокди.

— Бувинг, бобонг сени атак-чечаклигингдан катта қилишди, — лаблари пулкиллаб сўз қотди онам. — Ўзлари едирмай едиришди, ичмай ичиширди. Энди курукдан-куруқ келиб-кетмагин-да!

Бу гапларни тушунмадим. Онамнинг ниятини англай олмай, елка қисдим.

— Бу нима деганингиз? Нима қилишим керак эди?

— Фарзанд деган ота-онаси оламдан ўтгач, атаганини уйда қоладиганларга ташлаб кетмайдими? Маржумларнинг маъракаси, ҳайити дегандай... ўзига яраша маросимлари бўлади-ку!..

— Ҳа-а, шундай демайсизми?.. Биласизми, ҳозирги аҳволимда биревга ёрдам бера олмайман. Зўрга кунимни кўриб юрибман. Ҳозир шаҳарга борсам, чўнтағим қурийди, буни биламан. Демак, қандайдир иш топиб тирикчилик пайида бўлишим керак.

— Юраверган экансан-да қаёдаги қаланғи-қасанги хотинга уйланиб! — энди койишга ўтди онам.

Бу гапи менга оғир ботди. Гарчи қишлоққа келгач, барибир Сусанна ҳақида ҳақоратли сўзларни эшишишни олдиндан сезган бўлсан-да, барибир кўтара олмадим.

— Сусаннани назарда тутган бўлсангиз, — дея онамга совуқ тикилдим. — Адашасиз. У жуда яхши аёл. Баҳоси йўқ. Менминан қанча оғир кунларни кўрмади... Охири... Хуллас, менга бошқа бундай гапларингизни галирманг!.. Ҳар ҳолда, сизларга ўхшаб хўрлаб кўймади...

— Жа жигарингдан урибди-да ўша армани!.. Бўпти, пул бермасанг берма! Лекин-чи, ўша хотинингни етаклаб пешонамизга келмагин!.. Кечирмайман!..

— Хотирингиз жам бўлсин! Уйингизга қадам босмайман!.. Уни ҳеч қачон кўрмайсиз!.. Айтганча... Пуллим кўпайса, албатта қишлоққа келиб, бобом, бувимнинг ҳақига худойи қилганим бўлсин!..

Шундай дедим-у, хайр-маъзурни-да насия қилиб жўнаб қолдим.

То шаҳарга қатнайдиган машиналар турадиган жойга етгунча онамнинг аччиқ гаплари юрагимдан чиқмади. Кўнглим оғриди. Аламга тўлдим. Дунёдан тўйиблар кетдим. Тезроқ ўлишни, бувижонимнинг ёнига кетишни хоҳладим.

* * *

Одамзод темирдан ҳам метинроқ экан. Қишлоқдалигимда ботқоқдик қаърига фарқ бўлаётган жабрдийда каби ўзимни қўярга жой топа олмагандим. Ҳаётдан, одамлардан совиб бўлгандим. Лекин шаҳарга ет-

гач, имтиҳонлар бошлангани беихтиёр ёдимга тушди-ю, қайтадан кўз очган булоқдек отилганча керакли автобусга чиқиб олдим.

Мени имтиҳонлар икки кун аввал бошлангани ташвишга солиб қўйғанди. Агар бугун ҳам бормасам, келгуси ишларим чигаллашади. Сиртдан ўқишининг шуниси ёмон. Агар кўпчиликдан ортда қолсанг, тамом, қайта имтиҳон топшириш учун муаллимларни кундузи чироқ ёқиб ҳам топа олмайсан!..

Хайрият, баҳтимга ҳали имтиҳонлар бошланмабди. Бир-икки кунга кечикиришибди. Буни университет биноси қаршисида ўй суриб ўтирган Заҳро исмли курсодошимдан эшитдим-у, ташвишларим ариди.

Нафас ростлаб олган бўлдим-да, ичкарига кирдим. Узун йўлак мен каби сиртдан ўқийдиган талабаларга тўла эди. Таниғанларим билан сўрашдим. Танимаганларни оралаб ўтиб янада ичкарироқ юрдим.

Шу маҳал йўлак четидаги ўриндиқлардан бирида ўтириб астойдил китоб ўқиётган қизга кўзим тушиб тўхтадим. Қиз эртаклардагидек соҳибжамол бўлмасада, гўё юзларидан нур ёғиларди. Истараси нигоҳларни куйдиргудек қайноқ эди. Айниқса, майнин, узун ва тундек қоп-қора ёйиқ соchlари жон олгудек жозибали кўринарди.

— Наҳотки, шу қиз ҳам менинг курсодошим бўлса?
— хаёлимдан ўтди. — Бу қиз қайси толеи ярақлаганнинг суюклиси экан? Ота-онаси ким? Қаерлик? Қанийди яқин танишим бўлса-ю, у билан узоқ-узоқ ширин сұхбатлар қурсам!..

Ҳа, бораман олдига. Ниманидир баҳона қилиб гапга тутаман.

Шундай ўйлар билан қизга яқин бордим. У ҳам нимадир демоқчилигимни сезди, шекилли, китобдан бош кўтарди. Узун киприклари пирираб, менга савол назари билан бокди.

— Сизам бизнинг курсданмисиз? — сўрадим да-дилманиб.

— Ҳа, нимайди? — бирдан қизнинг қошлари чимирилиб, истамайгина жавоб қайтарди.

Мен учун шунинг ўзи кифоя бўлди. Қизнинг товуши ҳусни-жамолига сира мос тушмади. Қандайдир йўғонроқ, ёқимсизроқ чиқди. Демак, Сусаннага сира ўхшамас экан. Чунки унинг товуши ҳам ёқимли эди. Кейин... Сўзлаганда меҳр билан сўзларди. Совуққон эмасди.

Ташқи гўзаллик ҳам алдаши мумкин экан-да!..

Боягина юрагимни қамраб олган ҳавас ўти бирдан сўниб, кетишга чоғландим.

— Шунчаки... Бир нарсани сўрамоқчийдим, — дедим-у, ўтиб кетдим.

* * *

Юрагинг тор бўлгандан кейин қийин-да! Қизнинг муомаласи, совуққон нигоҳлари ҳануз кўз олдимдан кетмас, уни ўйлаганим сари жиним қўзирди. Ора-ора-да шундай қиз ҳаётда ҳамроҳ бўлмаганига шукр қиласдим.

Бирпаслик айланиб юриш ҳам жонимга тегди. Аудитория оралаб юраверишдан наф йўқлигини англадим. Имтиҳонларнинг аниқ кунини билиб олдим-да, ташқарига чиқдим.

Кечгача пул топишнинг пайига тушмасам бўлмасди. Акс ҳолда тағин қийин аҳволда қолишим ҳеч гапмас.

Ҳали бекатта етиб келмагандим. Дараҳт остида кимнидир кутиб турган Олим акага кўзим тушди. Одининга кўрмасликка олиб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин улгурмадим. Олим aka мени кўриб бўлган экан. Кулимсираганча яқин боришимни кутди.

— Бормисан, жигар? — дея мени бағрига босди Олим aka. — Қаерларда юрибсан? Нимага уйга ўтмай қўйдинг?

— Ўқишлиар кўпайиб кетди, — баҳона қилдим. — Ҳозир ҳам имтиҳон топшириш илинжида келгандим. Қолдиришибди.

— Тирикчилик, ҳаёт нима бўляяпти, ука? Иш топа олдингми?

— Йўқ, ака, топмадим, — дедим бош эгиб.

— Ие, унда нимага олдимга бормадинг? Ишсиз кун кўриб бўларканми ҳозир?

— Мардикорчилик дегандай... — худди айб иш қилган одам каби ўзимни оқлашга уриндим.

— Бунақаси кетмайди. Ҳарқалай, ака-уқадай бўп қолдик. Сен буёқда қийналиб, дардинг ичингда юрсанг, менгаям татимайди... Хўш...

Олим ака бош қашиб олди-да, чўнтагини ковлаб кичик қофозча чиқарди.

— Манавини ол, — деди қофозчани қўлимга тутқазиб. — Шу ерда ёзилган манзилга бориб бошлиқнинг қабулига кирансан. Мени айтди, десанг бўлди, муаммо чиқмайди. Газетада ишлайсан. Бундай юрмагин, уят бўлади.

Бу янгиликни эшитиб қувонганимдан сал қурса ҳайқириб юбораёздим.

Аммо дарҳол ўзимни тутиб Олим аканинг қўлини сиқдим.

— Ака, яна ўзингиз ёрдам бераркансиз-да! — дея оғир хўрсиндим мен. — Бу яхшилигингиз...

— Асло ундан дема, хафа бўламан, — гапимни кесди Олим ака. — Сен менга бегона эмассан. Наргизанинг руҳи шод бўлсин, илойим! Раҳматли сенга жуда суюниб қолганди. Умри қисқа экан... Майли, эртагаёқ шу манзилга бориб учрашгин. Кейин менга қўнироқ қилиб, натижасини айтарсан!..

Биз Олим ака билан қуюқ хайрлашдик. У то мендан узоқлашгунча ортидан қараб қолдим. Ҳаёлан унга ташаккурлар айтдим, Яратганга шукр қилдим.

* * *

Энди мен ҳам ишлайманми? Ҳар куни эрта туриб ишхонамга чопаманми? Кечқурун чарчаб дам олишнинг, кун бўйи ортирилган ёқимли таассуротларнинг

закини сураманми? Бундан буён қандай күн күриш ҳақида қайғуриб хуноб бўлмайманми?

Шу саволлар то ижара квартирамга яқинлашгуним-ча миямда айланаверди. Туйғуларимни жиловлашга уринардим, бироқ улар менинг раъйимга қарамас эдилар. Гоҳ кўлларимни мушт қилиб, тиззамга муштлар, гоҳ ўзим сезмаган ҳолда кулиб кўярдим. Ҳа, юрагимда айни лаҳзаларда ҳақиқий байрам ҳукмрон эди.

Йўлак рўпарасига етганда бирдан тўхтадим. Ҳайрон бўлдим. Атрофимга алақ-жалақ боқиб қаерга келиб қолганимни англашга ҳаракат қиласидим.

Ҳақиқатан, нега келдим бу ерга ўзи? Сусанна билан абадийга хайрлашиб чиқиб кетмаганмидим? Бошка жой топишга аҳд қилмаганмидим?

Ҳозир кирсам, у квартирада ўтирган бўлса-чи? Дардларим янгитдан жунбишга келмайдими?

— Йўқ, — дедим хаёлан бир қарорга келгандек. — Менга барибир энди. Худога шукр, ишим тайин бўлди. Нима бўлганда ҳам керакли буюмларимни олиб чиқиб кетишим зарур эди. Башарти Сусанна кетган бўлса, қолавераман...

Йўқ, у ҳаётда қолмайди ёлғиз. Ўша танишиникiga боради. Мен уни яхши биламан.

Таниш эшикка яқин бориб, ичкарига кулоқ тутдим. Уй эгаси телевизорни варанглатиб олиди.

Демак, Сусанна йўқ. Кетган. Шуниси маъқул. Кўз кўзга тушмайди. Ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди.

Оҳиста эшикни итардим ва ичкарига кирдим. Биз яшаган хона эшиги ёпик экан. Куч билан эшикни очдим...

Не кўз билан кўрайки, Сусанна каравотга ястаниб олганча китоб мутолаа қиласиди.

Мени кўриб кескин бошини кўтарди. Кўлидаги китоб сирғалиб каравот устига тушди.

Қадрдон ҳислар қайтадан уйғонди. Қалбимга игнадек нур оралаган каби чеҳрам очилди.

Аммо нима дейишни билмасдим. Тилим танглайымга ёпишган күйи тек туардим.

— Сен... Кетмадингми?.. — ниҳоят ўзимни құлға олиб, атайин сүрадим. — Ахир...

* * *

— Қаерга кетаман? — саволимга савол билан жавоб қайтарди Сусанна. — Кейин... Сизни ташлаб қайгаям кетардим?!

— Ие, — яна ўзимни ҳайратта тушганга солдим. — Адашмасам, биз бир умрга хайрлашгандик. Мен билан яшаши истамагандинг?..

Сусанна ортиқ сүз демай, аста ўрнидан турди-да, келиб мени қучди. Шу тахлит бир муддат сукутта толди.

Мен унинг ёқимли ифорга тұла майин ва қалин сочларидан сездирмайгина түйіб ҳидладим. Таниш ҳид димогимга урилган заҳоти вужудимда титроқ турди. Охири чидолмадим. Сесканиб-сесканиб уни қаттиқ қучиб олдим ва сүрадим:

— Кечирдингми мени? Айт, кечирдингми? Мени ташлаб кетмайсанми?

— Аҳмоққинам! — мени эркалаб юзини юзимга босди Сусанна. — Мен шунчаки сизни синааб күрмоқчи бўлгандим, холос. Иродангиз мустаҳкамроқ, қалбингиз тош каби қаттиқроқ бўлишини хоҳлагандим. Сиз мендан-да кучлироқ, тошбағирроқ, совуққонроқ бўлингизни истагандим. Кечириңг!..

Мен яна бир карра суюклигимнинг тадбирилиги, синовчанлигига тан бердим.

Шунчалик тан бердимки, беихтиёр хохолаб кулиб юбордим.

* * *

Эртаси куни тиниқиб уйғондим. Юрагимда заррача ғубор йўқ, кайфиятим аъло эди. Ўрнимдан туриб менга ўтли боққанча тек қотган Сусаннага яқинроқ ўтирдим.

Ха, ҳозир тунда ваъда берган «сюрпризим»ни албатта айтишим керак. Биламанки, у хурсанд бўлади. Чунки бу бизнингазалий орзумиз. Ишга жойлашишим биз учун катта бир байрамга айланиши зарур. Шундай бўлади ҳам.

— Биласанми, мен сенга қандай гап айтаман? — жилмайиб унга боқдим. — Кўнглинг нимани сезяпти?

— Тағин ариқчадан пул топволдингизми? — кулиб сўради Сусанна. — Шунақа бўлса керак.

— Йўқ, — дедим муддаога ўтишга шошилмай. — Қайси аҳмоқ ҳар гал атайнин мен учун ариқчага пул ташлаб кетарди? Унданам зўр янгилигим бор.

— Айта қолинг! Намунча яширасиз? Тезроқ бўлинг! Акс ҳолда юзингизни тирмалаб ташлайман!

— Йўқ, йўқ, — нарироқ сурилдим ўзимни худди унинг ҳазилига ишонгандек кўрсатиб. — Бўлди, айтаман.

— Қани, бошланг!

— Мен бугун ишга жойлашаман.

— Нима? Ростданми? — қувониб ўрнидан туриб кетди Сусанна. — Қанақа иш? Соҳангиз бўйичами?

— Ҳа-да! Газетага! — дедим ясама керилиб. — Олим aka гаплашиб берадиган бўлди.

— Ў, табриклийман!..

— Сусанна, — дея маъюс тортиб жуфтимни бағримга тортдим. — Энди биз ҳеч қачон азобда яшамаймиз. Фақат эртанги кунимизнинг ширин ташвишлари билан банд бўламиз. Ишон, бундан буён ҳеч қачон сенинг кўзларингга ёш кўнмайди!

— Илоҳим шундай бўлсин! Вой, унда нега ҳалиям ўтирибсиз? Ҳадемай соат тўққиз бўлади. Бора қолинг кечикмай!

— Хўп, бораман. Албатта бораман.

Шундай дедим-у, даст ўрнимдан туриб кийинишига тутиндим.

* * *

Ойлар ўтиб борарди. Ҳаш-паш дегунча ўлмаган қул қишига ҳам етиб келдик. Яланғоч дарахт новдалари қалин қорни күтара олмай йўқсил каби қаддини эгиб қолганди. Ҳовлида яшовчилар омборларни титкилаб яна қор кураш илинжида белкуракларини қўлларига олди. Дарахтзорларни қарғалар босди. Қиши сувуғида у ёқдан бу ёққа учиб, тоҳ югуриб емиш қидираётган безовта қарғаларга боқарканман, яқин ўтмишда кечирган оғир кунларимни эсга олишга мажбур бўлардим. Шунинг учунми, бу югурик қушларга сира озор бергим келмасди.

Ҳарқалай, ишларим юришгандан юришди. Ҳар куни ишхона юмушлари билан чопар, кабинетда қолган вақтларимда турли мавзудаги мақолалар тайёрлаб чарчамасдим. Аксинча, бундан завқ олардим.

Шундай кунларнинг бирида тонг маҳали бошқалар қатори ишга келдим. Одатта кўра, бир кунлик ишни режалаштирдим. Сўнгра деразадан ташқарига боқиб қорнинг гупиллаб ёғишини томоша қила бошладим.

Оlam гўё оппоқ либосга бурканган келинчакни эслатарди. Унга нафақат менинг, балки ҳамманинг тикилгиси, шодлангиси келади. Кўнгли яйраб аёз бобонинг зийнатига тасаннолар айтади.

«Бахтимизга кўз тегмасин-да, ўйлардим беихтиёр юрагим фаш тортиб. Ташвиш, азоб, ғам худди қишининг совуғига ўжшайди. Ўз йўлида ҳеч кимга шафқат қилмайди. Бўшашсанг, сени ер билан битта қилади-ю, йўлида давом этаверади. Ачинарлиси, уларнинг кети йўқ. Бири ўтди дегунча, ҳали нафас ростлаб, ўзингни ўнглаб улгурмай, бошқаси эза бошлайди. Тош қотганча музлаб қолаверасан... Ишқилиб, яхши кунларга етганимиз рост бўлсин!»

Шу пайт кабинет эшигини кимдир тақиллатгандек бўлди. Ҳушимни йиғдим-у, эшик томон йўналдим.

«Чет муаллифлардан бири бўлса керак» деган хаёлда истар-истамас эшикни очдим.

Не кўз билан кўрайки, қаршимда Шарифа қовоги уйилган, кўзлари қизарган ҳолда менга совуқ тикилиб турарди.

Бир неча сония нима қилишни билмай довдираб қолдим. Ахир, у менинг шу ерда ишлашимни қаердан эшита қолди? Ё тағин Сусаннага қўнғироқ қилдими? Нега келди? Мақсади нима?

Қисқа муддат ичидай шундай саволлар миямни кемириб ўтди.

— Кирсам майлимни? — орадаги жимликни бузиб сўради Шарифа. — Сиздан сўраяпман!

Мен сўзсиз унга йўл бўшатдим.

Шарифа худди қадрдан ва таниш гўшага киргандай, сира тап тортмасдан курсилардан бирига чўкди.

— Ҳалиям паришонлигинги қолмабди-да! — деди киноя аралаш. — Мундай меҳмон кутишниям ўрганмабсиз. Олдингизга кириб келса, мум тишилагандай жим бўўп қоласиз. Анави арман хотинингиз ўргатмадими дейман муомалани?

— Сенга нима? — жеркиб ташладим уни. — Мен шунчаки... Бу ерга дабдурустдан кириб келишингни кутмагандим, холос. Хўш, қайси шамоллар учирди? Адашмасам, мени кўришга кўзинг йўғиди, шекилли?

Шарифа бирдан бошини эгганча ўйга толди. Орасирада бармоқларидаги тилла узукларни асабий айлантириб, менга ер остидан қараб олди.

— Болангиз борлиги эсингиздан чиқиб кетибди, — деди ниҳоят. — Шуни эслатиб кўяй, деб келувдим.

— Нима? — бу гапни эшитиб эсхонам чиқиб кетаёзди. Гўё асаб томирларим дафъатан торайгандек, миям пешонамни ёриб чиқадигандек сакраб ўрнимдан туриб кетдим. — Бола дедингми? Қанақа бола?

— Ўзингизни жиннилилка солманг! — бўш келмасди Шарифа. — Сизнинг жазавангиздан кўрқадиган аҳмоқ йўқ. Феълимни яхши биласиз. Жаҳлим чиқса, ишхонангиздагиларнинг олдида бир тийин қип ташлайман.

— Сен ўзингни ким деб ўйлаяпсан? — шу паллада ўтмиш аламларим қайтадан қўзғалди. Юрагимнинг бир четига чўккан зардоб аъзойи баданимга ўрлади...

Йўқ, мен бу ҳақоратларга бардош бера оладиган аҳволда эмасдим. Югуриб бориб кабинет эшигини ланг очдим.

— Қани, чиқ обрўйинг борида! Акс ҳолда милиса чақираман! Сен менимас, мен сени шармандангни чиқараман!

— Чиқиб бўпман! — безрайганча ўтираверди Шарифа. — Болани туғдирган эркак-чи, таъминлаб ҳам қўйиши керак!

— Ие, — дедим янада ҳайратим ортиб. — Бу гап қаёқдан чиқа қолди? Мен нега бировнинг боласини таъминлаб қўйишим керак экан? Сенда уят деган нарса борми ўзи?

— Уят йў-ўқ, йў-ўқ! — бақира бошлади Шарифа. — У сенинг боланг! Сенинг боланг!..

— Бақирма! Ҳозир ҳамма шу ерга югуриб киради. Ўзингга ёмон бўлади. Ундан кўра, манави ерга ўтирида, асл ниятингни айт!

Шарифага бу гапим ҳарқалай таъсир қилдими, титраганча жойига чўкди. Шу аснода менга ола қараб олган бўлди.

— Яқиндагина Собиржоннинг дадаси анави нусха эканини айтиб дунёга жар солгандинг, — шошилмасдан гап бошладим. — Энди бўлса, ҳе йўқ, бе йўқ бу ерга келиб мендан таъминот талаб қиляпсан. Нима, мен сен ўйлаганчалик овсар, аҳмоқмидим? Маскара-лаш ҳам эви билан-да энди!

— Эримни гапга аралаштирманг, — энди илгариги-дек мени «сиз»лашга ўтди Шарифа. — Ўша куни жиним қўзиги турувди. Буям етмагандай анави арманингизни етаклаб келганингиз ўлганнинг устига тепган бўлди. Шунчалик қўрқоқсиз, деб сира ўйламовдим.

— Мен қўрқоқ эмасман. Ўзи бирга бораман деб туриб олди. Бир ўзини бегона квартирада ёлғиз ташлаб

кетолмайман-ку! Қолаверса, сенам ёлғиз эмасдинг.
Үша қора мүндинг ёнингдайди. Нима бўпти?..

— Уни ҳақорат қилманг! — дея ўқрайди Шарифа.
— Худога шукр, эрим ҳақиқий эркак! Вазифасини
аъло даражада уддалаяпти.

— Кўрдим қандай уддалаётганини. Жа қотирворо-
ётган экан.

— Ажаб бўпти! Ҳадеб гапни айлантираверманг!

— Хўп, айлантирмасам, мендан нима хоҳдайсан?

Шарифа бир оз тараддуланиб турди-да, мақсад-
га кўчди.

— Болага алимент тўлайсиз. Ҳар ойда.

— Алимент? Ҳа-я, эсим қурсин, ажрашгандан кейин
аёллар алимент можаросини бошлишини унтибман.

— Неча ой Собиржон сизсиз яшайтган бўлса, ўша
ойлар учун ҳам тўлайсиз.

— Шу холосми? — сир-бой бермасликка уриниб
хотиржам сўрадим. — Бошқа гапинг йўқми?

— Ҳозирча йўқ, — деди Шарифа лаб буриб. — Ба-
шарти чиқиб қолса, айтарман.

— Яхши, — дея столни чертдим. — Алиментдан
қочиш йўқ. Чунки ўша бола меники. Буни сенлар бил-
маган тақдирдаям, Худо билиб турибди. Аммо мени-
ям бир шартим бор. Бунга нима деркансан?

— Қанақа шарт? — тутоқиб кетди Шарифа. — Шарт-
ни бу ерда мен қўяман, биласизми шуни?

— Ҳаддингдан ошаверма! Сенга алимент керакми,
тўлайман. Фарзандим учун харажатдан қочмайман.
Лекин сенам эшитиб қўй, квартирани сотамиз-да,
пулинни аппа қиласиз.

— Нима? — Шарифа кўзлари ола-кула бўлиб икки
қўлини столга тираган қўйи аста ўрнидан турди. —
Квартира? Қанақа квартира?

— Менинг номимдаги квартира, — дедим ҳеч нар-
са бўлмагандек унинг кўзларига тик боқиб. — Энди
эринг бор, у сени уй билан таъминлаши керак. Ахир у
ҳақиқий эркак-ку!

— Кесатма! — қайтадан «сен»лашга ўтди Шарифа.
— Сен унинг тирногигаям арзимайсан!

Буниси ортиқча эди. Эркаклик фурурим поймол бўлганди.

Беихтиёр Шарифанинг юзига чанг солдим. Бироқ шу заҳоти қўлимни тортиб олдим.

Биламан, Худо кўрсатмасин, ҳозир унга қаттиқроқ тегсам, тамом! Оламни бузиб жар солади. Шармандаларча сочини юла бошлайди.

— Мен билмайман, — дедим пинагимни бузмаслика тиришиб. — Квартирани сотамиз. Ана ундан кейин алимент ҳақида гаплашамиз.

— Шунақами? Энди ўзингдан кўр! Мен сенминаң суд залида гаплашаман!

— Қўрқитгани бошқа одам топ. Мен судлашишдан қўрқмайман. Ўша ердаям асл башарангни ошкор қиласман. Менам сен ўйлаганчалик анойи эмасман!

Бу гапларим унга росткамига таъсир қилди. Энди Шарифа пиқиллаб йиглай бошлади.

— Сиз бўлими бўлсангиз, Собиржоним етим қолмасди, — деди қаттиқроқ йиглаб. — На уй, на ота-онангизнинг тайини бориди. Сизга қўшилиб менам сарсон бўлганман. Эссиз умрим!..

— Мени кўз ёшинг билан юмшатолмайсан. Худога шукр, ҳақиқат бор экан. Кўчада қолаётганим йўқ. Маза қилиб яшаяпман.

— Ундан нарига ўтиб кет! — Шарифа кутилмаганда қўлига бозор сумкасини олди-да, бақирганча ташқарига йўналди. — Худо кўрсатиб қўяди ҳали! Боламнинг уволи тутмаса розимасман! Илоё, ўша арманинг икки йўл орасида қолдириб кетсин! Ўшандада биласан қадримни, ифлос! Ўшандада биласан!..

— Хўп, унда нега болани кўришимга, уни бағримга босишимга изн бермайсан? Нимага униям, мениям қийнайверасан? Бундан сенга не наф?

— Керакмас! Энди бир камим боланинг мияси заҳарланиши қолувмиди?

— Нега заҳарланади? Ўйлаб гапиряпсанми?

— Сиздан-чи, ҳамма нарсани кутса бўлади. Бола қўлингизга тегса, тамом, уни мендан бездеришга тушиасиз. Анави арманингизам анойимас... Йўқ, мен болани сизга кўрсатмайман. У менинг болам, вассалом!..

Шарифа шундай деб зипиллаганча ташқарига йўл олди.

Ортиқ сўз демадим. Дардимни ичимга ютдим-у, қалбимдаги афсусларни бағримга босганча қолавердим. Ҳатто уни кузатиб ҳам чиқмадим. Бошимни чангллаганча курсида ўтиранвердим.

Шарифанинг товуши то йўлак охирига етгунча кулоққа чалиниб турди.

Шарифанинг бу қилиқлари жонимдан ўтаёзганди. Шу куни вақт қандай ўтганини билмадим. Унинг қичқириқлари, ҳақоратли сўzlари гўё қулоқларимга ўрнашиб қолгандек эди. Кимнингдир илкис товуши ҳам мени чўчитиб қўйган каби сапчиб кетавердим.

Шундай аҳволда уйга келдим. Уйда ҳам вазият чигал экан. Пиёниста ҳе йўқ, бе йўқ бир ойлик ижара ҳақини талаб қила бошлади. Маошдан берай деганимга кўнмади.

Нима қиласай? Мусофириларнинг куни, қисмати шундай яралган экан. Сусанна иккимиз қовоқларимиз осилганча бошқа мавзега йўл олдик. Негадир ўша ёқдан паноҳ топадигандек юрагим ҳовлиқди.

Йўл бўйи бир сўз демадик. Айтишга сўз ҳам қолмаганди. Сукут сақлаган қўйи кўп қанатли уйлардан бири рўпарасида тўхтадик.

Вақт шомдан ошган. Ҳали замон қоронги тушади. Агар жой топмасак, яна кўча кезиб вақт ўтказишга мажбур бўламиз.

— Сен шу ерда тура тур, — дедим Сусаннага. — Мен ичкарига кириб чиқаман. Ана, уй-жойлар бошқарма-

сиям шу ердага ўхшаяпти. Ажабмас, бошлиғи инсоф қилиб ижарага жой топиб берса!

Қалбим музлаганча ичкарига қадам күйдим. Хона түридаги стол қаршисида ёши олтмишдан ошган басавлат бир эркак нималарнидир қозозга тиркаш билан банд зди. Мени күриб күзойнагини бир четга күйди-да, ҳайрон бўлиб қараб қолди.

Салом бердим. Шундан кейингина у мени ичкарига таклиф қилди.

— Хўш, бўтам, нима юмуш билан келдингиз? — мулоимлик билан сўради у. — Бирор муаммо борми?

— Мен... — тутилиб гап бошладим. — Келинингиз билан ижарага жой қидираётгандик. Шунга... Умид билан одингизга киргандим.

— Шунақами? — гавдасини орқага ташлаб менга ўйчан тикилди у. — Жой керак денг, бўтам? Ўзи нима иш қиласиз?..

— Талабаман, — дедим негадир иш жойимни айтгим келмай. — Университетда ўқийман.

— Талабаман денг?.. Ҳм-м-м... Тушунаман, тушунаман. Мусофиричиликда жойсиз қолищдан ёмони йўқ, бўтам. Ёмон бўпти! Ёмон бўпти! Сизга қандай ёрдам берсан экан-а? Ҳа, эсимга тушди. Жой бор!

Эркак шундай деб ўрнидан туриб кетди.

— Мана шу домнинг ўзида битта бўш квартира бор. Лекин ичиди ҳеч вақо йўқ. Куп-куруқ. Агар бўлаверади десангиз, ўша уйга кириб яшайверинг! Коммунал тўловларни тўлаб турсангиз бўлди.

— Чинданми, амаки? — сўрадим теримга сифмай.

— Ҳозироқ кўчиб келсак бўлаверадими?

— Фақат оиласиларни кўяман, — огоҳлантирди эркак. — Ёлғиз бўлсангиз, ҳозир айтиб кўяверинг!

— Йўқ, ёлғиз эмасман. Келинингиз ташқарида кутиб турибди, амаки!

— Яхши, унда шошилинг! Ҳадемай қоронги тушади. Мана калит, тўққизинчи қаватга чиқиб, 20 квар-

тира эшигини очасиз. Ҳойнаҳой чангга ботиб ётган-дир. Супур-сидир қилиб оласизлар!

— Раҳмат сизга! — дея эркакка кўл чўздим. — Сизни бизга Худонинг ўзи етказди, раҳмат!

— Бахтингизни берсин!

Ташқарига гўё қуш каби учиб чиқдим. Чиқдим-у, уй панасида турган Сусаннани маҳкам қучдим ва қулоғига шивирладим.

— Топдим уйни, топдим! Кўчада қолмайдиган бўлдик!

* * *

Камбағалнинг дарди ариса дунёда ундан-да баҳтироқ, қувноқроқ одам бўлмайди.

Биз эндигина ҳақиқий ҳаётни кўргандек эдик. Раҳмонали ака берган квартирада иккимииздан бўлак ҳеч ким йўқ. Уй эгасининг қош-қовоғига қарашиб, пиёнисталарнинг шовқинидан азобланиш балоси бизни четлаб ўтди. Сусанна ҳам эркинлик сабабми, пазандалика берилди. Ҳар куни тури мазали таомлар пишириб мени сийлайдиган бўлди. Дам олиш кунлари биргалашиб кўча айланиш, шаҳарда сайр қилишга одатландик. Бу росмана бир мустаҳкам оиланинг ҳаёти эди.

Ишларим ҳам юришиб борарди. Бошлиқлар менга энг долзарб мавзулардаги мақолаларни ишониб топширадиган бўлишди.

Таниш-билишлар орттиридим. Асосийси, эртага қандай кун кўриш, нима еб, нима ичиш ҳақида қайфуриб ич-этимни емайдиган, жуфтимнинг қаршисида мулзам туриб қолмайдиган бўлдим.

Шундай кунларнинг бирида қайсиdir туманга бориб материал тайёрладим. Энди таҳририятга қайтиб буни қорозга туширишим лозим эди. Агар кечгача мақолани раҳбарнинг столига қўймасам, гап эшишим турган гап.

Шошиб автобусдан тушдим-да, таҳририятга чопдим. Азбаройи шошилганимдан йўлакда турган ҳамхонам Юнус акани пайқамай қолаёзиман.

Билагимдан маҳкам ушлаб қолгач, жуда хижолат тортдим.

— Узр, ака, сизни пайқамай қолдим, — дедим унга боштргаб. — Жуда шошаётгандим. Биласиз-ку...

— Шунаңа экан-да! — ҳазил аралаш гина қылган бўлди Юнус ака. — Одамлар кучайса танимай қоларканми?

— Йўғ-э, унаңа деб одамни хижолатга қўйманг! Айтдим-ку...

— Ҳазиллашдим, — дея елкамга қўлини қўйди Юнус ака. — Аслида бошқа нарсани айтмоқчидим.

— Нимани? — беихтиёр ҳушёр тортдим. — Тинчликми, ака?

— Хонада хотининг ўтирибди. Сени кутяпти.

— Нима?

Бу хабарни эшишиб капалагим учди. Ҳаёлимдан тағин Шарифа келибди деган ўй қуюн тезлигига ўтиб, этим музлаб кетди. Бироқ Юнус акага сир-бой бермаслик учун ўзимни тутдим.

— Анчадан бери ўтирибдими? — дедим бўشاшиб.

— Бирор нарса демадими сизга?

— Йўқ, ҳеч нарса демади. Бир соатча бўлди, ўтирибди.

Кайфиятим зумдаёқ бир пул бўлди. Руҳим тушганча хаёлан унга берадиган жавобларимни чамалаб кабинет томон йўл олдим.

«Ҳеч ёруғ кун йўқ экан-да!» ўйлардим ўзимча. Энди тинч ҳаёт бошладим деганимда қаердандир ташвиш мўралаб тураверса! Тағин алимент илинжида келгандир ҳойнаҳой!

Жаҳлимни жиловлай олмай зарда билан эшикни очдим...

Ажабо! Ичкарида мени ҳайратда қолдириб Сусана ўтиради.

У кирганим ҳамоно даст ўрнидан турди-да, келиб кўксимга бош қўйди.

Мени бояги асабийлик ҳали тарк этмаганди. Қовоғимни уйганча ундан сўрадим.

— Нима бўлди? Ҳеч ишхонамга келмасдинг. Тинчликми ишқилиб?

Сусанна кўзларимга тик боқиб жилмайди.

— Кутмаганимдингиз? Тўғрисини айтинг, кутмагандингиз-а?

— Албатта, — дедим асабий оҳангда. — Ташқарида биттаси эсхонамни чиқараёзди. Хотинингиз келди, эмиш. Шарифамикан, деб бўларимча бўлаёздим. Қани, ўтири-чи! Нима гап?

Сусанна ўтиришга шошилмади. Дераза қархисига борди-да, мени ёнига чорлади. Бордим.

— Сизга зўр янгилик бор, — деди шивирлаб.

— Қанақа янгилик? Айта қолсанг-чи юрагимни ҳовлиқтирумай! Биласан-ку, бунақанги «янгилик»лардан юрак олдириб қўйганман.

— Сиз ота бўласиз! — деди Сусанна янада пастроқ товушда. — Эшитдингизми? Ота бўласиз, деяпман!

— Нима?

Бу жуда зўр хабар эди. Йўқ, шунчаки хабар эмас, ҳақиқий хушхабар эди...

Сусаннанинг бир оғиз гапи вужудимдаги бор губорларни булоқ суви каби ювиб кетгандек, елкамдан тоғ ағдарилгандек тўсатдан енгил тортдим. Шу қадар енгил тортдимки, қўйиб беришса, осмону фалакка учиб кетгудек шаҳдим бор эди.

— Ростданми? — қичқириб юбордим. — Алдама-япсанми?

Сусанна бош чайқади.

— Лекин хурсанд бўлишга шошилманг! Сизга ёмон хабарим ҳам бор.

— Ие, бу нима деганинг? Олдин ёмонидан гапирсанг бўлмасмиди унда?

— Йўқ, тўғри келмасди.

— Айтиқол, ўша ёмон хабарингният! — дедим ҳануз хурсандчилигимни яшира олмай. — Энди менга ҳеч қандай ёмон хабар таъсир қилмайди. Гапиравер!

Сусанна бир жилмайиб қўйди-да, ортга тисланди.

— Уйимизни меҳмон босди. Фақат жаҳлингиз чиқ-
масин! Шундай бўлиши керак эди.

— Қизиқ экансан-ку! — дедим елка қисиб. — Биз-
нинг уйгаям меҳмон келади-ю, жаҳлим чиқармиди?
Хўш, кимлар экан азиз меҳмонларимиз?

— Уф-ф,— Сусанна оғир хўрсинди-да давом этди:

— Ким бўларди? Ўгай отангиз, онангиз, тогангиз...

— Йўғ-э, — деб юбордим беихтиёр. — Ҳазиллашяп-
санми? Мени кўришга кўзи бўлмаган одамлар уйим-
га меҳмонга келарканми? Балки бошқа одамлардир?

— Худди ўзи. Онангиз таништириди.

— Шунақами? Шунчаки меҳмонга келишибдими?

— Йўқ, азизим, шунчаки эмас. Ўгай отангиз оғир ка-
сал. Уни тезда касалхонага ётқизмасангиз бўлмасмиш.

— Менга зарил кептими? — дедим шартта. — Бир
вақтлар ит кунини кўрсатган одамга-я? Бориб айт,
қайтиб кетаверишсин! Уларни кўришга тоқатим йўқ.
Асабим бузилади тагин.

— Ундан деманг! Буни қайтар дунё, деб қўйибди.
Яхшилаб ўланг, мулоҳаза қилинг. Сизга кўрсатган
қора кунлари учун Худонинг ўзи уни жазолаб туриб-
ди-ку! Сиз бундан хурсанд бўлишингиз керак. Худога
шукрлар қилишингиз зарур. Қаранг, биз қўчада эмас-
миз. Устимиз бут, қорнимиз тўқ. Улар эса кимлардан-
дир бизнинг қаерда яшаётганимизни аниқлаб, ўзла-
ри бош этиб келишибди. Демак, сиз ғолибсиз! Худо
сизни ярлақабди! Бунинг нимаси ёмон?

Мен бир муддат Сусаннага тикилиб қолдим. Қан-
чалар ақлли ва фаросатли аёл бу! Менинг кўзимни оча-
япти. Гафлатда қолиб кетган тафаккуримни уйғотяп-
ти. Бундай аёл билан бир умр бир ёстиқقا бош қўйиш
хўзурнинг ўзи эмасми?

Унга нисбатан азбаройи меҳрим товланиб, журма-
тим ошганидан аста бориб бағримга босдим-у, йиғ-
лашдан бери бўлиб базўр пичирладим.

— Яхшиям сен борсан, Сусанна!

Адабий-бадний панэр

ОЛИМЖОН ҲАЙИТ

АРОСАТЛАР ОРОЛИ

(*Биографик роман*)

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Мусаҳхиҳ
Нилуфар ЖАББОРОВА

Компьютерда сақиғаловчы
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Босишига 31.07.2012 й.да ружсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоги 9,75. Шартли босма тобоги 16,38.
Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қофоз.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 233.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими - 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz
интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail: info@yangiasr.uz